

Нажмиддин Комилов



**МАЪНОЛАР
ОЛАМИГА
САФАР**

Нажмиддин Комилов

МАЪНОЛАР ОЛАМИГА САФАР

(Алишер Навоий ғазалларига шарҳлар)



«TAMADDUN»
Тошкент — 2012

t.me/arzon_nashr

УДК: 821.512.133

ББК 83.3(5У)1

83.3(5У)1

К64

Комилов, Нажмиддин.

Маънолар оламига сафар: Алишер Навоий ғазаллари-
га шарҳлар / Н. Комилов. –Т.: Tamaddun, 2012. – 316 б.

ББК 83.3(5У)1

Филология фанлари доктори, профессор Нажмиддин Комиловнинг ушбу китоби улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг ғазаллари шарҳига бағишланган. Навоий ғазалларидаги фалсафага, ташбеҳ ва тимсолларга атоқли олимимиз қалб қузи орқали нигоҳ ташлайди. Сизни ҳар бир мисрадаги, ҳар бир сўздаги хикмат тоши билан берилган сайқал ва жилоларга ошно қилади.

ББК 83.3(5У)1

ISBN 978-9943-377-70-7

©Н. Комилов, 2012 йил.

©«TAMADDUN» нашриёти, 2012 йил.

АРУЗИЙ ТАЛАФФУЗ

Мураккаб адабий ва илмий-ирфоний асарларни шарҳлаш бизда қадимий анъана. Ибн Сино, Ибн Арабий, Жалолиддин Румий, Хужа Ҳофиз, Мирзо Бедил асарлари турли даврларда шарҳ этилгани маълум. Баъзан алоҳида асарлар, баъзан бутун-бутун девонлар ёхуд алоҳида олинган асарлар (масалан, Саъдий Шерозийнинг “Гулистон” асари) маъно-мазмунини, ибора ва истилоҳлари тушунтирилган. Бу биринчидан, машҳур асарлар ғоялари, маъносини соддароқ тарзда кенг ўқувчиларга тақдим этишга қумаклашса, иккинчидан, шу баҳонада янги-янги асарларнинг яратилиши, улмас инсоний туйғулар, тафаккур ва ақлий-ижодий кашфиётларнинг ривожи, тулишиб боришига сабаб бўлган.

Жумладан, улуғ ўзбек шоири Низомиддин Алишер Навоий асарлари ҳам асарлар давомида турли даражада, турли тилларда изоҳланиб, шарҳланиб келинган. Бу унинг улмас ғояларидан кенг омманинг завқланишига қумаклашган, таълим-тарбиясида муҳим рол уйнаган.

Бадий асар, жумладан, ғазални шарҳлашнинг ўз талаблари бор. Аввало айтиш керакки, шарҳ бу ҳамма вақт асарнинг ўзини англаш учун ёрдамчи восита, у ҳеч қачон шоир асарининг ўрнини боса олмайди. Шарҳ, шу каби, том маънодаги адабий таъкид ёхуд тадқиқот ҳам эмас, гарчи унда тадқиқотий ва интерпретацион хусусиятлар бўлса ҳам. Шарҳнинг бош мақсади, таъкидлаганимиздай, асарнинг (жумладан, ғазалнинг) қийин иборалари, қўп маъноли мураккаб ўринларини соддароқ қилиб тушунтиришдир. Шундай бўлгач, қадимги шарҳларда қўпроқ истилоҳлар, тасаввуфий-ирфоний ибораларнинг маъзини чақишга эътибор қилинган. Шу каби асардан асарга, даврдан-даврга ўтиб келган тушунчаларнинг маъно ўзгаришлари, тимсол ва тамсиллар изоҳланган. Бунда дастлаб сўзларнинг луғавий маъноси, сўнгра тамсил (образ) сифатидаги роли,

кейин шу асосда шаклланган маъно жилолари, оригинал бадий нафосати, ифодавийлик жозибаси ҳақида гапирилган.

Биз ҳам Алишер Навоий ғазалларини шарҳлаганда шу усулдан фойдаландик, яъни: 1) асар тилидаги ҳозирги китобхонга тушунилиши қийин сузлар луғатини бериш; 2) байтларнинг насрий баёнини тақдим этиш ва 3) ғазалнинг умумий мазмун-маъноси, бадий хусусиятлари устида мулоҳаза юритиш. Уйлаймизки, бу анча қулай усул бўлиб, амалий аҳамияти кучроқ.

Энди бир икки ориз суз ғазал хусусиятлари ва ғазални уқиш, ундаги сузларни талаффуз этиш ҳақида. Зеро, ғазалдаги маъноларни тушуниш билан бирга ғазални уз вазни-оҳанги билан уқиш, талаффуз этиш ҳам жуда муҳим. Аслини олганда ғазални тушунмай, ундаги сатрларни туғри уқиш амри маҳол, шу каби ҳар бир ғазал уз вазни билан уқилмаса, ундаги маънолар ёрқин ва таъсирчан чиқмайди. Воқеан, ғазал — бу мусиқа, шу боис ундаги суз ва иборалар ҳам нозик, нафис, дилрабо. Битта сузгина эмас, битта товуш ёки қушимча нотуғри талаффуз этилса, оҳангига тушмаса, бутун асарнинг оҳори тукилади, ғализлик ва дағаллик юз беради. Ғазал, айниқса, Алишер Навоий ғазаллари ғоят санъаткорона тикилган ҳарир матога ухшайди, ундаги айни шу нафислик, куй маромини озгина бузсангиз, сузни белгиланган баҳр талабига риоя қилмасдан талаффуз этсангиз, ҳарир мато чок-чокидан ситилиб кетади. Эсдан чиқармайликки, Навоий ғазалларининг аксари рамал (фоилотун, фоилотун...) ва хазаж (мафойилун, мафойилун...) баҳрларида ёзилган. Муаллиф буни узининг “Мезон ул-авзон” асарида алоҳида қайд этиб, ҳар бир баҳрнинг имконият ва хусусиятлари, туркий тилни арузга тушириш йулларини белгилаб берган.

Алишер Навоий асарларининг вазн хусусиятлари ҳақида профессорлар И. Султон, А. Хожиахмедов, А. Аъзамов, Д. Салохий, Н. Жабборов, Б. Гухлиев, доцент И. Адизовалар яқин тадқиқотлар олиб бориб, талабаларга ёрдам берадиган фойдали амалий маслаҳатларни баён этганлар.

Аmmo, шунга қарамай, радио ва телевидение эшиттиришлари, ёш ҳофизларнинг мумтоз қушиқларни ижро этишларига диққат қилсак, Навоий, Бобур, Машраб, Оғаҳин ғазалларидаги суз ва ибораларнинг бузиб айтилиши, арузий оҳангга мутлақо туғри келмайдиган хониш ва декламациялар шоҳиди бўламиз. Бу кишини хафа қилади.

Афтидаи, нафақат филолог толиби илмлар, балки журналистлар, театр актёрлари, санъат даргоҳларида таҳсил олувчилар, айниқса, консерватория талабалари мумтоз шеърятни уқиш, қўйга солиб айтиш, хиргойи қилиш, сузларини талаффуз этишини жиддий урганишлари лозим. Кузатишлар газални уқиш ва қўйлашда қўйидаги камчиликлар борлигини кўрсатмоқда. Чунончи:

1. Аруз вазнини билмаганлик оқибатида асарни бармоқ вазнига солиб уқиш;

2. Ғазалдаги барча сузларни сидирғасига сунъий равишда қўзиб уқиш;

3. Арузнинг турли баҳрларида ёзилган ғазалларни бир хил баҳрда талаффуз қилиб, оҳанглар рангба-ранглиги, ҳар бир асарга хос жилони йўқотиш;

4. Асардаги сузлар ва иборалар, мумтоз шеърятга хос тил хусусиятларини бузиш.

Аввало шунини таъкидлаш жоизки, аруз вазнида ёзилган асарлар, айниқса, ғазаллар майин, оҳиста ўқилишини талаб қилади, асар сузларидаги ҳар бир бўғинга урғу бериш, баланд овозда зур бериб (баъзан кичкириб) уқиш мумкин эмас. Бу аруз вазни табнатиға зиддир. Ғазал – латиф ва поэтик маъноли жанр булганлиги учун уни нафақат қўйга солиб, қўшиқ қилиб қўйлаганда, балки, қироат қилиб ўқиганда ҳам ана шу майин, нафис оҳанг бузилмаслиги лозим. Бунинг учун эса аруз вазни, унинг баҳрларидан яхши хабардор бўлиш талаб қилинади. Негаки, айнан, “фонлотун”, “мафонълун”, “мустафълун”, “фаулун” каби шартли талаффуз улчовлари, уларнинг узаро алоқаси, қандай товушлардан тузилганини билган одамгина сузлардаги товушларнинг қисқа ва чузиқлигини англаб етади ва товушлар комбинациясидан ҳосил булган баҳрни илғаб олади. Арузда сузлардаги товуш ва бўғинлар баъзан алоҳида, баъзан эса бир-бири билан қўшилиб талаффуз этилади.

Чунончи, Навоийнинг қўйидаги машҳур байтини олайлик:

Оразинг епкоч кузумдин тукилур ҳар лаҳза еш.

Уилаким пайдо булур юлдуз ниҳон булғоч куёш.

Рамали мусаммани маҳзуф (фонлотун, фонлотун, фонлотун, фонилун) баҳрида ёзилган ушбу байт сузларининг тақтеъи (фонлотунларга тақсимланиши) қўйидагича:

О — га — зинг — ёп / қоч — ку — зум — дин / ту — ки — лур — ҳар / лаҳ — за — ёш
 Фо — и — ло — тун / фо — и — ло — тун / фо — и — ло — тун / фо — и — лун

Уй — ла — ким — пай / до — бу — лур — юл / дуз — ни — ҳон — бул / ёч — ку — еш
 Фо — и — ло — тун / фо — и — ло — тун / фо — и — ло — тун / фо — и — лун

Курнадики, вази чорчубасига тушириш учун ёпқоч, пайдо, юлдуз, булғоч сузларининг аввалги буғинлари узидан олдинги сузга қушиб талаффуз қилиниши керак. Аммо бунда табиий ва равон чиқиши, сунъийлик юз бермаслиги керак.

Энди товушларни чузиб талаффуз қилиш ҳодисасига келсак, албатта, аруз вазида ёзилган шеърларда бу жиҳатга эътибор қилиш лозим. Лекин бу дегани ҳамма унли товушлар чузиб талаффуз қилинади, деган гап эмас. Чунончи, форсий ва туркий мумтоз шеъриятда кунинча “о”, “и”, “е”, “у” унлилари баҳр талабига қараб баъзи жойда чузиқ талаффуз қилинса (яъни бир ярим ёхуд икки буғин урнида), баъзан бир оддий тулиқ буғин тарзида талаффуз қилинади. Чунончи, “Булмаса ишқ икки жаҳон булмасун” мисрасида ишқ сузи бир буғин сифатида талаффуз қилинса, “Ишқ эрур дурру кунгул дурж анга” мисрасида ишқ сузи чузиб (бир ярим буғин ҳажмида) талаффуз қилинади. Шу каби Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достонидаги “Эй ишқ, ғариб кимёсен” мисрасидаги ишқ сузи ҳам икки буғин ҳажмида чузиб айтилади. Айтиш керакки, осмон, офок, остона, моҳнайкар, моҳру, ошно каби сузлардаги “о” унлиси куп ҳолларда чузиб талаффуз қилинади. Шунингдек, ёпиқ буғинлар ва охирида икки ундош ёнма-ён келган сузлар ҳам арузий шеърда чузиб айтилади. Масалан, дуст, аржманд, судманд, мустаманд каби сузлар шулар сирасига киради.

Энди туркий тилдаги “а” товуши ҳақида. Форс ва араб тилларида “а” қисқа унли ҳисобланса, туркий шеъриятда у гоҳ қисқа, гоҳида чузиқ унли урнида келади. Айнқса, Навоий девонларида буни сезиш қийин эмас. Шоирнинг:

Курғали ҳуснунгни зору мубтало булдум санга.

Не балолиғ кун эдиким ошно булдум санга.

Байтнинг тақтеъи:

Фоилотун, фоилотун, фоилотун, фоилун. Яъни: рамали мусамма-ни маҳзуф. Бизни қизиктираётган нарса шуки, байт радифидаги сан-

га сузининг охириги унлиси “а” чузиқ унли сифатида қулланилмоқда. Демак, бунда “а” товуши “о” урнида келган. Шунга асосан, санга сузини санго деб ёзиш ҳам мумкин. Бундай сузларда диққатни тортадиган яна бир нарса шуки, “нг” тарзида икки ундош билан ёзиладиган товуш аслида бир ундош (?)дир ва у бир товуш сифатида талаффуз қилинади.

Албатта, бу ерда аруз баҳрларининг барча қодалари устида тухтамоқчи эмасмиз. Бироқ мумтоз шеъриятимизда аруз вазни талаби билан узоқ йиллар анъана сифатида шаклланиб қолган жиҳатларга қисқа тухтаб утишни жоиз деб ҳисоблаймиз. Булар қуйидагилардан иборат:

1) Икки хил кўринишда талаффуз қилинадиган сузлар. Чунончи: гаҳ-гоҳ, шаҳ-шоҳ, маҳ-моҳ, не-на, булур-улур, эди-эрди, даға-доғи, яна-ёна, барча-борча, Аллоҳ-Оллоҳ, яра-ёра, кофир-кофар, билан-била-ила, учун-чун, Мусо-Мусий, Исо-Иснй, Фаредун-Афредун, Исқандар-Сикандар, Лайли-Лайло, бараҳман-барҳаман, гулистон-гулситон ва ҳоказо. Шу каби ташдид – икки ундош ёнма-ён келган икки, етти, саккиз, туққиз, сирр, дурр каби сузлар вазн талаби билан баъзан ики, ети, туққиз, сир, дур шаклида ёзилиши ҳам мумкин.

2) Айрим атоқли отлар ва қўшимчаларни қисқартириш ёки эквивалентини айтиш. Масалан: Жамшид-Жам, Жаброил-Жибрил, Хабибуллоҳ-Хабиб, агар-гар-ар, лекин-лек, кошки-кош, балки-бал каби.

3) Сингармонизм (унлилар мувофиқлиги) ҳодисасининг тулик амал қилиши: булур, этуб, булубтур, кузум, укунч, кунгул ва ҳоказо.

4) Уюшуқ булақлар кетма-кетлигида “ва” боғловчиси ҳамма вақт “у” деб талаффуз қилинади.

5) Мумтоз адабиётда Хитой мамлакати – Хито (ёки Чин), Арманистон – Арман, Европа – Фаранг, Уйғуристон – Хутан, Туркия – Рум (Румо) тарзида, қадимги юнон олимлари номи арабийлашган шаклда (Арасту, Афлотун каби) келтирилган.

Ғазални уқиш “ёйи ваҳдат” (е) билан келадиган сузлар баъзан “и” деб, аксинча, изофа булиб келган “и”ни “е” деб уқиш ҳам ғазал маъносининг бузиб талқин қилинишига сабаб булмоқда. “ёйи ваҳдат” (е) бир киши ё бир нарсага ишорадир. Изофа булиб келган “и” эса —нинг қўшимчаси (қаратқич келишиги)га туғри келади. Масалан: “Ваҳдате булғай муяссар жом била май ичраким, Жому май лафзин дегон бир суз ила қилғай адо” байтнининг маъноси қуйидаги-

ча: “Жом билан май орасида шундай бир бирлашув, ягоналашув ҳосил булдики, жом билан май сузларини бир суз билан ифодалаш мумкин булади, яъни уларнинг маъноси бир тушунчада мужассамлашади”. Агар бу байтнинг биринчи сузини “ваҳдати тарзида уқисак, ҳеч бир маъно чиқмайди.

Навоийнинг “Қаро кузум” деб бошланадиган ғазали Тошкент роқи куйида ашула қилиб ижро этилишини биламиз. Баъзи хонандалар ғазалнинг “Навоий, анжумани шавқ жон аро тузсанг, онинг башоқлиқ укин шамъи анжуман қилғил” деган мактабидаги “анжумани шавқ”ни “анжуману шавқ”, “шамъи анжуман”ни “шамъу анжуман” тарзида талаффуз қиладилар. Ниҳоятда қунол хато бу! “Анжумани шавқ” шавқу-завқ, руҳий кутаринкилик ийғини. Анжуману шавқ-чи? Йиғилиш ва шавқ демак. Маъно йўқолган, ғазал таровати, шоир ҳислари бутунлай йўқолган. Шу каби шамъу анжуман бирикмаси (шамъ ва йиғин) ҳеч бир маъно ифодаламайди.

Ёки олайлик, Зебуннисо ғазали билан айтиладиган “Самарқанд ушшоғи”ни. Ғазалнинг охирги байти куйидагича:

Зақоти ҳусн агар медиҳи барои Худо,

Бие, ки Зебуннисо ҳамчу ман гадо инжост.

(Худо йулида ҳусн зақотини бермоқчи булсанг,

Келгинки Зебуннисо мен каби гадо бундадир).

Бу қушиқни ундан ортиқ хонандалар ижро этадилар, аммо ҳаммаси ҳусн сузини ҳусн деб талаффуз қиладилар. Энди диққат қилинг: зақоти ҳусни бу иборанинг на тожик тилида, на узбек тилида бирор маъноси чиқмайди. Ҳамма гап шундаки, қушиқни дастлаб ижро этган киши ҳусн сузини чузиб талаффуз этган. Бу — аруз вазни талаби, шундай қилмаса оҳанг бутун булмайди. Кейинги ижрочилар бу чузиқликни “и” деб шу андоза билан талаффуз қилишни одат қилганлар. Улардан лоақал бирортаси шоиранинг китобини варақлаб уқимаган, бир-биридан узлаштириб, хатони такрорлаб келмоқдалар.

Шунингдек, ғазалдаги сузларни ҳозирги куралишида талаффуз қилиш ҳам оҳангни бузишга олиб келади. Шамъни шам, ғайрни ғайир, васлни васил, тамаъни тама, суръатни сурат (ёки аксинча), қатъни қат, манъни ман тарзида уқиб, ҳам суз маъноси ва ҳам вазнини бузувчи “ғазалхонлар” анча. “Шамъи шабистон” дейиш урнинг “Шами шабистон” дейиш маҳбуба жамоли таърифида айтилган ибора урнинг рангсиз, таъсирсиз ташбеҳни тақдим этиш билан баробар.

Шу тариқа, мумтоз шеърят, жумладан, Навоий ғазалларининг узига хос тили, тасвирий воситалари ва арузий оҳангларга мувофиқлаштирилган жиҳатлари бор. Навоий ғазалиётида аруз вазнининг рамал ва ҳазаж баҳрлари куни қулланилган. Айниқса, рамал баҳрида ёзилган ғазаллар куччиликни ташкил этади, айгиш мумкинки, девонларнинг қарийб ярми шу баҳрда ёзилган ғазаллардан иборат. Шунга қарамай, ҳар бир ғазалнинг мазмун-маъносидан келиб чиқадиган ритмий хусусияти бор. Ҳар бири алоҳида жозиба ва таъсир кучга эга.

Бу муқаддимани ёзишдан мақсад шуки, биз усиб келаётган авлодга мумтоз шеърятни англаш, ундан руҳий лаззатланишни ургатар эканмиз, ғазал, рубоий, дostonларнинг ҳар бирини уз вазни-оҳангида уқиш, ғазал мутолааси қандай булишини ҳам таълим бериб боришимиз лозим. Мактаб ва олий уқув юртларида адабиёт дарслари, тугаракларда шунга эътибор қилинса яхши буларди. Шу каби радио ва телевидение каналларида, театр сахналарида чиқиш қилдиган ғазалхон бошловчилар, суҳандонлар тарбиялаш лозим. Айниқса, мумтоз қушиқларни ижро этувчи хонандаларни бу жиҳатдан пухта саводхон қилиш керак. Улар Лutfий, Навоий, Бобур, Машраб ғазалларини оҳанги билан ифодали уқиш маҳоратини эгаллашлари шарт. Шу каби ҳофизлар ҳам нафақат мусиқа чалишни, нотани билишни, балки, айни вақтда доимий равишда шеърний асарларни уқиб бориш, суз санъатининг чинакам мухлиси булишни даркор. Шунда унинг қушиғи яна таъсирчан, дилтортар булади.



Հոգ սրբիսու չար կեցւոյ եղևն յիմա, Մաթոսի,
Մառն սեւեռայան, եւկեցիք զիսկ սուրբս յուսկ,

1-ғазал

*Ашрақат мин акси шамсил-каъси анворул-худо,
“Ёр аксин майда кур”, деб жомдин чиқди садо.*

*Ғайр нақшидин кунгул жомида булса занги ғам,
Иуқтур, эй соқий, майи ваҳдат масаллик ғамзудо.*

*Эй, хуш ул майким, анга зарф улса бир сингон сафол,
Жом улур гетийнамо, Жамшид – ани ичган гадо.*

*Жому май гар буйладур, ул жом учун килмоқ булур,
Юз жаҳон ҳар дам нисор, ул май учун минг жон фидо.*

*Дайр аро хуш аҳли расво булғали, эй муғбача,
Жоми май тутсанг, мени девонадин қил ибтидо.*

*Токи ул майдин кунгул жомида булғач жилвагар
Чехраи мақсуд, маҳв улғай ҳам ул дам моадо.*

*Ваҳдате булғай муяссар май била жом ичраким,
Жому май лафзин деган бир исм ила қилғай адо.*

*Сен гумон қилгондин узга жому май мавжуд эрур,
Билмайин нафй этма бу майхона аҳлин, зоҳидо.*

*Ташналаб улма, Навоий, чун, азал соқийсидин
“Ишрабу, ё айюҳал-атшон” келур ҳар дам нидо.*

Луғат

1. **Ашрақат мин акси шамсил-каъси анворул-худо** – Қуёш косасининг аксидан ҳидоят (йул курсатувчи, раҳнамолик қилувчи) нурлари порлаб чиқди.

2. **Ёр** – дуст, севгили. Аммо бу ерда Худованд маъносида келтирилган.

3. **Акс** – илоҳий нурнинг тажаллиси, жиқоланиб, порлаб куриниши.

4. **Май** – ичимлик. Орифона маънода илоҳий тажаллийдан сархушлик, муҳаббат завқининг тулиб-тошиши.

5. **Жом** – май ичиладиган идиш, коса. Бу ерда 1) ориф инсон қалби ва 2) илоҳий тажаллий акс этган моддий дунё, борлиқ маъноларида келган.

6. **Файр** – Аллоҳдан бошқа нарсалар, яъни дунё. Файр нақши – дунё ташвишлари.

7. **Соқий** – 1) яқин дуст; 2) маъшуқа; 3) пири комил; 4) Парвардигор. Бу байтда пири комил маъносида келтирилган.

8. **Майи ваҳдат** – бирлик, ягоналик майи. Орифона маънода Худо дийдорига ошиқ инсоннинг қалбида илоҳий нур порлаб, унинг руҳининг Мутлақ руҳ билан кушилиши ва шу туйфайли олий маънавий лаззат топиши. Айна пайтда илоҳийлик ва моддийликнинг бирлашуви, жамулжам булишини ҳам англатади.

9. **Масаллик** – каби, ўхшаган, бамисоли.

10. **Ғамзудо** – ғамни, дунё ташвишини кеткизадиган.

11. **Зарф** – идиш.

12. **Синған сафол** – сафол коса парчаси, кучма маънода синиқ кунгил, хоксорлик.

13. **Гетийнамо** – оламни курсатувчи.

14. **Жамшид** – қадимги Эрон подшоларидан.

15. **Нисор** – бағишлаш, тухфа қилиш.

16. **Дайр** – зардуштийлар ибодатхонаси, бутхона, насроний роҳиблар йиғиладиган жой, шунингдек, дунё маъноларида ишлатилади. Тасаввуфда ориф инсонлар мажлиси, пири комил ҳузури. Чунончи, дайр пири шу маънодадир.

17. **Муғбача** – зардуштий оташпарастрлар ибодатхонаси (дайр)нинг хизматкори. Тасаввуфий маънода пирнинг сузи ва насиҳатлари, файзу тароватини муридларга етказувчи киши.

18. **Девона** – илоҳий жазба теккан ошиқ инсон.

19. **Ибтидо** – бошланиш, аввал, бошланадиган жой.

20. **Чехраи мақсуд** – мақсад юзи. Аллоҳ нурининг порлаб намоён булиши, илоҳий ҳақиқатнинг аёнлашуви.

21. **Маҳв булмоқ** – йуқолиш, куринмай қолиш, эриб, қоришиб кетиш.

22. **Моадо** – Аллоҳдан узга нарсалар, яъни моддий дунё.

23. **Ваҳдат** – бирлашиш.

24. **Лафз** – суз, ибора.

25. **Нафй** – танқид, инкор.

26. **Майхона** – комил инсон мажлиси, орифлар суҳбат қиладиган жой.

27. **Зоҳид** – умрини тақво ва тоат билан утказадиган парҳезкор одам.

28. **Азал соқийси** – Аллоҳ таоло.

29. **“Ишрабу ё айюҳал-атшон”** – ичингиз эй ташналар (Куръон, Бақара сураси, 60-оят)

30. **Нидо** – овоз, садо.

Байтларнинг насрий баёни

1. Эрталаб чиққан куёш косасининг аксидан ҳидоят нурлари порлаб кўринди ва Худонинг жамолини унинг тажаллисида кўр, деб оламдан садо чиқди.

2. Эй соқий, агар Худодан ўзга ташвишлар, моддий дунё ғаму андуҳи кўнгил оинасини кир қилган бўлса, бу кир – зангни фақат илоҳий тажаллий нури, шу нур завқи билан ювиш мумкин.

3. Бу нур, бу май шундай ажойибки, унга бир синган сопол коса булагича – фақир киши кўнгли ҳам идиш бўлиши мумкин, ўшанда жом – бутун оламини курсатадиган булади ва бу жомдан май ичган, яъни тажаллий нуридан баҳра топган одам, гадо бўлса-да, узини подшодай ҳис этади.

4. Агар жом билан май шунақа бўлса, бу жом учун юз жаҳонни бағишласа, бу май учун минг жонни фидо қилса арзийди.

5. Эй пир сузини келтирувчи, пир мажлисида хушёрлар ҳушини йўқотиб, беҳуду расво бўлиш учун йиғилган экан, агар пир муждаси, сузини етказмоқчи бўлсанг, буни мен девонадин бошлагин.

6. Шунда бу илоҳий нур – майдан кўнгил жоми ёришиб кетиб, чехраи мақсуд – Аллоҳ жамоли намоён булади ва ўша заҳоти Аллоҳдан бошқа нарсалар йўқолади.

7. Шундай ҳолатда май билан жом, яъни илоҳий тажалли билан дунё ёки кўнгил орасида бир яқинлик, бирлашиш юз берадики, “жом” ва “май” сузларини талаффуз қилган одам ҳар иккисини бир ном (суз) билан ифодалаши мумкин.

8. Эй зоҳид, сен уйлаётган жому майни айтаётганим йук, чунки бу сен назарда тутган жому май эмас, билмасдан дарвешларни маломат қилма.

9. Эй Навоий, азалий зот – Парвардигори олам тажаллиси нуридан бебаҳра бўлма, чунки Унинг узи уз каломида “Ичинг, эй ташналар!” деб қуйибди.

Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси

Алишер Навоийнинг тўрт девондан иборат “Ҳазоийин ул-маоний” (“Маънолар хазинаси”) номли лирик шеърлар тўплами ушбу ғазал билан бошланади. Анъанага мувофиқ ғазал матлаъи (биринчи байти)нинг биринчи мисраси араб тилида битилган. Худди шу арабча жумла мазмуни кейинги байтларда давом эттирилади ва шоир назарда тутган маънолар бирин-кетин равшанлашиб, турли ташбеҳ-тимсоллар, истилоҳлар билан уқувчига етказилади.

Бугина эмас, ушбу ғазал узидан кейин келадиган ғазаллар учун маълум маънода дастурий хусусиятга эга. Яъни унда улуғ шоир дунёқарашининг асосий йуналиши акс этган ва у кейинги ғазалларда давом эттирилган. Шу маънода мазкур ғазал маъноларини тўғри тушунган одам Навоий девонларидаги бошқа ғазалларни ҳам англаб етишга қалит топади ва шоир идеаллари оламига кириб боради.

Ғазалда оламнинг илоҳий моҳияти ва буни англаган инсон завқу шавқи, қалб сурури ифодаланган. Худудсиз бу олам Яккаю ягона Аллоҳнинг тажаллий нури билан барҳаёт, мунаввар ва жозибали. Шаксиз, шу қудрат барча жисмларни бир-бири билан вобаста этади, улуғ мунтазамликда сақлайди, барқарор ва пойдор этади. Ушбу нур Қуёш қуринишида беқиёс неъмат бўлиб, ҳар сахар порлаши, барча жонзотлар, жумладан, Инсон қалбини шодликка лиммо-лим этиши аён ҳақиқат. Аммо Қуёш ҳам бир тимсол, бир ташбеҳ, холос. Илоҳий ҳақиқат, тажаллий бундан-да улкан, ул жами борликни, жумладан, қуёшни ҳам қамраб олади.

Бу Хақиқат ва беинтиҳо Қудратни ориф инсон, пирн комил англаб этади. Бунн англаган ориф, вали зотлар ҳам қалблари порлаб, шу маърифат нурини бошқа талабгорларга етказадилар. Ёр акси билан ошно этадилар.

Диққат қилсангиз, ғазалда жом ва май истилоҳлари бошидан охиригача бир-бири билан боғлиқ, аммо хилма-хил талқинларда давом этган. Жом моддий дунё ва май эса Ёрнинг тажаллисини акс эттирувчи ва унга боғланган кунгил ишқи туғёнини англаувчи тимсоллар экан, бунда уч маъно бир-бири билан боғлиқ ҳолда зухур этади: 1) илоҳий нур жилоси; 2) дунё; 3) инсон қалби. Инсон агар фақат дунё ташвишлари (занги) билан боғланса, у Илоҳий нурдан бебахра қолади. Холбуки, инсоннинг олий мақсади — уз Аслиятини идрок этиш ва Унга қайтишдир. Шу боис у кунгил кирларини ювиб, уни Аллоҳ нури акс этган жомга айлантириши лозим, чунки ана шу даражага етган одам дунёнинг узи Аллоҳ жамоли акс этган мазҳар ва жом эканини англаб этади. Шунда инсон узини қудратли, мукамал ҳис этади ва фақир, хоксор булса ҳам бу муҳаббат оташида нишиб, подшо Жамшиддан-да кучлироқ сезади. Бунда қуйндаги ривоятга ишора ҳам бор: дейдиларки, шох Жамшид майни ихтиро қилгандан кейин, донишмандлар кумагида шундай бир жом ясатган эканки, агар унга май тулдирсалар, бутун олам ва унинг воқеа-ходисалари акс этар экан. Жамшид, бутун оламни шу жомда куриб турар экан. (Искандар ясаттирган кузгу ҳам шундай хусусиятга эга булган дейишади).

Алишер Навоий шу ривоятларга ишора қилиб, биринчидан, ориф инсон қалби ҳам оламни ва илоҳий тажаллийни курсатадиган кузгудир, чунки у Ишқ, илоҳий сирлар, ҳикматларга тула деган ғояни ифодаласа, иккинчидан, дарвешнинг синиқ кунгли (“синғон сафол”) Жамшид каби шохлар қадахидан ҳам эътиборлироқ, қимматлироқ булиб, айни шу “синиқ

кунгиллар” Илоҳ нурини акс эттириб, дунёни курса-та олади, деган фикрни билдиради.

Ана шу “синиқ кунгиллар” садоқати, муҳаббати уларни пири комилларга яқинлаштиради ва улар тажаллиёт майини биринчи булиб ичадилар ҳол мартабасига кутариладилар ва бундай вақтда улар учун жом ва май, яъни дунё ва Илоҳ қушилиб кетади. Парвардигор қудрати, жамолини бутун моҳияти билан ҳис этиб, сархуш буладилар.

Навоий бу уринда Илоҳий тажаллий билан моддий олам инсонда бирлашган деган ваҳдат ул-вужуд таълимоти ғоясини олға суради: май билан жом орасида шундай бир Ягоналик ҳосил буладики, қайси дунё, қайси Илоҳ эканлигини ажратиш мумкин булмай қолади.

Шундан кейин шоир дарвешлар тилга оладиган “май”, “майхона” сузларини тушунмай, уларни мазаммат этадиган зоҳирбин, маънолар сирридан беҳабар зоҳидни танқид қилади ва Куръон оятига ишора этади. Бу оятда Мусо пайғамбар уз қавмини Мисрдан олиб чиқиб кетаётганда, қавм Мусога чанқоқликдан нолиб мурожаат қиладилар. Шунда Мусога “Хассангизни қояга уринг” деган ваҳий келади. Парвардигорнинг бу муждасини эшитган Мусо ҳассасини қояга урганда, булоқ пайдо булиб, шарқираб сув оқади...

Яъни Аллоҳ қудратининг чек-чегараси йуқ, олам Унинг нури билан тулиқ экан, буни англаш, бунга етишиш ва моддий ҳаёт билан маънавий ҳаётни файзли, мазмунли қилишга интилиш лозим, деган ғоя Навоий ғазалининг мағзини ташкил этади. Шоир айна шу фикрни қатор асарларида ифодалаб, ҳаёт маъноси, инсонийлик маъносини рухий юксалиш билан боғлаб талқин этади. Кейинги ғазаллар шарҳи бунга мисолдир.

2-ҒАЗАЛ

*Зиҳи ҳуснунг/зуҳуридин тушуб ҳар кимга бир савдо,
Бу савдолар била кавнайн бозорида юз ғавфо.*

*Сени топмоқ баса мушқилдурур, топмаслиғ осонким,
Эрур пайдолиғинг пинҳон, вале пинҳонлиғинг пайдо.*

*Чаман оташгаҳига оташин гулдин чу ут солдинг,
Самандардек ул утдин кулга ботти булбули шайдо.*

*Не ишка булди беором кузгу аксидек Мажнун,
Юзи кузгусида аксини гар кургузмади Лайло.*

*Күёшқа гаҳ қизормоқ, гоҳе сарғармоқ эрур андин,
Ки сунъунг боғида бор ул сифат юз минг гули раъно.*

*Недин юз гул очар ишқ утидин булбул киби Вомиқ,
Юзунгдин гар узори боғида гул очмади Узро.*

*Каломингни агар Ширин лабида қилмадинг музмар,
Недин бас лаъл улур Фарҳоднинг қон ёшидин хоро.*

*Жамолинг партавидин шамъ ути гар гулситон эрмас,
Недин парвона ут ичра узин солур Халилосо.*

*Малоҳат бирла туздунг сарвақадлар қоматин, яъни
Ки мундоқ зеб бирла ул алифни айладинг зебо.*

*Қаноатнинг далилин инзиво қилдинг, яна бир ҳам
Далил ушбуки қониъ ҳарфидин халқ айладинг анқо.*

*Навоий қайси тил бирла сенинг ҳамдинг баён қилсун,
Тикан жаннат гули васфин қилурда гунг эрур гуйё.*

ЛУҒАТ

1. **Зиҳи** – офарин, қойил, ажойиб.
2. **Зухур** – куринмоқ, намоён бўлмоқ, ошкора бўлмоқ.
3. **Савдо** – ҳою ҳавас, девоналик, ташвиш, орзулар, хаёллар, уриниш-интилишлар.

4. **Кавнайн** – икки дунё.
5. **Бозор** – кучма маънода: ташвиш-талашишлар, муола-муносабат, дунёвий ҳаёт.
7. **Пинҳон** – яширин, қуринмас.
8. **Пайдо** – равшан, очик, қуринадиган.
9. **Оташгаҳ** – олов қураси, учоқ, оловли жой. “Чаман оташ-гоҳи” – гулзор, очилган қизил гуллар.
10. **Самандар** – афсонага қура, оловда туғилиб, олов ичи-да яшайдиган жонивор.
11. **Шайдо** – ошиқ, ошуфта, масту девона.
12. **Сунъ** – санъаткорлик, яратиш, ижод қилиш.
13. **Узор** – юз, чеҳра.
14. **Музмар** – яширин, беркитилган, нарсанинг замирида яширинганлик.
15. **Хоро** – қаттиқ, тарашланмаган тош.
16. **Партав** – нур, шуъла, чақин, сафо.
17. **Гулситон** – гулистон.
18. **Халилосо** – Халил каби. Халил – Иброҳим пайғамбар-нинг лақаби, Худонинг дусту дегани. Қуръонда келтирилиши-ча, у подшо Намруд томонидан гулханга ташланган, аммо ёнмаган.
19. **Малоҳат** – мулойимлик, жозибадорлик, дилкашлик.
20. **Сарвқад** – тик ва гузал қомат.
21. **Инзиво** – узлат, гўшанишинлик, одамлардан ўзини чет-га олиш.
22. **Қонеъ** – қаноатли одам.
23. **Анко** – Афсонавий қуш, топилмас, қуринмас қуш, Симуғ.
24. **Алиф** – араб ёзувининг биринчи ҳарфи. Тикка булган-лиги учун гузал қоматлар унга ухшатилган.

Байтларнинг насрий баёни

1. Эй Тангрим, ажойибки, Сенинг хуснингнинг на-моён бўлиши – порлашидан ҳар кимда бир талпиниш хосил бўлибдир. Бу ташвиш, орзу-ҳаваслардан икки дунёда юз хил ғавғолар юз берибди.

2. Сени топмоқ жуда қийин, балки топмаслик осон-рок, чунки қуринишинг яширин, аммо яширинганинг қуринишингдир.

3. Гулзорлар, боғларга оловранг гуллардан ут-аланга солдинг, ошиқи шайдо булбул бу гулзор — оловга узини самандардек отиб, кулга айланди.

4. Агар Лайлининг юзи кузгусида аксинг кўринмаса эди, Мажнун бунча беором булмаган буларди.

5. Куёшнинг баъзан қизариши (шафақ), гоҳида саргайиши (кундузи) Сендиндир, зеро санъатинг боғида юз минг раъно гуллар сифати мавжуд.

6. Узро юзининг гули яшнаб очилмаганда, Вомиқ булбул каби бунчалик ишқ утида ёниб куйламаган буларди.

7. Сузингни Ширин лабида яширмаганингда, Фарходнинг қонли ёшидан қаттиқ тош лаълга айланармиди?

8. Сенинг жамолинг порлашидан агар шамънинг шуъласи гулистондай булиб кўринмаганида, парвона Иброҳим пайғамбардай узини оловга ташлармиди?


9. Сарвқомат гузал инсонлар қоматини дилкаш, жозибали қилиб яратдинг, яъни гуё ул алифни чиройли қилиб безатдинг.

10. Қаноатнинг далилини узлат деб белгиладинг, яна шуки “қонё” сўзидан “Анқо” сўзини келтириб чиқардинг.

11. Навоий қайси тил билан Сени мактасин, ахир тикан жаннат гулининг васфин қилишда соқовдир.

Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси

Бу ғазал девондаги биринчи ғазалнинг бевосита давомидир. Биринчи ғазалда ифодаланган моддийлик ва илоҳийликнинг бирлиги (ваҳдати) ҳақидаги фикр иккинчи ғазалда, айтиш мумкинки, мисоллар билан тушунтирилган. Яъни Аллоҳ тажаллиси борлиқни қамраб олгани, ҳаракатга келтириб туриши, жумладан, инсон зоти, уни ўраб олган муҳит, ҳаётнинг балқиб, яшнаб туриши, товланишлар, интилиш ва талпинишлар, яралиш ва бузилишлар, муҳаббатнинг узилмас торлари-ю, азоб-нашидаси — ҳаммаси шу Тажаллиёт зуху-

ридан эканлиги тасвирланади. Аммо буни ҳамма ҳам идрок этмайди, ваҳдат ул-вужуднинг бу сиррини англаган одам, хаёт маъноси, инсонийлик маъносини чуқурроқ англаб етади, дейди шоир. Аллоҳ зотини ҳеч ким кура олган эмас, лекин унинг сифатлари, нури бутун борликда мавжуд. Шу бонским, булбул гулга талпинади, гулзор хусну жамоли уни мафтун этади, у ут ичида пайдо булган самандардай, узини гулзор олови ичига отади. Худди шу каби парвона ҳам айни шу илоҳий қудрат туфайли шамъ шуъласига талпинади ва оловга қушилиб ёнади. Шу қудрат, шу куч Вомиқни Узрога, Мажнунни Лайлига, Фарҳодни Ширинга ошиқ қилиб қуйган. Чунки Узро, Лайли, Ширин жамоли — хар бири бир мазҳар. Яъни тажаллиёт нури акс этган нукта, марказ. Вомиқ, Мажнун, Ширин бу нукталарда Илоҳнинг нурини куриб, унга беҳуд ва беқарор булиб талпинадилар, шу мазҳарга етишиш билан Аллоҳнинг узига ошиқликларини исботлайдилар, яъни сифатдан Зотга қараб борадилар. Лекин бунга покланиш ва қаноат йули олиб боради, дейди Навоий. Зеро, қаноатнинг далили парҳез, сабру гоқатдир. Бунда суз уйини ҳам бор, яъни араб ёзувида “қаноат”, “қонёъ”, “анқо” сузларининг узаги бир: 

Бундан ташқари, “қонёъ” — туйинган, рози деган маъноларни англатса, “Анқо” — ҳеч қачон кузга қуринмайдиған, аммо бор булган афсонавий қуш номи. Ана шундай рамзларни яратган ҳам Худонинг узи, дейди Навоий.



3-газал

*Эй, сафҳайи рухсоринг азал хаттидин иншо,
Дебочайи ҳуснунгда абад нуқтаси туғро.*

*Заррот аро ҳар зарраки бор, зикрингга зокир,
Амтор аро ҳар қатраки бор, ҳамдинга гуё.*

*Машиотайи сунъунгдурур улким, нафас ичра
Кун кузгусин ақшом кулидин қилди мужалло.*

*Кун шакли юзунг саждасидин булди мушаккал,
Тун турраси қаҳринг елидин булди мутарро.*

*Сунъунг қилибон субҳни ул навъ мушаъбад,
Ким меҳр ути оғзидин этар ҳар нафас ифшо.*

*Гуёки куяр оғзи ул ут ҳиркатидинким,
Анжумдин улур обилалар гирдида пайдо.*

*Муҳтож Сенинг дарғаҳингга хусраву дарвеш,
Парварда Сенинг неъматингга жоҳилу доно.*

*Гул юзида булбул сенинг асрорингга нотик,
Шамъ утида парвона Сенинг ҳуснунгга шайдо.*

*Ушшоқ аро, ё Рабки, Навоийга мақоме
Бергилки, Сенинг ҳамдингга булсун тили гуё.*

Луғат

1. **Сафҳа** – саҳифа.
2. **Рухсор** – юз.
3. **Азал** – бошланиши йуқ замон, азалий, ибтидосиз қадимийлик.
4. **Дебоча** – кириш, муқаддима, бошланиш.
5. **Абад** – чексизлик, чексиз давомийлик, туганмас замон
6. **Ушшоқ** – ошиқлар.
7. **Заррот** – зарралар.
8. **Зикр** – номини тилга олиш, эслаш, Зокир – Аллоҳ исмини тилга олиб юргувчи одам.

9. **Амтор** – ёмғир томчилари, ёғин.
10. **Ҳамд** – мақтов.
11. **Машшота** – пардозчи, юзни, сочни безайдиган одам.
12. **Мужалло** – сайқал берилган, жилоланган.
13. **Мушаккал** – шаклга кирган, шаклланган.
14. **Турра** – зулф, соч.
15. **Мутарро** – тароватли, тоза.
16. **Субҳ** – тонг.
17. **Мушаъбид** – найрангбоз.
18. **Ифшо** – фош қилмоқ, ошкора этмоқ.
19. **Ҳирқат** – аланга, ҳарорат, иссиқлик.
20. **Анжум** – юлдузлар.
21. **Обилалар** – қавариқлар, пуфакчалар.
22. **Гирд** – атроф, айлана.
23. **Парварда** – тарбияланган, парвариш қилинган.
24. **Асрор** – сирлар.
25. **Тугро** – подшоҳ фармонининг ифода белгиси, шоҳона унвон.

Байтларнинг насрий баёни

1. Эй, Сенинг юзинг саҳифасида азалийлик хати битилган, ҳуснинг китоби аввалида абадийлик муҳри — унвони мавжуд.
2. Борлиқдаги жами зарралар исмларингни зикр этади, ёмғирнинг ҳар катраси ҳамдингни айтади.
3. Сенинг қудрату санъатинг безакчиси бир нафасда кундузнинг кузгусини тун кули билан тозалаб жило берди (бунда занглаган кузгуни кул билан тозалаш назарда тутилмоқда).
4. Куёшнинг шакли Сенга сажда қилиш ҳолатидан ҳосил булган. Туннинг сочи қаҳринг шамолидан тозаланеди.
5. Санъатинг тонгни шундай хийлагар қилибдирки, у куёш тафтини ҳар дамда огзидан намоён қилиб туради.
6. Ул олов ҳароратидан, гуё огзи куйгандай атрофида юлдузлардан сув пуфакчалари — қавариқлар пайдо булади.

7. Сенинг хузурингга подшо ҳам, гадо ҳам мухтож булиб, интилади. Нодон ҳам, доно ҳам Сенинг неъма-тинг билан ҷарвариш топади.

8. Гул юзига шайдо булбул Сенинг сиррингни сузлай-ди, парвона ҳам шамъ шуъласига Сени деб талпинади.

9. Ё Раббим, Навоийга шундай мақом бергилки, Се-нинг мактовингга тили гуё булсин.

Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси

Бу ҳам Навоийнинг ҳамд ғазалларидан. Бироқ ҳамд ғазаллар ичида муножот оҳангига йўғрилган ва Куръон оятлари мазмуни узига хос тамсил ва ташбеҳларда буртиб ифодаланганлари ҳам бор. Келтирилган ғазал шундай хусусиятга эга. Чунончи, матлаъда, Аллоҳ тао-лонинг замон ва макондан ташқари, балки замон ва маконни қамраб олувчи, уни яратувчи азалий ва аба-дий Зот эканлиги, бу Зотнинг ҳусну жамоли, қудрати ва яратувчилиги (сонъ — сунъ эгаси эканлиги) таъ-кидланади. Шундан кейин бутун олам Аллоҳга зикр айтиши, шукроналар қилиши, кеча ва кундуз, тонг ва шом, оламу одам унга тобеълиги тараннум этилади. Улуғ шоир Худо қудратини тоза, қалбга таъсир этади-ган ташбеҳ — тамсиллар воситасида таъриф этади. Чу-нончи, машшота (юзни пардозловчи) санъаткорлиги кундуз кузгусини кеча кули билан тозалаб, жилолан-тирди, дейиш билан кеча (тун)ни кундузсиз, кунни тунсиз тасаввур қилиш қийин, зеро Парвардигор узаро зидликни бир-бирига боғлиқ қилиб яратган. Бу — ило-хий ҳикмат: тунсиз кун, кундузсиз тун чиройли эмас ва бутун булмайди. Кундуз (қуёшнинг) мунаввар шак-ли. Худонинг меҳрига, тунни Унинг қаҳрига ухшатган-да ҳам, шу ҳикмат назарда тутилган.

Тонгда икки хил хислат бор: биринчидан, у қуёш-нинг чиқиши, кундузнинг бошланишидан дарак бер-са, иккинчидан, тонг алдамчи ҳамдир, яъни баъзан кун ёришгандай булиб туюлса-да, аслида ҳали тун ту-

гамаган булади. Буни “ёлғон тонг” ҳам деганлар: “субҳи козиб”, “субҳи содиқ” (ёлғон тонг, чин тонг). Навоий шунга ишора қилиб тонгни найрангбоз деб айтади ва тонгни ҳар лаҳзада оғзидан олов чиқариб, одамларни алдайдиган ва айни пайтда ҳайратлантирадиган масхарабозга ўхшатади. Яъни тонг ҳар лаҳзада Қуёш чиқишидан нишона бериб туради, демоқчи. Аммо ташбех бағоят гузал ва тоза. Навбатдаги байтда ушбу ташбех яна давом эттирилган: тонгнинг отишидан олдин юлдузлар осмонда ёркинроқ куринади, бу гуё ут ҳароратидан масхарабознинг оғзи куйиб, лаблари гардишида қабариклар пайдо булган кабидир. Кейинги уч байтда Тангри таолонинг ризқ берувчилик, одиллик сифатлари таърифланади ва бутун мавжудот Ундан баҳра олиб, Унга интилиши айтилади.



4-ғазал

*Ул паривашким, булубмен зору саргардон анго,
Ишқидин олам манга ҳайрону мен ҳайрон анго.*

*Уқларингдин дамбадам таскин топар кунглум ути,
Бордурур бир қатра сув, гуёки ҳар пайкон анго.*

*Бир диловардур кунгулким, ғам сипоҳи қалбида
Оҳи новак, тоза доғедур қизил қалкон анго.*

*Новакининг парру пайконида рангин тус эрур,
Ёки кунглумдин чу паррон утди, юқмиш қон анго.*

*Номайи шавқум не навъ ул ойға еткой, чунки мен
Эл отин уқур ҳасаддин ёзмадим унвон анго.*

*Хизри хаттингнинг ажаб йуқ сабзу хуррам булмоғи,
Лаб-балаб чунки су берур чашмайи ҳайвон анго.*

*Эй хушо муғ куйиким, рифъат била зийнатда бор
Меҳр анго бир шамсаву кук тоқидур айвон анго.*

*Истамиш булбул вафо гулдин, магарким жоладин
Бағри қотмиш ғунчанинг, баским эрур хандон анго.*

*Қилмамиш жонин фидо жононға етмас дер эмиш,
Эй Навоий, ушбу суз бирла фидо юз жон анго.*

Луғат

1. **Париваш** – парига ухшаш, пари каби гузал, тасаввуфий маънода парда ичидаги хаёлий маҳбуб.
2. **Саргардон** – йулини йуқотган, ҳайрон, боши айланган.
3. **Пайкон** – камон уқининг металдан қилинган уткир учи.
4. **Диловар** – жасур, қаҳрамон, ботир.
5. **Сипоҳ** – қушин.
6. **Қалб** – қушиннинг уртаси.
7. **Новак** – уқ, камон уқи, киприк.
8. **Паррон** – учиб бораётган, учаётган.

9. **Ҳасад** – бу ерда: рашк, қизғаниш.

10. **Унвон** – адрес, нишон маъносида.

11. **Чашмаи хайвон** – тириклик суви булоғи. Тасаввуфий маънода илоҳий файз манбаи ва комил инсон қалби.

12. **Хизр** – ҳамиша тирик, тириклик суви – оби ҳаётни ичган пайғамбар, валий зот, тасаввуфий маънода илоҳий мужда-нинг суфий кунглига нозил булиши, хушхабар.

13. **Сабзу хуррам** – яшил, яшнаб турган майсалар.

14. **Лабболаб** – лиммо-лим, лиқ тула.

15. **Муғ куйи** – оташпарастлар кучаси, тасаввуфий маънода пир хузури, ошиқ дарвешлар талпинадиган висол мақоми.

16. **Шамса** – иморатлар пештоқидаги нақш, қубба.

17. **Кук тоқи** – осмон гумбази.

18. **Рифъат** – кутарилиш, баланд мартаба, юксаклик.

19. **Зийнат** – безанган, зеб берилган.

20. **Яшил хат** – маъшуқа юзидаги туклар, тасаввуфий маънода барзах – моддий ва руҳоний олам уртаси, бақо чегарасини айтганлар. Ҳақ юзининг аёнлашуви, мутлақ жамолнинг пайдо булишини ҳам англатади.

21. **Уқ** – киприк. Тасаввуфий маънода Илоҳнинг инояти, Маҳбуби азалий назарининг ошиқ қалбига нур булиб тушишини айтганлар.

Байтларнинг насрий баёни

1. Ул парисифат соҳибжамол мени шундай мафтун ва беҳуш қилибдурки, унинг ишқида сарсонлигимга қараб, олам аҳли менга хайрон, мен эса ул гузалнинг жамолига хайрону девонаман.

Ёки: парда ичидаги ул руҳоний (хаёлий) гузал ишқида шундай овораманки, олам бу аҳволимга хайрону мен эса, Унга хайронман.

2. Эй гузал пари, киприкларинг уқидан (ёки ул илоҳий назарнинг қалбимга тушишидан) кунглим ути пайсади, чунки уқинг учидаги темир тиг гуё қатра сувдай бу оловни учиради.

3. Кунгил шундай бир баҳодирки, ғам лашкари уртасига хужум қилганда, унинг оҳи уқдай булса, янги яраси – доғи қизил рангли қалқон кабидир.

4. Ёр уқи (киприги)нинг патлари ва темирдан қилинган учи рангли тус олган, балки бу уқ юрагимни тешиб учиб утганда оққан, қон унга юқмишдир?

5. Ишқ шавқида ёзган мактубим ул гузал парига қандай қилиб етсинки, мен одамлар ул пари исмини уқиб, хабардор булмасин деган фикр билан мактуб устига нишони — отини ёзмадим.

6. Сенинг Хизрдай абадий ҳаёт нишонаси булган гукларингнинг яшнаб туриши ажаб эмас, чунки ҳаёт булоги уни тириклик суви билан суғориб турибди.

7. Муғлар кучаси (пири комил хузури) қандай яхши, унинг мартаба ва ҳашамати шундай баландки, гуё Қуёш унинг пештоқидаги чиройли қубба, осмон гумбази эса бир айвондай гап.

8. Булбул гулдан вафо — боқийлик истагани қизик ёки жала ёғавериб, гунчанинг бағри қотиб қолганидан, булбулга бу хандон гулдай қуриниб, абадийлик нишонасидай туюлгандир?

9. Жонини фидо қилмаган одам Жононга етмайди, деганлар, шу боис эй Навоий, ушбу сузнинг маъносидан келиб чиқиб, юз жоним булса ҳам бари Ёрга фидо булсин дейман.

Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси

Ушбу ғазал Алишер Навоийнинг ошиқона ғазаллари сирасига киради. Аммо бу ерда ошиқоналик билан орифоналик муайян маънода қоришиб кетган. Зеро, “ошиқона” дегани ишқ-муҳаббат завқи ва изтироблари, ёр жамоли васфи ва бу жамолга етишишга интилувчи кунгил кечинмалари ҳиссиёти, ҳаяжон ва талпинишларини тасвирловчи лирик асардир. Муҳаббат бир вақтнинг узида ҳам олам ва одам гузаллиги, ҳам илоҳий Ёр жамолига қаратилган бўлиши мумкин. Гарчи орифона фалсафада моддий оламини мажоз, Мутлақ руҳни ҳақиқат (ҳақиқий мавжудлик) деб ажратилган булса-да, аммо бу икки тушунча батамом бир-бирига

зид деб қаралмаган. Аксинча, мажозий олам тасвиридан мақсад Хақиқатни чуқурроқ англаш, Уни инсонга яқинроқ қилиб тасаввур этиш кузда тутилган. Ҳазрат Навоий тили билан айтганда, “айни ҳақиқатдир мажоз”. Бундай қараш ваҳдат ул-вужуд таълимоти моҳиятидан келиб чиқади. Негаки бу таълимотга қура, Мутлақ рух (Парвардигор) ҳамма ерда мавжуд. Олам гузаллиги, ҳаётнинг нашъу намоси, жумладан, инсон зоҳирий ва ботиний гузаллиги, камолоти ҳам шу Мутлақ рух гуфайли ва унинг ҳикмати, файзу таровати натижасидир. Шу боис гузал инсон (у чиройли аёл, навқирон йигит, калби дониш ва кароматга лиммо-лим муйсафид булиши мумкин)га мухаббат орқали илоҳий қудрат кашф этилади. Буни аввалги ғазаллар шарҳида ҳам курдик¹.

Келтирилган ғазалда ҳам мана шундай тасвир усули қулланилган (Навоийнинг жуда кўп ғазалларида бунини мушоҳада этиш мумкин). Яъни ошиқ соҳибжамол инсонни қуриб, унинг ҳусну жамолига мафтун булганидан девонадай бўлиб қолади, одамлар ошиқнинг бу аҳволига ҳайрон. Албатта, бу тасвирда анъанавийлик йўқ эмас, бироқ у тоза ва завқу шавқ қўзғатадиган ташбеҳлар билан жонлантиради. Ошиқнинг беҳуду шайдолигига сабаб ёр кичригидир (нозли қараши, қарашма). Кичрик камон уқига уҳшатирилган, бу уқ туғри ошиқ юрагига бориб тегади, демак, маъшуқа ошиққа эътибор қилган, унга назар ташлаган. Ана шу назар бир томондан, ошиқни хурсанд этган бўлса, иккинчи томондан изтироб ва азоб утига гирифтор этган. Ошиқ шунинг учун ҳам маъшуқа жамолига ҳайрон бўлиб, калбида ишқ олови ёнса-да, аммо унинг кичриклари калбига тегиб, бу утни учиради, чунки уқнинг учи темирдан, темир эса сувга уҳшайди, дейди шоир. Шундан кейин бу уққа бардош берган кунгилнинг яралари, бу яралардан оққан қизил қонлар тасвирланган. Ғазалда

¹ Умуман мумтоз шеърятда ҳақиқат ва мажоз тасвирини бир қанча олимларимиз ижодда, жумладан, проф. М.Имомназаров, С.Олимов, К.Муллаҳужаева талқиқотларида яхши урганган.

ёр юзининг туклари Хизр кийими ранги (Хизр ҳар доим яшил либос билан тасаввур қилинади, чунки у абадий ҳаёт рамзи) ва майсазорга ухшатишган. Бу — ошиққа ҳаёт бағишлайдиган баҳорий ранг ва илоҳий булоқ ка-бидир. Бу уринда рамзийлик ва реаллик, илоҳийлик ва моддийлик бир-бирини тулдириб, бири иккинчи-сини изоҳлаб, ажойиб лавҳа тасвирини вужудга кел-тирган. Ушбу байтдан кейин келадиган байт ҳам ол-динги байт мазмунини давом эттириб, нири комил ҳузу-ридаги маънавий мулоқот таърифига бағишланган ва булбулга ухшаб зоҳирӣ — уткинчи гузалликка эмас, балки ҳақиқий Моҳиятга ошиқ булиш, бу Моҳиятни англаш, идрок этишга даъват этарок, Навоӣ бунинг мушкуллигини ҳам ғазал мактаида қайд этади: жонни фидо этмагунча Жононага этиш мумкин эмас.



5-ғазал

*Қургали хуснунгни зору мубтало булдум санго,
Не балолиғ кун эдиким ошно булдум санго.*

*Ҳар неча дедимки, кун-кундин узай сендин кунгул,
Вахки кун-кундин батаррак мубтало булдум санго.*

*Мен қачон дедим: вафо қилғил, манго зулм айладинг,
Сен қачон дединг: фидо булғил манго, булдум санго.*

*Қай парипайкарга дерсен: телба булдунг бу сифат,
Эй парипайкар, не қилсанг қил манго, булдум санго.*

*Эй кунгул. тарки насиҳат айладим, аввора бул,
Юз боло етмаски, мен ҳам бир боло булдум санго.*

*Жоми Жам бирла Хизр суйи насибимдур мудом,
Соқиё, то тарки жоҳ айлаб гадо булдум санго.*

*Ғусса чангидин навое топмадим ушшоқ аро,
То Навоийдек асиру бенаво булдум санго.*

Луғат

1. **Мубтало** – боғланган, гирифтор, шайдо, ғамга боғланган.
2. **Пайкар** – сурат, ҳайкал, жусса, жисм.
3. **Жоми Жам** – Жамшид жоми. Биринчи ғазалдаги изоҳга қаранг.
4. **Хизр суйи** – туртинчи ғазал изоҳига қаранг.
5. **Жоҳ** – мансаб.
6. **Ғусса** – ғам, ғусса чанги – ғам чолғуси, ғам-алам куйини таратган чанг.
7. **Наво** – а) куй; 2) бойлик, бутунлик, гармония. Бенаво – номукаммал, қашшоқ, ғариб.
8. **Ушшоқ** – ошиқлар.

Байтларнинг насрий баёни

1. Хуснингни курай деб сенга зору асир булиб қолдим. Сенга ошно булганим куним қандай балолик кун экан?
2. Сендин кунгил узай деб ҳар қанча уринмайин, лекин кун-кундан баттарроқ сенга боғланиб қолдим.
3. Мен қачон сенга: менга вафо қил, деб айтдимки, менга устма-уст зулм қилмоқдасан, сен қачон менга фидо булгил дедингки, сенга фидо булмадим?
4. Қайси пари қоматли гузалга бу хилда ошиқи девона булдинг, деб сурайсан. Эй пари қоматлигим, манга не жабру жафо қилсанг ҳам розиман, чунки сени севиб, девонанг булиб қолдим.
5. Эй кунгул, улуғлар, донолар насиҳатига мен кулок солмадим, энди сен ҳам овора буладиган булдинг, Бошимдаги юз бало камлик етмагандек, сен ҳам бир бало булдинг (ёки мен сенга бир бало булдим).
6. Жамшид жомидаги май – васл сархушлиги ва абдий ҳаёт рамзи Хизр суйи насибам булсин десанг, мансабдан кечиб, дарвеш бул.
7. Навоийдек сен маҳбубага асиру бенаво булмагунча ошиқлар орасида ишқ алами куйини эшитмадим.

Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси

Навоийнинг ушбу ғазали анча машҳур, хонандаларимиз уни қушиқ қилиб куйлайдилар. Ғазал муҳаббат мавзуида булиб, ошиқ ва маъшуқа орасидаги айтишув (диалог)га асосланган: маъшуқа ноз-фирок кургузади, ошиқни қийнайди. Ошиқ эса бунини писанд қилмай, ҳамма балолар, жабр-зулмга чидайди ва ишқида содиқ эканини исботлаб бораверади. Ғазал матлайдан бошлаб ошиқликнинг азоб экани, муҳаббат дилни оҳанрабодай тортиб, тинч қуймаслиги, маъшуқа қанча узини олиб қочса, ошиқ шунча телбаларча унга интилиши тасвирланади. Шунга яраша *мубтало*, *жафо*, *вафо*, *бало*, *фидо*, *телба* сузлари иштирокидаги байтларда икки хил

характер, яъни нозу карашмали маъшуқа ва қийноқлар гирдобида қолган умидвор ошиқ образлари яратилган. Олтинчи байт ғазалда мазмунан алоҳида ажралиб туради. Албатта, бу байт ҳам аввалги байтлар билан боғланган. Аммо бунда шоир муҳаббат мавзuidaги ушбу ғазал ҳам орифона маънога эга эканини таъкидлаб утгандай булади. Чунончи, Жамшид жомии ва Хизр суйи (оби ҳаёт) — бу пири қомил қалби, бу қалб Аллоҳ нури билан мунаввар. Навоий дейдики, агар мансабу давлатни тарк этиб, дарвеш булсам, ана шу абадий илоҳий файз насибам булади. Соқий деганга ҳам пири қомил, ҳам ёри азиз, маъшуқа назарда тугилади. Яъни соқийга — пирга етишиб, ишқ нурига фарқ булиш учун дарвеш булиш керак. Охириги байт ҳам шунга боғлаб юборилган.



6-ҒАЗАЛ

*Заврақ ичра ул қуёш сайр айламас Жайхун аро,
Ахтари саъде ҳилол ичра кезар гардун аро.*

*Англамон: Жайхунда ул ой кема бирла сайр этар,
Ё ҳилолу меҳр аксин эл курар Жайхун аро.*

*Кемадин ҳар дам чиқиб рангин су кузум қонидек,
Анда ёр андоққи мардум дидайи нурхун аро.*

*Боргил, эй Мажнунки, ул ой заврақидек тез эмас
Жунгим, Лайло аморисин чекар ҳомун аро.*

*Олма хум гирдобидин бир лаҳза соғар заврақин,
Баҳри ғамдин истасанг махлас бу даҳри дун аро.*

*Баҳр мавжидин мушавваш булмасун деб хотиринг,
Мавж урар юз баҳри ғам бу хотири маҳзун аро.*

*Дур булур баҳр ичра пинҳон, назмидин шаҳ мадҳида,
Баҳр ёшурмиш, Навоий, ҳар дури макнун аро.*

ЛУҒАТ

1. **Заврақ** – қайиқ.
2. **Жайхун** – Амударё.
3. **Ахтари саъд** – бахт юлдузи.
4. **Ҳилол** – янги ой.
5. **Гардун** – чархи фалак, осмон.
6. **Меҳр** – қуёш.
7. **Мардум** – одамлар, бу ерда куз қорачиғи.
8. **Пурхун** – қонга тула, қонли.
9. **Жунг** – кема.
10. **Амора** – одам ташиш учун туяга ортиладиган кажава.
11. **Ҳомун** – сахро, чул.
12. **Соғар** – шароб ичадиган коса, пиёла, қадаҳ.
13. **Махлас** – халослик, қутулиш.
14. **Даҳри дун** – дунё.
15. **Мушавваш** – паришон, ташвишли, беором одам.
16. **Маҳзун** – ғамли, ташвишли.
17. **Макнун** – яширин, дурри макнун – садаф ичидаги марварид.

Байтларнинг насрий баёни

1. Куёшдай юзи порлоқ ул гузал Амударёда қайиқ ичида сайр қилмоқда деманг, балки гуё янги ой уроғи уртасида осмонни кезаётган бахт юлдузи деб айтинг.

2. Амударёда ул ой кема ичида сайр этаяптими ёки одамлар янги ой билан қуёш аксини дарёда қурмоқдаларми, билмай қолдим.

3. Кемадан ҳар дамда рангли суюқлик — қизил шароб менинг ҳижронда оқаётган қонли куз ёшимдай оқаётир. Кемадаги ёр (шу боис) қонли куз ичидаги қора-чиққа ухшайди.

4. Эй Мажнун, нари бор, ахир кажавасига Лайли утирган туянинг суръати ул отнинг кемаси (қайиғи)дай тез эмас.

5. Бу пасткаш дунё ғами денгизидан қутулмоқчи булсанг хумнинг гирдобидан бир лаҳза қайиқ мисоли май косасини олма.

6. Ушбу денгиз (ғам денгизи)дан сенинг хотиринг паришон булмасин деб бу ҳазин ва ғамли дилимда юз денгиз ғами тулқинланади.

7. Дур денгиз тубида яширингандай, шоҳ мактовидаги Навоийнинг назмини денгиз ҳар бир яширин гавҳар ичига беркитмиш.

Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси

Етти байтли мазкур ғазални икки қисмга ажратиш мумкин: а) 1-4 байтлар ва б) 5-7 байтлар. Аввалги қисм байтларда маҳбубанинг Жайхун (Амударё)да кемада сайру саёҳати тасвирланган. Дарёдаги кема (қайиқ) ва унда утирган маҳбуба осмонда сайр этадиган ҳилол ва ёрқин бахт юлдузига ухшатишган. Ғоят чиройли ташбеҳ! Бу Навоий хаёлотини, бадиий санъаткорлигининг муъжизаларидан биридир. Лайли минган туянинг саҳро кемасига ухшатилиши ҳам жозибали. Зотан, туяни

сахро кемасти дейиш халқ орасида машҳур. Лекин Навоийнинг мақсади фақат туяни сахро кемасига ухшатиш эмас, балки дарёда кемада сайр қилаётган ёрининг Лайлидан/гузалроқ экани, ҳатто кеманинг суръати карвондан тезроқ эканини таъкидлаш булган.

Ғазалнинг иккинчи қисмида шоир завқли ташбеҳлар тасвиридан бирданига андуҳли оҳангга утади ва *денгиз, тулқин, қайиқ, гирдоб* сузларини ошиқнинг изтиробли кечинмаларини ифодалашда қуллайди. Афтидан, дарёда сайр этаётган ёрга етишиш дарди ошиқни қийнаб, умр, дунё, ҳаёт ҳақида уйлашга мажбур этгандай булади ва май сақланадиган идиш — хумни денгизга, пиёлани эса қайиққа ухшатиб, дунё ғамидан халос булишнинг бирдан-бир йули шу майдан ичиб, ҳамма ғамни унутишга чорлайди. Албатта, май, хум, соғар бу ерда тасаввуфий маънога эга, яъни: май — илоҳий ишқ, тажалли — ёр нуридан баҳра олиб, ҳол мақомига эришиш, хум — илоҳий тажаллий манбаи, орифи комил кунгли, соғар — шу нурдан баҳра олиш, мушоҳадага берилиш — илоҳий насиба.

Шоир қаҳрамони ана шу насибага интилиб, юз ғам денгизи дуч келса ҳам рози булишга тайёр.

Хуш, бу қисмлардаги ғоялар орасида қандай боғланиш бор? Боғланиш шуки, биринчи қисмда зоҳирий ҳаёт гузаллиги шавқу завқи тасвирланган булса, иккинчи қисмда ботиний ҳаётга ташналик акс этган. Аслида ҳар икки жиҳат ҳам бир-бирига боғлиқ. Мажоз — ҳақиқат, ҳақиқат — мажоз булгач, зоҳирдан ботинга ва ботиндан зоҳирга қараб бориш ҳам маантикий ҳолдир.



7-ҲАЗАЛ

Лунглум уртансун агар ғайрингға парво айласа,
Ҳар кунгул ҳамким санинг шавқингни парво айласа.

Ҳар киши васлин таманно айласам, навмид улай,
Ҳар киши ҳамким сенинг васлинг таманно айласа.

Узгалар ҳуснин тамошо айласам, чиқсун кузум,
Узга бир куз ҳамки ҳуснунгни тамошо айласа.

Ғайр зикрин ошкоро қилса, лол улсун тилим,
Қайси бир тил ҳамки зикринг ошкоро айласа.

Рашидин жонимға ҳар наргис кузи бир шуъладур,
Боғ аро ногаҳ хиром ул сарви раъно айласа.

Йуқ оғиздин нукта айтур маҳвашимдек булмағай,
Ғар қуёш ҳар заррасидин бир Масиҳо айласа.

Офият жонимға етти, эй хуш ул муғким, мени
Бир қадаҳ бирла харобот ичра расво айласа.

Келтурунг дафъи жунунимға парихон, йуқ табиб,
Ким ул ансабдур пари ҳар кимни пайдо айласа.

Субҳдек бир дамда гардун қуймағай осорини,
Ногаҳ аҳли сидқ кунгли меҳрин ифшо айласа.

Даҳр шуҳига, Навоий, сайд булма нечаким,
Кун узори узра тун зулфин мутарро айласа.

ЛУҒАТ

1. **Ғайр** – узга, бегона, дунё.
2. **Парво** – эътибор.
3. **Таманно** – орзу.
4. **Навмид** – ноумид.
5. **Сарви раъно** – гузал қоматли маҳбуба.
6. **Нукта** – суз, ҳикматли суз.

7. **Маҳваш** – ой юзли, ойдаи.
8. **Офият** – тинчлик.
9. **Муғ** – отаципараст руҳоний, тасаввуфий маънода ориф инсон.
10. **Харобот** – хароб булган жой, тасаввуфий маънода: пирӣ комил ҳузури.
11. **Жунун** – девоналик, жиннилик дарди.
12. **Парихон** – афсунгар, дуохон, азойимхон.
13. **Ансаб** – энг муносиб, лойиқроқ.
14. **Осор** – асарлар, белгилар, излар, нишонлар.
15. **Аҳли сидқ** – валий инсонлар.
16. **Ифшо** – фош қилинган, очилган, ошкора.
17. **Узор** – юз.
18. **Мутарро** – тозаланган.
19. **Даҳр шуҳи** – дунё гузали, дунё безаги, ҳаёт.
20. **Сайд** – ов.

Байтларнинг насрий баёни

1. Сендан узгага эътибор қилса, кунглим уртаниб ёнсин, сенинг шавқингни пайдо қилган бошқа кунгиллар ҳам уртансин.

2. Бошқа маҳбубалар васлини истасам, ноумид булай, Сенинг васлингни тилаган ҳар бир киши ҳам шундай булсин.

3. Агар узгаларнинг ҳусну жамолига маҳлиё булиб қарасам, кузим чиқсин, сенинг ҳуснингни тамошо айлаган бошқа куз ҳам оқиб тушсин.

4. Сендан бошқанинг номини айтсам, тилим тутилсин, номингни зикр этган бошқа тил ҳам шундай булсин.

5. Агар ул раъно қоматли нигорим боғ аро сайр айласа, наргисдай чиройли кузлари рашкдан жонимга шуъладай булиб ёндиради.

6. Куёш ҳар заррасидан бир Исо яратса ҳам у менинг тор оғизли (оғзи куринмайдиган) ой юзли гузалимдай булолмайди.

7. Хурсандман ул пири комилданки, бир қадах май тутиб (илохий муждадан баҳраманд этиб), уз хузурида беҳуду маст этди ва жонимга роҳат, осойишталик бағишлади.

8. Девоналигимнинг даволаш учун дуохон ё табиб келтиринг, чунки кимники бир пари пайкар гузал шайдо айлаган булса, унга шу муносибдир.

9. Агар сидқ аҳли – вали инсонлар кунгли Унинг меҳрин фош этса, осмон тонг ёғдуси каби уз нурини бир лаҳза куймай тукавереди.

10. Ҳар қанча тун зулфини тозалаб, хушбуй тара-тиб, кундуз юзига ёпса ҳам, эй Навоий, дунё гузалига ов булма.

Ғазалининг умумий мазмун-маъноси

Навоийнинг ушбу ғазалини рашкнома деса ҳам булади. Ошиқнинг уз маъшуқасига ишқи шунчалик кучлики, у ҳеч кимни унга яқинлаштиргиси келмайди, иложи булсаю, маҳбубасини барча ғайр ва бегона кишилардан яширса, ҳеч ким у ҳақда гапирмаса, ҳатто номини тилига олмаса. Шу боис ҳар бир байт бир илтижоли қасамдай жаранглайди, яъни ошиқнинг узи ҳам ёрдан узгага боқмасликка онт ичади. Ҳа, ҳақиқий муҳаббат ана шундай, у фақат севган ёр васфини талаб қилади, уз ёрини барчадан устун деб билиб, бутун вужуди, фикру уйи билан ёр ёди билан яшаб, унга талпинади. Рашк ва қизғаниш ахир муҳаббат кучидан нишона. Севмаган одамда рашк булмайди.

Аммо Навоий, ҳар галгидай, бу ғазалда ҳам яна ошиқона ҳиссиётлар тасвиридан орифона фикрлар баёнига утади, бошқача айтганда, муддаоси пири комил хузурни эканини қайд этиб ғазални яқунлайди.

8-ғазал

*Д*аҳр элидин нафъ агар йуқтур, зарар ҳам булмаса,
*М*арҳам ар йуқтур кунгулга, ништар ҳам булмаса.

*О*лам аҳлидин агар йуқтур жигаргун соғаре,
*К*ошки юз минг қадаҳ хуни жигар ҳам булмаса.

*М*аҳвашимким булмағай васлидин уммиди ҳаёт,
*Х*уштурурким жонға ҳажридин хатар ҳам булмаса.

*Б*едилеким беҳабар тушгай биров ҳижрониға
*Н*е балодур гаҳ-гаҳе андин хабар ҳам булмаса.

*С*оқийё, неткай мени ул навъ қилсанг мастким,
*А*қлу ҳушимдин нишон, балким асар ҳам булмаса.

*К*им тузай мастона шоҳи *Ғ*озий авсофида савт,
*Б*у кунгул гар булса уз ҳолида, гар ҳам булмаса.

*Э*й *Н*авоий, сен чекарсен оҳ, лекин яхшидур
*У*л парийнинг зулфи бу ел бирла дарҳам булмаса.

Луғат

1. **Нафъ** – фойда.
2. **Марҳам** – малҳам, дори, даво.
3. **Ништар** – тиф, жарроҳлик тифи, найза.
4. **Жигаргун** – жигарранг, қон рангига ухшаш.
5. **Соғар** – 7-ғазал шарҳига қаранг.
6. **Хуни жигар** – жигар қони.
7. **Соқий** – 7-ғазал шарҳига қаранг.
8. **Авсоф** – таъриф-тавсиф, мақтовлар.
9. **Савт** – куй, оҳанг.
10. **Дарҳам** – паришон булган, ёйилган, чирмашган.

Байтларнинг насрий баёни

1. Замона аҳлидин фойда етмайди, аммо қани эди зарар ҳам етмаса; дил дардига малҳам қуймаслар, лекин кошқийди ханжар ҳам санчиб турмасалар.

2. Кизил шароб тулдирилган коса тутмайдилар, лекин қани эди жигарни қон этувчи юз минг азоблари ҳам булмаса.

3. Ул маҳвашки, васлига етиб, ҳаёт гаштин суриш муяссар эмас, лекин айрилиғу хижронидан жонга хабар етмаса ҳам яхши буларди.

4. Бир гузал ишқига дил бериб, узидан беҳабар булиб қолган ошиқи зорнинг аҳволидан ҳам ҳар замон хабар булмаса, қандай мусибат.

5. Эй соқий, мени боданг бирла шундай маст қилгилки, ақлу хушимдан бирор нишона қолмасин.

6. Балки кунгил уз ҳолида булса ёхуд беҳол булса ҳам Шоҳи Ғозий — Хусайн Бойқаро таърифида бир куй яратайким, олам қойил қолсин.

7. Эй Навоий, сен оҳ чекасан, аммо ул паризоднинг зулфи охингнинг ели билан чирмашиб, ёйилиб кетмаган булса яхши буларди.

Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси

Ушбу ғазал маълум даражада Навоийнинг ҳасби ҳолини ифодалаб, улуғ шоирнинг атрофидаги замондошларидан зада булган кунглининг дардини ифодалайди. Шу боис дастлабки байтларда нола ва норозилик оҳанги балқиб намоён бўлади. Жафокорлик, нозик қалбларга ништар санчиш фақат Навоий яшаган давр кишиларига хос эмас эди. Ҳамма замонларда ҳам софдил, беғараз инсонлар, айниқса, Навоий каби буюк шоир ва мутафаккирларни атрофидагилар қуролмаган, ҳасад қилиб, зиён етказиш, таъбини хира этиш пайида булган-

лар. Навоий “Махбуб ул-қулуб”, “Хайрат ул-аброр” асарларида, бир қанча лирик асарларида замона аҳлидан нолиши шундан. “Кимгаким бир вафо қилдим жуз жафосини топмадим”, деб нолийди ва афеус чекади шоир. Навоий юзлаб одамларга меҳру мурувват кургузди, тарбиялади, уқитди, ҳожатини чиқарди, аммо уларнинг аксари бунинг эвазига шоир шаънига доғ туширдилар, бевафолик қилдилар. Ана шуларнинг ҳаммаси бир улуғ Дард булиб Навоий юрагини эзарди ва шеърларига кучарди. Кошки бу одамлар вафо қилмасалар ҳам, жафоу жабр кургузмасалар ёки ишқ аҳлининг насибаси шумикин, деб уксийди шоир. Ана шу дард уни дунёдан зада қилиб, хароботга, идеаллар, эзгу халлар оғушига етаклаган.

Яна бир муҳим ишора шуки, шоир ана шу кайфиятда султон Ҳусайн Бойқаро васфини тилга олади, унинг дийдорини қумсайди. Демак, Султон Ҳусайн Бойқаро нафақат шоҳ, мамлакат ва миллат сардори, балки Навоий каби дили Дардга тула инсонларнинг маънавий ҳамдарди, таскин ва тамкин берувчиси булган. Зеро, пок дил пок дилга талпинади.



9-газал

*На хуш бўлмай иковлон маст бўлсақ васл боғинда,
Қўлум бўлса анинг буйнидаю оғзим қулоғинда.*

*Даме васл ичра волиҳлиғ била рухсорим эғнида,
Яна бир дам ниёзу ажз ила бошим аёғинда.*

*Тутуб гоҳе занахдонин мукаррар айласам бот-бот,
Куруб гуллар очилғон бодадин рухсори боғинда.*

*Шимиб ютсам гаҳе ҳайвон суйидек завқдин, курғоч
Тарашишух бодадин гул яфроғи янглиг дудоғинда.*

*Гаҳе куз суртаримда, йўқса хар ён шодлиг ашким
Гул узра қатра шабнамлар кеби сиймин сақоғинда.*

*Гаҳе беҳудлуғумдин сесканиб тутсам адаб расми,
Белига чирмашурда шавқнинг ифроти чоғинда.*

*Не келса тонгла келсин, бир тун усрук ётса ҳам хушдур
Киши гул чоғи бир гул хирманин тортиб қучоғинда.*

*Қачон даврон манго бир буйла ишратни раво кургой,
Ки ургатмиш мени уртарға ҳижрон дарди доғинда.*

*Навоий, сен киму ишрат майи билмасмусенким, ит
Агар қон ичса ҳам боши керактур уз ялоғинда.*

Луғат

1. **Вола** – мафтун, шайдо.
2. **Ниёз** – талабгорлик, эҳтиёж, илтижо.
3. **Ажз** – ожизлик.
4. **Занахдон** – ияк, жағ, сақоқ. Тасаввуфий маънода маҳбуб лутфи.
5. **Мукаррар** – такрор, қайта-қайта.
6. **Бода** – ичимлик, май. Тасаввуфий маънода илоҳий нусрат ва ишқ.

7. **Рухсор** – юз.
8. **Ҳайвон суйи** – Хизр ичган абадий тириклик суви.
9. **Тарашшух** – суюқликнинг сизиб чиқиши, намоён булиши.
10. **Дудоғ** – лаб.
11. **Сиймин сақоқ** – кумушдай ияк.
12. **Ифрот** – ҳаддан ошиш, чегарадан чиқиш.
13. **Ялоғ** – итлар овқат ейдиган идиш, ялоқ.
14. **Усрук** – маст, сархуш.

Байтларнинг насрий баёни

1. Иккаламиз васл боғида дийдор куришишдан, ишқ галабасидан шоду хуррам оламни унутиб беҳуд булсак, кулим ёрнинг буйнидаю, оғзим қулоғида булса, қандай яхши буларди.

2. (Шунда) бир нафас васл шайдолиғи ичра юзимни эғнига суртиб, яна бир нафас илтижо билан унинг оёғига бошимни қўйсам эди.

3. Гоҳида иягини тутиб қайта-қайта силасам ва шароб таъсирида юзи гулшанида очилган гулларни куриб завқлансам.

4. Гоҳида гул япроғига ухшаш лабларини ишқ завқидан Хизр ичган тириклик сувини ичгандай шимиб ютсам.

5. Гоҳида шодлигимдан оққан қуз ёшларим кумушдай иягига шабнам қатрасидай томганини куриб, яна завқим тошса.

6. Гоҳида шавқиму завқим ошганидан одоб қоидасидан чиқиб, белидан қучоғлаб олганимда сесканиб кетсам.

7. Қиёмат куни нима булса булар, киши гул очилган баҳор айёмида бир гул хирмани – жононани қучоғига олиб бир кеча булса ҳам, беҳуду маст булиб ётса яхшидир.

8. Даврон менга қачон шундай . шрағни раво қураётган экан, мени васл хурсандлигига эмас, айрилиқ дарду доғини чекишга ургатди.

9. Эй Навоий, сен киму васл майнинг ишратини суриш қайда. Ахир билмайсанки, ит қон ичса ҳам бошини ялоғидан кутармайди.

Фазалнинг умумий мазмун-маъноси

Бу асарда Навоий лирик қаҳрамони орзуларининг ажойиб тасвири келтирилган. Аммо ана шу хаёлий лавҳаларни шоир реал ва ниҳоят жозибали, жонли гавдалантира олган. Бир-бирига муштоқ севишганларнинг васл боғидаги учрашуви, бир-бири дийдоридан лаззатланиши, ошиқнинг нозик, баъзан эса узини тутолмай қилган “қуполроқ” хатти-харакати уқувчига кучли завқ берадиган даражада таъсирчан, жонли тасвир этилган. Ошиқ ёрининг буйнига қулини қуйиб, қулоғига муҳаббатдан сузламоқда, яна бир лаҳзадан кейин белини кучади, юзларини силайди, лабларидан упади, кузларини ёр юзига суртади. Бу муҳаббатнинг ғалабаси, ширин висол дамларининг нозик ҳолатларини дилкаш ва эсда қоладиган деталлар билан тасвирлаш санъати, Навоий лирик маҳоратининг дурдона намунаси. Тўққиз байтлик фазалнинг етти байтида севишган қалбларнинг мулоқоти ва бундан роҳатланиши, ажиб инсоний кечинмалар худди буюк бир рассом чизгандай бадиий суз воситасида етти хил ҳолатда курсатиб берилган.

Бироқ саккизинчи байтга келганда, бу тасвир Навоий хаёлининг маҳсули экани маълум булади. Шоир бир укинч билан: қани эди, замону даврон менга ҳам шундай бир васл дамларини насиб этсайди, ёр васлидан лаззатланиш бир кеча булса ҳам бир умрга татигулик, умргагина эмас, икки дунёга арзигулик ва қиёмат кунини нима жазо булса ҳам, аммо ана шундай висол оқшомидан воз кечмас эдим, деган Хайёмона фикрни баён этади. Бироқ ана шундай ширин дамлар Навоийга ухшаганларга насиб этиши мумкин эмас, у “ишрат

майидан” маҳрумлигини ғазал мактаида аламли тарзда қистириб кетади.

Уқувчиларда бу ғазалдаги тасвирларда орифона маънолар ҳам борми, деган савол туғилиши мумкин. Зеро, агар *бода* деганда илоҳий файз нусрати ва ишк назарда тutilадиган *ниёз* Аллоҳга талабгорлик, *маст-лик*, *усрук* – пир сузидан сархушликни англатадиган булса, шу каби *васл*, *занахдон*, *лаб* (дудок), *бел*, *ҳай-вон суви* каби суз ва иборалар купинча тасаввуфий маънога эга булса, унда ғазалдаги тасвирда суфиёна маъно назарда тutilган эмасми?

Албатта, Навоийнинг бу ғазалида ҳам тасаввуфий маъно бор. Бу хаёлий ҳолатларни пири комилга интилган талабгор кишининг рухий кечинмалари билан қиёслаш мумкин. Аммо, камина назарида ғазалда дунёвий севги тасвири устунроқ ва умуман олганда эса, юқорида курганимиздай, Алишер Навоийнинг ошиқона ғазалларида ҳам орифона маънолар акс эттирилган ва бу “мажоз усулида” ижод қилувчи шоирларда бир усул, анъана эди.



10-ғазал

Ё раб, улус ниҳони эмастур ниҳон санга,
Не дей ниҳон ғамимки, эрур чун аён санга.

Қайси макон аро сени иштайки, кавнда
Сенсиз эмас маконею, йуқтур макон санга.

Амрингдин айру тилга такаллум йуқ, не айб,
Ғар ҳамд айта олмаса, бу безабон санга.

Эй кош, топса жону кунгул онча қурбким,
Жонни кунгул, кунгулни фидо қилса жон санга.

Зоҳир қилурда ҳожат эрур ҳазратингда тенг
Султони асру сойили бехонумоң санга.

Изҳори ажз этарда жанобингда бирдурур
Неши синуқ сингак била пили дамон санга.

Чун пашша ожиз улдики, юз менча қурби бор,
Ҳайҳот, агар етарни мен этсам гумон санга.

Ҳақ сирридин, Навоий, агар истасанг, нишон,
Жаҳд айлагилки, қолмасун аввал нишон санга.

Ё раб, бу хаста улча таманно қилибдурур,
Чун бор аён санга, неси айлай баён санга?

Луғат

1. **Улус** – одамлар, халқ, қавм.
2. **Ниҳон** – яширин.
3. **Кавн** – дунё, борлиқ.
4. **Такаллум** – сузламоқ.
5. **Ҳамд** – мақтов.
6. **Безабон** – тилсиз.
7. **Кош** – кошки.

8. **Курб** – яқин.

9. **Ҳазратингда** – олдингда, ҳузурингда.

10. **Сойил** – гадо.

11. **Бехонумон** – уй-жойсиз.

12. **Ажз** – ожизлик, бечоралик.

13. **Жанобингда** – олдингда, таъзимингда.

14. **Неш** – ниш.

15. **Пили дамон** – фил, ҳайбатли фил.

16. **Нишон** – белги.

17. **Жаҳд** – курашмоқ, интилиш.

18. **Таманно** – орзу.

Байтларнинг насрий баёни

1. Эй Раббим, одамларнинг яширин сири Сен учун яширин эмас, барчаси Сенга аёндир (шу боис) яширин ғамимдан нимани сузлайки, у Сенга аёндир.

2. Сени қайси макондан (жойдан) излайки, борликда Сенсиз бирор жой топилмайди, аммо Сенинг маконинг йуқ.

3. Сенинг амру фармонингдан ташқари тилга суз келмайди, шу боис бу тилсиз банданг ҳамдинг – сифатингни таъриф этолмаса айб қилма.

4. Кошки эди, жон ва кунгил шундай бир яқинликка эришсаки, жонни кунгил, кунгилни жон сенга фидо қилса.

5. Агар карамингнинг булоғи жуш урса, замон подшоҳию уй-жойсизнинг ҳожатини тенг чиқарурсан.

6. Ҳузурингда бандаликни изҳор этишда ниши синган пашша билан ҳайбатли фил баробардирлар.

7. Пашша ожизу ҳақир бўлса ҳам мендан юз баробар қадру эътибори бор. Ҳайҳот, агар Сенга етишишни истасам шу пашшачалик қадрим бормикин?

8. Эй Навоий Ҳақ таоло сирридан агар бирор нишона билмоқчи бўлсанг, шунга жаҳд қилгилки, сенинг узингдан нишон қолмасин.

9. Ё Раб, бу хаста қулинг, шунча орзу қилибдир, бу Сенга аёндир, уни баён қилишга ҳожат борми?

Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси

Бу ҳам Навоийнинг ҳамд ғазалларидан. Шоир Парвардигор қудрати, улуғворлигини васф этиш баробарида, Унинг сифатларини бир-бир санаб ўтади, чунончи: 1) инсолар юрагида кечаётган фикру уйлар, сирру асрор Аллоҳ таолога аён, гарчи бу сирларни кишилар ошкор этмасалар ҳам. Шоир айтмоқчики, одамнинг қандай экани, ахлоқий ғазилати, ният-орзулари Худо наздида яширин эмас. Мунофиқ, риёкор ҳар қанча нияти, ички оламини яширмасин, Аллоҳ барини куриб, билиб турибди. Шу боис дилдаги ғамни ҳам, Аллоҳ билади, уни айтиб, нола чекишга ҳожат йўқ дейди Навоий. Тилнинг гуёлиги, истеъдоду қобилиятни ҳам Унинг Ўзи беради. 2) Аллоҳнинг макони йўқ, аммо ҳамма жойда У бор, ҳозир у нозир. Бирор бир иш, ҳаракат, узғариш, ривожу инқироз Унинг амридан ташқарида эмас. 3) Худо одамларни табақаларга бўлгани, ҳар кимга бир насиба бергани аниқ, аммо Унинг лутфу марҳамати олдида барча тенг, балки ниши синган пашша ҳайбатли филдан кура, оддий бир гадо юрт подшосидан кура азизроқ ва қадрлироқдир.

Навоий ана шу қиёслардан кейин узининг ҳақир аҳволини тилга олиб Аллоҳга муножот этади, карамингдан бебаҳра этма деб илтижо қилади. Бироқ бунинг учун, дейди шоир киши буткул Аллоҳ ишқига ғарқ бўлмоғи даркор, яъни фоний, бенишон бўлиши лозим. Буни ғазалдаги *гардиш* ёки *бозгашт* (қайтиш) ҳам дейдилар. Яъни лирик кечинмалар ёхуд орифона – фалсафий мушоҳадалардан сунг тасвирланган гоёларга уз муносабатини баён этиш, якуний хулосани баён этиш. Бу ғазал мактабида ҳам матлаъда айтилган фикр муаллифнинг ботиний нияти изҳори билан боғлаб юборилган.

11-ғазал

Ёрдин айру кунгул мулкедурур султони йуқ,
Мулкким султони йуқ, жисмедурурким жони йуқ.

Жисмдин жонсиз не ҳосил, эй мусулмонларким, ул
Бир қаро туфроғдекдурким, гулу райхони йуқ.

Бир қаро туфроқим, йуқтур гулу райхон анго,
Ул қаронгу кечадекдурким, маҳи тобони йуқ.

Ул қаронгу кечаким йуқтур маҳи тобон анго,
Зулматедурким, анинг сарчашмаи ҳайвони йуқ.

Зулматеким, чашмаи ҳайвони онинг булмағой,
Дузахедурким, ёнида равзайи ризвони йуқ.

Дузахеким, равзайи ризвондин улғой ноумид,
Бир хуморедурким, анда мастлик имкони йуқ.

Эй Навоий, бор анга мундоғ уқубатларки, бор
Ҳажрдин дарди, ва лекин васлдин дармони йуқ.

Луғат

1. **Ёр** – биринчи ғазал шарҳига қаранг.
2. **Маҳи тобон** – тулин ой.
3. **Сарчашмаи ҳайвон** – тириклик суви булоғи.
4. **Равзайи ризвон** – жаннат боғи.
5. **Хумор** – талвин мақоми, маҳбуба ишқини қумсаш, касрат пардаларининг кутарилиши, тажаллийси, яқинлашган ҳолат.
6. **Мастлик** – кунгилнинг ишқ ғалабасидан беҳудлиги, фано филлоҳ ҳолати.

Байтларнинг насрий баёни

1. Ёридан айрилган кунгил худди султонидан ажралган мамлакатга ухшайди, султони — бошлиғи йук мамлакат эса жонсиз жисм кабидир.

2. Эй мусулмонлар жони йук жисм (бадан)дан нима фойда, ахир жонсиз жисм гулу райхони — ҳаёти йук қора тупроқдай гап.

3. Гулу райхони йук қора тупроқ эса бамисоли порлоқ тулин ойи булмаган қоронғи тун кабидир.

4. Тулин ой порлаб турмаган қоронғи кеча оби ҳайвон — тириклик суви йук зулматдир.

5. Ҳаёт чашмаси булмаган зулмат ёнида жаннат боғи булмаган дузахдекдир.

6. Жаннат боғидан умидсиз дузах ишқ бодасидан туймаган, моддий оламнинг рангба-ранг жилоларидан узилмаган, касрат пардаларини батамом ёриб чиқмаган кунгил кабидир.

7. Эй Навоий, Ёр ҳажридан дарди бор, аммо васл умидидан давоси йук одамнинг азобу уқубатлари шунақа булади.

Ҳазалнинг умумий мазмун-маъноси

Ажойиб шоирона санъаткорлик намунаси, узига хос бир-бирига уланиб кетган ташбеҳлар занжири. Байтлар аро боғланишдан ташқари, мисралар аро мантикий изох — бадий шарҳ усули қулланилган. Ҳазалнинг бош ғояси — ёридан айрилган ошиқ кунгил ҳолатлари ва кийноқларидир. Улуғ шоир ошиқнинг ана шу ҳолатини бирин-кетин султони йук юртга, жонсиз жисмга, ҳаёт нишонаси қуринмайдиган қора тупроққа, қоронғи кечага, ер ости зулматга, дузахга ухшатади.

Биринчи байт — мақтаъдаги маъно ҳам уқувчи диккатини дарҳол узига тортади: ёрсиз кунгил султонсиз юрт ва жонсиз жисм каби бузулиш, хароб булишга маҳ-

кум. Демак, султон (подшо, рахбар) мамлакатнинг жони, мамлакат бутунлиги, яшнашининг гаровидир, бошқача айтганда, мамлакат жисм булса, подшо унинг жони, ҳаёт бағишловчи кучидир. Бу ерда Навоийнинг муҳим сиёсий-ижтимоий қараши ҳам акс этганини кураемиз. Кейинги байтлардаги гашбехлар ана шу ғояни изоҳлаш ва мустаҳкамлашга хизмат қилган. Кунгил бутунлиги Ёр билан, жисмнинг соғломлиги, фаолияти жон билан, мамлакат бутунлиги, ободончилиги одил ва доно шоҳ билан. Бу ерда “сарчашмаи хайвон”, “зулмат” иборалари алоҳида изоҳни талаб қилади. Навоий ушбу ташбеҳ орқали Хизр пайғамбар афсонасини назарда тутмоқда. Ривоятга кура, ер остида зулмат (қоронғилик) дунёси бор булиб, унда оби ҳаёт булоғи мавжуд. Ана шу булоқдан ичган одам улмасдан абадий яшайди. Искандар Зулқарнайн ер устидаги дунёни олгандан кейин, ер ости мамлакатини ҳам забт этиб, ҳаёт булоғидан ичиш ниятида ер остига отланади. Аммо Хизр ундан олдин ер остига тушиб, булоқ сувидан ичади ва абадий ҳаётга мушарраф булади. Ҳазрат Навоий шу ривоятга ишора қилиб, Ёр васлини абадий ҳаёт бағишловчи булоқ сифатида тасвирлайди. Ёрнинг васли шу боис жаннат боғи ҳузурини билдирса, ҳижрон азоби дузах азобига тенглаштирилган. Бунда ҳам биз ширнинг абадий ҳаёт, Буюк комиллик фароғатига интилган қалби пок инсонлар армони тасвирини кураемиз.



12-ғазал

*Эй насими субҳ, аҳволим дилоромимға айт,
Зулфи сунбул, юзи гул сарви гуландомимға айт.*

*Буки лаъли ҳасратидин қон ютармен дам-бадам,
Базми айш ичра лабо-лаб бодашомимға айт.*

*Ком-талху бода-захру ашк рангин булғанин
Лаъли ширин, лафзи рангин, шухи худкомимға айт.*

*Шоми ҳижрон рузгоринг тийра нечун қилди, деб
Сурмағил мендин бу сузни, субҳи йуқ шомимға айт.*

*Ул пари ҳажрида нангу номким тарк айладим,
Кунгул отлиғ ҳажр водийсида бадномимға айт.*

*Эй кароматгуй, ишим оғози худ исён эди,
Шамъи раҳмат партави еткайму анжомимға, айт.*

*Йуқ Навоий бедил ороми ғам ичра, эй рафиқ,
Ҳолини зинҳорким курсанг дилоромимға айт.*

Лугат

1. **Насими субҳ** – тонг ели. Тасаввуфий маънода илоҳий нур тажаллиси.
2. **Сунбул** – хушбуй, ҳалқа-ҳалқа гулли гиёҳ, маҳбубанинг зулфига ухшатилади.
3. **Сарви гуландом** – гулдай чиройли сарвқомат одам.
4. **Лаъл** – қизил лаб. Тасаввуфий маънода пир сузининг қиймати, маъшуқа каломининг бебаҳолиги.
5. **Бодашом** – шароб ичувчи.
6. **Ком** – оғиз, мурод-мақсад, орзу, бахт.
7. **Талх** – аччиқ.
8. **Ашк** – куз ёши.
9. **Лафз** – суз.
10. **Худком** – уз мақсади, фойдасини уйлайдиган киши.
11. **Тийра** – қоронғи.

12. **Нангу ном** – ор, номус, обру-эйтибор.
13. **Кароматгуй** – башоратчи, ғайбдан хабар берувчи.
14. **Оғоз** – бошланиш.
15. **Исён** – буйин товлаш, тоатсизлик, гуноҳ.
16. **Партав** – шуъла, порлаш.
17. **Шамъи раҳмат** – Аллоҳ нури, тажаллийси.
18. **Анжом** – охир, якун.
19. **Бедил** – дилсиз, дилини маҳбубага топширган, ошиқ.

Байтларнинг насрий баёни

1. Эй тонг ели, аҳволимни юзи гулдай чиройли, сочи сунбулдай хушбуй, қомати сарвдай тик ва гул каби нозик дилга ором бергувчи ёримга айт.

2. Унинг лаълдай қизил лаби ҳасратидан бот-бот қон ютишимни қизил майдан пиёлани лиммо-лим тулдириб ичаётган ва айш қилаётган маҳбубимга етказ.

3. Оғзим аччиқ (ёки бахтим қора), ичаётган бодам захар, қон йиғлаётганимни лаъли лаби ширин, сузлари гузал ва ранг-баранг, узига бино қуйган шуҳи жононимга айт.

4. Хижрон шоми ҳаётингни нега қоронғи қилди деб мендан сурама, буни тонги йуқ шомимга айтгин.

5. Паридай ул гузал маҳбуба фироқида ор-номусдан айрилганимни хижрон водийсида оввора кунгил отлиғ бадномимга айт.

6. Эй башоратчи, менинг ишимнинг бошланишининг узи итоатсизлик, саркашлик (гуноҳ) эди, аммо охирида шамъи раҳмат – илоҳий файз нури етадими менга, шундан хабар бер.

7. Эй дуст, Навоийнинг ғам ичида дилсиз орому қарори йуқ, бу аҳволимни агар курсанг, албатта, дилоромимга айт.

Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси

Ошиқона бу ғазалда севгувчи қалбнинг фиғону нола-ласи акс этган. Ёр узоқда, у шодлик боданушлиғи, ҳаёт

гаштини суриш нашидаси билан банд. Ошиқ эса хижрон азобини тортмоқда, у шу аҳволдан ёрини хабардор этмоқчи булади, бунинг учун тонг шамолига мурожаат этади.

Умуман тонг (субх) тамсили, тонгга мурожаат Шарк шоирларида анъанавий усуллардан ҳисобланиб келган. Бироқ Навоийда бу усул янги тасвирий воситалар билан намоён булган. Шоир ошиқ аҳволи ва маъшуқанинг бепарволигини ташбеҳлар тазоди — қиёслаш йули билан очиб беради. Айни вақтда бу ёр жамоли — васфини ҳам уз ичига олган.

Ёрнинг юзи гулга, зулфи (ҳалка сочи) хушбуй гиёҳ сунбулга, қадду қомаги тик ўсадиган чиройли сарв дарахтига ухшатишган. Ошиқ хижронда аламлар ютади, у ҳам бода ичида, аммо бу унинг учун заҳардай аччиқ, ҳар замон ёрнинг лаълдай қизил лаби, яъни пурмаъно сузларини қўмсайди, шу ширин лаблардан упиб, роҳатлангиси келади. Мана шундай икки ҳолатни зид қўйиб тасвирлаш кейинги байтларда ҳам давом этган. Олтинчи байт узига хос мазмунга эга: Навоий ошиқликни узига хос исён деб таърифлайди, яъни маҳбубага бундай шайдолик зоҳирий қоидалар, расм-рўсулларга туғри келмайди. Лекин охирида у Илоҳий тажаллий нурига етишиш, шамъи раҳмат шуъласини қуришдан умидвор. Шу мақсад ошиқни овунтиради ва азоблари унутилади.



13-ғазал

*Хусни ортар юзда зулфин анбарафшон айлагач,
Шамъ равшанроқ булур торин паришон айлагач.*

*Юзни гуллардин безабму бизни қурбон айладинг?
Е юзунга тегди қонлар бизни қурбон айлагач?*

*Тийг ила пайконларинг етти кунгул булғоч хароб,
Сув қуюб, тухм экдинг, ул кишварни вайрон айлагач.*

*Қон эмаским ёпти гулгун ҳулла жаннат хозини,
Ишқ мақбули шаҳид айларда урён айлагач?*

*Ошкор айлаб юзин кузумни ҳайрон айлади,
Ёшурун олди кунгул кузумни ҳайрон айлагач.*

*Жонда қуйғоч нақди ишқин қилди кунглумни ҳалок,
Ултурур маҳрамни султон ганж пинҳон айлагач.*

*Эй Навоий, ишқ агар кунглунгни мажруҳ этмади,
Бас недурким қон келур оғзингдин афғон айлагач.*

Лугат

1. **Анбарафшон** – анбар сочувчи, хушбуй ҳид таратувчи (анбар – балиқ меъдасидан олинадиган юмшоқ мумга ухшаш хушбуй модда).

2. **Кишвар** – мамлакат, юрт.

3. **Ҳулла** – янги ҳарир либос.

4. **Хазин** – хазина эгаси, хазинабон.

5. **Мақтул** – қатл этилган, улдирилган.

6. **Шаҳид** – қурбон булган, улган.

7. **Урён** – яланғоч.

8. **Ошкор** – намоён этиш, курсатиш.

9. **Нақди ишқ** – ишқ, ишқ ҳақиқати, ҳақиқий ишқ.

10. **Ганж** – хазина, бойлик.

11. **Афғон** – дод-фарёд, фиғон.

Байтларнинг насрий баёни

1. Юзида анбардай хушбуй сочини ёйганда (маъшуканинг) хусни яна ҳам ортади, у гузалроқ булиб куринади, зеро шамчиروқнинг ипини кесиб, тозалаб ёйсалар, у яна ҳам равшанроқ ёнади.

2. (Эй Ёр), юзингни гуллар билан безаб, бизни қурбон айладингми ёки бизни қурбон қилаётганингда қонимиз юзингга сачрадими?

3. Кунглим харобу беҳол булганда тийфинг ва кипригинг келиб етти. Гуёки кунгил мамлакатини вайрон этгач, сув қуйиб янгидан уруғ эккандайсан.

4. Бу қон эмас, балки жаннат хазиначиси ишқ йулида қатл булган шаҳидни яланғочлаб, ёпган гул рангли либосидир.

5. Яширин равишда кунглим кузини ҳайрон этгач (Ёр) юзини очиб, кузимни ҳайрон қилди. (Ёки: юзини очиб кузумни ҳайрон этгач, яширин равишда кунглимни забт этди).

6. Ишқнинг нақди — баҳосини жонимга қуйгач, у кунглимни ҳалок айлади, зотан, агар султоннинг ишонган одами хиёнат қилиб, хазинани яширса (узлаштирса), султон албатта уни улдиради.

7. Эй Навоий, агар ишқ кунглингни мажруҳ этмаган булса, унда нега оҳу нола, афғон чекканингда оғзингдан қон келади?

Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси

Ғазал мақтаёида Ёр хусни таърифи, зулфини ёйганда яна ҳам чиройлироқ булиб куриниши шамъ учини силкитиб тозалаганда равшанроқ шуълаланишига ухшатишган. Бунда юз, зулф, анбар, шамъ тимсоллари воситасида гузал юзнинг жилоси, порлаши тасвирланган.

Айни шу юз очилиши, порлаб нур таратиши кейинги байтларда давом эттирилган ва бунинг ошиқ қалбига таъсири муносиб бадий образлар қиёси орқали ҳушоҳанг бир гарзда гавдалантирилган. Чунончи, қизил гул ва қон, камон уқининг учи ва сув, қон ва гулранг либос, ишқ ва ганж ташбехларининг мутаносиб рангларида устакорона фойдаланган. Натижада моҳир расомнинг ранг тасвиридай мазмунан ҳазин булса-да, чуқур орифона маъноси билан кишини ром этувчи лавҳа ҳосил булган. Умуман, ранглар, ташбехлар қиёсидан санъаткорона фойдаланиш Навоийнинг севган усулларида. Ушбу ғазалда эса Ёр жамолининг порлаб қуриши ва ошиқ кунглининг бундан изтироби, садоқати тасвирланган. Ошиқ ишқ йулида қурбон булса ҳам мақсадидан қайтмайди, ахир ишқ йулида шаҳид булганлар Аллоҳнинг марҳаматига нойил булиб, жаннатнинг гулгун либосини қиядилар. Бу байтда ажойиб бир ишора бор: Ҳақ йулида шаҳид булганлар, дейилади ислом манбаларида, кафан қилинмасдан уз қийимлари билан кумилиши лозим. Аммо нариги дунёда уларга жаннат гулидан тикилган гулла – гулгун харир либос ҳадя этилади. Демак, Навоий наздида чин ошиқнинг мартабаси ниҳоятда улуғ.

Ушбу ғазал байтларида орифона маънолар ҳам бор. Аммо биз бунга бу ерда тухтамадик, чунки Навоийнинг поэтик дунёси, бадий ҳаёлоту бу ғазалда кўпроқ дунёвийдир.



14-газал

*Поумиде мен киби борму экин жононидин,
Жонға етган кунглидин, кунгли тутулғон жонидин?*

*Фард хушу сабридин, маҳжур зуҳду илмидин,
Айру шахру мулкидин, овора хонумонидин?*

*Танга меҳнат равзани очқон яқонинг чокидин,
Жонга рихлат навҳасин тузган кунгул афғонидин?*

*Ҳам салоҳ уйин қаро айлаб туганлар дудидин,
Ҳам бало юзин қизил қилғон алифлар қонидин?*

*Мен дағи бир кун салоҳ аҳли эдим, эй порсо,
Бу уқубатлар аро қолдим биров ҳижронидин.*

*Жомима ҳар давр қуй, соқий, ҳалоҳил захриким,
Таҳ-батах қондур ичим тоси нигун давронидин.*

*Эй муғанний, туз мақоми навҳаким, чиқмоқдадур,
Хаста жон жисм уйи отлиғ кулбайи аҳзонидин.*

*Жон берур ҳар дам Навоий, не ажаб гар берса жон
Қулки айрилғой бегидин, бек неким, султонидин.*

*Ростлиқда сарви озодё йигитлик боғидин,
Покликда лаъли рахшоне эранлик конидин.*

Луғат

1. **Фард** – якка, ёлғиз, ажралган.
2. **Маҳжур** – айрилиқда, ҳижронда қолган одам.
3. **Меҳнат** – азоб-уқубат, машаққат, қийноқ.
4. **Равза** – эшик, дарча, мури.
5. **Рихлат** – кучиш, нариги дунёга сафар.
6. **Навҳа** – нола, фиғон, куй.
7. **Салоҳ** – тузатилган, парҳезкорлик, туғрилиқ.
8. **Бало** – офат, бадбахтлик, зарар, жафо.

9. **Порсо** – парҳезкор, тақводор одам.
10. **Давр** – бу ерда май косасининг ўтирганлар даврасида навбат ба навбат, айланиб келиши назарда тутилган.
11. **Таҳ-батаҳ** – ич-ичигача, буткул.
12. **Тоси нигун** – осмон (тунтарилган идиш).
13. **Муғанний** – чолғувчи, қушиқчи.
14. **Сарви озод** – тикка усадиган дарахт тури.
15. **Эран** – мард, тариқатга ўзини бағишлаган киши.
16. **Ҳалоҳил** – ўлдирувчи, қотил.
17. **Туған** – доғ, яра, жароҳат изи.

Байтларнинг насрий баёни

1. Мен каби ёр васлидан умидини узган, шу боис кўнгил азобидан жони қийналган, жони эса кўнглидан зада;
2. Ҳуши ва сабридан жудо бўлган тақво ва илмидан, шаҳру мамлакатидан айрилган, уй-жойидан адашган овора;
3. Ёқасининг йиртилганидан танаси илма-тешик бўлган; дилининг фиғони зуридан ўлим ноласини чекган;
4. Яралар (доғлар) азобидан осойишталик, соғлиқ уйини хароб этган ҳамда бало зарбаси туфайли оққан қонлардан балонинг ўзининг ҳам юзини қизил қилган одам борми?
5. Эй парҳезкор зоҳид, мен ҳам бир вақтлар кўнгли бутун, ақлу ҳуши жойида бўлганлар зумрасидан эдим, аммо бир маҳбуб фироқида бу ғаму андуҳлар ичида қолдим.
6. Эй соқий, қадахимга ҳар гал навбатим келганда май ўрнига қатл этувчи заҳр қуй, негаки фалак зулмидан ичим қонга тўлгандир.
7. Эй чолғувчи (қушиқчи), навҳа-айрилиқ ноласини чалким, хаста жоним бу ҳазин, ғамхона жисм отлиғ бу қулбадан чиқмоқдадир.
8. Навоий, ҳар дамда жон беришга тайёр тур, негаки қул беги, бек нима, султонидан ажралганда жон берса ажаб эмас.

9. Ул санамнинг қадди шундай гузалки, ёшлик боғининг чиройли дарахти — тик усувчи сарвни эслатса, покликда мардликнинг конидан топилган нур таратувчи лаъл сингаридир.

Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси

Ошиқнинг айрилиқдаги изтиробни дастлабки турт байтда кетма-кет изтиробли, ҳазин оҳангда тасвирланган. Бу ҳол кейин туртинчи ва бешинчи байтларда изоҳланади, яъни ноумидлик сабаблари талқини берилди. Умуман олганда, мумтоз адабиётимизда ошиқ ҳолатларини ҳазин ва ғам-алам ичида курсатиш узига хос анъана эди. Бунинг икки сабаби бор: бири шуки, мумтоз шоирларимиз, жумладан, Алишер Навоий идеаллар — орзу-армонларга ошуфталик, маъшуқага етишиш дарду изтиробиди қалам тебратганлар. Идеаллар билан реал ҳаёт эса купинча мувофиқ келмайди, Навоийнинг узи қайд этганидай, “аҳли замондан яхшилиқ” кутиш, вафо ишташ хато. Аммо кунгил узгармас, содиқ ва вафодор ёр истайди, дардқаш, дилга малҳам, танга роҳат берувчи, нафақат ҳиссий кечинмалар, балки муборак ва улуғвор ғояларга шерик, ҳаммаслак кишини кумсайди.

Иккинчи томондан, юқорида қайд қилинганидай, ҳар бир “реал тасвирлар”, яъни мажозий образлар талқини тагида, илоҳийликка — Ҳақиқатга интилувчи ошиқ қалби кечинмалари ётади. Ҳақиқатга ошиқлик эса реаллик орқали борар экан, реалликнинг синовлари — кийноқларини бошидан утказиши муқаррар. Келтирилган ғазалда ҳам бунга ишоралар анча. Масалан, жонон — бу Мутлақ рух, унга егишгунча ошиқда умидсизлик ҳам, ноумидлик ҳам булаверади, то тажаллиёт нурини идрок этмаса, талпинишлари давом этаверади. Шуйулда у девоналардай беҳуду бесабрdir. Навоий қаҳра-

мони ҳам аввалида хотиржам, ақлу хуши жойида, расм-русумлар, ахлоқу одоб доирасида узини тутадиган одам булган. Аммо илоҳий ишққа гирифтор булгач, хонумони, бору йуғини унутади. Кунгил уйн бузилади, салохиятдан паришонликка юз тутади. Туртинчи байтда “бало” сузи орқали суз уйини ясалган: “бало” ошиқни синаш учун юбориладиган синов ва ҳамда маъшуқнинг узи маъносида келади. Бу суз араб ёзувида қуйидаги шаклга эга:

Бундаги алиф эса, баланд қомат, гузал маҳбуба қаддига ишорадир. Шоир “алифлар” деб уқ (пайкон)га ҳам ишора қилган. Яъни маҳбуб отган уқлар юракка тегиб, сачраган қонидан унинг узининг юзи ҳам қизил булади, демокчи. “Кон” сузи кейинги байтларда борлиги шу тасвирнинг ёрқинроқ қилиб берилганидир. Маъшуқа гузаллиги, аммо бевафолиги, бундан ошиқнинг қийналиши бир-бирдан чиройли, шу билан бирга, бир-бирини кувватлантирадиган ва муболағали ҳолати тасвирланиб, укувчини мафтун этадиган лирик тасвир юзага келтирилган.



15-газал

Ёридин ҳеч ким менигдек зору маҳжур улмасун,
Жумлаи оламда расволиққа машҳур улмасун.

Мен булай овора то ишқимдин айлаб гуфтугуй,
Оти онинг ҳар киши оғзиға мазкур улмасун.

Жонима бедоду зулмни, ё Раб, ул миқдор қил,
Ким анинг ошиқлиғи ҳар кимга мақдур улмасун.

Мен худ улдум, лек ҳар ошиқки бордур покбоз,
Навҳа тортиб мотамим тутмоққа маъзур улмасун.

Панд ила кунглум уйин қилма иморат, эй рафиқ,
Бизни бузди харгиз ул, ё Рабки, маъмур улмасун.

Кечалар ул гул чекар эрмиш қадаҳ, эй тонг ели,
Воқиф ул, ҳолимни айтур чоғда махмур улмасун.

Ёр васлиға қувондим, қовди куйидин мени,
Эй Навоий, ҳеч киши давлатға мағрур улмасун.

Луғат

1. **Зор** – бечора, интизор.
2. **Маҳжур** – ҳижронда, айрилиқда.
3. **Гуфтугуй** – сузлаш, гапириб юриш.
4. **Мазкур** – тилга олиш, зикр этиш.
5. **Мақдур** – қудратга эга, имконият, қудрат доирасида.
6. **Покбоз** – содиқ ва ғаразсиз ошиқ, ҳалол.
7. **Маъзур** – обод этувчи, тузатувчи.
8. **Иморат** – тузатиш, обод этиш, уй-жой.
9. **Рафиқ** – уртоқ.
10. **Маъмур** – обод, тузатилган.
11. **Қадаҳ чекмоқ** – қадаҳда май ичиш.
12. **Махмур** – хуморли, маст.
13. **Қовди** – қувди.
14. **Куй** – куча, гузар.
15. **Улмасун** – булмасун.

Байтларнинг насрий баёни

1. Хеч ким мен каби ёридан айрилиб, зору нола қилмасин, бутун оламда маломатга қолиб, беобру булмасин.

2. Майли мен унинг ишқини хикоя қилиб, оғизларга тушиб, овора булайин, минг-минг розиман. Аммо унинг оти ҳар кимнинг тилида айтиладиган булмасин.

3. Ё Раб унинг зулму ситамини жонимга шунчалик куп етказгинки, унга ошиқ булишни бошқаларнинг қурби етмасин, яъни бу ошиқлик бахти бошқаларга насиб этмасин.

4. Мен-ку унинг ишқида улдим, лекин содик ошиқлар менинг мотамимга оху нола чекиб, аза тутишга узини мажбур қилмасин.

5. Эй дуст, насихатларинг билан кунглимни кутаришга уринма (кунглим уйини тузатаман деб уйлама), кунглимиз уйини ул бевафо бузди, илохо, бу бузилган иморат ҳеч обод булмасин.

6. Эй тонг ели, гул юзли санамим, кечалари қадахда май сузиб ичармиш, сен хушёр бул, менинг ҳолимни унга айтаётганингда, у маст булмасин (чунки маст чоғда қулоғига гап кирмайди, эътибор қилмайди).

7. Ёрнинг васлига етиб, қувондим, аммо у (аччиғланиб) мени қувиб юборди. Эй Навоий, ҳеч киши давлатга мағрур ўлмасин.

Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси

Бу ғазалда мураккаб иборалар, суз уйини ёхуд кочириклар йук. Навоий бунда ҳам содда ва равон бир усулда ошиқнинг ёр айрилиғида кунглидан кечган ҳиссиётларини, ҳасратли оҳангда баён этган. Ошиқ зору саргардон, атрофдагилар уни маломат қиладилар, устидан куладилар. Аммо у бундан хафа эмас, аксинча, унинг ёрига ишқи шунча зурки, не бало келса чидашга тай-

ёр, майли мен расво булайин, девона, телба деб ус-
тимдан кулсинлар, лекин унинг номини тилимдан
куймагайман, канча азоб булса хам чидайман, фақат
унинг номи бошқалар оғзига тушмасин, бошқалар унинг
ишки дардини чекиш бахтига муяссар булмасин, деб
Аллохга илтижо қилади ошиқ. Бу муҳаббатнинг кучи,
севги садоқатининг изҳори. Ошиқ ёрини қизғанади, у
фақат меники, менинг бахтим, менга хеч ким шерик
булмасин дейди. Бешинчи байт анъанавий равишда
“бозгашт” (қайтиш) булиб, ошиқ ёрига булган беғубор
хисларини шиддатли оҳангла, қиёсли ташбеҳлар би-
лан изҳор этгач, бировларнинг унга насихат қилиб бу
йулдан қайтаришларини хоҳламайди. Аксинча, ошиқ-
нинг бахтиёрлиги айни ана шу бехуду расволик, ви-
сол йулидаги аламлар чекишидадир. Шу боис ишк
билан бузилган кунгил уйини ишқдан халос булишга
чорловчи панд эмас, балки ишқнинг узи тузатади.
Мана шундай тасвирлар билан газал мактаъида яна
бир ҳолат чизилади: ошиқ ёр васлига етиб, хурсанд
булганда, ёри уни хузуридан қувиб юборади. Яъни
махбуб хузури доимий ором ва шодлик жойи эмас, у
позик табъ подшолардай озгина “беадаблик”ка хам
чидамайди. Яъни айрилиқ хам, васл хам ошиқ учун
синов, дарддир.



16-ғазал

*Жунун водийсиға мойил курармен жони зоримни,
Тилармен бир йули бузмоқ бузулгон рузғоримни.*

*Фалак бедодидин гарчи мени хокий ғубор улдум,
Тилармен топмагайлар тутиёлиқға ғуборимни.*

*Шак эрмас партаве тушгач, уйи ҳам, рахти ҳам куймак,
Чу гуристон гадоий сирмагай шамъи мозоримни.*

*Деманг қай сори азм эткунг, манга йуқ ихтиёр, охир
Қазо илгига бермишмен инони ихтиёримни.*

*Туганди ашки гулгун, эмди қолмиш зағфароний юз,
Фалак зулми бадал қилди хазон бирла баҳоримни.*

*Диёрим аҳли бирла ёрдин бошимға юз меҳнат,
Не тонг бошим олиб кетсам, қуюб ёру диёримни.*

*Ёмон ҳолимға бағри оғриғой ҳар кимсаки кургай
Бағир парголасидин қонға булғанған узоримни.*

*Ҳаётим бодасидин саргаронман асру, эй соқий,
Қадаҳа захри қотил қуй, дағи дафъ эт хуморимни.*

*Жаҳон таркини қилмай чунки тинмоқ мумкин эрмастур,
Навоий, қил мени озод уртаб йугу боримни.*

Дуғат

1. **Жунун водийси** – жиннилик, девоналик саҳроси, беҳудлик – ошиқлик, ошуфталик дунёси. Мажнун ҳолатига ишора.
2. **Хокий** – тупроқдан ясалган.
3. **Тутиё** – сурма каби куз дориси, рухнинг кукуни.
4. **Рахт** – асбобу анжом, тўшак, кийим-кечак.
5. **Қазо** – илоҳий ҳукм, тақдир.
6. **Илик** – қўл.
7. **Инон** – юган, пажом.

8. **Ашк** – куз ёши.

9. **Заъфароний** – сариқ, гуллари сариқ рангли хушбуй гиёҳ дори. Куп истеъмол қилган кишининг ранги сарғаяди, заифлашади.

10. **Бадал** – алмаштириш.

11. **Паргола** – булак-булак, парча-парча.

12. **Узор** – юз.

13. **Бода** – олдинги шарҳларга қаранг.

14. **Сирмамоқ** – юлиб олмоқ, чимчиламоқ.

15. **Бедод** – зулм, жабру жафо.

Байтларнинг насрий баёни

1. Нола-фигонлар қилаётган харобу дардкаш жонимни девоналик водийси сори боришга мойил кураяман. Бу аҳволда бузилаётган хону моним, рузгоримни бира тула вайрон булишини истайман.

2. Гарчи тупроқдан қорилган бу таним фалак зулми туфайли губорга айланган булса-да, лекин бу губоримни ҳеч ким ҳатто кузига суртмовчи булганда ҳам топишларини хоҳламайман.

3. Кабристонда яшовчи гадо агар мазорим устидаги шамънинг учини юлиб олганда, кулбаси ҳам, курпатушаги, асбобу анжоми ҳам куйиб кетишига шубҳам йук.

4. Кайси томонга сафар қиласан, деб сураманг, чунки менда ихтиёр йук, ихтиёрим тизгини қазо қулидадир.

5. Йиғлайвериб, қонли ёшларим ҳам тугади, энди заъфар гулидай сарғайган юзим қолибдир, нима қилайки, фалакнинг зулму жафоси баҳоримни хазон – кузга алмаштирди.

6. Диёрим аҳли ҳам, ёр деб севганим ҳам бошимга юз кулфагу азоб келтирдилар, шунинг учун агар ёру диёримдан кечиб, бошимни олиб кетсам ажабланманг.

7. Кимки менинг бағрим пора-пора булганидан қонга булғанган юзимни курса, ёмон ҳолимга ачи-ниб, юраги оғрийди.

8. Эй соқий, ҳаётимнинг майидан беҳад безор ва беҳуду паришонман. Қадахга май урнига захардан куй-да, мени бир йула хумордан ҳам, сархушликдан ҳам халос эт.

9. Зеро дунёни тарк этмасдан, киши тинмайди, эй Навоий, мени бир йула йуғу боримдан қутқар.

Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси

“Ғаройиб ус-сиғар” девонидан жой олган ушбу ғазал юксак ғоялари, хазин, аммо қудратли бир инсоний дард-нинг янграши билан ажралиб туради. Бу ғазал асрлар давомида қушиқ қилиб куйланган, ҳозир ҳам у хушовоз ҳофизларимиз ижросида баланд пардаларда жанг-лаб, қалбларни ларзага келтиради.

Навоий гуё кунгил кечинмалари, ҳаётга ошуфта ва айни пайтда унинг зарбаларидан эзилган қалб нола-сини куйлаган. Шеърни уқиганда фалак жафоси, қазо ихтиёридаги ҳаёти чеккан аламлар, ёрга етолмаслик алами қушилиб улкан Дард булиб портлагандай туюлади. Бир томондан, муҳаббат қийноқлари, хижрон азобидан ҳайрону саргардонлик. Иккинчи томондан, диёр аҳлининг нобоблиги, ошиқ аҳволини англамасдан, жафо қилишлари, “юз меҳнат” тошини ёғдиришлари лирик қахрамонни (демак, Навоийнинг узини ҳам) руҳан эзади, у ана шу нотанти замон ва нобоб макондан қочиб кетмоқчи! Бундай руҳий азоб айниқса, улуг мутафаккир, бемисл шоир, буюк ниятлар йулида тунни тун, кунни кун демай, ижод қилаётган, инсонларга фақат яхшилик қилишни одат қилиб олган ҳазрат Навоийни эзарди. Айнан шунинг учун унинг асарларида шодликдан кура ғам, фараҳли дамлар тасвиридан кура

инсон нуқсонларидан задалик, фожеъ кайфият етакчилик қилади. Иккинчи томондан, Навоий нафақат инсонлар, турли тоифа ва табақа кишиларини урганди, балки у дунёнинг узини, умрни, ҳаёт моҳиятини мушоҳада этади. Ҳаётда таянч-ҳақиқат излаш, бир қониш, руҳий-маънавий асиллик булоғидан баҳрамангликни топмоқчи булади. Аммо, афсус, дунёда буни топиш имкони йуқ. Шу боис орифларга қушилиб, барчасидан озод булишга даъват этади. Албатта, Навоий суфий эмас, умр буйи у Хусайн Бойқаро хизматида булди, давлат хизматини адо этиб, шеър ёзишни ҳам бир кун булсин, канда қилмади.

Аммо унинг лирик қаҳрамонининг кайфияти орифлар, мажнунсифат ошиқлар кайфиятига эш. Бу Навоийнинг идеали, эрк ҳақидаги орзуси эди. Келтирилган ғазалнинг мактаби шундан далолат беради.



17-газал

*Шира кулбамға кириб, жоно, улумдин бер нажот,
Зулмат ичра Хизрға ул навъким оби ҳаёт.*

*Сода кунглум ичра лаълингнинг хаёли тушгали,
Шишаедурким, анинг ичига солмишлар набот.*

*Оразинг меҳрида оғзингдур гадолиғ қилғоним,
Ҳақ сени хуришд қилмиш, заррае бергил закот.*

*То кунгулдан бош чиқармиш ҳар тараф пайконларинг,
Қуш боласидек булбтурким, булур темирқанот*

*Васл умидиға тилармен умр, лекин войким,
Сенсизин курсам тирикмен, ултирур мени уёт.*

*Истасангким, ул қуёш чиққач санга қилғай тулуъ
Эй кунгул, нам сели етқач, тоғдек тутқил сабот.*

*Ишқинг утин гар Навоий десаким айлай рақам,
Сузидин куяр қалам, қурур қора, эрир давот.*

Лугат

1. **Тийра** – қоронғи.
2. **Зулмат** – афсонага кура ер ости мамлакати, қоронғи ер ости.
3. **Оби ҳаёт** – қоронғи ер ости мамлакати чашмаси, абадий ҳаёт бағишловчи сув.
4. **Сода** – тоза, шаффоф, тиниқ.
5. **Закот** – исломда мол-мулк солиғи.
6. **Пайкон** – камон уқининг уткир учи, найза, уқ.
7. **Темирқанот** – эндигина қанотларини учишга шайлаётган қуш боласи.
8. **Тулуъ** – офтобнинг нур сочиб чиқиши.
9. **Сабот** – чидам, тоқат.
10. **Қора** – ёзиш учун тайёрланган қора рангли суюқлик, тушь, сиёҳ.
11. **Давот** – сиёҳдон.
12. **Суз** – суз ва тафт, ҳарорат.

Байтларнинг насрий баёни

1. Эй жонажон маҳбубам, ер ости зулмат дунёсида хаёт суви Хизрга абадий умр бағишлагандай, сен ҳам қоронғи кулбамга кириб, мени улимдан халос эт.

2. Лаълдай лабингнинг хаёли софу покиза кунглимга тушубдир, бу худди шишадан ясалган идишга новот солинганидай булиб қуринади.

3. Юзингнинг қуёши (меҳри)ни тилашдан мақсадим (нуқтадай тор) оғзингдир, Ҳақ таоло офтоб мисоли яратибдир (нурингдан) бир зарра менга закот бер.

4. Уқларинг (пати билан бирга) кунглимнинг турли томонидан тешиб чиқибдилар. (Кунглим) гуё эндигина темирқанот булган қуш боласига ухаб қолибди.

5. Васлинг умидида Худодан умр тилайман, аммо войким, сенсиз тирик юрганимни курсам, уят мени улдиради.

6. Эй кунгил, агар ул қуёш чиққандан кейин сенга нур сочиши (қараши, тажаллий этиши)ни истасанг, ғам сели оқиб келганда, тоғдек сабру тоқат қилиб чидагин.

7. Агар Навоий сенга булган ишқини ёзаман деса, сузи (харорати)дан қалам қуяди, сиёҳ қурийди ва сиёҳдон эриб кетади.

Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси

Бу ҳам Навоийнинг мажоз усулида яратган ошиқона ғазалларидан. Аммо қулланилган ташбеҳлар, тасвирий воситалар узига хос тароват, янги жилога эга. Ошиқнинг кунгли топ-тоза, артилган шишадай шаффоф, шу боис Ёр жамоли бутун товланиши, мафтункорлиги билан унда акс этади. Шоир бу байтда гузал Ёр лабини лаълга, шу лаълнинг хаёлини шиша идишга солинган новотга ухшатган. Дарҳақиқат, новотни шиша идишда саклаш халқимизнинг қадимий одатла-

ридан. Аммо лаъл — қизил, рангига кура у новвотга ташбеҳ була олмайди. Навоий эса ана шу номувофиқликни мувофиқлаштириш учун лаълнинг хаёли, яъни лаълдай лаб ҳақидаги уй-хаёлини новвотга ухшатган. Бу эса бағоят гузал, санъаткорона тасвир. Ошиқнинг ички олами ҳам бунда намоён булган.

Учинчи байтдаги тасвир ҳам ажойиб: Ёр юзи қуёшга ухшатишмоқда. Лекин шу қуёш ичидан у нуктадаёғизни изламоқда. Ғизни нукта деб айтишимизга сабаб бор. Мумтоз адабиётда Ёр ғизининг торлиги, баъзан куриниб куринмай туриши гузаллик белгиси деб қаралган. Қадимгиларнинг эстетик завқи, идроки мана шундай. Бироқ бунинг тагида орифона маъно бор. Ғизнинг торлиги комил пирнинг ниҳоят нозик сирри ва валининг қудсий нафасига ишорадир. Айни шу маънода Ёр қуёшга тенглаштирилган ва унинг зарралари — нури (сузи, ҳикмати) ошиқ учун оби ҳаётдир. Шу пири комилдан бахраманд булиш йулида у гуё гадо ва закот талабгори. Кейинги байтдаги ёр киприклари уқидан мажруҳ булган дил ҳолатининг тасвири — уқларнинг патини жужа қушчаниш эндигина учиши урганиб, типирчилашига ухшатиши ҳам покбоз ошиқнинг садоқат изҳори. Ошиқ тоғдай саботу матонатли булиши, ёр тарафидан, ҳаёт чархпалагидан келган балоларга чидаши шарғ. Булмаса у ошиқи содиқ эмас. Ана шундай ошиқларнинг дили ёниқ ва ҳарорати атрофдагиларга ҳам таъсир этувчидир.

Ғазалнинг мақтаъи — охириги байти бағоят гузал, уни *ҳусни мақтаъ* десак хато булмайди. Чунки бу байтнинг образ — ифодаларигина эмас, ҳароратли оҳанги ҳам дилга кузғолон солади. Шоир муҳаббат қудратини ажойиб ташбеҳлар тизими орқали васф этган, кечинмалар тугёнини тараннум этган.

18-ғазал

*Лолагун тун ичра, ё раб, ул ғазоли Чин эрур,
Ё кузумнинг мардуми қон ёш ила рангин эрур.*

*Билмон, оёким, шафақ ичра эрур заррин ғазол,
Лолагун тун ичра ёхуд ул ғазоли Чин эрур?*

*Айламиш гулдаста банд сунъ туну жисмини,
Санъатиким, арғувон барги аро насрин эрур.*

*Қадмудур бу ё эрур шингарф ила ёзгон алиф,
Белму ё тореки, лаъл ичра анга таскин эрур?*

*Кунглум ичра солди ул тун акс ёхуд булди қон,
Халқ кунглин қон этарга, ваҳ, бу не ойин эрур?*

*Бир қадаҳ гулгун май, эй соқий, тула тутким, кунгул
Ул бути гулгунқабо бедодидин ғамгин эрур.*

*Эй Навоий, қатл учун гар худ қизил тун кийди ёр,
Басдур ул тун ранги, не муҳтожи қатлу кин эрур?*

*Дема тоғу лола даҳр ичра – ажал қаплони бил,
Ким кийиклар қонидин бошдин-аёғ рангин эрур.*

Луғат

1. **Лолагун** – лоладай, лоладай қизил рангли.
2. **Ғазол** (ғизол) – оху, кийик.
3. **Чин** – Хитой.
4. **Куз мардуми** – куз қорачиғи.
5. **Рангин** – рангли, қизарган, ранг-баранг.
6. **Арғувон** – қизғиш гулли дарахт.
7. **Шингарф** – қизил буёқ, қизил ранг.
8. **Таскин** – тинчланиш, хотиржам булиш, жой олиш.
9. **Ойин** – одат, йул-йуриқ, қоида, урф.
10. **Гулгун** – гул каби, гул рангли, қизил.
11. **Кин** – уч, қасос.
12. **Насрин** – оқ рангли хушбуй гул.
13. **Сунъ** – яшаш, яратиш, маҳорат.

Байтларнинг насрий баёни

1. Лола рангли (қизил) тун кийган ёрим Хитой оҳуси-микин, ёки кузимнинг қорачиғи қонли ёш билан қизариб куринмоқдамикин?

2. Шафақ ичидаги олтин оҳу (тимсоли)ми ёки у лола рангли Хитой оҳуси (кийиғи)микин?

3. Қизил туни ва жисмини гулдаста каби маҳорат билан шундай бирга боғламишки, у гуё қизил гулли арғувон дарахти япроқлари орасидаги насрин (оқ хушбуй гул)га ухшайди.

4. Бу қадмикин ёинки қизил ранг билан ёзилган алифмикин, нозик белимикин ё бир тордирки, лаъл ичида сокин жой олибдир (маскан тутибдир)?

5. Бу қизил туннинг акси кунглимга тушибдир ёки (кунглим унинг таъсирида) қон булибдир. Одамлар кунглини қон этиш учун, э воҳ, бу қанақа одат булди?

6. Эй соқий, бир қизил майдан бир қадах тулдириб қуй, зеро кунглим ул қизил тунли санам жафосидан ғамлидир.

7. Эй Навоий, агар ёр қатлим учун қизил тун кийган булса, уша туннинг ранги етарли, қасд этиш, қасос олишга ҳожат йуқ.

8. Дунёдаги тоғ ва лола (қувончи)дан гапирма, уларни ажалнинг қоплони бил, бу тоғу тошлар (дунё) кийиклар қони билан буялгандир.

Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси

Алишер Навоий ғазаллари орасида алоҳида-алоҳида ранглар тасвири, маъшукнинг турли рангли либосларда куриниши ва бунинг ошиқ аҳволи-руҳиясига таъсирига бағишланганлари ҳам бор. Чунончи, қизил либос кийган маъшуқа жамоли бир неча ғазалларда мавжуд.

Ушбу ишқий ғазалда эса *қизил рангли тун* кийган маҳбуб жамоли тасвири яратилган. Ана шу тасвирни бұрттириш ва ранглар жилосининг ошиқ қалбига таъсири учун турли поэтик қиёслар, ташбеҳлар қулланилган. Чунончи: *қизил тун, лола, қонли, ёш, бағир қони, шафақ, гулдаста, арғувон дарахти, қизил ранг, лаъл, қизил май* каби зохирий кўриниши ўхшаш нарса ва ҳодисалар билан чоғиштирилади, турли бадий санъатлар ҳосил қилинади, умуман ранглар дунё гўзаллигининг асосий воситасидир, ранглар мутаносиблиги эса кишининг нафақат кўзини, балки қалбини ҳам қувонтиради. Навоий ғазалида ҳам ошиқ қизил либос кийган маҳбуб жамолидан сархуш, аммо шоир шунда ҳам фақат айна ранглар кўзғатган завқни тасвирлаш баробарида ошиқнинг юрагидаги ранго-ранг кечинмаларни ҳам кўрсатишга муваффақ бўлади. Ошиқ ёрнинг қизил тўни унга нақадар ярашгани, у худди Хитой ва Хутан оҳусидай чиройга тўлганини айтиб, айна вақтда бу қонга беланган кўз қорачиғига ўхшашини ҳам қайд этади. Ёинки қизил тун кийган ёр ишқи кўнглини қон қилганини ҳам айтиб ўтади. Бу ғазалнинг ўзига ҳослиги яна шундаки, унда мақтаъдан кейин бир байт илова қилинади (Навоийда яна бир нечта шунақа ғазаллар бор). Агар мақтаъда маҳбубнинг қизил тўни ошиқ қатли учун етарлидир, деган фикр баён этилган бўлса (балки қизил тун кийган жаллод назарда тутилгандир?), илова байтда бу фикр ривожлантирилиб, дунё гўзаллиги, гулу лоласи абадий эмаслиги, замон гардиши, ажал қоплони уларни нобуд қилиб туриши ҳақида бир фалсафий мушоҳадани айтиш билан асар маъно-мазмунини кенгайтирган.

19-ғазал

*Оташин гул баргидин хилъатки жононимдадур,
Хилъат эрмас, ул бир утдурким, менинг жонимдадур.*

*Оташин лаъледурурким, анда музмар булди жон,
Оташин гул баргидин хилъатки жононимдадур.*

*Жон қуши хунобидин тутмиш малоҳат нахли ранг,
Ё либоси лолагун сарви хиромонимдадур.*

*Қатл биймидур, тараҳхумнинг доғи уммеди бор,
Бу либоси олким, ул номусулмонимдадур.*

*Васл шоми куймаган парвона шояд қолмағай,
Бу шафақгун ҳуллаким шамъи шабистонимдадур.*

*Тутмасун гул суҳбатидин сарв узин кўп сарфароз,
Эй сабоким, ул тўни гулгун менинг ёнимдадур.*

*Соқиё, гулранг май солиб кетур паймонаким,
Зухд биймидин халал фақр ичра паймонимдадур.*

*Эй Навоий, истама жон булбулин ҳар гулдаким,
Ул тўни гулгун, лаби гулбарги хандонимдадур.*

Луғат

1. **Оташин** – оловдай.
2. **Хилъат** – тўн, устки либос.
3. **Музмар** – яширилган, беркитилган, махфий, ичида.
4. **Хуноб** – қонли ёш, қайғу ёши.
5. **Малоҳат** – чирой, хусн, дилкашлик, жозоба, мазали.
6. **Бийм** – кўркув.
7. **Тараҳхум** – раҳм-шафқат.
8. **Ол** – қизил.
9. **Ҳулла** – безакли, нафис матодан тикилган кийим.
10. **Паймона** – қадах, ичимлик пиёласи.
11. **Паймон** – аҳд, келишув, ваъда.

Байтларнинг насрий баёни

1. Жононим кийган олов рангли гулдай нафис тун (устки либос), тун эмас у гуё менинг жонимдаги утдир.

2. Жононим устидаги олов рангли гулдай либос шундайин олов каби лаълдирки, унда жон яширингандир.

3. Ё бу жон қуши хуноби — қонли куз ёшидан ранг олган малоҳатли (тароватли, жозибали) ниҳолдир ёки сарви хиромоним (гузал қоматли ёрим) устидаги лола-ранг либосдир.

4. Бу қизил либос ул кофир ёр эғнида экан, қатл қурқуви мавжуд, аммо раҳму шафқатидан умидим ҳам бор.

5. Бундай шафақдай қизариб қуринган нафис либос шамъи шабистоним — тунларни ёритувчи шамъдай гузал ёрим эғнида экан, васл шомида ушбу шамъга талпиниб ёнмаган парвона қолмаса керак.

6. Эй сабо (тонг шамоли), гулдай либос кийган маҳбуба менинг ёнимда булса. сарв дарахти гул билан суҳбат қилаётгани (бирга, ёнма-ёнлиги) билан мақтаниб, кеккаймасин.

7. Эй соқий, менга гул рангли (қизил) май тулдирилган қадахни келтиргин, зеро зуҳду тақво хавфи фақрдаги аҳду паймонимга халал бермоқда.

8. Эй Навоий, жон булбули туни гулга ухшаган, лаби гул баргидай қулиб турган ёримда экан, уни ҳар қандай гулга ошуфта булишини истама.

Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси

Бу ғазалда ҳам дастлабки олти байти *олов, гул, ут, лаъл, хуноб, лолагун, шафақгун, гулгун, гулранг* каби қизил рангли ашёлар воситасида ясалган тасвирларга бағишланган. Бу тасвирлар: 1) ёрнинг қизил либосда гузал сурат қасб этганини курсатиш; 2) шунга монанд тасвирий манзара яратиш ва 3) бунинг лирик қаҳрамонга таъсирини намоён этиш учун хизмат қилган.

Бундай асарларда Алишер Навоийнинг бадший суздан фойдаланиш маҳорати, бемисл санъаткорлиги ярқ этиб кузга ташланади. Хар бир суз, ибора, ташбеҳ тасвирланаётган объектга нечоғлик муносиб ва укувчида завқ уйготувчи, ҳайратга солувчи ҳусусиятга эга. Жононнинг либоси гул баргидай нафис, у худди алангадай барқ уриб туради. Олов шуъласига диққат қилсангиз ҳам қизғишлик, ҳам нафислик, ҳам ҳароратни сезасиз, барқ уриб очилган гул ҳам худди оловдай ял-ял ёнади, қизил тун кийган маҳбуба ҳам ана шундай жозибали ва шу бонс у ошиқ қалбига ут солади, уртайди, ёндиради. Навоий дейдики, жоним ана шу ут ичида ёки утдай кип-қизил лаъл орасига қизил лаблар қатига яширинган. Ажойиб тасвир!

Бу ғазалда ҳам қизил либосли ёрнинг қотиллигига ишора қилинган (4-байт). Албатта, қатл аввалги ғазалда ҳам, бу ерда ҳам кучма маънода, яъни ошиқнинг жони жонона ихтиёрида, у хоҳласа ошиқ жонини олиши ёки унга жон ҳаёя этиши мумкин. Аслида бундан ошиқ ҳам хафа эмас. Мажнун Лайли ишқида жон берганидан хурсанд, фақат Лайлига етишса бас. Иккинчидан, қизил ранг — қон ранги, қурбонлик белгиси. Ошиқи зор қурбон булиш хавфидан қутулмайди. Аммо, ушбу байтда Навоий раҳму шафқат ҳақида ҳам гапиради. Жонона ошиққа раҳм қилиб, унинг жонини олмаслиги ҳам мумкин. Бунда ишлатилган “номусулмон” сузи кофир маъносида булса ҳам (кофирлар раҳмсиз булади, демоқчи), лекин уни соф диний маънода тушуниш ноурин. Бу ерда у маъшуқа сифатларидан бири сифатида қулланилган, яъни маъшуқадан шафқат кутиб булмайди, у ошиқни буткул махв этишга тайёр. Укувчиларга равшан булсин учун еттинчи байтдаги “фақр” тушунчасига изоҳ бермоқ лозим. Бу тушунча байтда зуҳдга қарма-қарши маънода келтирилган. Зуҳд тақводорлик маъносида ишлатилади. Аммо жаннат умидидаги тақво. Фақр эса, фақат Худованд талабидаги орифона ниёзмандликдир. Яъни Худодан бошқа нарсаларга кунгил боғламаслик, ихтиёрни батамом Аллоҳга топшириш.

20-газал

*Жилваму айлар қизил тун бирла ҳар ён ул пари,
Ё магарким лолазор ичра кезар кабки дарий?*

*Телбалар қатли қизил қилмиш либосин, оҳким,
Бир йўли девоналар қониға кирмиш ул пари.*

*Ҳулласин хуноблиғ жон риштасидин қилди чарх,
Булди жонлар жони, ваҳ-ваҳ, ул париваш пайкари.*

*Оразинг нақшимудур қонлиғ кунгулда жилвагар,
Ё шафақдин булди толиғ офтоби ховарий.*

*Ич шафақгун майки, гардун қотиледурким, эрур
Янги ой бирла шафақ тиғу либоси аҳмарий.*

*Қон уза кунглум юзунг шавқидин андоқ хастадур,
Ким эрур гулгун ҳарир оллида онинг бистари.*

*Ул пари лаълида жонинг, эй Навоий, булди маҳв,
Лаългун кисватда маҳв этгандек узни ул пари.*

Луғат

1. **Кабки дари** – хушовоз, сайроқи тоғ каклиги.
2. **Ховарий** – шарқлик, шарқий.
3. **Аҳмарий** – қизил.
4. **Бистар** – тушак.
5. **Ҳарир** – ипак, шойи мато.
6. **Кисват** – кийим.

Байтларнинг насрий баёни

1. Қизил тун кийиб олиб ҳар томонда сайр этаётган ул паридай гузалликни ёки сайроқи тоғ каклиги лолазор орасида кезиб юрибдимикин?

2. Телба ошиқларини қатл қилганидан, қонлар сачраб либосини қизил рангга буябди, йуқ-йуқ, дод дейманким, ул пари бир йула девона ошиқлар қонига кириб олибди.

3. Унинг нозик кийимини чархи фалак қонли жонипидан тукибдир, шу боис ул парига ухшаш гузалнинг зебо ҳайкали (қомати) жонларнинг ичига жойлашган.

4. Қонли кунгил ичида жилва қилаётган юзингнинг суратими ёки шарқдан чиқаётган офтоб шафақ шуъласи орасидан юз курсатдими?

5. Шафақ рангли (қизил) май ич, чунки фалак шундай бир жаллод (қотил)ки, янги ой (уроғи) ва шафақ унинг қиличи ва қизил либосидир.

6. Қонаган (қонли) кунглим юзингнинг шавқидан шундай беморки, унинг гулдай қизил нафис шохи либоси олдида унинг тушаги бор.

7. Эй Навоий, худди ул пари лаъл рангли (қизил) либос ичида беркиниб олганидай, жонинг унинг лаъли (лаби, сузи) ичида йуқолди.

Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси

Бу қизил тун кийган жонон таърифига бағишланган учинчи ғазал. Аммо ҳар бир ғазалда ушбу таъриф алоҳида-алоҳида тасвирга эга. Ҳар бир ғазалда қизил ранг билан боғлиқ узига хос ташбеҳлар қатори ва улар воситасида лавҳа, ҳолатларни чизиш маҳорати кузга ташланади. Бошқача айтганда, жонон уч ғазалда уч хил лирик тимсол қилиб гавдалантирилган. Чунончи, биринчи ғазалда маъшукнинг қизил тун кийиб чиқиши аввал Хитой (Чин) оҳусига, кейин гулдаста ва ичида оқ савсан гул усган арғувон дарахтига ухшатилади. Қон, шафақ, қизил буёқ билан ёзилган алиф ташбеҳлари ҳам бир-бирини тулдириб келган.

Иккинчи ғазалда қизил тун ловуллаган олов шуъласига ухшатилади-да, кейин лола, лаъл, хуноба ташбеҳлари орқали тасвир ривожлантирилиб, маъшукнинг ошиқ қалбига солган изтироблари бир-бир чиғиб курсатилади.

Учинчи ғазалда қизил тун кийган жононнинг паридай нозиклиги, гул сайрига чиғиб жавлон уриши, жилвалар қилиши ва бу лолазор оралаб юрган тоғ каклиги (какликнинг буйин патлари, қанотлари усти қизғиш рангда бўлади)га ухшаб кетиши тасвирланади, яъни “қизил либос кийган жонон лолазор сайлида” деган бир чиройли сурат укувчи куз олдида гавдалантирилади. Демак, бошқа ғазалларда булганидай, бу уччала ғазалда ҳам Алишер Навоийнинг манзара, узига хос бир лавҳа яратиш ва шу лавҳанинг ошиқ дилига хилма-хил таъсирларини тасвирлаш маҳорати кузга ташланади. Аммо ҳар бир ғазалда алоҳида санъаткорлик, алоҳида ҳолатлар тавсифи бор. Ҳар уччала ғазалда марказий ташбеҳ ёки калит суз — бу қизил тун. У ҳар бир ғазалда ҳар хил турдош рангли ашёлар билан чоғиштирилиб, янги-янги бадий тасвирлар ҳосил қилинган. Биринчи ғазалда жононнинг кийиниши — ташқи тасвирига купроқ эътибор қилинган, иккинчи ғазалда қизил либосда кўринган жононнинг ошиқ қалбига олов солиши, уни ишқ азобида қийнаши тасвирланган бўлса, учинчи ғазалда қизил либосли жононнинг хатти-ҳаракати, жилва-карашмасини курсатиш купроқ назарга тушади. Шу уринда яна бир хусусиятни таъкидламоқчимиз. Маълумки, ғазал — лирик жанр, у куй билан, нафосат билан йўғрилган бўлиши керак. Яъни: 1) оҳанг майинлиги, латофати; 2) суз, иборалар латофати, нозиклиги; 3) қофия, радифлар нозиклиги ва 4) бадий санъатлар нозиклиги узаро уйғун бўлмоғи лозим. Навоий ғазаллари бунинг ёркин намунаси. Қизил тун кийган жонон таърифи ва бундан ошиқ жонида пайдо бўлган руҳий ғалаёнлар тасвирида ҳам ана шу латофат, нозик тасвирларни кузатамиз. Айниқса, учинчи ғазал-

да бу ёркин намоён булган. Биринчи байтдаёк жонон *парига* ухшатилади. Пари нима? Пари — рух, халк тасаввури буйича у гоҳ куринади, гоҳ куринмайди, чунки у — самовий хилқат. Маъшук *парига* ухшатилар экан, демак, унинг ниҳоятда нозиклигига ишора қилинмоқда. Кукимтир парлари ва қизғиш тавкли (буйнидаги парлари тавқ дейилади) тоғ кийиги ҳам гоҳт гузал ва нозик қуш. Маъшуқа *аридай* нозик булгани учун ҳам сархуш ошиқлар қонига кирган. Қизил либосли жонон худди қон ичидаги малакдай. Ул жонон *ариваш* булгани сабабли жонлар ичидаги жондир, яъни рухдир, дейди шоир. Мактаъда Навоий бу фикрни аниқ-равшан баён этган: ул пари узини лаъл рангли (қизил) либос ичига яширгани каби ошиқнинг жони ҳам жонон лаъли (қизил лаби) ичига яшириниб, гоҳиб булган. Бошқача айтганда, ошиқ ва маъшук бирлашиб кетган. Бу уринда яна бир изоҳга эҳтиёж бор: уқувчида қандай қилиб бир одам иккинчи одамнинг лабида йуқолиши мумкин, деган савол туғилиши мумкин. Бунга жавоб шуки, *лаъл лаб* деганда тасаввуфда маъшуқа сузининг ботини, нозик маъноси, шунингдек, илохий нафас, йуқликдан борликни вужудга келтирган Аллоҳ каломни англашилади. Яъни бу калом барчани камраб олади, ошиқ бу каломни вали зотлар муждаси билан ошиқ вужудига сингиб, унинг жонини эгаллаб олади. Мана шу тариқа, *пари* сузининг тасвири нозик ибора ва ишоралар орқали орифона маънони ифодалашга хизмат қилган.

21-ғазал

*Жонға чун дермен: “На эрди чиқмоғинг кайфияти?”
Дерки: “Боис улди жисм ичра маразнинг шиддати”.*

*Жисмдин сурсамки: “Бу заъфингга не булди сабаб?”
Дер: “Анго булди сабаб утлуғ бағирнинг хирқати”.*

*Чун бағирдан сурсам, айтур: “Анда ут тушиди манга,
Ким кунгулга шуъла солди ишқ барқи офати”.*

*Кунглума қилсам ғазаб, айтурки: “Куздиндур гунаҳ,
Курмайин ул тушмади бизга бу ишнинг туҳмати”.*

*Кузга чун дерменки: “Эй, тардомани юзи қаро,
Сендин улмиш телба кунглумнинг балову ваҳшати!”*

*Йиғлаб айтур кузки: “Йуқ эрди манго ҳам ихтиёр,
Ким курунди ногаҳон ул шуҳи маҳваш талъати”.*

*Эй Навоий, борча уз узрин деди, улгунча куй,
Ким санго ишқ ути — уқ эрмиш азалнинг қисмати.*

Луғат

1. **Мараз** – касаллик, яра.
2. **Заъф** – заифлик, беморлик.
3. **Барқ** – чақмоқ.
4. **Туҳмат** – айблаш, ноҳақ ёмонлаш.
5. **Тардоман** – ахлоқсиз, бузуқ, гуноҳкор.
6. **Ваҳшат** – ёлғизлик қурқинчи, ваҳима, хавф.
7. **Ногаҳон** – бирданига, тусатдан.
8. **Маҳваш** – ойга ухшаш, ойдаи чиройли.
9. **Уқ** – бу ерда маънони кучайтирувчи юклама.
10. **Хирқат** – иссиқлик.

Байтларнинг насрий баёни

1. Жонга: “жисмдан жудо булиб чиқишингнинг боиси нима?” деб сурсам, жон: “жисм ичидаги касаллик (лард)-нинг зурайиб кетиши сабаб булди”, деб жавоб берди.

2. Жисмдан: “бу дардингга нима сабаб булди?” деб сурасам, у: “ёнаётган бағримдаги оловнинг иссиғи сабаб булди”, деб айтди.

3. Бағирдан бунинг сабабини сурасам, у: “Ишқ чакмоғининг ҳалок этувчи учқуни кунгилга шуъла солганда, менга ҳам олови келиб етди”, деди.

4. Аччиқланиб кунглимни суроққа тутсам, дейди: “Бу кўзнинг айби, агар у (жононни) кўрмаганда эди, бизга бу ишнинг гуноҳи (тухмати) тушмаган буларди”.

5. Кузга: “Эй бузуқ ахлоқли, юзи қора, телба кунглим бошига тушган бало ва унинг даҳшатли қўрқуви сендин экан”, деб ғазаб қилсам,

6. (Куз) йиғлаб айтадики: “Менда ҳам ихтиёр йўқ эди, тусатдан ул ой юзли шўхнинг юзи кўриниб қолди”.

7. Эй Навоий, барча (аъзолар) уз узрини айтди, энди улгунча ишқ оловида уртан, негаки сен учун ишқ утида ёниш тақдири азалнинг қисмати экан.

Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси

Ушбу ғазалда ҳам ишқ-муҳаббат қудрати, унинг ошиқ вужудини қамраб олиб безовта этиши, қийноқлари тасвирланади. Аммо, бу доимий мавзу ҳар бир ғазалда алоҳида усул, алоҳида бадий тасвирий воситалар орқали намоён булганидек, бу ғазалда ҳам улуғ шоир қўтилмаган ажойиб таъсирчан тасвир усулини қўллаган. Лирик қаҳрамон ёр ҳажрида азоб чекаётир, аммо бу дарднинг изтироби шу даражадаки, жон жисмни тарк этишга тайёр. Шу боис ошиқ (лирик қаҳрамон) аввал жоннинг бу ҳолатидан ташвишланиб, уни суроққа тутди: нега жисмни тарк этмоқчисан?

Жон эса жисмнинг касалликка учраб қолгани ва бу оғриқ шиддатига тоқат қилмаётганини айтади. Шундан кейин жисмга савол берилганда, жисм бунга бағир (жигар)даги оловнинг ҳароратини сабаб қилиб кўрсади. Уз навбатида бағир кунгилдаги ишқ чакмоғини шуъласи менга тегди. Натижада шу офатга гирифтор

булдим, дейди. Кунгил эса кузни айбдор қилиб курсатади. Лекин кузда ҳам айб йуқ эди, зеро “ул шухи маҳваш” юз курсатганда куз беихтиёр унга қараган эди. Яъни Ишқнинг инсон аъзолари, кунгли, бутун вужудини қамраб олишига сабаб Хусннинг жилва қилиши эди. Бу гузал маҳбуб илоҳий тажалли экани аниқ. Шу нур, шу оханрабо зиё пок қалбларга жойлашиб олгач, уларнинг қон томирларида оқа бошлайди, ҳислари, фикр-уйи, руҳиятини буткул банд этади ва ошиқ Хусннинг мазхаридан манбаига қараб бориш, Унга етишиш иштиёқида уртанаверади. Алишер Навоий учун мазҳар муҳаббати ҳам (“мажозий муҳаббат”), манба муҳаббати (“ишқи ҳақиқий”) бир вақтнинг узида назарда тутилган, шоир бу икки тушунчани бир-бирига зид қуймайди, аммо улар орасидаги фарқни инкор ҳам этмайди.

Шундай қилиб, ғазалда байтлар аро бир-бирига уланган “занжирий узвийлик” давом этади ва мақтаъда шоир ишқ ошиқ аҳлининг азалий қисмати эканини қайд этиш билан, асосий муддаони баён этиб утган. Ғазал енгил уқилади, ортиқча мураккаб санъаткорлик ишлатилмаган. Бироқ ғазални уқиган одам муҳаббат дардига гирифтор ошиқнинг руҳий қийноқлари “уз-узи билан” суҳбати, укинчли ва айни вақтда тағзаминида ошиқликдан, ишқдан насиба топганидан рози одамнинг ҳолати, “ботиний монологи”дан огоҳ бўлади. Айни вақтда буюк шоир санъаткорлиги “якпора” ғазаллар, айтиш мумкинки “сюжетли” лирик шеър яратиш маҳоратига шоҳид бўлади.

22-ғазал

*Бир кун мени ул қотили мажнуншиор ултурғуси,
Усрук чекиб, жавлон қилиб, девонавор ултурғуси.*

*Гар заъф ила ожизлиғим кунлига раҳме солса ҳам,
Бошимға етгач секретиб, беихтиёр ултурғуси.*

*Васли аро гар ултурур, жонимға юз минг шукр эзур,
Чун қолсам ондин бир замон, ҳижрони зор ултурғуси.*

*Ошиқ булурда билмадим мен нотавони хастаким,
Ҳажр улса, ҳам куйдурғуси, васл улса, ёр ултурғуси.*

*Майдон аро, эй аҳли дин, кирманг тамошосиғақим,
Юз курмайин ул кофири чобуксувор ултурғуси.*

*Лаълинг закоти май тутуб тиргузмасанг, эй муғбача,
Дайр ичра мен дилхастани ранжи хумор ултурғуси.*

*Дерлар Навоий қатлиға гул-гул очибтур оразин,
Кургунча они, войким, бу хор-хор ултурғуси.*

Луғат

1. **Усрук** – маст, сархуш.
2. **Заъф** – 22-ғазал шарҳига қаранг.
3. **Зор** – фарёд, ғамгин, дардли, бечора, заиф.
4. **Чобуксувор** – чавандоз, отни чаптастлик билан бошқарадиган одам.
5. **Муғбача** – олдинги шарҳларга қаранг.
6. **Дайр** – 1-ғазал шарҳига қаранг.

Байтларнинг насрий баёни

1. Бу қотил маҳбубам бир кун мени Мажнунга ухшаб улдириши аниқ; балки масту беҳудларча уйнаб-уйнаб, жилва қилиб, девоналар каби улдиради.

2. Агар мабодо заиф ва ожизлигим кунглида раҳм пайдо қилса ҳам, лекин бошимга от чоптириб (сакра-тиб) келганда, беихтиёр улдириши муқаррар.

3. Агар васлига етганда улдирса, жоним билан юз минг шукр қиламан, чунки агар ундан бир дам жудо булиб қолсам, ҳижрон азоби улдиради.

4. Мен ожиз ва хаста ошиқ булганда билмабманки, агар ундан ажралсам, ғам куйдиради, агар васлига эришсам, ёр улдиради.

5. Эй дин аҳли (шариат аҳли), у от уйнатиб майдонга кирганда, сиз тамошо қилишга келманг, чунки чавандоз кофир юзини курсатмасдан улдиради (ёки: у сизни юзингизга қарамай қатл этади).

6. Эй муғбача, лаъл лабинг закоти учун май тутиб, мени тирилтирмасанг, дайр ичида мен бечорани хумор (майга ташналик) азоби улдиради. Ёки: “Эй ориф пирнинг сузи-нафасини келтирадиган хизматкор, шу нафас (лаъл) қийматининг закоти — майдан куйиб, мени тирилтир, булмаса, Пир мажлисида шу нафасга интизор булиб, жон бераман, ташналик мени улдиради).

7. Дейдиларки, Навоийни қатл этиш мақсадида ёрнинг юзи гулдай очилибди, аммо войким, бу юзни қуришдан бурун хору зорликда улдиради.

Фазалнинг умумий мазмун-маъноси

Келтирилган ушбу фазалимизда уз хусну жамолига маҳлиё, сархуш, уйноқи от минган ва ошиқларини қийнашдан хузурланадиган маҳбуба тимсоли чизилган. У — бепарво ва сармаст, гузалликда танҳо, телбаларча от чоптириб, ҳаммани узига қаратган, қалбларга ғулғула солган киши. Фазалнинг дастлабки икки байти маҳбубанинч ана шу рафтори, беҳудлигини тасвирлашга бағишланган. У айнан ана шу хислатлари билан ошиқнинг жонини олади, чунки унинг кунгли-

да уз ошиғига раҳм йуқ. Иккинчи байтда ҳам шу ҳақда гап боради. Ошиқлар табиий равишда заиф ва дардманд деб таърифланади. Зеро, ишқ уларни эзганлиги бир томон, иккинчи томондан, ошиқ ҳамма вақт узини камтарин, талабгор, чорасиз қилиб курсатиши шарт. Булмаса у ошиқ эмас, зурлик билан маъшукқа етиб булмайди. Бунда фақат илтижо, тавалло ва таманно йулидан борилади.

Шунга асосан, Навоий ошиқ тилидан гапириб, кошки дардманд ва ожизлигим махбуб қалбига раҳм солсайди, деган умидбахш фикрга боради. Лекин бунга ишонмайди, зеро махбубнинг хислати чарс, унда раҳму шафқат йуқ. Шу бонс отини чоптириб (сакратиб) бошимга етиб келса, “беихтиёр улдиради”, дейди ошиқ алам билан.

Қизиги шундаки, агар васлига етганда, улдирса, хурсанд булардим, шукр қилардим, лекин ундан ажралсам ҳам уламан, чунки фироққа чидай олмайман, дейди ошиқ. Демак, ошиқнинг тақдири шунақа: у ёр васлига етса ҳам, ундан ажралиб қолса ҳам ҳалок булиши аниқ.

Бешинчи байтда бу ғазалда алоҳида ажралиб туради. Чунки бунда шариат аҳлининг мухаббатга муносабати ифодаланган. Шариат ва расмий дин аҳли яхшиси бундай саркаш, “девонавор” махбубларни куришга майдонга чиқмаслиги маъқул. Зеро, у бундай одамларга юзини курсатмайди ва айни шу иши билан уларни бенасиб этади.

Дейдиларки, Навоийни улдириш учун эса юзини очибди, юзи очилган гуллардай жозибали. Аммо юз минг войким, бундай юзни кургунча неча хорликлар чекиб, жон бераман, деб ҳасрат чекади шоир.

Ҳа, ошиқлик — фидойилик. Ишқ кунгилни яйратади ва айни вақтда минг қийноққа солади, уз олови билан хом вужудимизни пиширади, юксалтиради. Фақат юксалиш дарди, Илоҳ дардида ёнган одамгина чин ошиқ була олади.

23-газал

*Ул қуёш оқ уйдаву мен музтарибман ҳар сари,
Уйлаким фонусдин парвона қолғой ташқари.*

*Садқаси булмоқ эрур мақсуд мен саргаштаға,
Оқ уйи давриға буким аиланурман ҳар сари.*

*Ичкари ул гул тувурлуғни кутармаслар, нетай,
Эй сабо фарроши, бир лутф айлабон ул ён дари.*

*Парда кетгоч, мен заифи зорға осон эрур
Йулларидин чигнинг солмоқ узумни ичкари.*

*Оқ уй ичра ҳар недур зоҳирдур ул юз тобидин,
Шамъ булса уйда, ташқардин булур зоҳир бари.*

*Гар фалак хиргоҳи булса пеши хананг, не осиф,
Умр хайли чунки кундин-кунга келмас илгари.*

*Эй Навоий, ул маҳа хиргаҳнишин ҳифзи учун
Кузунак эрмаски, ҳар сори тикилмиш кузлари.*

Луғат

1. **Музтариб** – изтироб чекувчи, паришон, бетоқат.
2. **Саргашта** – сарсон, овора, паришон.
3. **Тувурлуғ** – утовининг туйнугига ёпиладиган кигиз.
4. **Дори** – йулиқмоқ, ҳозир булмоқ.
5. **Чиг** – утоқ, чодирнинг атрофига ураб куйиладиган буйра.
6. **Тоб** – ҳарорат, товланиш, порлоқлик.
7. **Хиргоҳ** – чодир, утов.
8. **Осиф** – фойда, нафъ.
9. **Кузунак** – қуриқчи.

Байтларнинг насрий баёни

1. Қуёш юзли гузал маҳбубам оқ утов ичида утирибди, мен эса уговнинг (уйнинг) атрофида паришон ай-

ланиб юрибман. Бу худди фонус ташқарисида қолган парвонага ухшайди.

2. Ёрнинг оқ уйи (утови) атрофида саргардон айланишимдан мақсадим унга жонимни садқа қилмоқдир.

3. (Ичкарига қарай десам) ул гузал утирган утовнинг дарчасига осиб қуйилган кигизни ичкаридан кутариб, дарчани очмайдилар. (Шунинг учун ёлбораман) эй сабо шамоли (уй тозаловчиси), бир марта лутф айлаб, ул дарча кигизни кутар.

4. Парда (кигиз) кутарилса, мен бечора ошиқи зорга утовни ураб турган чиғ (буйра)ни кутариб ичкари кириш осон булади.

5. Оқ утов ичи ул ойнинг юзи порлашидан ҳаммаёқ ёруғ ва куришиб туради. Ахир унда шамъ ёниб тургач, ташқаридан ҳамма нарса куришиб туради.

6. Уйингнинг олдида фалак чодир булса ҳам фойдасиз, зеро умрнинг йиллари (йилларнинг суворийлари) олдинга эмас, орқага қараб кетади.

7. Эй Навоий, чодир (утов)да утирган ой юзли ёрни куриқлаш учун кузлари хар томонга тикилган кузанақ — куриқчи эмассан.

Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси

Бу ғазалда ажойиб манзара чизилган: ёр оқ утов ичида, аммо ошиқ ташқарида, худди фонус ичидаги шамъга етолмай, ташқарида қолган парвонадай. Ошиқ утов атрофида безовта, бетоқат булиб айланади, ичкарига назар солиш иложи йўқ, чунки утов дарчалари ҳам кигиз билан беркитилган. утовнинг атрофи эса чиғ — қамишдан ёки новладан туқилган (буйрага ухшаш) мато билан ураб чиқилган. Ошиқ тонг елига мурожаат қилиб, дарчадаги ёпинчик наmatни кошки кутарсанг, шунда мен чиғни суриб ичкари қарардим, деб ёлборади. Шу аснода оқ уй (утов)нинг сурати чизилади: ичкарини ёр жамоли шамъдай ёритган, ташқари эса қоронғи (ҳижрон тунидай).

Бундай тасвир ғазалга аниқ ҳаётий мазмун бағишлаган. Навоий уста рассомдай оқ кигиздан тикланган утов. унинг ичидаги соҳибжамол ёр ҳуснидан ёришиб кетган утов, утов атрофида нима қилишини билмай, сарсону хайрон айланиб юрган ошиқ ҳолатларини чизади. Умуман, Алишер Навоий ғазаллари орасида ана шундай манзарали тасвирлар анчагина бор. Чунончи, ёр гоҳ кемада дарё сайрида, гоҳ утовда. Гоҳ чопқир от миниб майдонда чавгон уйнаётган ҳолатда, гоҳ лола сайрида. Гоҳ боғ ичида айланиб, гул тераётган ҳолатда тасвирланади. Бу манзаралар укувчи куз олдида ошиқнинг кечинмаларини янада жонли, реал ва жозибали қилиб курсатишга хизмат қилади. Умуман, келтирилган ғазал устида суз бораётганда шуни айтиш керакки, Навоий замонида баҳор бошланиши билан шаҳар аҳли, бутун-бутун хонадонлар далага кучиб чиқар, майсазорлар устида утов тиклаб, чорвасини боқиб семиртиришдан ташқари, қиш учун еғ, қурут, қатиқ гамлаганлар. Бундан ташқари, бу узига хос бир хушнудлик кайфиятини пайдо қилган, сайру тамошо урнида утган. Айниқса, аъёнлар, мулкдорлар учун дала сайри узига хос байрам тусини олган. Хусайн Бойқаронинг оиласи, сарой аҳли билан Хиротдан ташқарига чиқиб уток тикиши, ҳар хил спорт уйинлари ташкил этиб, дилхушлик қилиши Зайниддин Восифийнинг “Балоеъ ул-вақоеъ” асарида кенг тасвирланган. Бундай анъанавий сайру ғашт (лола сайри)ларида Навоий ҳам иштирок этган.

Демак, жонли манзаралар тасвирига бағишланган ғазаллари унинг лирикасидаги алоҳида қатлам булиб, улуғ шоир санъаткорлиги, маҳоратининг муҳим қиррасини белгилайди. Бундай ғазалларда одатда *таносуб* санъати қулланган булади. Яъни тасвирланаётган воқеага муносиб ранглар, бир-бирига мос ашёлар қаламга олиниб, улар орасидаги ташқи ва ички ухшашликдан гузал, қалбни қувонтирадиган лавҳа чизилади. Келтирилган ғазалда ҳам оқ уй (утов)га мувофиқ, шамъ, куёш, фонус, ой ташбеҳга олинганки, улар мутаносиб бир завқ берадиган гузалликни вужудга келтирган.

24-ғазал

*Зиҳи ҳар лаҳни булбул савтининг зотингга исботе,
Жаҳон боғида ҳар гул яфрони ҳуснунгга миръоте.*

*Вужуди зарранинг мумкин эмас, то собит улмас меҳр,
Не ҳожат зарра хайлидин қуёш зотиға исботе?*

*Булуб зотингда ожиз ҳар сифат ичинда мавсуфе,
Онингдекким қила олмай сифотинг шарҳини зоти.*

*Хирад зотингни ташбеҳ этгали ҳар фикрким айлаб,
Такаллум анда йул топмай, магар ҳайҳот-ҳайҳоте.*

*Не каҳринг захридин эмин булуб ҳар сокини масжид,
Не лутфунг бодасидин ноумид аҳли хароботе.*

*Не зарра булса мақбулунг қуёшдин зарра қилгондек,
Қуёшни заррадин айлаб шараф бирла мубоҳоте.*

*Навоий зикри отингдур, умиди улки, қутқорсанг
Они от истамакдин, балки андинким булуру те.*

Луғат

1. **Савт** – оҳанг, хониш, куй.
2. **Зот** – бирор нарсанинг аспи, моҳияти, Худонинг моҳияти назарда тутилмоқда.
3. **Миръот** – кузгу.
4. **Лаҳн** – куй, наво.
5. **Хайл** – туда, кавм, гуруҳ, тоифа.
6. **Мавсуф** – сифатланган, таърифланган, шуҳрат қозонган, бирор сифат эгаси.
7. **Хирад** – ақл, фикр, билим.
8. **Такаллум** – нутқ, гапириш.
9. **Сокин** – ўтирган, маскан топган, жойлашган.
10. **Бода** – ичимлик, май.
11. **Харобот** – бу ерда пир ҳузури, комил инсонлар йиғини, майхона.
12. **Мубоҳот** – муболаға, ноз-фироқ қилиш, фахрланиш.

Байтларнинг насрий баёни

1. Эй ажабки, булбул хонишининг ҳар бир оҳанги Сенинг зотингга бир далил — исбот, жаҳон боғидаги ҳар гул япроғи — Сенинг ҳуснингнинг кузгуси.

2. Қуёш порлаб қуринмагунча зарранинг борлиғи — вужуди аён булмайди (мавжуд булмайди), шундай экан зарра тудаси орқали Қуёшни исботлашга ҳожат борми?

3. Ҳар бир сифатинг ичра сифатланган (нарса) Зотингни таърифлашга ожиз (ёки Зотингга муҳтож), чунки унинг (сифатланганнинг) зоти Сени шархлаб, тушунтириб беролмайди.

4. Ақл Зотингни турли нарсаларга ухшатиб, фикр-мулоҳаза юритади, бироқ буни сузлаб беролмай, “хайҳот, хайҳот” билан чекланади.

5. Масжидда тоат учун утирганнинг ҳар бири қаҳринг тиғидан ҳимоя қилинмаганидек, аҳли харобот (дарвешлар, қаландарлар) ҳам лутфу марҳаматингдан ноумид эмас.

6. Қайси бир зарра Сенинг қабулингга мушарраф булса (Сенга мақбул булса), қуёш заррасидай шараф топади ва қуёш бу заррадан ғурурланиб шарафли булади.

7. Навоийнинг зикри кеча-кундуз Сенинг отингдир, аммо умидим шуки, уни ном (от) чиқариш, ғурурланишдан сакласанг, балки ном чиқаришга боис булаганлардан ҳам халос этсанг.

Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси

Бу шоирнинг анчайин мураккаб орифона ғазалларидандир. Гап шундаки, Аллоҳнинг Зотини ҳеч ким қурган эмас, уни борлиқдаги ашёларда акс этган сифатлари орқали таниш мумкин. Аммо ана шу сифатларни таниш, билиш ва улар орқали Парвардигори олам зотини таниб олиш ҳам осон эмас.

Ғазалнинг биринчи байтидаёқ ваҳдат ул-вужуд таълимоти ғояси булбул ва гул тимсоллари воситасида

баён этилган: булбул гулга ошик, ёниб куйлайди, бу ошуфталик, ошиклик изхори. Аммо аслида булбул гулга шунинг учун беқарор ошикки, гул — Аллоҳ жамоли акс этган кузгу, гулнинг ҳар бир япроғида шу нур жилланиб туради. Гул ва булбул шу учун Шарқ шеъриятида куп тилга олинани. Лекин аслида бунда Табиат ва Инсон назарда тутилган. Гул — Табиат, Аллоҳ яратган борлиқ тнмсоли, гулнинг нафислиги, латофати эса, Аллоҳ тажаллиёти, хуснининг рамзи. Булбул булса ана шу Хуснга мафтун инсондир. Инсоннинг кую кўшиғи, кунгил нолалари, шавқу завқи, рухий парвози, ижодкорлик муъжизаси — ҳамма-хаммаси ана шу Аллоҳ Хуснига мафтунлиги, ундан мадад олиши, рухланиши, беҳудлиги туфайлидир.

Кейинги байтларда ғазал мақтаёидаги мазкур ғоя янги далиллар билан тушунтирилган: Куёш ҳар бир заррани ёритгани каби Аллоҳ бутун коинот ва унинг ашёларини камраб олади, куёшнинг зоти исбот талаб қилмаганидай, Аллоҳ зоти ҳам исбот талаб қилмайди. Ақл Аллоҳ зотини исботлашдан ожиз, фикрлар, муҳокамалар билан бунга йул топиб булмайди. Худонинг исботи Худонинг узи. Умри масжидга қатнаб, тоат билан шуғулланган Худо қаҳридан холи булмаганидай, майхона (пири комил йиғини) аҳли ҳам унинг марҳаматидан умидвор. Яъни: мен шариятнинг барча шартларини бажардим, жойим жаннатда тайёр, деб уйлайдиганлар адашадн. Зеро, кимнинг дили пок ва Худога яқинлигини Унинг узи билади. Бир зарра Худо қабулига мушарраф булса, унинг жойи Арши аълода ва Куёш шунча азимати билан шу зарра билан ғурурланиши мумкин. Ғазал матлаёида шоир узини ожизларнинг ожизи, заррадан камроқ ҳисоблаб, ному нишонсиз булсам қошки, чунки ном Уники, инсон — банда, банда зарра каби Куёшда йуқ булиб кетиши керак, деган фикрни баён этади.

25-ғазал

*Эврулай бошингғаю беҳушу ҳайронинг булай,
Бир замон садқанг булай, бир лаҳза қурбонинг булай.*

*Хони васлингдин агар қовса рақибинг, рағмиға
Кунглум истардек тахайюл бирла меҳмонинг булай.*

*Нетти жон топсам висолингдин лабингнинг холидек,
Кузу зулфунгдин неча масту паришонинг булай.*

*Хушдурур васлинг майидин ҳар тараф хирқамда доғ,
Неча, жоно, мубталойи доғи ҳижронинг булай.*

*Гарчи бандангман, мени озод қилма лутфдин,
Ким қуюндек садқайи сарви хиромонинг булай.*

*Танни жылванг вақти туфроғ айлай, эй чобуксувор,
То бошингға эврлурға гарди майдонинг булай.*

*Эй Навоий, гунгу лол истар эсам тонг йуқ сени,
Тобакай озурди фарёду афғонинг булай.*

Лугат

1. **Эврулмоқ** – айланмоқ.
2. **Хон** – дастурхон.
3. **Рағм** – хор тутиш, назарга илмаслик; аксига, бировнинг майлига тескари иш қилмоқ.
4. **Тахайюл** – хаёл қилмоқ, тасаввур этмоқ.
5. **Хирқа** – дарвешлар кийими.
6. **Тонг йуқ** – ажаб эмас, ҳайрон улмоқ.

Байтларнинг насрий баёни

1. Эй ёри азиз, бошингда айланай, хуснинг ишқида беҳушу ҳайронинг булай, бир нафас садқангу бир лаҳза қурбонинг булайин.

2. Агар рақибинг (душманинг, талабгоринг) васлинг дастурхонидан мени қовса, унинг қасдма-қасдига (ак-

сига) тасаввур у хаёлимда кунглим истаганча меҳмонинг булайин.

3. Худди лабингнинг холидай висолингдан жон топсам на булур, ҳам кузингдан масту зулфингдан паршонинг булайин.

4. Васлинг майидан дарвешлик хирқамнинг хар жойида доғлар пайдо булгани яхши, аммо эй жоним, қачонгача айрилиқ доғига мубтало булайин?

5. Агар банданг булсам ҳам менга лутфу марҳамат кургузиб, озод қилма, токи қуюн каби сарвдай қаддингнинг садқаси булайин.

6. Хуснинг жилва қилган вақтда, эй чопқир от минган гузалим, танимни тупроқдай гард-гард қилай, токи сен майдонга от чоптириб кирганда, губордай кутарилиб, бошингдан айланайин.

7. Эй Навоий, соқов ва лолу хайрон ҳолатда сени истасам, айб қилма (ажаб эмас), ахир қачонгача хажрингда фарёду фиғон чекиб, азоб тортайин?

Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси

Хар бир ғазалда Ёр жамоли ва унга ошуфта ошиқнинг дил изтироблари алоҳида тарзу тароват, майин, латиф ташбехларда куйлангани каби бу ғазалда ҳам лирик ҳислар узига хос муносиб бадиий санъатлар билан ифодаланганини кураимиз. Ошиқ – бетоқат, Ёр учун қурбон булишга тайёр, у уз севгилисининг жамолидан туймайди, унинг атрофида гиргиттон булишга, бошидан юз марта айланиб, парвонадай ишқини изҳор этмоқчи. Шоир ана шу садоқат туйғусини бурттириб тасвир этади. Ошиқ рақибини курашга кузи йук, бироқ уни қувишга қурби етмайди, чунки Ёри рақиб билан бирга. Аксинча, рақиб уни қувиб ҳайдайди. Ана шунда у хаёлан рақибидан уч олади, яъни хаёлида рақиб истагини писанд қилмай, Ёр меҳмони булади. Ажойиб кашфиёт, ажиб бир тасвир! Ёки учинчи байтга эъти-

бор қилинг. Ошиқ Ёр лабидаги холга ҳаваси келади, чунки у васл оғушида — Ёр билан бирга. Қанийди мен ҳам шу хол каби висолдан жон топсам, яйрасам, муродимга етсам, ҳолбуки мен Ёр кузидай маст, зулфидай паришон ҳолман, дейди ошиқ. Хол — аслида тасаввуфда ваҳдат нуқтаси, яъни зоҳирий олам мушоҳадасидан ботиний олам мушоҳадаси орқали куллийтга етиш, Аллоҳ жамоли моҳиятини идрок этишга ишора. Бироқ бу ғазалда холнинг ушбу маъноси билан реал инсоний гузаллик белгиси сифатидаги мазмуни бирлашган. Бошқача айтганда, реаллик ва рамзийлик, илоҳий маъно дунёвий маъно билан бирлашгандир. Шу боис ошиқ хол булгиси келади, яъни Ёр васлига етиб, ваҳдатни исботлашга чоғланади. Кузнинг ошиқни маст қилиши унинг жонон жамолнинг аёнлашуви — қурнишидан беҳуду беҳуш булишга ишорадир. Умуман, куз инсоннинг моҳиятини, акс эттиради ва кишининг кишига таъсири ҳам авваламбор куз орқали кечади. Шу боис маъшуқа кузи ошиқ дилини ром этувчи қудратли нурга эга. Зулф эса паришонлик ва ҳижрон рамзи. Зулф ошиқларнинг юзини беркигади (юз — моҳият, манба булса, зулф, соч — уни ёпувчи парда). Зулф — моддий дунё касратига ҳам ишора этади. Дунё эса паришонлик, ҳижрон, изтироб жойи. Дунёни тула забт этиб, англаб, юзни очган дарвеш Ҳаққа етади. Кейинги байтдаги “васлинг майи”, “хирқа доғи” иборалари ҳам шу талқиннинг давомидир. Бешинчи байтда чиройли ташбеҳ бор: биринчи мисрадаги *озод* (эркинлик) сузи билан иккинчи мисрадаги *сарвихи-ромон* сузлари узаро маънодош.

Шу тариқа, қалбни туғёнга солувчи ҳам илтижо, ҳам ёлбориш, садоқату фидойиликни ифодаловчи шеър ҳосил булганки, бу улуғ шоир муъжизаларидан бири сифатида юз минглаб инсонлар қалбини сархуш ва мафтун этувчи куйдай жаранглаб ҳузур бағишлаб келди, уни қайта-қайта уқигинг, завқу шавқингни баҳам кургинг келади.

26-ғазал

*Бировки амр хилофидин айлағай эъроз,
Агар улус шаҳидур йуқ анинг киби муртоз.*

*Риёву ужбу ҳасад дафъин эт фано билаким,
Кетар бу дору ила мунча мухталиф амроз.*

*Амалға боқмаки бебаҳри фазл эрур яксон,
Фузайли Бармакий улсун, Фузайли Аёз.*

*Замона аҳлини бу коргоҳ аро билгил,
Зуруфеким туладур анда мухталиф ағроз.*

*Ҳалоки нафс вали нутқи билки, риштайи куфр
Кесар ишига Али зулфиқоридур миқроз.*

*Замона мушкунга кофур қотти, куз очғил,
Ки чун куз оллидадур булмас айламак иғмоз.*

*Савод жаҳлини юб, вақт эрурки уйғонсанг,
Ки умр шомига субҳи ажал кетурди баёз.*

*Фақир ёшурун оҳиға боқмаким, уртар
Жаҳонни, гарчи эрур бу чоқин иши иймоз.*

*Булур улукка Навоий ҳадиси жон берса,
Нединки файз эшигини боғламайдурур файёз.*

Луғат

1. **Эъроз** – узоқлашиш, қочиш, юз угириш, қайтиш.
2. **Муртоз** – риёзат, тақво билан нафсини тарбиялаган, тийинган одам.
3. **Риё** – куз буямачилик, узини куз-куз қилиш, алдаш, сохта тақводорлик.
4. **Ужб** – манманлик, такаббурлик, узига оро бериш.
5. **Фано** – йуқолиш, тугаш.
6. **Амроз** – касалликлар, “мараз”нинг бирлик шакли.
7. **Коргоҳ** – ишхона, дунё, фалак.

8. **Зуруф** – “зарф” сўзининг кўплиги, идишлар.
9. **Ағроз** – ғаразлар, мақсад, ниятлар.
10. **Микроз** – қайчи.
11. **Кофур** – мижозни совутадиған оқ рангли дори, камфара.
12. **Иғмоз** – яшириш, беркитиш.
13. **Иймоз** – ялтираш, ярақлаш, ёришиб куриниш.
14. **Файёз** – файз етказувчи, лутфу карам қилувчи.

Байтларнинг насрий баёни

1. Худо амрига хилоф иш қилишдан узини сақлайдиган одам, агар у халққа шоҳ булса ҳам, риёзату такво (дарвешлик)да унга тенг келадигани йук.

2. Фано (узини Худога топшириш) билан риёкорлик, манманлик, такаббур ва ҳасадни дафъ эт, бу хилма-хил касаллик – дардларга дори фақат шудир.

3. Амалу мансабга эътибор қилма, зеро фазилатдан баҳрасиз одамлар, улар Фузайл Бармакий булсин ёхуд Фузайл Аёз – бир хилдирлар.

4. Агар билсанг, замона кишилари бу дунёи дунда гуёки ичига хилма-хил касалликлар тулдирилган идишларга ухшайдилар.

5. Нафсни ҳалок этувчи куч – бу вали инсонлар нутқи – нафаси деб бил, бу нутқ худди Ҳазрати Али каримуллоҳ қиличидай нафс риштасини кесувчи қайчидир.

6. Замона сочингни оқартирди, кузингни оч, нимаки куз олдингда булса уни яшириб булмайди.

7. Жоҳиллик қоралигини (ёки қоралик жаҳлини) ювиб, уйғониш вақтинг келди, чунки умр шомиға (қоронғилигига) ажал тонги (ёруғлиги) баёз (нома)ни келтирди.

8. Фақир дарвешнинг яширин оҳини эътиборсиз қолдирма, чунки бу чақин ялтираб куринса ҳам, аммо жаҳонга ут солиши мумкин.

9. Навоийнинг сузи уликни тирилгириши мумкин, зеро файзу карам етказувчи Зоти мукаррам лутфу мархамат эшигини беркитмайди.

Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси

Танбеҳ усулида ёзилган ушбу ғазалда нафси амморани жиловлаш, умрни огоҳлик билан эзгу ишларга бағишлаб утказиш ғояси ифодаланган. Ғазалда танқид ҳам, огоҳликка даъват ҳам, тариқат йулига кирган фақир кишиларнинг ботиний олами гузаллигини ибрат қилиб қўрсатиш ҳам бор. Аллоҳнинг амру фармонига амал қилиб яшайдиган одам, Навоий назарида чин инсондир, бунинг акси улароқ риёкор, такаббур, ҳасадчи одамлар Аллоҳ наздида ҳам, бандаси наздида ҳам бевътибордирлар, уларни чин инсон деб бўлмайти. Навоий бундай одамларга уз нуқсонларини англаб, тариқат риёзати, Ҳаққа чин юракдан юз угириш билан дафъ этишни маслаҳат беради. Зеро, фақат ёмон хислатларни йўқотиш — фоний этиш билан, нафс васвасасини енгиш билан ичдаги ахлоқий иллатлар, маразларни тўзатиш мумкин. Шоҳ учун ҳам, гадо учун ҳам риёзат нафси амморани енгиб, покланишнинг энг мақбул доруси. Риёзатда булган одил подшо тахтда утирса ҳам, у чин дарвеш ва демак “одамийлар одамийси”дир. Инсон амалу мансаби билан эмас, эзгулик йулидаги ишлари, хулқи билан фозил ва улўғ. Шу муносабат билан Навоий машхур дарвеш Фузайл Аёз билан Аббосий халифаларнинг машхур вазири Фузайл Бармакийни солиштиради. Бири оддий дарвеш, иккинчиси буюк донишманд вазир, аммо Худо олдида уларнинг қайси кадрли? Қайсиники, инсоний фазли (Навоий бунда суз уйини ясаган) баланд булса, ушанинг кадри баланд, яъни Худованд уларнинг амалу мансаби ёки танлаган йулига қараб эмас, балки илоҳий фазлдан баҳрамандлигига қараб баҳолайди. Шу муносабат билан Навоий уз замонаси (ва барча замонлар) одамларини ажойиб бир ухшатиш билан танқид остига олади. Яъни бу дунёдаги одамлар худди ичига турфа касалликлар тулдирилган идишлар кабидирлар. Ажойиб ташбеҳ! Қанақа касалликлар булар? Хар ҳолда жисмоний ка-

салликлар эмас, балки айтиб утилганидай, нафс касалликлари — манфаат учун турланиш ва товланишлар, алдов, ҳасад, панд бериш, ёлғон, тилёғламалик, мансабпарастлик, зулм, талончилик ва ҳоказолар. Навоий ана шу касофатларни Алининг зулфиқоридай кесадиган қайчи билан қирқиб ташлашни тавсия этади (Алининг зулфиқори қайчидай икки тигли булган). Навоийнинг яна бир ташбеҳи муҳим: эй одам боласи, дейди шоир куюниб, мушқдай қора сочинг кофурдай оқарди. Энди кузингни оч, ахволингга қара, буни яшириб булмайди, умр оз қолди, узингни тузат, нафс кетидан қувишни йиғиштир. Мана шундай насихат оҳангида бошланган ғазал охирида бир танқидий руҳ касб этган, улуғ гуманист шоирнинг азалий қайғуси — инсонни ғафлатдан уйғотиш, ёмон хислатлар, интилишлардан халос этишга чорловчи даъватномадай жаранглаган. Шоир ҳақли равишда: Навоий сузлари уликка жон бағишлайди (у “улик” деб камолга эришмаганларни назарда тутмоқда), зеро Файёзи олам — Тангри таолонинг карами, файзи эшиклари биз учун очик, биз унга лойиқ булсак, мушарраф буламиз.



27-ғазал

*Ийди рухсоринг куруб, булди улус ҳайрон санга,
Эй улус ийди юзунг, жоним менинг қурбон санга.*

*Шамъ эмас ердин, кавокиб чархдин байрам тунн,
Ким эрур ер-кук туман минг куз билан ҳайрон санга.*

*Ийдгаҳда гард эмас, балким етишгач мақдаминг
Қупти ердин садқа булмоқ истабон майдон санга.*

*Хусрави анжум дегайсан секретур кук тавсанин,
Ийдгаҳда кимки курса рахш ила жавлон санга.*

*Чатр шаклидин самовий барча офат даъфиға
Тенгри айлабтур насиб уз ҳифзидин қалқон санга.*

*Нотавон жисмимға байрамлиқ била бер сухбате,
Ким кунгул уммедвору мунтазирдур жон санга.*

*Неча байрамларда кийган жандасин фақр аҳлининг
Хор курма, эйки хильаттур неча алвон санго.*

*Ийдгоҳ аҳлин даме қилма паришон, эй синехр,
Ким эрур бу жамъ бир-икки замон меҳмон анга.*

*Эй Навоий, дурри назминг хутбадек топқой шараф,
Лутф ила қилса назар байрам куни султон санга.*

Лугат

1. **Ийд** – ҳайит байрами.
2. **Кавокиб** – юлдузлар.
3. **Мақдам** – қадам.
4. **Анжум** – юлдузлар.
5. **Тавсан** – чопқир от.
6. **Рахш** – от (Рустами достон оти).
7. **Чатр** – соябон.
8. **Алвон** – ранг-баранг.
9. **Хутба** – подшо сайлаш (подшоликка эътироф қилиш) дуоси.

Байтларнинг насрий баёни

1. Шодлик кайфиятидан яшнаган юзингнинг байрамини куриб, халқ сенга хайрон булди. Дарҳақиқат, юзингни куриш халқ учун байрам, менинг эса жоним сенга қурбон.

2. Байрам кечаси фақат ердаги шамълар эмас. кукдаги юлдузлар ҳам порлаб турибди. Еру кук гуё минг-минг куз билан сенга хайрон булиб тикилгандай.

3. Байрам майдони – ийдгоҳга қадаминг етгач, ғубору чанг кутарилди. Аммо бу ғубору гард эмас, балки сенга садқа булмоқ учун майдоннинг узи кутарилиб, пешвоз чиқди.

4. Ийдгоҳ майдонида от миниб кирганингни курган одам сенга қараб: бу юлдузлар подшоси осмон тулпорини уйнатиб турибди, дейди.

5. Бошинг устидаги соябон гуё сени самовий офатлардан сақлаш учун Тангри ато қилган қалқон кабидир.

6. (Эй ёр) менинг нотамом жисмимга қувват булсин учун байрамлик тухфа тариқасида суҳбатингга мушарраф эт, чунки кунглим бундан умидвор ва жоним сенга мунтазирдир.

7. Сенинг кийган кийимларинг қимматбаҳо ва рангбаранг, аммо фақир дарвеш устидаги бир неча йиллик жанда кийимни куриб, унга таҳқир кузи билан қарама, уни хор тутма.

8. Эй фалак, ийдгоҳда йиғилганларни ҳар сари тузғитиб юборма, зеро бундай байрамона йиғинлар йилда бир-икки марта келадиган меҳмондай гап.

9. Эй Навоий, агар байрам куни султон санга марҳамат юзидан бир назар қилса, назмингнинг дури (маънолари) подшоларга тахтга утириш ҳуқуқини берувчи хутба – дуодай шараф топар эди.

Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси

Узига хос лирик лавҳа чизилган: шаҳар ва қишлоқларда рамазон, қурбон ҳайитлари (ийд) кенг нишонла-

ниб келинади. Одамлар шаҳарлардаги байрам қилинадиган жой — ийдгоҳга йиғиладилар, уйин-кулги, хурсандчилик давом этади. Ана шундай пайтда байрам шодлигидан юзи яшнаган яқин кишингиз — азиз инсон от суриб, ийдгоҳ майдонига кириб келса, кунгиллар яна ҳам фараҳ ва хурсандликка тулади. Навоий ана шундай воқеанинг шохиди булади. Нафақат ошиқ дили, балки бутун халқ гузал чехрани куриб хайрон қоладилар, шодлик устига шодлик, ийд устига ийд кушилиб кетади. Лирик қаҳрамонимиз ёр жамолини куриб, узини қурбон қилишга тайёр. Ғазал асосан ана шу гузал манзара ва ундан ошиқ кунглида пайдо булган шодиёна — нажиб кечинмаларни тасвирлашга бағишланган. Бунда, купчилик ғазалларда булганидай, маҳзунлик ва айрилиқ дарди изҳори йук. Аммо шоирнинг маҳорати шундаки, ана шу латиф манзарани ниҳоят жонли, нозик бир усулда гавдалантирган. Гузал ёр ташрифидан одамларгина эмас, майдон ҳам очилиб, яйраб кетгандай. Бу инсонга садқа булмоқ учун гус “майдоннинг узи кутарилиб пешвоз чиққандай”. Байрам кечаси эса ердаги сон-саноксиз шамълар, чироқлар баробарида юлдузлар ҳам ёркин порлаб, базмга қушилгандай ва шу аснода “еру кук минг туман куз билан” маъшукни тамошо қилаётгандай, гус бу инсон юлдузлар шохи каби осмон тулпорини миниб, уйнатиб тургандай туюлади. Ёрнинг соябони ҳам илохий маъно касб этиб, уни офатлардан химоя қилаётган самовий қалқон, деб таърифланади. Ёрни ана шундай самовий ташбехлар билан тасвирлагандан сунг Навоий “кошки байрамлик тухфаси сифатида мени сухбатига муяссар этса”, деб умид билдиради ва узини фақир дарвешлар қаторига қушиб, хор этмасликларини илтижо қилиб сурайди ва: байрам куни султон назарига тўшасайдим кошки, деган орзуни билдиради.

Ғазал охиридаги ана шу ишора балки ушбу ғазал Хусайн Бойқарога бағишлангандир, деган фикрга олиб келади. Ахир султон ҳар байрамда майдонга ташриф буюриб, раиятни қўлаган ва бирга хурсандчилик қилган. Нима булганда ҳам, укувчи куз олдида фараҳли бир шодиёна дилхушлик манзараси гавдалантирилган, бир лирик лавҳа чизилган.

28-ғазал

*Манга не манзилу маъво аён, не хонумон пайдо,
Не жонимдин асар зоҳир, не кунгдумдин нишон пайдо.*

*Хирад махфий, бадан фоний, кунгул ғоиб, тараб маъдум,
Бори саҳл эрди, булса эрди ул номехрибон пайдо.*

*Шикебу ақлу ҳуш итмиш, қарору сабру жон кетмиш,
Не ғам, гар булса ул ороми руху қути жон пайдо.*

*Хаёли жонда пайдодур, сузи афғонда пайдодур,
Узи ҳам, ваҳ, нетай, олимда булса бир замон пайдо.*

*Улар ҳолатдамен онсиз, тарабдин улмайин курмай,
Деманг таъжил ила ул умр булса ногаҳон пайдо.*

*Қиёмат эрди ул маҳким, юз очти, эй мусулмонлар,
Булунг воқиғки булди фитнайи охирзамон пайдо.*

*Кесар юз сарвни ҳар дам, қилур юз нахлини хуррам,
Таажжуб, курки бу гулшанда эрмас боғбон пайдо.*

*Ҳазар қилмоқ қазо жаллодидин булмаски, ишлардур
Қилур қатл, уйлаким, не тийғ эрур зоҳир, не қон пайдо.*

*Санга жон шавқдин берди Навоий, йуқ ажалдинким,
Ажал топқунча эрмас ул заифу нотавон пайдо.*

Луғат

1. **Хирад** – ақл.
2. **Маъдум** – йуқ, йуқолган, яширин, куринмас.
3. **Саҳл** – осон.
4. **Шикеб** – сабр, тоқат, ором.
5. **Итмоқ** – йуқолмоқ, тугамоқ.
6. **Кут** – қувват, озуқа.
7. **Таъжил** – шошипинч, тез, зудлик.
8. **Маҳ** – ой.
9. **Нахл** – ниҳол.
10. **Ногаҳон** – бирданига, тусатдан.

Байтларнинг насрий баёни

1. Менинг манзилим, муқим турадиган яшаш жойим ҳам, қаердалигим ҳам маълум эмас. Жонимдан бирор белги, кунглимдан нишон ҳам йук.

2. Ақл кетди, жисмим ҳам йукдай. Кунглим ғойиб булган, хурсандлик кўринмайди. Лекин агар ул номехрибон (ёр) пайдо булсайди, буларнинг (уз холига) қайгиши ҳеч гап эмас эди.

3. Орому тоқатим, ақлу ҳушим йуқолди, дилда қарорим йук, жоним ҳам кетибдир; бироқ агар ул ороми жоним, руҳимнинг қуввати, жон озиғи пайдо булсайди, бу йуқотишлардан ғам чекмасдим.

4. Унинг хаёли – суврати жонимда пайдо, сузлари ғиғону ноламда кўриниб турибди, қанийди унинг узи ҳам бир лаҳзада олдимда пайдо бўлиб қолса.

5. Усиз (уни кўрмасам) улар ҳолатдаман (чунки у яширин), улиш қувончидан кўролмайсан, деманг, бордию бирданига ул гузал Ёр (умр) пайдо бўлиб қолса, жисмимга қайта жон киради.

6. Ул ой қиёмат эди. Юз очгандан кейин эй мусулмонлар, огоҳ булинг, чунки энди охирзамон фитнаси юз беради.

7. Ҳар дамда юз ниҳолни (навқирон ошиқларни) кесади ва юз сарвга (сарвқоматларга) жон бағишлаб, шод этади. Ажаб ҳолатки, бу боғда боғбон кўринмайди.

8. Қазо (тақдири азал) жаллодидан қочиб қутулиб булмайди, унга чап бериш, ундан нафратланиш бефойда. Бу жаллод йиллар, асрлардирки тийғсиз, қон гукмай юз минглаб одамларни қатл этади.

9. Эй Навоий, сенга Аллоҳ жон шавқини (рағбати, орзуларини) бердими ёхуд ажал истагиними, зеро улмагунча ул заифу нотавон пайдолик — ҳақиқий борлиққа эга булмайди.

Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси

Ишқ изтироби, пайдову пинҳон, гоҳ кўринадигандай, аслида яширин Ёр ёди билан ақлу ҳуши, сабру

тоқатини йўқотган ошиқ ҳолати тасвирланган бу ғазалда. Ошиқнинг дарди хаддан зиёд, шу даражадаки, у уй-жойи, манзил-маконини ҳам эслай олмайди. Лекин, агар Ёр олдимда бир лаҳза пайдо булганда ҳамма-хаммаси қайта тикланган, ақлу хушим ҳам жойига келган, орому осойишталигим яна барқарор буларди дейди ошиқ ва буни уч байт давомида янги-янги ташбеҳлар, кетма-кет келтирилган оҳангдош тамсиллар орқали куйлайди, укувчининг қалбини ҳам маҳзун туйғуларга тулдиради. Айрилиқ – маҳзунлик, оғир дард. Шоир буни бурттириб курсата билган.

Аммо туртинчи байтдан бошлаб узга бир фикр баён этилади. Яъни дастлабки уч байтда ошиқнинг айриликдаги соғинчи, соғинч дардида беҳудлиги ва Ёрнинг куринмаслиги, пайдо эмаслиги тасвирланса, туртинчи байтда Унинг хаёли – сурати жонда пайдолиги, сузлари ошиқнинг нола-фиғонида эшитилаётгани – пайдолиги ҳақида гап боради. Бешинчи байтда Ёрнинг умуман яширинлиги – пинҳонлиги айтилади. Ва қушиб қуйиладики, ошиқ Ёрни курмоқ учун улишга ҳам рози, аммо курмаса ҳам, айрилиқда “улар ҳолатда”дир. Бу фикр бошқа иборалар билан олтинчи байтда ҳам такрорланади. Бу қандай Ёр? Нега у ҳам пайдо, ҳам пинҳон?

Алишер Навоийнинг турт девонида “пайдо” радифли тукқизта ғазал бор. Уларда Тангри таолонинг Зоти пинҳонлиги, дунё кузгу сифатида шу мукаррам Зотнинг тажаллисини акс эттириши, инсонларнинг бири-бири ва дунё гузаллигини севиши ана шу тажалли нури туфайли экани устида шоирона мушоҳада боради. Суз юритаётганимиз ғазалда ҳам шу маъно акс этганини сезиш мумкин. Аммо бу фикр ғоят нозик ва бир умумлашган ҳолда давом этади. Зийрак китобхон диққат қилса, реал маҳбубдан айрилган ошиқ аҳволи тасвирини ҳам, Тангри таоло жамолини қидираётган, шунга ошуфта ва интизор солиқ дарвеш кечинмаларини ҳам сезиши мумкин. Шу бонс кейинги байтларда боғбони

куринмайдиган боғ, ундаги бир ёқда яшнаётган сарв-лар (навқирон инсонлар), иккинчи ёқда куриб кетаётган ниҳоллар (жон бераётган бебахт ошиқлар) тасвирланган. Навоий ушбу фикрни қазоу қадар ишига келтириб боғлайди: инсон тақдир занжирида, қисмати азалдан белгиланган, дейди. Ҳақиқий жононга етишиш учун эса фоний булмоқ лозим. Шоир хулосаси ана шундай.

Бироқ, инсон буни англаган тақдирда ҳам дунёдан умид узолмайди, ҳаёт ана шу “пайдоу пинҳон” занжири ичида давом этаверади.



29-ғазал

*Менмудурменким, санинг васлинг муяссардур манга,
Бахти гумраҳдин қачон бу қисса бовардур манга.*

*Ҳақ тануқтурким, тирикликдин манго сенсан мурод,
Йуқса оламнинг йуқу бори баробардур манга.*

*Эй кунгул, ғаввоси баҳри васл ўлубмен, не ажаб,
Ким насиб эмди ўшул покиза гавҳардур манга.*

*Не учун базми висол ичинда ичмай бодаким,
Кузию оғзи букун бодому шаккардур манга.*

*Ою хуршидингни ийғ, эй чархи гардунким, бу дам
Ҳамдам ул ой чеҳралиғ хуршид пайкардур манга.*

*Сарви ўртаб, суманни елга бер, эй боғбон,
Ким букун ҳамсуҳбат ул сарви суманбардур манга.*

*Қурқарам ҳирмон саҳобин ёлмағай, фаҳм этса чарх,
Ким шабистон меҳр шамъидин мунаввардур манга.*

*Эй Навоий, ҳеч билмонким топибмен васлини,
Ё магарким жумлайи олам мусаххардур манга?*

Лугат

1. **Гумроҳ** – йўлини йўқотган.
2. **Тонуқ** – гувоҳ.
3. **Ғаввос** – денгизга шўнғиб, дур қидирадиган одам.
4. **Хуршид** – қуёш.
5. **Суман** – ёсуман, хушбўй оқ гул.
6. **Ҳирмон** – бенасиблик, маҳрумлик.
7. **Саҳоб** – булут.
8. **Шабистон** – кечаси, тун.
9. **Меҳр** – қуёш.
10. **Мусаххар** – қарам, биров ихтиёрига ўтиш.

Байтларнинг насрий баёни

1. Менми сепинг васлингга эришган одам, бу қиссага ким ҳам ишонарди, ахир бахти қоралигим ҳаммага аён-ку?

2. (Аммо) Хақ таоло гувоҳки, тирикликдан муроду мақсадим сенсан; бўлмаса бу оламнинг бор ёки йўқлиги менга баробардир.

3. Эй қўнгил, унинг васли денгизи ғаввоси бўлиб қолибман, энди ажаб эмаски, ўша соф ғавҳар менга насиб этса.

4. Нега энди висол базмида бода ичмай, ахир унинг бодомдай кўзию шакардай ширин оғзидан лаззатланиш бахтига эришдим.

5. Эй осмон, ой билан қуёшингни бир ёққа йиғиштириб қўй, чунки ҳозир юзи ойдай, қомати қуёшдай (гўзал) менга ҳамдамдир.

6. Эй боғбон, сарв дарахтини кесиб ёкиб юбор, суман гулини шамолга соч, негаки бугун қад сарвдай чиройли, юзи суман гулини доғда қолдирадиган ул гўзал суҳбатдошимдир.

7. Коронғи тун унинг васли қуёши шамъидан менга кундай ёруғдир, аммо (хийлагар) Фалак бу бахтимни кўрса, рашк қилиб, маҳрумлик булутини юбориб, Ёрим юзини беркитмаса деб қўрқаман.

8. Эй Навоий, ёрнинг васлига эришибманми ёки йўқми, билмай қолдим. Ёхуд бутун олам ихтиёримга ўтиб (кўзимга шундай кўриндимикин)?

Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси

Ёр висолига эришган, дийдор кўриб, қалби қувончга тўлган ошиқнинг ҳолати тасвирланган ушбу ғазалда. Бундай мазмунли ғазаллар “Ҳазойин ул-маоний” девонларида кўп эмас. Чунки Навоий ғазаларининг аксари ошиқнинг Ёр жамолига муштоқлиги, изтиробла-

ри тасвирига бағишланган. Хатто маҳбубанинг шўхлик-лари, ранг-баранг кийинишлари, жилва-истифноси, ҳусну жамоли хилма-хил тазоду ташбеҳлар билан таъриф-тавсиф қилинганда, ажойиб жозибали лавҳалар тасвири ичида кўрсатилаётганда ҳам ошиқнинг бундан дилхушлиги, яйраши, бахтиёрлиги камдан кам кўзга чалинади. Аксинча, маъшук қанча ноз этса, шўхлик қилса, гузал либосларда жилва қилса, ошиққа шунча кийин, у шунча руҳий изтироб чекади, хайрат ва беҳудлик ичра фарқ бўлади.

Келтирилган ғазалда эса севишганларнинг васл дам-лари тасвирланган: ошиқ бу бахтдан шунчалик хурсандки, бунга ўзи ҳам ишонқирамай туради, “менга ҳам бахт кулиб, ёр васлига етишиш муяссар бўлар эканми?” деган гумонли фикр кўнглидан ўтади. Ғазал айнан ана шу фикр баёни билан бошланган. Аммо шоир, бу ишққа садоқати, вафодорлиги тухфаси деб баҳолайди, зеро унинг бу ёруғ дунёда бирдан-бир мақсади ёр васлига етишдир. Васл — энг буюк неъмат, энг улуғ бойлик. Умр мазмуни, қиммати ҳам шу билан белгиланади. Лирик қаҳрамон (ошиқ) ўзини денгизга шўнғиб, гавҳар қидирувчи ғаввосга ўхшатади ва васл гавҳарини топганидан беҳад қувонади.

Ва бу базминни қизитиш учун ошиқ бода ичиб, сархуш бўлади, ўз ёрининг жамолини табиатнинг барча гузалликлари жам бўлган хилқат деб билади, шу боис сарв, гул, ой, қуёш каби гузаллик ташбеҳларини писанд қилмайди. Бунда осмонга мурожаат қилиб, “ою қуёшнингги йиғиштир” деб, боғбонга қараб, сарвини утга сол, суманни (оқ гулни) шамолга совур, деб айтиши бир томондан хурсандчилигини ифодалаб келса, унинг хаяжони, учрашув лаззатидан беҳудлиги, бахтиёрлигини шобён этса, иккинчи томондан маъшук гузаллигини ҳеч нарсага ўхшатиб бўлмаслигини ҳам аңлатади.

Албатта, бу мажозий тасвир замирида тасаввуфий маънолар ҳам бор. Умуман, Навоий каби улуғ шоирлар ғазалларини икки гуруҳга ажратиб (орифона ва оши-

қона ғазаллар) урганар эканмиз, шунга амин бўламизки, ошиқона ғазаллар “соф дунёвий” мазмундаги асарлар эмас, шу каби орифона ғазалларни ҳам буткул дунёвий ғоялардан холи деб бўлмайди. Хар икки гуруҳ ғазаллар ҳам инсон фикри, маърифати ва ҳиссиётларини ифодалайди. Орифона ғазалларда илоҳий маърифатга эришиш йули бевосита, тўғридан-тўғри талқин этилса, ошиқона ғазалларда бу мақсад дунёвий кечинмалар, касрат оламининг ранг-баранглиги, бунга ошуфталик ва ана шу ошуфталик замиридаги илоҳий гўзалликни кашф қилиш, идрок этиш, бунинг минг-минг кўринишдаги йўллари, кийноқлари тасвирланади. Бунда “мажоз” (сурат, касрат) ва “ҳақиқат” (илоҳий нур) бир-бирига зид қўйилмайди, бири қабул қилиниб, иккинчиси инкор қилинмайди, балки мажоздан Ҳақиқатга, суратдан Маънога қараб бориш кузатилади. Навоий дунёқарашининг бош йуналиши мана шу! Унинг лирик асарлари ҳам, эпик шеърляти ҳам бусбутун ана шу ғояга асосланган. Зеро, улуғ шоир ва унинг салафлари, айниқса, ири муршиди Абдурахмон Жомий назарида Инсон ва Коинот ўзаро вобаста, Инсонда моддийлик ва илоҳийлик жамулжам. Инсон шуни англаши, ўзидаги ва демак коинотдаги илоҳийликни кашф этиши, бу сирдан воқиф бўлиши лозим. Табиат — Мутлақ рух ижоди ва кўзгуси. Инсон эса кўзгу маркази. Шундай бўлгач, Илоҳни севиш Инсонни севиш орқали боради. Инсондаги нажиб сифатлар қанча кўп бўлса, у шунча сеvimли, у шунча илоҳийлашган, илоҳий сифатларга йўғрилгандир. Шу боис орифлар, комиллар кўпроқ сеvimли ва азиздирлар. Шу тариқа, мажозийлик орифларда ҳам бор. Аммо бу мажозийлик энди фатҳ этилган, илоҳийликка кўприк бўладиган, англашилган мажозийликдир.

Таҳлил қилаётганимиз мазкур ғазалда ҳам бу аниқ кўриниб турибди. Айниқса, учинчи байтдаги *гавхар, бахр*, туртинчи байтдаги *бода* сўзлари бунга ишорадир. Чунинчи, бахр — Ҳақнинг бепоён ва кўп маъноли си-

фатлари денгизини англатади, бутун коинот ана шу Денгиз мавжлари билан мавжуд ва ҳаракатда. *Гавҳар* эса ана шу илоҳий сифатлар маъноларининг моҳият-маъносини англатади. *Бода* — ишқдир ва ишқ орқали илоҳий кашфлар, ғалабаларга эришишни билдиради. Яъни ориф инсон ишқидан сархушу маст бўлиш воситаси. Айни шу маънода ғазал мактабида Навоий шунча сархуш ва шодманки, ёр васлига етдими ёки етмадими — билмай турибман, балки бу ҳолатим тасвири бир хаёлдир ёки бутун олам меники бўлдимикин? деган фикрни билдиради. Жумладаги оламни “забт этиш” ҳам ана шу ишқ гавҳарига эга бўлиб, мажозий дунёнинг илоҳий моҳиятига етишишдир.



30-газал

Шун оқшом келди кулбам сори ул гулрух шитоб айлаб,
Хироми суръатидин гул уза хайдин гулоб айлаб.

Қилиб мужгонни шабравлар киби жон қасдиға ханжар,
Белига зулфи анбарборидин мушкин таноб айлаб.

Қуёшдек чехра бирла тийра кулбам айлагач равшан,
Манга титратма тушти зарра янглиғ изтироб айлаб.

Кулуб ўлтурдию илкин чекиб ёнида ер берди,
Такаллум бошлади ҳар лафзини дурри хушоб айлаб.

Ки: Эй зори жафокаш ошиқим, менсиз нечуктурсен, —
Мен ўлдум лолу айта олмадим майли жавоб айлаб.

Чиқарди шишаи май доғи бир соғар тўло қўйди,
Ичиб, тутти манга юз навъ нозосо итоб айлаб.

“Ки эй, мажнун, нари кўрдунг магарким, тарки хуш эттинг?
Такаллум қил, бу соғарни ичиб рафъи ҳижоб айлаб”.

Ичиб фарёд этиб туштум аёғиға бориб ўздин,
Мени йўқ бодаким, лутфи анинг масти хароб айлаб.

Аниким элткай васл уйқуси ишрат туни мундоқ,
Навоийдек нетар то субҳи маҳшар тарки хоб айлаб.

Луғат

1. **Тун оқшом** – кечқурун, кеча кечқурун.
2. **Шитоб** – шошилич, шитоб айлаб – шошиб, ошиқиб.
3. **Хай** – тер.
4. **Мужгон** – киприк.
5. **Шабрав** – тун қароқчиси.
6. **Анбарбор** – анбар (хушбўй модда) сочувчи, ифор таратувчи.

7. **Мушкин** – мушк (оҳу киндигидан олинадиган қора рангли хушбӯй модда) ҳиди.
8. **Илик** – қул.
9. **Такаллум** – сўзлаш, гапириш.
10. **Дурри хушоб** – тоза, ялтироқ марварид.
11. **Соғар** – қадаҳ, коса.
12. **Нозосо** – нозланиб, ишва билан.
13. **Итоб** – қаҳр, ғазаб, карашма, ноз, маломат.
14. **Рафъ** – кутарилиш, юксалиш.
15. **Элтикай** – элитмоқ, ром этмоқ, уйқу келтирмоқ.
16. **Таноб** – арқон, белбоғ, ип.

Байтларнинг насрий баёни

1. Ул гул юзли ёр кечқурун кулбамга шошиб кириб келди, тез юрганидан гул юзида тер томчилари гулоб катрасидай намоён эди.
2. Киприкларини худди тун кароқчиларидай жоним касдига ханжар қолган эди, мушкдай қора, анбар хидини таратувчи зулфини белига ўраб олган эди.
3. Куёшдай юзи билан қоронғи кулбамни ёритгач, менинг вужудимда худди зарра нур ичида тебрангандай, изтироб билан титратма пайдо бўлди.
4. У эса (бу аҳволимга) кулиб, ўтирди ва ёнидан менга жой бериб, ҳар бир сўзини тоза дур каби тизиб, гапирди:
5. “Эй зору балокаш ошиқим, менсиз нечуксиз?” Мен эса, тилим тутилиб, ҳеч нарса жавоб айта олмадим.
6. Кўйнидан бир шиша май чиқарди ва бир қадаҳ тўлдириб ўзи ичди, кейин менга ҳам нозланиб, бир қадаҳ май тутди.
7. Менинг хайронлигим кўриб деди: эй мажнун, нима, пари кўрдингми, хушингдан айрилибсан? Сен бу соғарни ичиб сўзла, нардаларни кетказиб, юксак мартабаларга кутарилгин.
8. Мен майни ичиб, фарёд чекиб оёғига беҳуш бўлиб йиқилдим. Йўқ-йўқ, мен бода ичганимдан эмас, балки унинг лутфу марҳаматидан масту хароб бўлдим.

9. Ишрат туни ваел уйқуси шундай элитган киши Навоийга ўхшаб маъшар (киёмат) тонгигача уйқуни тарк этиб нима қилсин?

Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси

Бундан олдин шархлаганимиз ғазалдай (29-ғазал) бу ғазалда ҳам севишганлар учрашуви тасвирланган. Аммо бу ерда бошқа манзара, ўзга ҳолат тасвири берилган, ўзга бир инсоний характер кўзга ташланади. 29-ғазалда маъшук сокин, ҳалим, камсухан инсон бўлса, бу ғазалда тасвирланган маъшук шиддаткор, нозу итобли, фаол, ҳаракатлари чаққон, сузлари кескир ва буйрук, амру фармон оҳангидадир. У шитоб билан кириб келади ва тап тортмай, ошиқни қўлидан ушлаб, ёнига ўтказди, ундан ҳол-аҳвол сўрайди, сўнгра ўзи билан бирга олиб келган шаробни косага қўйиб ичади, яна қўйиб ошиққа тутқзади. Хуллас, биринчи байтда айтилган кечқурун ошиқ кулбасига шитоб билан кириб келиш ҳаракати бутун ғазал давомида ривожлантириб борилади, унинг хатги-ҳаракатларида изчил кетма-кетлик, ўзига хос тезкор кишининг хусусиятини тафсилотлар орқали кўриб, хис қилиб турамиз. Маъшукнинг акси ўлароқ, ошиқ бу шитоблардан ҳайрону лол бўлади, ўзини йўқотади, пари теккан одамдай эсдан оғиб қолади.

Ахир узоқ кутган, интиқ бўлиб йўлига кўз тутган кишингиз кечқурун бирдан эшикни очиб хандон чехра билан кириб келса, аҳволинг нима кечади? Навоийнинг лирик қаҳрамони ҳам ҳайрону лол бўлиши шундан эди.

Бундай тасвир, айтиш мумкинки, воқеабанд лирик тасвир ўқувчига алоҳида завқ беришдан ташқари, жонли лавҳадай эсида сақланиб қолади. Муҳаббатнинг, севагининг қудрати шундаки, ошиқ ёрнинг ҳукмфармо қуёшдай чехрасини кўргач, бир зарра мисоли титрайди, гўё ўзини буткул махв этиб, изтиробга фарк бўлади. Зеро, ошиқ ёрнинг бу ташрифини кутмаган эди. Наво-

ий буни айтмайди, аммо ғазал маъносидан шу нарса сезилиб туради. Кутилмаган ташриф ва тезкор, суръатли ҳаракатлар ошиқни шошириб қўяди, у ҳам хурсанд, ҳам ҳайрон, ҳам ўзини ғоят ноқулай сезади. Битта ғазалда шунча маъно, шунча нозик ва дилрабо тасвирлар. Бундай “лиро-эпик” тасвир, яъни нозик воқеабанд ғазалларнинг ўзига хос услуби шундаки, уларда ташбеҳлар, таъриф тавсифлар ҳам “воқеа”га мослаб келтирилади ва ошиқ-маъшукларнинг муносабатлари, хислатларини очишга йўналтирилади.

Ушбу ғазалда ҳам Навоий шундай йўл тутган. Шу боис у сўз санъатининг беназир намунаси сифатида асрлардан-асрларга, авлодлардан авлодларга ўтиб, қалбларга ҳузур бағишламоқда, руҳиятимиз кудратига кудрат қўшмоқда.



31-ғазал

*Эй сабо, ҳолим бориб сарви хиромонимға айт,
Йиғларимнинг шиддатин гулбарги хандонимға айт.*

*Буки онинг аҳду паймонида мен ўлсам дағи
Яхши фурсат топсанг, ул бадаҳду паймонимға айт.*

*Буки онинг зулфи зуннорида диним ҳосили
Куфр ила бўлмиш мубаддал, номусулмонимға айт.*

*Буки қилмишмен жаҳону жонни онинг садқаси,
Юз туман жону жаҳондин яхши жононимға айт.*

*Буки юз жон садқаси қилсам пушаймон бўлмағум,
Васлиға бир ваъда қилгондин пушаймонимға айт.*

*Буки юз минг фитна кўзлуг бўлса пайдо онсизин,
Қилмағум наззора ҳаргиз, кўзи фаттонимға айт.*

*Буки чок айлаб яқо, усрук чиқар эл қасдиға,
Мен ўлуб эл жон топар, бебок нодонимға айт.*

*Даҳр боғи гуллари ҳуснин вафосиз эрканин
Юзи гул, жисми суман, куйи гулистонимға айт.*

*Эй Навоий, ҳеч гулшаннинг сенингдек хушнаво
Булбули йўқ эрканин шоҳи сухандонимға айт.*

Луғат

1. **Гулбарги хандон** – яшнаб очилган гул.
2. **Зуннор** – насроний роҳибларнинг белига боғлаб юради-ган арқони; тасаввуфда хизмат қилиш аҳди.
3. **Мубаддал** – алмашинган, айрибош қилинган.
4. **Наззора** – қараш, тамошо қилиш.
5. **Ҳаргиз** – асло, ҳеч қачон.
6. **Фаттон** – мафтун қилувчи, жозибали.
7. **Бебок** – қўрқмас, бепарво, эътиборсиз.

Байтларнинг насрий баёни

1. Эй тонг ели, аҳволимни бориб хиромон юрадиган сарв (шамшод) қоматли гузалимга айт. (Фироқида ғам чекиб) йиғлаётганим шиддатини очилган гулдай қулиб турган хандон чехра ёримга айт.

2. Унинг ахду паймонига содиқ қолиб мен ўлиб қолсам, сен қулай фурсат топсанг, буни ўша ахду паймони ёмоним (ёлғончи маъшукам)га айт.

3. Унинг зулфи ўрамларида (арқонида) динимнинг натижаси қуфрга айланганини номусулмон ёримга айт.

4. Жаҳониму жонимни унга садқа этганимни юз минг жаҳону жондан афзал яхши жононимга айт.

5. Бир эмас, юз жонни унга садқа қилишга тайёрман, буни васлига етишишимга бир марта ваъда қилиб, кейин пушаймон бўлган ёримга айт.

6. Кўзлари мафтункоримга шуни ҳам айтгилки, усиз юз минг мафтункор кўзим гузаллар қошимга келса ҳам ҳеч назар солмасман.

7. Ёқа йиртиб, элни (ишқида ўлдириш) касдида левонага ўхшаб майдонга чикқач, мен ўлиб, эл жон топишини ўша чапани сиффат, бепарво нодонимга айт.

8. Дунё боғи гуллари чиройи бақосиз ва вафосиз эканини юзи гулдай чиройли, жисми (бадани) сумгандай оқ ва нафис, кўчаси гулзор ёримга айт.

9. Эй Навоий, дунёнинг бирор гулшанида сен каби хушнаво булбул йўқ эканини сўзга уста, сухандон шохимга айт.

Ғазалининг умумий мазмун-маъноси

Атоқли хонандаларимиз севиб куйлайдиган ғазаллардан бири бу. Ошиқнинг ўз ёрига садоқати ифодаланган. Навоий ана шу садоқат туйғуси, фидойиликни байтдан байтга янги-янги ифодалар, ўхшатиш, истиоралар билан кучайтириб, ёрқинлаштириб бораверган. Аммо ана шу санъаткорона ташбеҳларни сабо (тонг

ели)га мурожаат оҳанги уюштириб, бир тизимга келтирган ва ошиқ кечинмалари билан маъшуқа тийнати орасидаги зиддият ҳам алоҳида бадний санъат сифатида ярқ этиб/намоён бўлган. Чунончи: ошиқ хижрон азобида йиғласа, маъшуқа гулдай очилиб, кулиб туради; ошиқ аҳду паймонга содиқ бўлса, маъшуқа аҳдни бузади, сўзида турмайди; ошиқ жону жаҳонини бағишлаб, ишқ йулида фидо булишга тайёр, маъшуқа эса васлга ваъда қилиб, ваъдасини бузади ва ҳоказо. Бу, бир қарашда анъанавий усул: ошиқ хар балоу кийноққа чидайди, у вафодор, содиқ, маъшуқа эса хийлагар, қарашмали ваъдасида турмайдиган ва ҳоказо.

Аmmo ана шу анъанавийликка Навоий янги рух бағишлайди, янги тароват ва жозиба киритади. Тўққиз байтги ғазалнинг олти байти “буки” деган олмаш сўз билан бошланади ва асарга алоҳида бир оҳанг бағишлаган. Бундан ташқари, тасвирланаётган маъшукнинг шўху шаддошлигини, ўзини эркин тутишини англатувчи тасвирлар ҳам умумий мазмунга муносиб. У бепарво, қўркмас, ёқавайрон юрадиган, ўзини эркин тутадиган одам. Демак, ўзига хос хислатли одам. 31-ғазалда ҳам шунга ўхшаш тасвирнинг гувоҳи бўлган эдик, бироқ, улар орасида умумий жиҳатлар билан фаркланувчи феъл-атвор ҳам бор. Унда маъшук ошиқ рухиятини буткул эгаллаган, ўз измига солиб олган бўлса, бу ғазалдаги маъшук ошиқдан узоқда. Бунда васл ҳақида гап йўқ, бўлмаса сабога мурожаат қилишга ҳожат қолмасди. Бунда кўпроқ ошиқ кечинмаларига эътибор қилинган.

Бир-икки обиз сўз ғазалнинг учинчи байти ҳақида. Бунда “ёрнинг зулфи зуннорида диним ҳосили куфр билан алманди” деган ғоя мавжуд. Хўш, нима учун ёрнинг зулфи зуннорга ўхшатишган ва нега у диний кофирлик билан алмаштиради? Умуман, Навоийдек комил мусулмон шунчақ ибораларни инлатишни мумкинми? Шоирнинг шунга ўхшаш фикрлари бошқа асарларида ҳам учраб туради, бунда бир мақсад, яширин маъно бўлиши муқаррар. Буни тасаввуф таълимотига таяниб, аниқлаш мумкинлиги кўришиб турибди.

Зуннор насронийларнинг кийим устидан белига боғлайдиган ипи. Тасаввуфда у тариқат йулида хизмат қилиш, Худога бандликда мустаҳкам туриш учун аҳду паймон қилиш, риёзату камолотга бел боғлашни билдиради. **Зулф** деб эса Ёрнинг сочини айтадилар. **Соч** тасаввуфда бир нечта маънога эга. Биринчидан, у илохий юзни (манбани) беркитиб турувчи моддийлик, дунёни англатса, иккинчидан, у мутлақ жамолнинг тажаллиётини ҳам билдиради. Хар икки ҳолда ҳам у Мутлақ жамол ва жалол манбаи — юзни беркитиб туради. Шу маънода зулф куфр белгиси дейилган, чунки **куфр** сузининг маъноси беркитиш, ёпиб қуйишдир. Лекин бунда чин ваҳдатга эришиш назарда тутилган, зеро касрат оламини (дунёни, зулфни) англаш, унда акс этган тажаллиёт нурида Аллоҳ сифатларини идрок этиш билан Ваҳдат оламига яқинлашиб борилади. Куфр ҳақиқий имонга, номусулмонлик чин мусулмонликка айланади. Навоий байтида шу маъно назарда тутилган. Яъни Ёр зулфи зоҳиран қарашда динни куфрга айлантирган бўлса-да (зулф айни вақтда зуннор ҳам), аслида у Аллоҳ ваҳдатига яқинлаштирувчи восита ҳам. Бунда илохийлик ва моддийлик орасидаги вобасталик ўз ифодасини топган.



32-газал

*Зулфунг очилиб, орази дилжў била ўйнар,
Ҳинду бачаи шўхдурур, су била ўйнар.*

*Ул шўх кўнгул лавҳин этиб тийра нафасдин,
Бир тифлдур, алқиссаки, кўзгу била ўйнар.*

*Ўйнай-ўйнай боғлади уйқумни фусундин,
То тамзаси ул наргиси жоду била ўйнар.*

*Тонг йўқки, кўзунг бўлса кўнгул бирла мулоиб,
Мажнунга ажаб йўқ, агар оҳу била ўйнар.*

*Бир лўлии бозигар эрур чамбар ичинда
Холингки, ўшал ҳалқаи гесу била ўйнар.*

*Зоҳид била нафе этса тамасхур, не ажабким,
Ит сайд қилур вақтда тулку била ўйнар.*

*Муғ дайрида маст ўлса Навоийни кўрунгим,
Бир олма киби гумбади мину била ўйнар.*

Луғат

1. **Дилжў** – кўнгил овловчи, кўнгилни банд этувчи, орази дилжў – кўнгилни овловчи чеҳра.
2. **Тийра** – қора, қоронғи, ғамли, зангли.
3. **Тифл** – гўдак.
4. **Жоду** – сەҳргар, мафтун этувчи.
5. **Тонг** – ажаб, тонг эмас-ажаб эмас.
6. **Мулоиб** – найрангбоз, ўйинчи, ҳийлагар.
7. **Бозигар** – ўйинчи, найрангбоз, кўзга бойлағич.
8. **Гесу** – узун соч, кокил, бурамли ўрилган соч, аёлларнинг узун сочи.
9. **Тамасхур** – масхарабоз, масхара бўлиш.
10. **Сайд** – ов.
11. **Муғ дайри** – оташпарастилар ибодатхонаси, тасаввуфий маънода пири комил ҳузури.
12. **Гумбади мину** – мовий осмон, кўк гумбази.

Байтларнинг насрий баёни

1. Сочингнинг халқалари очилиб (ёйилиб), кўнгулни асир этувчи юзинг билан ўйнаётир, гўё у сув ўйнаётган ҳинду боласига ўхшайди.

2. Кўзгу билан ўйнайдиган гўдакка ўхшаб, бу шўх бола қора қилувчи нафаси билан кўнгилни хира қилди.

3. Ул шўх ғамза билан жоду кўзларини ўйнатиб, кўнглимни афсун этиб уйкуга солди.

4. Ажаб эмаски, кўзинг кўнгил билан ўйнаб, дилхушлик қилса, зеро Мажнуннинг саҳрода оху билан ўйнагани ажабланарли эмас.

5. Сочинг ўрамлари ичида ўйнаётган холинг гўё чамбар (дорбозлар халқаси) ичидаги бир ўйинчи лўлига ўхшайди.

6. Зоҳид нафс билан масхарабозлик қилса (нафсга масхара бўлса) ажабланмаслик керак, зеро ит ов пайтида тулки билан ўйнайди.

7. Оташпарастрлар ибодатхонаси (майхоналарда) Навоий ишқдан (илохий нурдан) сархуш бўлса, боқсангиз у худди осмон гумбази билан ўйнаётган олмага ўхшайди.

Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси

Ўқувчи завқига завқ қўшадиган дилрабо тасвир бор бу ғазалда. Махбуба зулфи (сочи)нинг гўзал юз узра ёйилиши, буни кўрган ошиқ қалбининг хаяжонлари, асиру мубтало бўлиб, сеҳрланиб қолиши кетма-кет келтирилган қатор ташбеҳлар тасвири тўлишиб, ёрқинлашиб бораверган. Қора соч аввал қора танли ўйинкарок, шўх ҳинд болага, сўнгра сеҳргар одамга ўхшатилади. Кейин зулф ва юз қиёсига кўз ва кўнгил, хол ва чамбаракка уланиб кетади. Шоир кўнгилни кўзгуга ўхшатар экан, шўх бола кўзгу билан ўйнаб, унинг юзи-

ни кир қилмоқда, дейди. Бу ерда қора зулфнинг сувдай соф кўзгу юзини беркитишига ва шунинг учун ҳам кўнгилни хира бўлишига ишора қилмоқда. Яъни ҳинду бача кўзгуни уйнаб, хира қилганидай, қора соч ҳам юз узра ёйилиб, кўнгилни “тийра” (қора) қилаётир. Зеро, юз – ошиқ талпинадиган нур манбаи, шу боис соч уни беркитса, ошиқ ранжийди, зулмат ичида қолади. Аммо шоир бунга бу газалда ҳушнудлик ва шавқу завқ ҳолатида тасвирламоқда.

Кўнгил кўзгусини уйнай-уйнай махбуба ошиқни жоду қилиб ухлатади. Бунга ажабланмаса ҳам бўлади, дейди шоир, ахир Лайлининг нарғис кўзи сеҳри Мажнунни шундай аврадики, бечора ошиқ саҳрога чиқиб кетиб, оҳулар билан уйнайдиган (яшайдиган) бўлди. Бунда махбубанинг нарғис кўзи билан оҳунинг кўзини қиёслаш ҳам бор.

Шоир махбубанинг гўзал юзи, нарғис кўзи билан бирга чиройли холини ҳам тавсиф этиб ёзади: қора зулфинг урами ичидаги холинг гўё чамбар (айланма халқа) ичидаги қора таили дўлига ўхшайди. Демак, биринчи байтдаги “шўх ҳинду бача” ташбеҳи иккинчи байтда кўзгу билан уйнаётган гўдак, учинчи байтда жодугар нарғис кўз, туртинчи байтда оҳу билан уйнаётган Мажнун, бешинчи байтда чамбар ичидаги “бозигар дўлий” ташбеҳлари билан уланиб, яхлит бир қаторни ташкил этади ва махбуба қора зулфининг кўнгилни банд этувчи бадий шарҳини тавсифини беради.

Натижада газалда муҳаббатнинг туганмас туйғуларини уммонидан бир кечинма тараннум этилиб, кўнгилга ҳушнудлик бахш этади, гўзал чеҳраларнинг нозик тасвирлари чексизлиги, бундан қувват тонадиган ишқнинг қудрати намоён бўлади. Газалдаги олтинчи байтда шоирнинг ишқдан беҳабар зоҳид устидан қилиши тасвирланган: зоҳид тарки дунё қилгани билан аслида нафедан қутулган эмас, унинг нафсга муносабати овчи итнинг тулки билан “уйнаётганига” ўхшаб кета-

ди. Зеро, бу ҳам масхарабозлик, фирибгарликдир, бунда зоҳид ҳар қанча риё ва порсолик қилмасин, аммо нафе домига тушиши муқаррар.

Ғазал мактабида шоир илоҳий ишқ майидан сархуш ошиқ ҳолатига ишора қилиб, бундай беҳуд одам Тангрининг беҳудуд олами олдида бир зарранинг титраб уйнаши кабилар, дейди. Хуллас, жоду, уйини, фусункорлик асарда бошидан охиригача турли маънода давом этган.



33-газал

*Қон ютуб умре жаҳон аҳлида бир ёр истадим,
Лекин ул камроқ топилди, гарчи бисёр истадим.*

*Кимгаким жоним фидо айлаб соғиндим ёр эрур,
Эрмас эрди ёрлиғда чун вафодор истадим.*

*Билмадим олам элида йўқтурур мутлақ вафо,
Ваҳки умре улча йўқтур, соғиниб бор истадим.*

*Улки топилмас башар жинсида, ваҳ, гафлат, кўрунг,
Ким парий хайлида мен девонаи зор истадим.*

*Сирри ишқимни, кўнгул, кўз бирла фош этмак не тонг,
Қалби тардоманни чун мен соҳибасрор истадим.*

*Шайх бирла хонақаҳдин чун ёруғлуқ топмадим,
Дайр пири хизматиға куйи хаммор истадим.*

*Эй Навоий, чун рафиқе топмадим бу гуссадин,
Узни бекаслик балосиға гирифтор истадим.*

Луғат

1. **Башар жинси** – одам авлоди, одамлар.
2. **Тардоман** – ахлоқсиз, бузуқ, гуноҳкор.
3. **Куйи хаммор** – мастлар кўчаси, майпарастрлар гузари, тасаввуфда пири комил ҳузури, ошиқлар жойи.

Байтларнинг насрий баёни

1. Бугун умрим давомида қийналиб дунё аҳли орасидан бир вафодор ёр изладим. Аммо бундай одам кам топилди, гарчи мен кўп истадим.

2. Кимники жоним фидо қилиб ёр деган бўлсам, аслида у менга вафо қилмади, мен эса вафодор ёр истаган эдим.

3. Билмадим, балки олам элида хеч хам вафо йукдир, афсуски мен бир умр вафо деб қидирибман.

4. Одам авлодида булмаган нарсани мен гофил банда парийлар хайлида бор деб уйлабман.

5. Ишқ сиррини кунгил, куз орқали фош этса ажаб эмас, чунки мен (нодон) бузук калбни сирларимга эга этиб куйибман.

6. Суфийлар хонақоҳида шайх билан яшаб ёруғлик топмагач (кунглим ёришмагач), майпарастлар кучасидаги майхона пири хузурини истадим.

7. Эй Навоий, бу ғамлар ичида қийналиб бир урток топмадим, охири узимни ёлғизлик балосига гирифтор истадим.

Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси

Алишер Навоий девонларида замондан ва замон ахлидан задалик кайфиятини ифодаловчи бир туркум ғазаллар бор. Шулардан бир нечтаси навоийшуносликка оид талқиқотларда кўриб чиқилган. Айтиш жоизки, бундай ғоялар ҳазрат Мир Алишер Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб”, “Холоти Саййид Ҳасан Ардашер”, “Хайрат ул-аброр”, “Мажолис ун-нафоис” асарларида ҳам бор. Мавжуд талқиқотларда бу ғоялар Навоий яшаган замоннинг нобоблиги, шоир билан давр орасидаги зиддиятларнинг инъикоси деб талқин қилинган. Албатта бу ҳам бор. Лекин масалага кенгрок қарайдиган бўлсак, бундай ҳасратли фарёдлар, норозилик кайфияти фақат бир давр, бир муҳит оламларининг дарду алами эмас. Бундай кайфият Навоийдан кейинги ижодкорлар асарларида ҳам қайта-қайта зухур этди ва умуман, дунё адабиётида турли даврларда, турли жанрларда ёзилган асарларда инсоннинг улуғворлигини кўрсатиш баробарида унинг ноқисликлари, тубан хислатларидан куйиниш, буни бўрттириб тасвирлаш, баъзан Навоийдай ҳасрат, алам оҳангида, баъзан хажв ва масҳара қилиш йўсинида кўрсатиб бериш бор ҳақиқат.

Бу – инсонларнинг инсонийлигини қайта тиклаш, огоҳ-лантириш даъвати аслида.

Иккинчи жиҳатдан, мазкур дардди ғоялар Навоий каби улуғ шахсларнинг кечинмалари ифодаси ҳам. Зеро, одам қанча буюк бўлса, унинг ҳаётга муносабати ҳам шунча геран ва залворли, қалби шунча нозик ва нажиб туйғуларга бой бўлади. У узига ухшаган юксак дидли, кайнок қалбли, маънавий олами бой, денгиздай беҳудуд ва гулдай нозик, наводай дилрабо дили бор одамларни қумсайди, шулар билан суҳбат кургиси, лардини ёзгиси, яйрагиси келади. Навоий “ёр” деганда ана шундай буюк, комил инсонларни назарда тутган. Яъни ёр бу ерда ҳамдард, ҳаммаслак, ҳамкору ҳамният одам; туйғуси, қарашлари дилга яқин Дустдир. Улуғ шоир ана шундай Дуст қидирарди. Бундай одамлар эса камдан кам. Кўпчилик шоирдан малад истар, унга суяниб ишни битирар, хожатини чиқарар, узини яқин тутиб манфаатини кўзларди. Юзлаб одамлар Навоий ҳимояси соясида яшардилар, яхшилик, саховат курардилар, лекин ишлари битгач, уни унутардилар, яхшилик эъазига баъзан биллиб, баъзан билмай, ёмонликлар ҳам қилардилар. Бу эса шоир дилини оғритарди. Ва, умуман, Навоий каби зотлар атрофида қанча одамлар парвона бўлмасин, улар ёлғизлик азобини чекардилар (афсуски, ҳозир ҳам шундай). Уни тушунмадиган, рухий мадад бўладиганлар кам эди. Балки бу ҳам бир қонуният, бир фожиаги ҳолдир.

Шунда шоир гоҳ фалақдан, гоҳ уз тақдиридан, гоҳ ёлғизлигидан нолиб шеър ёзарди, аламинни асарлари қатига сингдирарди. Афсуски, аксар Навоий каби буюк шахсларнинг зиддиятли, мураккаб ички дунёси ижод завқидан туғилган пуртанали рухий парвозию озурда дилининг дардларини бирга олиб тушунмаймиз, бир ёқлама баҳо берамиз.

Ушбу ғазални ўқиганда, ҳам реал инсоний кечинмаларнинг изҳори, шикоят ва ҳасрат оҳангининг шиддат билан оқиб келаётганига гувоҳ бўламиз ва бу дастлаб бизни рухий тушқунликка сола бошлайди. Бирок Навоий сузларининг қудрати шундаки, унинг замири-

да вафо ва садоқат, яъни одавийлик хислатларини тиклашга даъват бор. Агар чин инсон булсангиз, ёрликни, дўстликни унутманг, деган фикр балқиб турати. Хуллас, Хаёт зиддиятлар, қарама-қаршиликлар туқнашувидан иборат экан, табиийки унда рухий кутаринкилик билан тушқунлик ҳолатлари ҳам мавжуд. Ва бу ижодкор шахсларда теранроқ намоён бўлади, чунки улар жамият кўзгуси, виждон алангасидирлар. Ушбу ғазалдаги тушқунлик замирида рухий кутаринкиликнинг афзаллиги, акс мазмуннинг ёруғлик ва беҳбудлик эканлиги шоёни ҳақиқатдир. Шу боис шоир умид билан: “олам элида мутлақ вафо йукдай” бўлиб кўринса ҳам, “соғиниб бор истадим”, дейди. Умидли дунё ҳикматини эсга олади, зеро улар абадий эмас, соғинч, умидворлик билан умрга маъно кўпиш, таскин, тасалли бериш яхшироқ. Бунинг устига, ана шу соғинч илоҳий ишқ сирри билан кишини боғлайди, чунки айни ана шу сир руҳга қувват, дилга маладир, буни хонақо шайхи ҳам англаши кийин. Шу боис лирик қаҳрамон дайр пири — илоҳий ишқ билан қалби тулган орифни истаб, ошиқлар кучасига боришни истайди.

Шу муносабат билан ғазалнинг бешинчи байтини ўқувчилар тўғри тушунишларини хоҳлардим. Бунда шоир *қунғил*, *кўз*, *қалб* тимсолларини киёслаб, ошиқ ҳолатидаги бир жиҳатни тасвирлаб берган, яъни ошиқ ишқини қанча яширмасин, у ошкор бўлади, чунки кўз билан қалбга ишониб бўлмайди, кўз кўрганини қалбга етказди, қалб эса ўзгариб турувчи, беқарор ва “бузуқи”. Бунда араб тилидаги “қалб” сўзининг турфа маъноларни билдиришига ишора бор: қалбнинг бир маъноси юрак бўлса, яна бир маъноси — ўзгариб туриш (“қаллоб”), яна бир маъноси беқарорлик, ишониб бўлмайдиган нарса. Шу учун уни “бузуқи” ҳам дейдилар. Шундай экан, уни сирларга посбон қилиб қўйса, ошиқни не қўйларга солади, дейсиз?

Навий бунда ҳам инсондаги хусусиятларнинг хилма-хиллиги, бевафоликларни таъкидлаб, ўз ёлғизлигини баён этишга имкон топган.

34-газал

*Меҳр кун кӯргуздим, аммо меҳрибоне топмадим,
Жон бәсе қилдим фидо, ороми жоне топмадим.*

*Ғам била жонимға еттим, ғамгусоре кӯрмадим,
Ҳажр ила дилхаста бўлдум, дилситоне топмадим.*

*Ишқ аро юз минг маломат уқиға бўлдум нишон,
Бир камонабрӯда тузлукдин нишоне топмадим.*

*Кўнглум ичра сарв уқдур, гунча – пайкон, гул – тикон,
Даҳр боғи ичра мундоғ гулситоне топмадим.*

*Ҳусн мулки ичра сендек шоҳи золим кӯрмадим,
Ишқ куйида узумдек нотавоне топмадим.*

*Кун уқудим Вомиқу Фарҳоду Мажнун қиссасин,
Уз ишимдин булажаброқ достоне топмадим.*

*Ул амон ичинда бўлсун, эй Навоий, гарчи мен
Бир замон ишқида меҳнатдин амоне топмадим.*

*Табъ ганжидин маоний хурдасин юз қатла ҳайф,
Ким нисор этмакка шоҳи хурдадонне топмадим.*

Луғат

1. **Ғамгусор** – ғамхур, меҳрибон, ғамни аритувчи.
2. **Дилситон** – кўнгилни овловчи, дилбар, мафтун этувчи.
3. **Камонабрӯ** – қошлари ёйдай.
4. **Тузлук** – тўғрилиқ, ростлиқ.
5. **Пайкон** – найза, ўқнинг ўткир учи.
6. **Гулситон** – гулистон.
7. **Булажаб** – ажойиб, ҳайратланарли.
8. **Меҳнат** – уқубат, қийналиш.
9. **Табъ** – истеъдод, қобилият.
10. **Хурда** – нозиклик, кичик нуқсон.
11. **Хурдадон** – нозикфаҳм, нозик маъноларни тушунадиган одам.

Байтларнинг насрий баёни

1. Кўп кишиларга меҳру мурувват кўрсатдим, лекин улар орасидан бирорта меҳрибон топмадим. Жонимни фидо қилиб, яхшиликлар қилдим, аммо жонимга ором бўладиганини топмадим.

2. Ғам-қайғу жонимни кийнади, бироқ бирор ғамхўр топмадим, айрилик дардида дилим хаста бўлди, лекин дилни овитувчи, малҳам бўладиган киши топмадим.

3. Ишқу муҳаббатда юз минг маломат ўқиға нишон бўлдим, аммо қоши ёйдай гўзалларнинг бирортасида тўғрилиқдан нишона топмадим.

4. Кўнглим ичида сарв — ўк, ғунча — ўкнинг ўткир учи, гул — тикандай (азоб беради). Дунё боғида бу каби гулистон кўрмадим.

5. Хусн мамлақатида сендай золим шохни кўрмаганман, ишқ кўчасида ўзим каби бир ожизу ногавон топмадим.

6. Вомиқ, Фарход ва Мажнун ҳақидаги қиссаларни кўп марта ўқидим, аммо ўзимнинг саргузаштимга ўхшаган бир дoston топмадим.

7. Эй Навоий, гарчи мен унинг ишқида бир лаҳза азобу укубатдан амонлик кўрмаган бўлсам ҳам, аммо ул ёрнинг амонликда саломат бўлишини хоҳлайман.

8. Истеъдод хазинасидаги нозик маъноларим юз қарра ҳайф бўлди, чунки уларни бағишласам, (тукиб сочсам) десам, бирор бир нозикфаҳм шох тополмадим.

Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси

Бу ва бундан кейин келадиган 36 ва 37-ғазалларда ҳам юқорида 34-ғазалда ифодаланган дарду ҳасрат, шикоят оҳангининг давомини кўрамиз. Бундай мазмунли шеърлар Алишер Навоий девонларида анча. Умуман, Навоий ижодида рухий трагизм қайфияти устун. Бу: 1) дунёнинг бевафолиги; 2) дўстларнинг, ёрнинг бепар-

волиги ва дилга озор бериши; 3) ижодкор қалбини тушунмаслик; 4) адолатсизликлар, бахтсизликлар алами; 5) гўзалликни ҳис қилмаслик, унинг кадрига етмаслик. 6) манманлик ва манфаатпарастлик; 7) руҳий лаззат, инсоний шавқу завқни англамаслик, беписандлик, майдакашликлардан зада бўлиш, олий мақсадларни англамаслик ҳолатлари билан Сўз қудрати, Илоҳий мўъжиза бўладиган ижод маҳсулидан лаззат топини орасидаги тўқнашувлар, зиддиятлар фожиясидир. Шу боис ушбу ғазалдаги бир қарашда шахсий кечинма бўлиб кўринган туйғулар фигони Улуғ қалб билан жамият орасидаги зиддият сифатида олиб баҳоланиши керак. Лирик қаҳрамон меҳрибон, вафодор дўст тополмаганидан куюнади, фигон чекади. Яхшилик қилиб, эвазига ёмонлик кўрган, меҳрибонликлар кўргузиб, ўзи меҳрға – эътибору эътирофга зор бўлган одамнинг кечинмалари акс этган, шундай ҳолга тушган одам тимсоли чизилган. Балки идеал орзулар, ниҳоятсиз Гўзаллик олами, Мутлақ камиллик билан рангсиз, майда манфаатлар, ноқис иллатлар оғушидаги реал турмуш орасидаги абадий антитеза, номутаносибликдир бу.

Балки яхшилик қилиш, меҳрибон, гўзаллик ошиғи бўлган кишининг тақдирини шундайдир? Ахир ошиқлик – изтироб ва маломат азобини чекиш, ниёзу илтижо бўлса, маъшуқа хислати, бунинг акси ўларок, нозу қарашма, вафосизлик, ошиқни азоблар, балолар билан силлаш. Бу – Шарқ ғазалчилигини анъанаси, ошиқ “юз минг маломат уқиға мубтало бўлса” ҳам, маъшуқада ўзига писбаган меҳру вафо кўрмайди, маъшуқа уни алдайди, ҳийла қилади, бир кўриниб, бир кўринмай қолади.

Ғазалда ошиқ қалбнинг азоб ичра кийиналишлари тоза ва таъсирчан ташбеҳ – истиоралар билан тасвирланган: кўнглим ичида сарв – ўк, ғунча – ўкнинг учидаги тиг, гул – тикан дейди ошиқ. Сарв – ёр қомати, ғунча – ёрнинг лаблари, гул – ёр юзига ташбеҳ қилинади аслида. Лекин Навоий қаҳрамонини учун бутунлай тескари ҳолат: у маҳбуба ички маломатидан шундай

азобдаки, маҳбубанинг қомати ўқдай, лаблари ўқнинг ўткир учидай, юзи эса тикандай бўлиб кўнглини яралаган. Бу ярадан кўнгил кип-кизил қонга тулиб худди гулистондай бўлиб кўринади. Олам бундай гулистонни (гулзорни) кўрмаган, дейди шоир хаяжонланиб.

Лекин шунга қарамай, шоир маъшукани қарғамайди, ундан кўнгил узмайди, аксинча, мен ишқингда бир лаҳза осойишта — омонлик топмаган бўлсам ҳам, аммо сен омон бўл, деб дуо қилади. Мана сизга ошиқ садокати, ишқнинг кучи, муҳаббатнинг қудрати! Навоий ҳар бир ғазалида ана шу беинтихо қудратни турли лавҳаларда, ҳолат ва кечинмалар тасвири билан тараннум этади. Шу боис бу ғазаллар ҳеч қачон эскирмайди ва жозибасини йўқотмайди.



35-ғазал

*Булмиш андоқ мунқатиъ аҳли замондин улфатим,
Ким ўзум бирла чиқишмас ҳам замоне суҳбатим.*

*Эй хуш улким тутмиш эрди ваҳш била саҳрода унс,
Мудҳиш аҳволе мангоким, бор ўзумдин ваҳшатим.*

*Истарам қочмоқ адам водийсидинким, киргали
Вомиқу Фарҳоду Мажнун бас ғулудур хилватим.*

*Тулғанурмен ўзлугумдин чиққали, буким эрур
Дард водийсида саргардон қуюндек ҳайъатим.*

*Эй ажал, тан хирқасин куйдурки, булмиш бас оғир
Бу маломат ўқлари бирла тикилган кисватим.*

*Эй фалак, анжум ушоқ тошин йиғиб бошинга ур,
Чун фано майхонаси хиштидин ўлди турбатим.*

*Етти кукни кук варақлардай совурғай ҳар тараф,
Тоқи минойи аро чирмашса оҳи ҳасратим.*

*Куй дуру фирўза бахсиниким, нуҷуму чархни
Нилуфар барги уза шабнамча кўрмас ҳимматим.*

*Лаълдек бошим осилсин ғарқаи хуноб ўлуб,
Лаъл тиккан салтанат тожиға бўлса рағбатим.*

*Турфа кўрким, халқ номи бирла умрум бўлди сарф,
Турфароқ буким, бировга ёқмади бир хизматим.*

*Эй Навоий, икки оламдин кечиб топтим висол,
Бу ики бутхонадин эрмиш бу йўлда офатим.*

Луғат

1. **Мунқатиъ** – узилиш, кесилиш.
2. **Ваҳш** – ваҳший, ёввойи.
3. **Мудҳиш** – даҳшатли, ғуссали.

4. **Адам водийси** – йўқлик водийси, дунё.
5. **Фулу** – ҳужум, ҳаддан ошиш, бостириб келиш.
6. **Кисват** – кийим, тўн.
7. **Турбат** – қабр, сағана.
8. **Тоқи минойи** – зангори гумбаз, осмон.
9. **Нужум** – юлдузлар.
10. **Ком** – бахт, мурод-мақсад, ҳузур-ҳаловат.
11. **Бутхона** – дунё, икки бутхона – дунё ва охират.

Байтларнинг насрий баёни

1. Замона кишилари билан алоқамни узиб, улардан шунчалик безор бўлганманки, баъзан ўзим билан ўзим ҳам суҳбатим қовушмайди, ўзим билан ўзим чиқишолмайман.

2. (Шундай экан), саҳрода ваҳший ҳайвонлар билан дўстлашган яхшироқ, менинг аҳволим эса шундай даҳшатли (ғуссали)ки, ўзимдан ўзим қўриқиб кетаман.

3. Адам – йўқлик водийси, яъни дунёдан қочиб чиқиб кетишни истайман. Зеро, хилват жойим ҳам Вомиқ, Фарҳод ва Мажнун нолаларидан шовкин-сурон, кий-чувга тўлиқдир.

4. Ўзлим – вужудимдан чиқиб кетиш (тарк этиш) учун тўлғонаман, негаки Дард водийсида бу хаста таним қуюндай сарсонун саргардондир.

5. Эй ажал, вужудим хирқаси, яъни танамни ёндириб ташла, зеро маломат ўқлари билан тикилган кийимим жуда оғирлашиб қолди.

6. Эй фалак, юлдузларни майдалаб, кичик-кичик тошлардай йиғиб бошимга ур, чунки энди қабрим фано – йўқлик майхонаси хиштидан ҳосил бўлди.

7. Ҳасратимнинг оху нолаеси нилий гумбаз, яъни осмонга кўтарилса, кўк рангли етти осмонни еттита кўк варақлардай ҳар тарафга учиргай.

8. Дур билан фируза мактовию ташбехини қуй, чунки осмон ва ундаги юлдузларни нилуфар гулига қўнган шудринг (шабнам)чалик қўзга илмайман.

9. Агар лаъл билан тикилган салтанат тожина рабба тим бўлса, бошим лаълдек осилсин ва қонга ботсин.

10. Ажабланадиган жойи шуки, халқ бахти, ҳожати-ни чиқариш йўлида умрим сарф бўлдию, лекин яна ажаброғи шуки, бировга бирор хизматим ёқмади.

11. Эй Навоий, икки оламдан воз кечиб Худо висолини топдим, маълум бўлдики, бу йўлда мени кийнаган, бошимга офатлар келтирган шу икки бутхона, яъни дунё ва охират экан.

Фазалнинг умумий мазмун-маъноси

Ун бир байтлик бу катта фазал Навоий ижодида алоҳида ўрин тутади. Фазалда реал ҳаётдан норозилик. “аҳли замон”дан задалик кайфиятини ифодаловчи ва ўқувчини ҳайратга солувчи ташбеҳлар, изтиробу алам тула иборалар бирин-кетин тизилиб келади. Натижада баъзан Навоийнинг одамзотдан нафрати уфуриб тургандай туюлади: вафо кўрмаган, нажиб, нозик туйғулари қадрланмаган, қалбига яқин ҳамдard, ҳамсуҳбат топмаган одамнинг фиғон-ноласи, Дардномаси бўлиб янграган бу фазал Танам, вужудим Дард водийсида қуюндек саргардон, деб оҳ чекади лирик қаҳрамон. *Дард водийси...* Ажойиб ибора. Лирик қаҳрамон ана шу Дард водийсида кезган саргардон ҳолатини таърифлайди, йўл топиб, бу Водийдан қутулиб чиқишга талпинади. У хилватга чекинмоқчи, лекин қалби азобда, ўтга ўхшаган Вомиқ. Узро. Лайли, Мажнун, Фарҳоду Ширин нолалари турт томондан эшитилиб туради, ғавғо қилиб бостириб келади.

Шунда у ажалга мурожаат қилиб, бу изтиробли ҳаётдан ўлим афзаллиги, жонини топширишга рози эканлигини изҳор этади, фалакка мурожаат қилиб, юлдузларни тошдай тудалаб бошига отишни сўрайди, оҳу ноласи осмонга ўрласа, осмон каватларини қук вараклардай учириб юборишга қодир эканини айтади. Бу ташбеҳлар бирин-кетин қаторлаштириб келтирилгани-

дан замин аҳли, замон одамларидан безор кишининг рухий ҳолати ғоят ишонарли ва таъсирчан чиққан. У исён қилмайди, балки одамлардан — адам водийсидан безор бўлиб, қутулниш йўлини излайди, қафасга тушган қушдай типирчилайди, баъзан эса ноилож қолган арслон мисол ўкиради. Бу ғазалда энди Навоийнинг бир қанча ғазалларидагидай, ошниклик дарди билан бу шикни англамаган одамлар орасидаги зиддият тасвири эмас, балки асарнинг аввалидан охиригача дунё аҳли, дунёнинг ўзидан норози Инсон руҳининг безовталиги, шиддатли ҳайкириғи тасвирланган. Лирик қаҳрамон назарида дунё бойлиги, тожу тахт, мансаб-обрў ҳам арзимас ва қадрсиз. Унинг учун гул баргидаги шабнам гавхар ва ферузадан гўзал ва қимматли, лаъл билан безанган тождан кўра қизил гул ёки шу гулда ифодаланган Ҳақ жамоли ндроки юз карра лаззатлироқ.

Ана шу маънода Навоий бу дунё ва охиратни ҳам бутхона, яъни манфаатлар, тамаъ ва истак-орзулар бутхонаси, бутхонага меҳр қўйган кишилар эса бутпарастлардир дейди, бу бутхоналар офатидан қутулибгина Руҳоният саодатига эришниш мумкинлигини таъкидлайди. Нақадар буюк химмат, улуғвор ният бу! Ҳақиқий одамийлик бахти руҳоний олам кашфида!



36-ғазал

*Бу кун аҳли жаҳондин хастахотирмен, жаҳондин ҳам,
Демон аҳли жаҳон бирла жаҳон, биллаҳким, жондин ҳам.*

*Мени жону жаҳондин ҳажр вақтиким малул этгай,
Ватан ё мулкдин худ ким десун, бал хонумондин ҳам.*

*Кунгулдин жонга еттим, эй ажал, неткай халос этсанг
Мени ул телбадин, ул телбани мен нотавондин ҳам.*

*Не айрилмоқ дурурким ёр то айрилди, айрилмиш
Кунгул мендин, фиғон кунглумдину утлар фиғондин ҳам.*

*Манга жононсиз ўлмак яхшироқ, эй Хизр, юз қатла
Кетурсанг мужда ўлмоқ бирла умри жовидондин ҳам.*

*Нафас қатъ ўлди ул юз фурқатидин, кузгу келтурманг,
Ки мен эмди қутулдим ибтилоусиз имтиҳондин ҳам.*

*Ямон-яхшига кун зулм этмагилким, гар будур даврон
Қутулгунг кимки андин яхшироқ йўқ, мен ямондин ҳам.*

*Итига туъма, дарбониға бўлсун муттако, ўлсам,
Таним ул куйдин олманг, бошим ул остондин ҳам.*

*Фақиҳу Казба, ринду майкада, хушдур Навоийким,
Сенинг ёдинг била мундин эрур озоду ондин ҳам.*

Лугат

1. **Хастахотир** – кунгил совиши, хафа бўлиш, безор бўлиш.
2. **Худ** – ўзи, асли.
3. **Мужда** – хушxabар.
4. **Жовидон** – абадий.
5. **Қатъ ўлмоқ** – узулмоқ, тухтамоқ.
6. **Ибтило** – мубтало.
7. **Туъма** – егулик, насиба, озуқа.
8. **Дарбон** – эшик қуриқловчиси.
9. **Муттако** – суянчиқ, таянч.
10. **Фақиҳ** – фикҳ илми (шариат қонунчилиги) мутахассиси.

Байтларнинг насрий баёни

1. Бугун жаҳон аҳлидин ҳам, жаҳоннинг (дунёнинг) узидан ҳам совудим, безордирман. Жаҳон ва ундаги одамларни кўя туринг. Худо хақи, жонимдан ҳам бездим.

2. Мени хижрон вақтида жону жаҳондин тўйибди деманг, балки ватан, мулку хонумондан ҳам малолдам (безорман).

3. Кўнгил изтиробларидан тўйдим, эй ажал, мен ул телба (кўнгил)дин, кўнгилни мен ожиздан халос этсанг, нима буларди?

4. Бу қандай айрилиш бўлдики, ёр мендан айрилгач, кўнгил мендан айрилиб, фиғон кўнгилдану ўтлар фиғондан ҳам айрилди.

5. Эй Хизр абадий умрдан юз марта хушхабар келтирсанг ҳам, мен учун жононсиз ўлмоқ афзалроқ.

6. Ул юзни кўришдан маҳрум бўлдим, фироқида нафас олишим тўхтади, жони чиқдим, нафас олаётимми, деб синаш учун кўзгу келтирманг, чунки мен мубталолик синовидан ҳам қутулдим.

7. Ёмону яхшига зулм қилаверма, зеро агар замон шундай давом этса, сен яхши кишилардан ҳам, мен ёмондан ҳам қутуласан.

8. Агар ўлсам ёр итига озуқа ёки дарвозабонига сунчик бўлайин, сиз танамни ул кўчадан, бошимни ул остонадан олманг.

9. Факих (шариат билимдони) учун Каъба, ринд учун майкада (пир ҳузур) азиз. Аммо Навоий учун қандай яхшики, у фақат Аллоҳ ёдида яшаб, ундан ҳам, бундан ҳам озоддир.

Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси

Ушбу ғазалда ҳам юқоридаги ғазалларда бўлганидай, рухий изтироб, қалб дарду ҳасрати ифодаланган. Аммо бу энди ёлғизлик кўнгил бекаслигининг дарди эмас.

Юкорида кўрган ғазаларимизда ижтимоий табақалар мавқеидан ҳосил бўладиган ноҳуш кайфият, ахлоқий қарашлар, яшашни қулайлаштириш, “шоҳу гадо”, “бою камбағал” баробарлигини ёклаш, инсоний сифатларни ижтимоий мавқеи манманлигидан устун қўйиш, хукмронлик тафаккурдан ҳосил бўлган номақбул кибру ҳаво, зулму ситамга берилишни мазаммат қилишга йўналтирилган фикрлар ва булардан-да устунроқ турувчи олий маъноларга интилиш чақинларининг ялтираб кўриниши акс этган. Шoir ҳар бир ғазалида мутафаккир, ижодкор инсон дилининг беҳуда истакларини, юксалиш, соғинч, қоникмаслик туйғуларини ифодалайди. Шуларга мувофиқ келмайдиган заминий муносабатлар, манфаатлар ва манфаатчалар гирдобидан қутулиб чиқиш, озод бўлиш истакларини кўйлайди.

Келтирилган ғазалимизда эса, бу ғоялар ишқ ва айрилиқ ғоялари билан қўшилиб зухур этган. Матлаъда гарчи “аҳли жаҳон” ва жаҳондан задалик ҳақида гап борса-да, аммо иккинчи байтдан бошлаб, бу задаликнинг боиси ёрдан ажралиш — ҳажр азоби экани айтилади. Ғазалда *Кўнги* тимсолига алоҳида урғу берилади. Бошқача айтганда, фироқ азоби ҳам, Ёр жамоли соғинчи ҳам, жами покиза туйғулар *Кўнги*да жамланган ва *Кўнги* орқали ўзини намоён этади. Ошиқ учун ёрдан айрилиш *Хизр суви* — оби ҳаётни ичиб, абадий умр топишдан кўра, ўлиш яхшироқ. Ёр шунчалик азиз ва қадрли. Ошиқнинг умр мазмуни, тириклиги, саодати ҳам Ёр билан бирга бўлишидир, деб тасвирланади.

Навойий бу ғазалда эл орасида кенг тарқалган ўлаётган одамнинг юзига кўзгу тутиш талбирини тасвирлаб беради. Яъни умри тугаб бораётган одамнинг оғзи олдига кўзгунини келтириб кўрадилар: агар нафас олаётган бўлса, кўзгу терлайди, агар нафас олишни тўхтаган бўлса, кўзгу терламайди, демак беморнинг жони узилган бўлади. Навойийнинг қаҳрамони одамларга мурожаат қилиб, мен Ёр фироқида жон бердим, кўзгу келтириб утирманг, бу азоблардан энди қутулдим,

лейди. Эндт жасадимни Ёр итларига беринг ёки унинг дарвозасини кўриқловчисига суянчик этинг, токи бошим ёр остонасида қолсин. Мана шундай хазин, аммо садоқат мадҳияси бўладиган пурмаъно сатрлар билан Навоий муҳаббат кудратини, вафодорлик хиссини баён эта олган. Бундай фонийлик аслида орифлар назарида боқийликдир, боқий озодликка эришишдир. Бундай озодликни на Каъба зиёрати, на хонақо шайхи, на харобот пири тухфа этолмайди. Бу фақат чин ошиққа насиб этилган бахтдир.

Ғазал ана шундай кутаринки руҳда яқунланган.



Шун оқшом келдию келмас менинг шамъи шабистоним,
Бу андуҳ утидин ҳар дам куяр парвонадек жоним.

Не ғам, кўргузса кўксум порасин чоки гиребоним,
Кўрунмас бўлса кўксум ёрасидин доғи пинҳоним.

Ғамидин дурри макнундек, сиришким оқти Жайҳундек,
Музайян қилди гардундек жаҳонни ашки ғалтоним.

Фалак ҳам тўлди кавкабдин, қуёш ҳам тушти ашҳабдин,
Келиб тушмасму маркабдин менинг хуршиди рахшоним.

Жаҳонни зулмат этти чаҳ, бу зулмат ичра ўлғум, ваҳ
Манго бўлсанг не Хизри раҳ, етиб, эй оби ҳайвоним.

Дема кўкдин қуёш кетмиш, фалакка тийралик етмиш
Ул ой ҳажрида тор этмиш фалакни дуди афғоним.

Қуёш қочиб юзин ўйди, шафақ утқа тушиб куйди,
Фалакка доғлар қўйди ғамингдин сузи пинҳоним.

Навоий киби ҳижрондин бу оқшом ўлдим афғондин
Ғамим йўқ бўйла юз жондин, етиб гар келса жононим.

Луғат

1. **Шамъи шабистон** – тунни ёритувчи шамъ, яъни маҳбуба.
2. **Пинҳон** – яширин.
3. **Дурри макнун** – қимматбаҳо, яширинган гавҳар.
4. **Сиришк** – кўз ёши.
5. **Жайҳун** – Амударё.
6. **Музайян** – безанган, зийнатланган.
7. **Ашки ғалтон** – дона-дона кўз ёши.
8. **Кавкаб** – юлдуз.
9. **Ашҳаб** – оқ от, бўз от.
9. **Маркаб** – от, улов.
10. **Гардун** – осмон, фалак.
11. **Хуршид** – қуёш.

12. **Чах** – кудук.

13. **Хизри раҳ** – йул бошловчи Хизр.

14. **Оби ҳайвон** – тириклик суви.

15. **Дуд** – тутун.

16. **Ҳйди** – ҳйиб олмоқ, яширмоқ.

17. **Доғ** – тамға, қиздирилган темир билан инсон ёки ҳайвон баданига босилган нишон, из, нақш, яра, жароҳат; ғам-андух, тиббий муолажа тури; куйган жой.

Байтларнинг насрий баёни

1. Оқшом бошланиб, ер юзини тун қоплади, аммо менинг шамъи шабистоним – тунни ёритувчи шамъим келмади. Бу ғам ўтидан ҳар нафасда жоним парвонадай куюди.

2. Кўксимнинг пора бўлганини ёқамнинг чоклари кўрсатса ғам емайман, кўксимнинг ёриқларидан яширин доғ-яралар кўринмаса ҳам парво қилмайман.

3. Унинг ғамидан қимматбаҳо дурлардек кўз ёшим Жайхун дарёсидай оқди, бу кўз ёшим томчилари худди юлдузлардай осмонни безади.

4. Фалак юлдузлар билан тўлди, қуёш оқ отидан тушди, нега энди менинг чарақлаган қуёшим отидан тушиб ёнимга келмайди?

5. Коронғилик жаҳонни (тубсиз) кудукка айлантирди, мен бу коронғилик ичида ўламан ахир, ул оби ҳайвоним – суюкли ёрим етиб келиб, Хизр каби йўлбошчи бўлиб, мени қутқарсайди кошки.

6. Кўкдан қуёш кетиб қолди, коинот зулматга чулғанди, дема. Бу ул ой фироқида фалакни қоплаб, зулматга чулғанган, қуёшни беркитган менинг оҳу афғонимдир.

7. Бу яширин ёнишимдан қуёш қочиб, юзини беркитди, шафақ ўтга тушиб куйди, фалак юзига доғлар тушди.

8. Ҳижрон ичида Навоий каби фиғон чекиб ўлмоқдаман, аммо унинг йўлида юз жон берсам ҳам ғам чекмасман, фақат Жононим етиб келса бас.

Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси

Ошиқнинг хижрону айрилиқ дамларида чеккан соғинч изтироблари, дардли кечинмалари тасвирланган мазкур ғазалда. Айтиш керакки, тасвир ўқувчининг қалбини ҳаяжонга соладиган даражада кучли ва таъсирчандир. Навоийда, биламизки, ошиқнинг Ёрдан жуздолик лаҳзаларини ифодаловчи ғазаллар анча. Уларнинг бир нечтасини юқорида кўриб ўтдик. Аммо ҳар бир ғазалда ўзгача оҳанг, мафтун этувчи санъаткорлик қўлланилади ва табиийки, бу айтиш ҳолатга мос бўлиб тушади. Гоҳ ёрининг сафарга кетгани, гоҳ ваъдасига вафо қилмай келмагани, бепарволик ва ўйинқароқлик қилгани, гоҳида ошиқни синаш учун атайлаб хижрон азобига солиши, ранг-баранг кийимлар кийиб, безаниб хуснини кўз-кўз этиши, ошиқни бадтар қийнаши, гоҳида саман от чоптириб майдонга кириши ва кўзларни, дилларни қувонтириб, хайратга солиши жозибали чизилади. Ушбу ғазалда эса Ёр ёдида тунни бедор ўтказган, ўз дардини еру осмонга сўйлаб, қалбидаги аламу илтижо, ўксиниш ва умидворлик хисларини тўкиб солаётган, фиғонидан осмонни ларзага келтираётган ошиқ аҳволдан хабардор бўламиз. Хабардор бўламизгина эмас, балки унга шерик бўлгимиз, у билан бирга фиғон чеккимиз келади. Шоир ажойиб бадиий санъатлар қаторини тизиб чиққан: айрилиқ ғаму андуҳи ичра қийналаётган ошиқ назарида тун тубсиз қудукдай, олам зимзиё. Фақат маъшуқ юзининг офтоби бу қоронғиликни ёритиши, дилга нур бағишлаши мумкин. Навоий Ёр хажрида йиғлаётган ошиқ кўз ёшини гоҳ дур, гоҳ дарё (Амударё), гоҳ юлдузларга ўхшагади. Осмон тўла юлдузлар, қуёш отдан тушиб қасрига кирган (ботган) (ушбу жонлантиришнинг ўзи ажойиб санъат: қуёш сафарга чиққан шоҳга ўхшатишмоқда), аммо Ёрдан дарак йўқ. Ошиқ фиғону ноласи фалакни беркитади,

ёнаётган шафак ҳам аслида менинг оху нолам утининг доғи — нишонаси, деб хасрат чекади ошиқ.

Шу тариқа, Ёрга умидвор, васл умидида қийналаётган ва тунни бедор ўтказган ошиқ туйғулари тараннум этилади. Ғазал сатрларининг ички қофиялари, ҳамоҳанг сўзлар ташбеҳу истиоралар қатори бу ҳолатни кучайтирган, яхлит бир куй, бир дардли қушиқ вужудга келган.



38-газал

*Гар жафо қил, гар вафоким, дилситоним сен менинг,
Гар мени ўлтур, агар тиргузки, жоним сен менинг.*

*Хоҳ раъно қад била борғил ёнимдин жилвагар,
Хоҳ кел қошимгаким, сарвиравоним сен менинг.*

*Кўнглум ичра сенсену ишқинг, не дей ҳолим сенга?
Чун бу янглиг маҳрами рози ниҳоним сен менинг.*

*Жилва айлаб ҳар замон афғону оҳим қилма айб,
Ҳам сен-ўқ чун боиси оҳу фиғоним сен менинг.*

*Лаълидин бир-икки сўз мазкур қил, эй хаста жон,
Бори бу бир-икки дамким, меҳмоним сен менинг.*

*Телбалардин гарчи рад қилдинг мени, лек англагил,
Ким пари рухсоралардин танлағоним сен менинг.*

*Ўлди меҳрингдин Навоий, бевафо дебсан ани,
Эртаки нозик мизожи бадгумоним сен менинг.*

Луғат

1. **Рози ниҳон** – яширин сир.
2. **Сен-ўқ** – сенинг ўзинг.
3. **Мазкур қил** – тилга ол, гапир.
4. **Рухсора** – юз, парирухсора – паридай чиройли юзли.
5. **Эртаки** – қадимги, азалдан, кўпдан бери.
6. **Нозик мизож** – кўнгли нозик, нозик таъб, юмшоқ табиатли.
7. **Бадгумон** – ёмон фикрларга борадиган, шубҳа билан қарайдиган одам.
8. **Дилситон** – дилбар, дилни мафтун этувчи.

Байтларнинг насрий баёни

1. Агар жафо қилсанг ҳам, вафо қилсанг ҳам майли, чунки, барибир кўнглимни олгансан; мени ўлдирасан-

ми, тиргизасанми — бу сенинг ишинг, чунки менинг жоним сенсан.

2. Истасанг раъно қад билан ёнимдан жилва қилиб ўт, истасанг зебо қаддингни намойиш этиб ёнимга кел, чунки барибир, сен мен учун энг зебо коматли, шамшоддай гузал соҳибжамолимсан.

3. Нимасини айтай, қўнглим ичида сендан ва сенинг ишқингдан ўзга ҳеч нарса йўқ, ана шундай, яширин сирларимга маҳраим ҳам сенсан.

4. Хар дамда жилва қилиб, оху фиғон чекишларимни айб этма, зеро оху фиғонимнинг сабабчиси сенсан.

5. Эй ишқ дардида хаста жоним, ёрнинг лаъл лабидан бир-икки сўз хикоя қилиб бер, зеро бу бир-икки лаҳза меҳмонимсан менинг.

6. Гарчи телбалардан бири деб рад қилган бўлсанг ҳам, бироқ билиб ол: пари юзлилардан танлаганим сенсан.

7. Навоий меҳру муҳаббатингни қўмсаб ўлди, сен эса уни бевафо дебсан. Эй менинг нозик таъли, бадгумоним, аразчим.

Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси

Бу ғазалда ҳам Ёрга вафодорлик туйғуси, садоқат хисси ифодаланган. Умуман, ошиқлик — бу аввало содиқлик, ошиқ ҳар қандай шароитда, қанча азоб чекмасин, маҳбуба жафо қилса, ўзини олиб қочса, ҳатто мазах қилса ҳам, садоқат курсатиши, васл умидида яшаши лозим. Ошиқда ноз-истиғно, араз ва кина бўлмайди. Ошиқ — талабгор. Маъшуқа эса ноз қилиши, аразлаши, ошиқни синаши мумкин. Мумтоз адабиётимизда бу қатъий анъана. Айниқса, мажозий ишқ ғояси тараннум этилган ғазал ва рубоийларда бу аниқ кўзга ташланиб туради. Ушбу ғазалда ҳам ҳазрат Навоийнинг лирик қаҳрамони (ошиқ) севгилисига мурожаат қилиб, менга жафо қилсанг ҳам, вафо қилсанг ҳам, барибир сени севаман, ёнимдан бепарво ўтиб кетсанг ҳам, олдимга келиб табассум қилсанг ҳам муносаба-

тим, туйғуларим узгармайди, деб худди онт ичгандай, дилидаги гаиларни тукиб солади. Зеро, махбуба ишки ошиқнинг бутун вужудини камраб, кунгидан жой олган. Ғазалнинг дастлабки икки байтида ҳаракатлар тазоди ифодаланган: жафо ва вафо, улдириш ва тирилтириш; ёр ёнидан жилва билан утиб кетиш ва ёр ёнига келиб туриш. Бу орқали шоир ошиқ садокати билан бирга маъшуқа хислатларини тасвирлашга муваффақ бўла олган. Жафо қиладиган ҳам, вафо қиладиган ҳам махбуба, улдирадиган ҳам, тирилтирадиган ҳам унинг Ўзи. Яъни вафо қилса — тирилтиради, агар жафо қилса — ўлдирди. У ошиқ қалбини ҳаммадан кўра теранроқ англайди, чунки у ошиқнинг яширин сирларига маҳрам. Бешинчи байтда муҳаббат дардида жон бераётган ошиқ ҳолати ифодаланган, яъни шоир жонга мурожаат қилиб, Ёрнинг лаълдай лаблари — сўзларини такрор қил, зеро сен мен учун бир-икки дамлик меҳмон бўлиб қолдинг, дейди. Ёр васлидан умидини узган одамнинг ҳасрати бу, албатта. Аммо бу фикрнинг замирида бошқа маъно ҳам бор: ошиқнинг жони — унинг Ёри. Шундай экан, маъшуқа вафо қилмаса, рад этса, жон ҳам у билан бирга кетади. Яна бир маъно шуки, дунёнинг ўзи, умр кайҳоний — илоҳий миқёсда олганда, бир-икки дам, холос. Ошиқку маъшуклар бир-бирининг дийдорига туймай фониий буладилар (Лайли ва Мажнун каби) ёки Илоҳ васли нашидаси ҳам шундай қисқа... Олтинчи байт мазмуни буни тасдиқлайди. Бунда *телба* ва *пари* сўзларига диққат қилинг: халқ орасида пари қурган ёки пари теккан одам телба, девона бўлади, деган гап бор. Навоий шунга ишора қилиб, ошиқ тилидан: эй махбуба мени телба деб рад этдинг, лекин бунинг сабабчиси сенинг ўзинг, чунки сенинг паридай юзингни кўриб, мен шу ахволга тушдим, дейди.

Ғазалда тасвирланган маъшуқа нафақат жафокор, балки мафғункор ҳусну жамол эгаси бўлиш билан бирга, нозик табиатли, бадгумон, сал нарсага аразлайдиган, ошиқини баъзан жеркиб турадиган, фиғону нола-

сини ёқтирмайдиган киши сифатида кўринади. Бу фикр мактабда аниқ ифодаланган: ошиқ висол истаб, меҳр истаб жон бердию, аммо маҳбуба уни бевафо деб айблайди. Навоий шунда ҳам ҳазиломуз, меҳрли сўзлар билан маҳбубани сийлайди: “Эй менинг қадимий эр-катоим, нозикмижозу бадгумоним”. Ана шундай, ошиқ ҳеч қачон маъшуқадан хафа бўлмайди, унинг ҳамма нозини кўтаради, хамиша унга меҳрли, хуш ёқадиган сўзлар айтади.

Навоий наздида ишқ қудрати, ошиқлик матонати ана шундай буюк.



39-ҒАЗАЛ

*Бақо дашти нечук қатъ ўлмасун айлаб мурур айём,
Ки ҳар манзил анга бир кундуру, ҳар дам анга бир гом.*

*Булур манзилда турмоқ муддате гом урмамоқ кўп вақт,
Бу манзил қатъию бу гомдан бўлмас даме ором.*

*Ажойиб қатъи бир манзилда гомедурки ўрнидин
Киши тебранмайин ҳам қатъ ўлур, ҳам солилур ноком.*

*Бу янглиғ манзилу гоми зарурий чун эрур воқеъ,
Ҳам авло Каъбаи мақсуд сори боғламоқ эҳром.*

*Сулуку сайр курмишки гар чилланишин қари
Ва ёхуд чилла ичра тифл тенгдур анда субҳу шом.*

*Эрур бу турфақим мундоқ сулуку сайр аро солик
Эмас ўз ихтиёри бирла не оғозу не анжом.*

*Бу андин турфароққим, етмайин мақсадқа мингдин бир,
Бу йўл қатъида туфроқ ўлдилар йўл топмайин итмом.*

*Мусофирқим, бу йўл олита тушкой турфатул-айне,
Агар ўз ҳолидин гофил бўлур, бўлғой бағоят хом.*

*Илоҳий, йўл эрур беҳад қотиқ, манзил йироқ асру,
Навоий бирла сен бўлсанг, етар манзилга аввал гом.*

ЛУГАТ

1. **Бақо дашти** – мангулик саҳроси, абадийлик биёбони, абадий борлик, узгармас борлик, фанонинг зидди.
2. **Қатъ** – узилиш, тамом бўлиш, кесилиш.
3. **Мурур** – юриш, кечиш, ўтиш.
4. **Айём** – кунлар, давр, замон, вақт.
5. **Гом** – қадам.
6. **Дам** – нафас, лаҳза.
7. **Солилур** – солинади.
8. **Ноком** – бахтсиз, омадсиз, мақсадига етмаган, ночор.

9. **Каъбаи мақсуд** – мақсад Каъбаси, кунгил, Аллоҳ, Ҳақ таоло ҳузури.
10. **Эҳром** – ҳожилар кийими, қатъий ният белгиси.
11. **Сулуку сайр** – тасаввуфда тариқат йўли, сафари, руҳоний чиниқиш босқичлари.
12. **Чилланишин** – чилла ўтирадиган, тариқат талабларидан бири.
13. **Тифл** – гўдак, чақалоқ.
14. **Оғозу анжом** – бошланиш ва охир.
15. **Итмом** – тамомлаш, охирига етказиш.
16. **Турфатул-айн** – кўз очиб юмгунча вақт.
17. **Авло** – яхшироқ, маъқулроқ.
18. **Солик** – тариқатга кирган одам, йўловчи.

Байтларнинг насрий баёни

1. Тариқатдаги ҳол мартабаси адоғига нега етмайин- ким, кунлар, давр тўхтовсиз ўтмоқда, бунда ҳар бир манзил – бир кун, ҳар лаҳза – бир қадамдай гап.

2. Манзилда бир муддат туриб қолиш кўп вақт қадам ташламоқдир – бу манзилни босиб ўтиш ва бу қадам ташлашдан бир лаҳза ором олиш, тўхташ мумкин эмас.

3. Бу бир манзилни қадамлаб босиб ўтишнинг ажойиблиги шундаки, киши ўрнидан қўзғолмаса ҳам, у адоғига етади ва яна мақсадига етмай қолади.

4. Бундай манзил ва уни босиб ўтиш зарурий экан, демак Каъбаи мақсуд – Ҳақ ҳузурига етишиш учун қатъий ният қилиш (бел боғлаш) яхши.

5. Бундай руҳоний тариқат сайрини киши кўрганми? Унда чилла ўтирган қари билан чиллали чақалоқ тенг, кеча ва кундуз, тонг ва шом ҳам баробардир.

6. Яна ажойиби шундаки, бундай руҳий-маънавий сайр, Худо дийдорини истаб сафар қилишга йўловчи (солик) ўз ихтиёри билан кирган эмас ва яна шуниси ҳам борки, бу йўлнинг бошланиши ва охири ҳам йўқ.

7. Ва яна ҳам ажойиброғи шуки, тариқатга кирганларнинг мингдан бири мақсадига эриша олмайди, бу йўлни босиб ўтиш учун ўзлари тупроққа айландилар, аммо йўл тамом бўлмади.

8. Сафарга чиққан одам (солик, мусофир) агар бир лаҳза ўз ҳолидан беҳабар бўлса, мақсадга етолмай, хом холда қолади.

9. Йўл беҳад қаттиқ, манзил жуда узок, лекин Парвардигоро, Сен Навоий билан бирга бўлсанг, уша манзилга у биринчи қадам қўйиб, мақсадига эришади.

Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси

Навоийнинг орифона ғазалларидан бири бу. Орифона ғазалларни ҳам бир неча турга бўлиш мумкин. Чунончи: 1) тасаввуф истилоҳларини қўллаб, ушбу таълимот асослари, талабларини тушунтиришга бағишланган ғазаллар; 2) ваҳдат ул-вужуд фалсафаси асосида ҳақиқий ва мажозий ишқни солиштириб тушунтиришга бағишланган ғазаллар; 3) фақру фано мақомига кўтарилган ошиқи покбоз ҳолатларини тасвирловчи ғазаллар, ишқдан руҳий озодлик тонган кишининг изҳори дардини ифодаловчи ғазаллар ҳам шу каторга киради.

Келтирилган ғазалда эса тасаввуф истилоҳлари шарҳи ҳам, тариқат йўлига кирган йўловчи (солик)-га дуч келадиган қийинчиликлар, бундан соликнинг руҳий ҳолатлари ҳам бирга олиб тасвирланган. Чунончи, *бақо*, *манзил*, *гом*, *сулуку сайр* каби тушунчалар ғазал байтларида қайта-қайта тилга олиниб, шулар атрофида фикр баён этилади. Чунки ушбу ғазалда тариқат кишисининг Аллоҳ томон руҳий-маънавий сайру сафари тасвирланган. Бундай сайрда нафақат фоний бўлмоқ талаб қилинади, балки шу билан бирга, бақо даштини босиб ўтиш ҳам лозим бўлади. Бақо дашти деб бу ерда Навоий сайри иллаллоҳ (Аллоҳ томон сайр)ни назарда тутган. Сайр иллаллоҳ Сайид Жаъфар Сажжодий лугатида бундай тушунтирилган: “Аллоҳ томон сайрининг ниҳояти бор ва бу шундан иборатки, солик Худони танигунча сайр қилиши керак ва у Худони танигандан кейин сайр иллаллоҳ тугайди ва сайр филлаллоҳ (Аллоҳда

сайр) бошланади. Ва сайр филлоҳнинг охири йўк” (“Фарҳанги мусталаҳоти урафо”, 242-б.).

Демак, солиқ бақо даштини босиб ўтмасдан мақсадга эришолмайди. Бақо дашти (сайри иллаллоҳ) ҳам бир неча манзиллардан иборат. Манзил деб тасаввуфда руҳий-маънавий юксалиш боскичлари — мақомотлар назарда тутилади. Навоий тасвиридаги солиқ — продалди, қатъият билан олий мақсадга интилувчи шахс. Шу боис у ҳар қуни бир манзил — мақомни ўзлаштириши мумкин. Зеро, ҳар нафас олиш унинг наздида бир қадам босишдай гап, дейди шоир. Бу байт мазмунида Аллоҳ томон интилган одам учун вақт тушунчасининг нисбийлиги ҳам баён этилган. Солиқ учун макон ва замон писанд эмас, бунда рух ҳаракатда, парвозда, жисм эса ҳатто бир жойда туриши ҳам мумкин. Шунинг учун солиқ муайян манзилда “тухтаб тургандай” бўлса-да, аммо манзилни босиб ўтишдан бир нафас тинчимади. Ана шундай урнидан қўзғалмасдан зарурий руҳий қадамлар ташлаб олға бориш насиб этилган кишига Қазбаи мақсуд — ғайб олами, Аллоҳ ҳузурига тайёрланиш (эхром боғлаш) мумкиндир. Бундай одамни беинтиҳо муҳаббат оханрабодай тортади, унинг чилла ўтириши ҳам шарт эмас. Кизиғи шундаки, деб тасвирлайди шоир бу сулуку сайрда солиқнинг ихтиёри ўзида эмас, у “саргузашти”нинг бошланиши ва охирини ҳам ҳис қила олмайди. Яна ажойиброғи шундаки, бу йўлга ният қилиб қирганларнинг мингдан бири мақсадига эришади ёки йўк, қўплари йўлнинг охирини тополмай (охирига етолмасдан), ҳалок бўладилар. Ана шундай оғир йўл бу. Бу йўлга қирган йўловчи бирор лаҳза ўзидан ғофил бўлмаслиги керак, яъни ҳеч бир ҳолатда чалғимасин, фақат ва фақат олий мақсад — Ҳаққа етиш ишида ёнсин. Аммо агар Аллоҳ сен билан бирга бўлса, бу беҳад оғир йўлни босиб ўтиш мумкин дейди, Навоий ғазалнинг охириги байтида. Демак, валилик, Ҳаққа восил бўлиш Худо танлаган одамлар насибасидир.

40-ғазал

*Фалакдин гар сенга ҳар лаҳза юз қайғу келди ўтру,
Агар ҳар қайғудин сўнг бир севинмак бор, эмас қайғу.*

*Ва гар ҳар тийраликка бир ёруғлуқни инонмассен,
Йиғи кўр чархдин ҳар шом доғи субҳдин кулғу.*

*Камол истар эсанг сидқ аҳлидин, қилма кўнгул тийра,
Мукаддар айламас хуришид субҳ анфосидин кўзғу.*

*Сафо аҳлига гулрухлар хаёлидин тағайюр йўқ,
Қачон гул акси тушмаклик била гулранг бўлғой су.*

*Тиларсан гафлатингни рафъ этиб, огоҳлар нақлин,
Ки ғофил элга ул афсоналардин кам бўлур қайғу.*

*Фано нақди жаҳонингга чу эрмас бир замон маълум,
Дирам нақдиға умрунг ҳар замон сарф этмагил асру.*

*Жунун занжирида ошиқ ёнида ҳийлагар зоҳид,
Киши кўрса тасаввур айлағай шер оллида тулғу.*

*Кўнгул миръоти ичра жилвагардур ёру сен ғофил,
Ториқма ҳажридин кўпким, эмассен ёрдин айру.*

*Фанонинг ҳам фаносин истагил, васл эрса комингким,
Бу йўлда восил ўлмакнинг тариқи ушбудур, ушбу.*

*Кетур бир бода, эй соқийки, ичсам қолмағай боқи,
Фанодин, бал бақодин ҳам замирим лавҳида белғу.*

*Навоий дайр аро маст ўлса, шоҳдин паноҳ, андин
Утарда тутқуси албатта бир соғар чиқиб ўтру.*

Луғат

1. **Фалак** – осмон, тақдир.
2. **Ўтру** – қарши, рўпара.
3. **Гар** – агар.
4. **Тийралик** – қоронғилик, зулмат.

5. **Чарх** – осмон.
6. **Субх** – тонг.
7. **Сидқ аҳли** – садоқатли, самимий, ростгўй кишилар, ориф суфийлар.
8. **Мукаддар** – хира тортган, занг босган, кирланган.
9. **Хуршид** – қуёш.
10. **Анфос** – нафаслар, еллар.
11. **Сафо аҳли** – пок қалблилар, валилар.
12. **Гулрух** – юзи гулдай чиройли.
13. **Тағайюр** – узгариш, бошқа тусга кириш.
14. **Рафъ этмоқ** – юксалмоқ, баландга кўтармоқ.
15. **Огоҳлар** – валилар, ориф пирлар.
16. **Фофил эл** – ирфондан беҳабар кишилар.
17. **Афсоналар** – бу ерда: ҳикоя, ривоят, нақл.
18. **Жунун** – жиннилик, девоналик, Илоҳ ишқи билан маст киши.
19. **Бақо** – абадийлик, ўзгармаслик.
20. **Нақд** – бор нарса, насянинг тескариси.
21. **Дирам** – қадимий пул бирлиги.
22. **Миръот** – кўзгу.
23. **Тулку** – тулки.
24. **Фано** – ёмон ахлоқнинг йўқолиши.
25. **Ком** – мақсад, ният.
26. **Тариқ** – йул.
27. **Восил** – етишиш.
28. **Бода** – ичимлик.
29. **Лавҳ** – тахта, варақ.
30. **Дайр** – оташпарастрлар ибодатхонаси, майхона, мажозан: пир даргоҳи.
31. **Соғар** – қадах, май ичиладиган идиш, мажозан: ориф инсон қалби.
32. **Асру** – куп, жуда, беҳисоб, аниқ.

Байтларнинг насрий баёни

1. Агар фалакдан сенга ҳар лаҳзада юз ғаму қайғу ёғилса ҳам, лекин ҳар бир қайғудан кейин бир шодлик, севинч муяссар бўлса, бу қайғуни қайғу дема.

2. Агар ҳар қоронғилик баробарида бир ёруқнинг борлигига ишонмасанг, унда шомда еру осмонлар

қорайиб, кўз ёшидай ялтираган юлдузлар тонгда йўқолиб, шодлик кулгуси — тонгнинг отишини кўргин.

3. Агар содиқ одамлар суҳбатидан баҳра олиб, камолотга етишни истасанг, кўнглингни ториктирма (қора қилма) негаки, кўёш тонг ели билан кўзгуни ғуборли қилмайди (балки поклайди), яъни дилни ноҳуш этмайди.

4. Авлиёлар — соф кўнгиллиларда гулрухлар ҳаёлидан ўзгариш бўлмайди, яъни улар бунда бемаъни ҳаёлларга бормайдилар. Ахир гулнинг акси тушганда тоза сув гул рангига кирганини кўрганмисан?

5. Ғафлату билимсизлигингни орифлар ривоятлари билан (огоҳ этиб), юксалишни истайсан, зеро ғофиллар бу нақлу ривоятларни эшитсалар, уйқулари қочиб, кўнгиллари уйғонади.

6. Ҳаётингда бақога эришишнинг аниқ йўли маълум эмас, аммо сен ҳечам пул-бойликни кўриб, умрингнинг нақдини шунга сарфлама.

7. Ошиқни жинни деб занжирбанд қилганлар, унинг ёнида хийлагар зоҳид турибди. Бу манзарани биров кўрса, шер олдида тулки турибди деб тасаввур қилади.

8. Кўнгил кўзгусида Ёр — Худо жилваланиб турибди, аммо сен бундан хабарсиз. Фироқида кўпам кийналиб, қайғу чекма, зеро сен Ёрдин айри эмассан.

9. Агар мақсадинг Ҳаққа етишиш бўлса, фанонинг ҳам фаносини истагил, яъни буткул маҳв бўлгил, чунки восил бўлмоқнинг бирдан-бир йўли фақат шудир.

10. Эй соқий, бир коса ишқ шаробидан келтир, охиригача ичай, токи замирим лавҳи — варағида фанодан ҳам, балки бақодан ҳам белги-нишона қолмасин.

11. Навоий пири ориф ҳузурида ишқдан беҳуду беҳуш бўлса, шоҳ (ориф пир, подшо, севгили зот), паноҳига олиб, бу манзилдан ўтаётганда албатта қаршисидан чиқиб, бир қадах тутқуси.

Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси

Ғалақдан шикоят, тақдирнинг эврилишларидан задалик гоёси Навоийнинг ғазалларида ҳам, дostonларида ҳам акс

этганини кўриш мумкин. Ушбу ун бир байтлик ғазал ҳам шу мазмундаги байт билан бошланади. Аммо фарқ шундаки, шоир ана шу фалакдан ёғилалдиган қайғуларга кумилиб, оху афғон чекмайди, балки “юз қайғу” баробарида “бир севинмак бор” бўлса, бу қайғу қайғу эмас, деган фикрга урғу беради. Яъни юз қайғуни бир севинч, шодлик лаҳзаси енгади. Зотан, ҳаёт фақат ғамдан, ёхуд фақат севинчдан иборат эмас. Ҳаётда ғаму шодлик, ташвишу қувонч, меҳнату роҳат, айрилиғу висол дамлари бирга юради. Шоир ана шу зиддиятлар занжирини укувчи эсига солиб, тун ва кун, шом ва тонгни мисолга келтиради: ҳар тундан кейин кун келади, ҳар шом қоронғулиги орқасида мусаффо тонг ёруғлиги намоён. Шундай бўлгач, умид билан, шавқу завқ билан янаш, шодлик дамлари қадрига етиш керак.

Алишер Навоий ана шу оптимистик, руҳий бардамлик ғоясини инсоннинг руҳий-маънавий камолоти билан боғлаб тасвирлайди. Зеро, олий мақсадларга интилган, покланиш йўлига кирган одам учун ҳар қандай ғам-ташвишдан кўра сафо аҳлига эргашиб, кунгул кузгусини ғуборлардан тозалаш лозим. Сафо аҳли — орифлар кўнгли ҳам қуёш каби нур таратиб, инсон зотини мунаввар этади, улуг мақсадларга сафарбар этади. Шоир шу фикрлар изҳоридан кейин комил инсонлар сифатлари, хислатларини таърифлайди ва буни ривожлантириб бориб, яна орифона истилоҳлар шарҳи орқали (фано, бақо, дайр, соғар) ғафлатга берилмасликка даъват этади. Зеро, ғафлатнинг узи қалбни хиралаштиради, қайғуни кўпайтиради, жумладан, бойлик, дирам туплаш ҳирси ҳам ғам устига ғам келтиради. Фақат соф қалбли, Илоҳ ишқида ёнган, фано ва бақони ҳам забт этган, пири комил нури билан нурланган одамгина уткинчи қайғуларни пинд қилмай, абадият шодлигига муяссар бўлади. Навоий ғоясининг моҳияти ана шу.



Шарк халқлари тафаккури тарихида чуқур илдиз отган тасаввуф таълимотини яхши билмай туриб, Алишер Навоий дунёқараши ва адабий меросини барча мураккабликлари, фалсафий теранлиги билан тулик ҳолда тўғри, ҳаққоний ёритиб бериш мушкул. Ўттизинчи йиллардаёқ Ойбек бунга эътиборни қаратган эди. Аммо, назаримда, бу масала ҳамон ҳал бўлмасдан, долзарблигини сақлаб келмоқда. Чунки ҳозир ҳам улуғ шоир асарларини "керакли" ва "кераксиз" қисмларга ажратиш, орифона мазмундаги шеърларини нашрлардан соқит қилиб, эл кўзидан яшириш, "пайкамасдан" тадқиқотларга киритмаслик касаллиги давом этмоқда. Баъзан эса, сўфиёна маъноларни англаб етмаганимиз сабабли, Навоийнинг рамзий ибора-истиораларини ҳаминқадар талқин этиб, ўқувчиларни чалғитиб келмоқдамиз. Бу ҳол Навоий даҳосини, оламининг бепоёнлиги ва улуғворлигини муаззам салоҳияти ҳам кўркемлиги билан идрок этишга ҳалал беради. Ваҳоланки, Навоий мероси — яхлит бир адабий воқелик, бебаҳо маънавий хазина. Ва яна муҳими шундаки, шоирнинг ўлмас гуманизм билан кўқарган ҳаётбахш ғоялари "дунёвий" асарларида қандай порлаб турса, биз бир чеккага суриб қўймоқчи бўлган "илохий" асарларида ҳам шундай куч билан нур таратиб туради. Зотан, улар зоҳирий жиҳатдан шундай, аслида эса, ботиний маънолари моҳиятига кўра бир хил фалсафий-тасаввуфий қарашлар силсиласига бориб тақаладиган ўзаро узвий алоқадор асарлар бўлиб, бирини иккинчисисиз тушуниш қийин. Бас, шундай экан, шоир асарларида учрайдиган ишқ, май, майхона, харобот, соқий, соғар, қадах, хум, маҳбуб сингари кўпдан-кўп киноя-тимсоллар, рамзий маъноли сўзлар ва улар

¹ Бундан кейинги шарҳлар дастлаб алоҳида мақола сифатида ёзилган. Шунинг учун биз уларни ўзгартирмай келтирдик. (муаллиф).

орқасида этган яширин маънолар асрори ҳам унинг ижоди яхлит бир бутунликда олиб текширилиб, олам ва одам ҳақидаги мушоҳада-мукошифалари ичида шарҳлансагина, мазмуни керакли даражада аниқ ойдинлашиши мумкин.

Масалан, куйидаги ғазални олайлик:

*Каманд учига еткурмас гаму андеша айёри,
Бийик чекмиш магар майхона томин сунъ меъмори.
Хуморим заъфида қаҳгил иси то етти маст улдум,
Сувалмишдур магар май лойидин майхона девори.
Тула куб оғзи май, хуришидедур, гуё тенг очилмиш
Чекарда бу ики хуришид даврин сунъ паргори.
Май ичмиш хонақоҳ шайхи, харобот аҳли айш айланг,
Ки чиқмиш баҳя урғон хирқасидин маблағи кори.
Куринган мосиво буди эмас, балки намудидур,
Май устида хуббу мавжэ шаклининг намудори.
Хуббу мавжэ май таҳрикидин зоҳирдурур, лекин
Суқун тонғон вуҷуди, майдин ўзга кайдадур бори?
Куюш аксимудур ҳайвон суйида, ё курунмишдур
Равоносо май ичра соқии гулчехра руҳсори.
Фано дайрин кунгул истарки, бир-бир нири дайр элга
Тутарда бода, шояд, журъае сунгай бизнинг сори.
Навоийдин фано чун ҳосил улди, қилгасин эй ишқ,
Навоий риштаи жонин муғанний удининг тори.*

Хуш, бу ғазалда қандай ғоя ифодаланган? Май ва унинг хосиятларини таърифлашдан мурод нима?

Ўз-ўзидан аёнки, Навоий зикр этган май биз тасаввур қилган спиртли ичимлик эмас. Шоир сира ҳам бунини назарда тутмаган. Билъакс, ута тақводор ва покдомон бўлган Навоий замонасининг ишратпараст, майхур кишиларини қаҳру ғазаб билан танқид остига олиб, маст қилувчи ичимликни "умм ул-хабоис", яъни барча ёмонликлар, фалокатлар онаси, деб эълон қилган. "Хайрат ул-аброр" достонида бўлса, бадмастларнинг масхарали ҳажвий киёфасини яратиб, уларни элга шарманда этган. Ушбу ғазалда шоир майни илоҳий ишқ-

маърифат. Дониш иштиёқининг авжи қиёми, Ёр жамоли мушоҳадасидан ошиқ дилида пайдо бўлган кучли завқ — илҳомнинг, беҳад хурсандлик, сурурнинг рамзий ифодаси сифатида тилга олган. Хумор бўлиш, майнарастлик ҳам бу ерда шунга мувофиқ. Буюк нур чачмасидан ҳузурланиш, висол беҳудлиги, ҳаёт, табиат зеболиги ҳамда ақл ва тафаккур етмайдиган, аммо кунгил билан ҳис этиладиган Мутлақ руҳ муъжизоти жилвасидан бахрамандлик ва шунга талпиниш сархушлигидир.

Чунки Навоий эътиқод қўйган фалсафий таълимотга биноан, олам азалий ва абадий ягона Рухнинг ўз-ўзини севиб, ўз жамолини томоша қилиш истагидан пайдо бўлган кўзгудир. Бирламчи қудрат порлашидан таралган нур бу кўзгуда акс этади, яъни моддий дунёдаги жамики мавжудот ва махлуқот — заррадан қуёшгача, еру кўк, собиту сайёра шу нур билан ёритилади, шу нур туфайли ҳаракатланади, муайян уйғунлик ичра ривожланиб туради. Бу илоҳий тажаллини шоирлар май тимсолида қабул қилганлар. Моддий дунё эса, шу тасаввур бўйича, жом ёки қадахдир. Дунёнинг рангоранг тозланишлар, узгарниш, янгиланишлар, табиатнинг турфа сиру асрори, ҳодиса-ашёлари, баҳорий уйғониш, чунончи, дарахтларнинг кукариб, гуллаб мева боғлаши, дашт даранинг ўт-ўлан билан қопланиши, қушларнинг маст бўлиб сайраши, борингки, ҳаётнинг барча нашъу намоси, гуркираб кўринган нафосат тўфони шу май уммонининг мавжланиши, кўпириши деб тўшунтирилган. Инсон ҳам мазкур кўзгунинг бир бўлаги, лекин Рухи мутлақ энг кўп акс этган хилкат. Чунки у холиқиятнинг сарвари ва ганжи гавҳари, яъни "икки олам истеъдодининг жамулжами" (Бедил). Инсон руҳи шу боис тинимсиз равишда ўз манбаига қараб интилади. Бу интилиш дунёнинг ўзини идрок этиш ва ўз-ўзини англаб етиш орқали содир бўлгани сабабли инсон олам ҳодисалари гузаллигини мушоҳада этиб, чексиз ҳайратланади. Ҳайрат эса ашё-ҳодисаларни билиб

олишига қизиқишини кучайтиради. Шу тариқа, киши мохият-ҳақиқатни билиш иштиёқи билан ёниб, борган сари кўпроқ ташвиш-таралдууда бўлади. Инсоннинг бутун ҳаётини фаолияти, ижод ва яратувчилик қобилияти, кашфу каромати ва файзу фазилатлари шу ишқнинг қудрати деб талкин этилган.

Аммо инсон табиати икки асос — рухий ва моддий олам унсурларидан таркиб топгани учун бу унсурлар орасида кураш боради. Агар моддий асос бўлгани жисм талаблари кучайса, у хире ва шахват, ҳайвоний нафс домига гирифтор бўлиб, борган сари тубанлашади. Бу ҳавфнинг олдини олиш учун киши доимий равишда рухий-маънавий эҳтиёжларини кондириб бориши, шу жиҳатни тарбиялашга бел боғламоғи даркор. Бу ишда унга узидан кура қомилроқ инсон-пир раҳнамолик қилади. Пир ёки ориф деб тасаввуф аҳли ақлу донишда етук, маърифат нури билан қалби лиммо-лим, пок ният, покиза ахлоқли закий одамни назарда тутганлар. Пир — кўнгил маҳрами, ҳамдард, ҳаммаслак киши. Навоий назарида Жомий ана шундай шахс бўлган. Бундай шахслар ҳамма вақт эзгуликни уйлаб, узига эргашган одамларни қалб саховати билан тарбиялаганлар, уларнинг продасини чиниктириб, кўнгил чашмасининг кўзини очиб, оламни янгича тушунишга, Ҳақ йўлни ҳимоя қилишга ўргатганлар. Юқорида келтирганимиз фазалда шу маънолар ифодаланган. Буни конкрет изоҳлар билан шарҳлаб, тушунтиришга ҳаракат қиламиз.

Фазалнинг биринчи байтида ғаму андеша айёри, сунъ меъмори, каманд, майхона каби сўз ва бирикмалар изоҳга муҳтож. Каманд шеърингда аксар ёр сочи уринда истиора сифатида қўлланилади. Бироқ бу уринда Навоий унинг асл луғавий маъноси — арқонни назарда тутган. Ғаму андеша айёри — ақл тадбиркорлиги, ақлу ташвиш тадбири деган маънони беради. Майхона эса "шавқу завқ ва илоҳий маърифат тўлиб-тошган қомил инсон — орифнинг ботиний дунёси ва Рухи мутлак манбаидир". (Саййид Жаъфар Сажжодий. Мусталаҳо-

ти урафо, 392-бет). Сунъ меъмори -Худо. Энди байтнинг мазмунига келсак, Алишер Навоий баланд иморатлар, сарой ва қалъаларнинг кунгурасига арқон ташлаб, тирмашиб том устига чиқиш одатига ишора қилиб, дейди: "Азал меъмори – Худо майхона томини шунчалик улуғ ва баланд қилиб қурган эканки, фикру ташвиш тадбирининг арқони унинг кунгурасининг учиға етмайди". Шоирнинг таъкидича, ақл ва тадбир билан майхона қалъасини забт этиш мумкин эмас. Нега? Чунки ориф қалбининг маърифати ва у орқали илоҳий рух манбаининг беқиёс гузаллигини идрок этишга (шунга айтиш керакки, Навоий ибора-тимсолларида ҳар доим икки маъно – ориф қалби ва руҳи мутлак биргаликда кузда тугилади, зеро ориф қалби олий зот манбаига олиб борадиган бир восита, куприк деб қаралган) фақат қалб ва руҳ қодирдир; ақлий мушоҳада, мантиқий-тафаккурый билиш усули бунга қобил эмас. Маълум бўладики, Алишер Навоий ғазалнинг матлаиданок тасаввуф тариқатининг асосий талабларидан бирини баён этган. Бу талаб тариқат йўлига қадам қуйган одам учун биринчи жиддий мушқилот ҳам эди, чунки ақлу ҳуш қудрати етмайдиган нарсага кунгил майли билан эришиш – руҳий иродани қайтадан қуриш, узини уз виждони, эътиқоди олдида жавобгар ҳисоблаб, қаттиқ назорат остига олиш, жуда кўп дунёвий ҳавас-хоҳишлардан воз кечиш демакдир. Майхона қасрининг буюклиги олам сирү асрори, ажойиботлари, ҳодиса-воқеаларининг беҳад қуплиги, уни билиш, моҳиятига етиш қийинчилигидир, айни вақтда саркаш нафс қутқуларини енгиш, юксак ахлоқий одам бўлиш машаққатларини ҳам англалади.

Иккинчи байт биринчи байтдаги фикрни давом эттиради: толиб (ёки ошиқ) ақлу тадбир билан қомил инсон мартабасига кўтарилишга – майхонани забт этишга кузи етмагандан кейин, бу бинонинг деворларини ҳидлаш билан қаноатланади. Яъни, пирнинг муҳитига яқинлашиб, унга қўл бериб, дастлабки наси-

хаётларини эшиттишдан баҳра олади. Майхона девори, шундай қилиб, пири комилнинг муҳити, ташқи, зоҳирий дунёсидир. Иккинчи тарафдан, бу — бизни ўраб олган моддий дунё ҳам. Чунки қалъа ичидаги руҳ манбаини шрок этиш, аввало қалъа деворлари — дунё ашёларини ўрганиш, хаёл ва сезгилар орқали унинг моҳиятига етиб бориш билан амалга ошади. Заъфи хуморкайфнинг тарқала бошлаши, ишқнинг вақтинча сусайиши, хақиқатга шубҳа билан қараш, шубҳаланиш лаҳзасини билдиреди. Қаҳгил — сомонли лой. Май лойи — шароб қуйкуми, дунё мулки, ҳиссий иштиёқлардан ҳали покланмаган руҳ тимсоли. Алҳосил, байтнинг мазмунни қуйидагича: "Майхона деворини май лойи билан шуваганлар шекилли, хуморим тарқалганда димоғимга сомонли лой хиди уриб, яна маст бўлдим". Ёки: "Муҳаббатим вақтинча сусайганда (кўнгилда шубҳа туғилганда), ширга яқинлашганим сабабли шубҳаларим тарқалиб, қалбимда ишқ яна аввалгидай алангаланди". Пирнинг ички олами унинг нутқи, ҳаракатлари, кароматида зухур этганидай, Руҳи мутлақ ҳам дунё гўзаллигида жилваланиб, кишини мафтун этади. Орифнинг завқи салиқаси, нозикфаҳм заковати дақиқ маънолар маъзини осон қақиб, мушқул масалаларни ички бир фаросат билан ҳал қилиб бера олади. Бу ҳудди қадаҳдан томган май томчилари каби ошиқ дилига ҳикмат нури бўлиб қуйилади. Шу маънода тасаввуф аҳли хум, хумхона, соғар, жом, майкада деганда ҳам орифнинг нурфайз жозиб юрагини тушунганлар.

Учинчи байтда биз тушунмайдиган учта сўз бор. Булар: куб, хуршид, паргор. Куб-шароб сакланадиган хум, мажозий маънода, боя айтганимиздай, орифнинг кўнгли ва руҳи мутлақ. Хуршид — қуёш. Паргор-дойра чизадиган асбоб (ширкуль); баъзан йўл-йўриқ, чораталбир маъносиди ҳам қўлланилади. Шунга кўра ғазалнинг учинчи байтини ҳозирги тилимизга бундай таржима қилса бўлади: "Оғзигача май тўлғазилган хум худди қуёшга ўхшайди, гўё Аллоҳнинг доира чизгичи бу икки

куёшнинг (яъни, фалак куёши ва май хумининг) гардишини чизганда бир пайтда барабар очилгандай". Ёхуд: "Май хуми билан куёшнинг тархи бир хил, улар бирга бир вақтда яратилган ухшаш нарсалардир". Шоир айтмоқچики, куёш ҳам май хуми, яъни, бирламчи манбадан нишона. Шу сабабли улар бир-бирининг мавжудлигини исботлайдилар — куёшнинг далили куёш. Май хумини куёшга ухшатиш билан Навоий ориф калбининг саховати, карамининг бепоёнлигини таъкидламоқчи, зеро куёш уз харорати, зиёси билан оламни мунаввар этгандай, ориф калби ҳам ошиқларни фаровон баҳравар эта олади. Бундан ташқари, бу ерда толибнинг зохирий мушоҳададан (майхона деворини хидлаш) аста-секин ботиний маъноларни англаш сари бораётгани, бундан хайратланаётгани ҳам ифодаланган.

Тўртинчи байт шарҳи. Хонақоҳ — суфийлар йиғилиб важду самоъ билан шуғулланадиган жой. Харобот сўзининг луғавий маъноси вайрона, шаробхона бўлсада, аммо тасаввуф аҳли истилоҳида инсон жисмининг хароб бўлиши — каноат, фақр йўлига кириб, хайвоний нафслар, кераксиз, ёмон хулқ-одатлардан кутулиб, ўзни хоксорлик, камтаринлик рутбасига солишдир. Хароботийлар, яъни риндлар "майхона тараддудидин беҳонумонлиғи ва паймона тааллуқидан бесарусомонлиғи" ("Маҳбуб ул-қулуб") билан машхур. Улар учун "тожу тахт туфроқ билан тенг", ҳамма нарсадан фориғ, ёлғиз ёр ишқида сармаст. Хирка — суфийлар княдиган йиртиқ жанда кийим. Бундан ташқари, инсоннинг бадани, сурати ва ашёлар олами ҳам. Бахя — ямоқ, жияк. Маблагги кори — ишининг натижаси, ахволи, бор-буди демак. Хуллас, байтнинг мазмуни бундай: "Хонақоҳ шайхи май ичибди, яъни унинг кўнглида илоҳий нур порлаб, бу хузурдан сархуш бўлибди. Эй ошиқ хароботийлар, сиз ҳам бу хабардан хурсанд бўлиб, важд-холга тушинг. Курмайисизми, шайхнинг ахволи унинг жанда тунининг йиртиқларидан маълум бўлди, яъни боти-

ний олами юзага чиқди, маърифат нури шуъдаланди". Байтнинг иккинчи сатрида сўфийларнинг ўз жамоалари мажлисида жазава хуружида раксу самоъга тушиб, кийимлари чок-чокидан сўкилиб кетишига ишора бор.

Бешинчи ва олтинчи байтларда шоирона ифода-тим-соллар орқали қадимги ва ҳозирги фалсафанинг урта муҳим категорияси тушунтирилган. Булар моҳият ва ҳодиса, мазмун ва шакл, жуъъ ва кулл (яккалик ва умумийлик) категорияларидир. Бироқ фалсафий категориялар ҳақида гапиришдан олдин нотаниш сўзларнинг маъносини билиб олишимиз керак. Масалан, мосиво — ғайр, ўзга, ундан бошқа деган маъноларни ифода-лаб келади. Мазкур фалсафий-тасаввуфий истилоҳнинг моадо деган иккинчи атамаси ҳам бор. Навоий девонининг биринчи ғазалида шу сўз ишлатилган. Шарҳланаётган ғазалимизда эса, шоир мосиво деб моддий борлик, яъни дунёни назарда тутган. Чунки дунё Мутлақ рух билан инсон орасида, яъни қалб билан "У" орасида ғайр, бегона бир тўсик, ўзгаликдир. Шу каби ошиқ билан маъшук орасида парда бўлиб турган жисм, бадан ва унинг эҳтиёжлари ҳам узгадир. Шарқ шоирлари асарларида учрайдиган Рақиб — севишганларни ажратиб турувчи шахс шу хусусиятларни жамлаган образ бўлиб тавдаланади. Бешинчи байтдаги буд-асос, ҳақиқий мавжудликни, намуд — кўриниш, шаклий белгиларни англатса, хубоб — сув ва бошқа суюқликлар юзасида пайдо бўладиган пуфакчадир. Бу сўз мавж билан биргаликда ҳаракат, моҳиятнинг зухуротини билдиради. Энди бешинчи байт мазмунини қайд этиш мумкин: "Кузга ташланган нарсалар (ўзгаликлар) зоти азалийнинг ҳақиқий моҳиятини англатмайди, шу сингари пуфакча ва тўлқин майнинг ўзи эмас, балки шаклий ифодасидир". Ёки бошқача қилиб айтсак: "Май устидаги пуфак ва мавж майнинг моҳиятини акс эттирмаганидай, "У" дан бошқа кўринган ашёлар "У"нинг бор-

лигини — мавжудиятини белгиламайди, улар ташки белгилардир, холос".

Шундай қилиб, ташки дунё ва ундаги нарсалар моҳият эмас, балки ҳодисадир. Моҳият — Рухи мутлақ ёки ориф кўнглидаги маърифат. Айни вақтда, моддий дунё — шакл, рух эса-мазмун. Инсон ҳодиса ва шаклларга маҳлиё бўлмаслиги керак, унинг мақсади ва вазифаси моҳият-мазмунни билиб олиш. Туғрироғи, ҳодиса-шаклни билишдан моҳият-мазмунни билишга қараб бориш. Демак, тасаввуфда дунё мутлақ Рух билан инсон орасидаги тусиқ деб ҳисобланса-да, бироқ, баринбир, дунёни билиш шарт қилиб қўйилган, дунёни билмасдан туриб, моҳиятни (Ҳақни) идрок этиш мумкин эмаслиги тан олинган. Шу тариқа, ҳодиса моҳиятни билиш йулида имтиҳон, чунки у ранг-баранг ва хилма-хил. Шарқ файласуфлари бу миқдорий кўпликни асмо (исмлар), ашё (нарсалар), сифот (сифатлар), имтиёз (фарқлар), афъол (ҳаракат-фаолият), ваҳж (юз, жиҳат) ва бошқа истилоҳлар воситасида тавсиф этиб келганлар. Миқдорий хилма-хиллик мангикий равишда, жузъият ва куллият, яъни тур ва жинс тушунчаларини келтириб чиқаради. Жузъият (тасаввуфчилар бунни касрат ҳам деганлар) куллиятга, яъни ваҳдатга зиддир. Шундай бўлгач, уларнинг хусусиятида ҳам қарама-қаршилик мавжуд: ваҳдат — Бирламчи қудрат турғун, ҳаракатсиз жавҳар (субстанция) бўлса, касрат — тафсилийлик, доимий ҳаракат, ривожланиш қонуниятига тобеъ. Демак, майнинг мавж ва пуфакчаларини томоша қилиш, мушоҳада этиш билан чегараланмасдан, худди ҳодисадан моҳиятга қараб борилгандай, касратдан ваҳдатга қараб бориш ва шу асосда бирламчи қудрат нафосатини идрок этиш, ҳузурланиш мумкин. Ҳазалнинг олтинчи байтида бу фикр очикроқ ифодаланган (бунда таҳрик — ҳаракат, сукун — турғунлик, тиниш): "Пуфак билан тўлқин майнинг ҳаракати, тажаллисидир. Бу ҳаракат тингач, тиниқ майнинг тоза вужудидан бошқа нима қолади?".

Бу вужудни идрок этган киши Ёр хузурига мушарраф бўлиб, фано мартабасига якинлашадиким, фазалнинг еттинчи байти шу хусусдандир. Хайвон суйи деб, гуё оламзод ичганда абадий умр топадиган афсонавий ер ости мамлакатининг чапмасини атаганлар. Тасаввуфда у ишқ-мухаббат булоғи, хақиқат нурининг манбаини англатади. Байтнинг мазмуни эса бундай: "Ишқ чапмасида ёки хақиқий нур манбаида кўрилган куёш аксими ё жонга ўхшаш май ичида азал соқийсининг гудай зебо юзи намоён бўлганми?" Соқий сўзи ҳам бу ерда рамзий маънога эга, яъни мутлақ файзиёт, маърифат булоғи демак. Майда Ёр жамолини кўриш, май идишини куёшга ўхшатиш Навоийнинг севган образларидан. "Ашрақат мин акси шамсил каъси анвор ул-худо, Ёр аксин майда кўр деб жомдин чикди садо" — чиқаётган куёш косасининг аксидан хидоят нурлари порлаб кўринди, жомдан Ёр жамолини майда кўр, деган садо чикди. "Хазойин ул-маоний" девони мана шу байт билан бошланади. Шоир назарида ловуллаган олов кураси — муаззам офтоб ҳам уша буюк плохий кудратнинг ишъикоси, мавжудотни ҳаракатга келтирувчи май тўлғазилган жом, унинг порлаши эса — Ёр жамоли.

Ёр жамолини кўрган ошиқ мақсадга эришиб, фано водийсига кириб боради. Фазалнинг охириги икки байти шу маънони ифодалашга хизмат қилади. Саккизинчи байтдаги дайр аслида насеронийлар ва оташпарастлар ибодатхонасининг номи, мажозан эса майхона, дунёдир. Дайри фано — хайвоний нафедан қутулган, рухан тирик, маънавий жиҳатдан етук кишилар мажлиси, уларнинг ботиний олами. Навоий бу байтда маънавий хақиқатларни кашф этган одамлар хузурини кўмсаи, улар хикматидан баҳра олиш туйғусини ифодалаган. Шунинг учун у пири дайр деганда ҳам эзгулик ва карам дарёсининг тимсоли комил инсонни кўзда тугган. Алҳосил, байтнинг мазмуни: "Юрак майхона истайди, чунки унда пири комил кишиларга сабоқ бермокда, шояд менга ҳам шу май шувласидан бир нима

ега". Ёки: "Кўнгил жисм, вужуд йўқоладиган, фано бўладиган макон истаёди. Чунки унда камолот ва етуклик тимсоли маънавий шайх ҳақиқат файзидан элга бир-бир бода тутмоқда. Зора, у бу хикмат ва дониш шаробидан менга ҳам бир қултум узатса".

Тўққизинчи байтга келсак, бунда иккита сўз узак маъно ташиёди. Биринчиси — наво. Навонинг маънолари кўп. У мусиқа, куй, оҳанг, шу билан бирга мунтазамлик, тартиб-интизом, симметрия, низомия, нафосат тушунчаларини қамраб олади. Агар бу маъноларнинг ҳаммасини бир жойга йиғсак, наво умумбагарий, умумжаҳоний оламнинг яхлит уйғунлигидан иборат олий гузалликни ифодалаган бўлади. Модомики шундай экан, ягона рухий қудратнинг мунтазам ҳаракати, созкорлиги қайдида қалбнинг шукру шуқуҳи, ором ва осойишталиги ҳам наводир. Алишер Навоий, шубҳасиз, охириги байтда қалб ороми, икки рухий қониқиш нашидасини тасвирлаган. Бу нашида шоир юрагида бир муаззам куй бўлиб янграган ва муғанний (иккинчи узак сўз) тушунчаси билан боғланиб кетган. Муғанний-чолғувчи дегани. Бу ўринда эса у узлуксиз ёғиб турувчи нур — файзнинг навосини етказувчи, шу неъматдан огоҳ этувчининг тимсолидир. Куй каби оқиб келадиган ушбу нур қалбни роҳат-фароғатга фарқ этади. Байтнинг насрий таржимасини келтирсак, фикримиз янада ойдинлашиши мумкин: "Эй ишқ, буюк жаҳоний уйғунлик нури навосидан, сафо нашидасидан қониқиш муяссар бўлди, энди Навоий жонининг ипини шу нурни ёғдирувчи чолғувчи асбобига тор қилгин, яъни уша буюк нур риштасига улаб юборгин". Ёки: "ЭЙ ИШҚ, маҳбуб жамолини кўриб, ўзликдан батамом хориж бўлдим — мақсадга етдим, висол куйи вужудимни оғушига олди. Энди Навоийнинг жонини нурининг тарамларига боғла". Бу ерда шоир таҳаллуси билан байт мазмунини узаро топишиб, ажойиб сўз уйини ҳосил бўлганини кўрамыз. Шу нуктада шоирнинг ҳар икки та-

халлуси (Навоний ва Фоиш) маъно жихатидан бир-бирига яқин эканлиги ҳам маълум бўлади.

Улуғ шоирнинг фалсафий мушоҳааси мана шундай чуқур ва камровли. Коинот ва инсон унинг назарида яхлит бир бутунликни ташкил этади, бир қонуният билан бошқарилади. Инсон бу қонуният сирларини руҳ кучи, алоҳида ҳиссий тасаввурлар теранлиги билан билиб олиши даркор.

Хуллас, мазкур ғазалда мажозий тимсоллар ёрдамида тасаввуф фалсафасининг билиш назарияси таърифлаб берилган: аввал оламни билиш мушкуллигидан қўрқиб саросимага тушиш, хайратланиш, кейин ташқи дунё нарса-ҳодисаларини мушоҳада эта бошлаш, зоҳирий мушоҳададан аста-секин моҳиятни идрок қилишга ўтиш. Моҳиятнинг улуғворлигини ҳис этиб, руҳий-тафаккурый қониқиш туйиш. Бу жараён уч босқичга ажратилиб, илм ул-яқин, айн ул-яқин, ҳаққ ул-яқин деган махсус терминлар билан белгиланган эди. Яқин — исбот талаб қилинмайдиган шак-шубҳасиз ҳақиқат. Айн — чақма, қўз, ҳар нарсанинг асли, зот. Тасаввуф назариётчиларидан Абдураззоқ Кошоний бундай дейди: "Филжумла, суфийлар ақидасига мувофиқ, маънавийатни билиш уч хилдир: илм ул-яқин, айн ул-яқин ва ҳаққ ул-яқин. Аввалги ҳолатда одам маълумни ақлий далил, ҳужжат келтириш билан идрок этади ва иккинчи ҳолатда билиб олинган, исботланган маълумни мушоҳада этади ва учинчи ҳолатда ҳақиқатни идрок этишга этади". (Абдураззоқ Кошоний. Масобих ул-хидоя, 52-бет). Бу бамисоли қуён шувласи ва ҳароратини далил келтириш билан исботлаш (илм ул-яқин), қуён жисмини қузатиш билан аниқлаш (айн ул-яқин) ва қуён вужудининг мусаффо нурдан иборат эканини қалба идрок этишдай (ҳаққ ул-яқин) гап. Хужвирий деган олим назарида эса "илм ул-яқин — ақл аҳли учун, айн ул-яқин илм арбоблари учун, ҳаққ ул-яқин орифлар учундир". (Хужвирий. Кашф ул-махжуб, 497-бет). Демак, бу фалсафий силсилага мувофиқ, ҳақиқат тажри-

бадан олдин мавжуддур, у мантик кучи билан эмас, балки хис – рух воситаси билан, яъни интуиция ёрдамида билиб олинади. Чунки ҳақиқат инсоннинг ўз калбида, кўнгли кўзгусида. Фаҳмлаган бўлсангиз, дунёни билишнинг бу усули немис олими И. Кант (XVIII аср) "нарсга ўзида" ва "априор" (тажрибадан аввал мавжудлик) тушунчалари остида ривожлантирган фалсафий таълимотга ўхшаб кетади. Биз ҳам худди шунга таъкидламоқчи эдик, яъни тасаввуф, баъзи тадқиқотчилар айтмоқчи, бир дин ўрнига келган янги, мураккаблаштирилган ва мистик туйғуларни қондиришга хизмат қилувчи иккинчи дин эмас, балки оламни билишга йўл очган, шу сабабли ҳам фикрий-ҳиссий мушоҳадакорлик, хурфиқрлиликни ёқлаб, инсонни тадқиқ этишга диққат қилган катта фалсафий оқимдир. Ана шу жиҳати билан у динга нисбатан олға ташланган муҳим қадам бўлди ва башарий тафаккур таракқиётига шубҳасиз ижобий таъсир кўрсатди. Алишер Навоийга ўхшаш гуманист мутафаккирлар учун эса у инсон табиати ва тийнати ҳақида, жамият, ҳаёт воқеа-ҳодисалари, моҳияти тўғрисида ўйлашга имкон берадиган қидириш-изланиш майдони, таянч нуқтаси бўлиб хизмат қилган. Улуғ шоир буни биринчи девонига киритган, ҳар банди

*"Харобот аро кирдим ошуфта ҳол,
Май истарга илгимда ситгон сафол", –*

деб якунланувчи таржеъбандида равшан баён этган. Таржеъбандни ўқир эканмиз, муаллифнинг рози дилдан огоҳ бўламиз, чунки у ёнлигидан бошлаб ҳар хил илмларни ўргангани, ҳар хил "саргузашт"ни бошидан кечириб, дунё ва уни яратганларнинг ҳақиқатини алоҳаза юритганини ёзади. Шоҳу султонлар лабдабаси, шайхул ислому уламо-умаролар, ман-ман деган донишмандлар суҳбати уни қониктирмаган, уларнинг бирортаси ҳам инсон қаршисида пайдо бўладиган минглаб

саволларга жавоб беришга қодир эмас эди. "Назар айла бу коргоҳ ваъзига, ки ортар тамошосида хайратим", — дейди шоир. Олам моҳияти нимадан иборат, инсон нега дунёга келади ва яна нега кетади? Нега қуёш ҳар тонг нур сочиб чиқади, фалак доим гардишда? Нега инсон зоти бир хил эмас? Фирибгарлик, конхўрлик, риё, ёлғон қардан келиб чиққан? Бу ва бунга ўхшаган саволлар Навоийни ҳамиша қийнаб келган. На ўзимнинг "саъи ила фикратим", "на касби улум этти ҳал мушқулим", — деб ёзади у. Юрагида ҳар хил андишалар, шубҳалар кезгани, лекин замона тафаккури доирасидан батамом чиқиб кетишга журъат қилолмаганини эслатади. Ва оқибатда:

*Менинг бошимга бас қотиб тушди иш,
Чу тоқ улди бу дард ила тоқатим, -*

дея ўзини тасаввуф билан овутади, яъни "май била улфат" тутинади.

Шундай қилиб, тасаввуф Навоийга жаҳолатдан қутулиш, дунёни билишга, чанқоқ юракни маълум даражада тинчитишга кўмак берган. Бунинг икки сабаби бор: биринчиси шуки, Навоий яшаган замоннинг ақлий тараққиёт даражаси, фан ривожини реал дунё воқеаларини илмий асосда тушунтиришга ожизлик қиларди. Иккинчиси эса, бу яна муҳимроқ: инсоннинг ақлий имкониятлари, донолиги билан ахлоқи, аъмол-нияти орасида мавжуд бўлиб келаётган номувофикликдир. Навоий ақлу заковати хайратланарли, қилни қирқ ёрувчи кишилар ичидан нафс домига тушган, зулм ва бадқирдорлиги билан машҳур бўлганларини кўп кўрган эди. Шунинг учун ўлуғ гуманист шоир ахлоқни — фазилатлар тарбиясининг биринчи уринишга қўяди. Бу ҳам тасаввуфна муурожаат этишга олиб келарди. Зеро тасаввуф бутун эътиборни айнан инсон ахлоқини поклашга қаратиб, шу мақсадда турли йул-йўриқлар, ама-

лий талбирлар ишлаб чиққан эди. Тасаввуф одамни виждони билан юзма-юз қўйиб, ўзи хақида ўйлашга мажбур этар, хақиқат ва эътиқод поклиги руҳида тарбияларди.

Оламни ягона деб эътироф этиш билан тасаввуф юзакли нарсалар, қуруқ ақидаларга кўр-кўрона тақлид қилувчи, мустақил фикрдан маҳрум одамларни танқид остига олди, асосий эътиборни Аллоҳ васлига етишиш, деб билди. Навоийнинг мана бу рубоийси ҳам шу маънони ифодалайди:

*Зоҳид, сенга ҳуру менга Жонона керак,
Жаннат сенга бўлсин, менга майхона керак,
Майхона аро соқию паймона керак,
Паймона печа бўлса тўло, ёна керак.*

Бунда ҳам май илоҳий файз рамзи, Жонона — Парвардигор, майхона — ориф ҳузур, соқий — ўша пир, паймона — ишқ. Лекин Навоий дунё гўзаллиги (мажозий гўзаллик)ни ҳам инкор этмаган. Зеро Жомий ва Навоий мансуб бўлган нақшбандия таълимоти қаноат ва тийилишни талаб этса-да, бироқ дунё гўзаллигидан ҳузурланишни ҳам назардан соқит этмайди. Негаки, модомики реал дунё Мутлақ руҳ инъикоси экан, демак, уни севиш ва ундан баҳра олиш мумкин. Шу асосда инсоннинг инсонга муҳаббати ҳам табиий ва зарурий деб топилган, яъни мажозий ишқ орқали илоҳий ишққа қараб бориш. Навоий ўзини ана шу "ишқи мажозий" қуйчилари сирасига киритади. Дархақиқат, биз таҳлил этган ғазалга ўхшаган соф тасаввуфий маънода ва "ишқи хақиқий"ни васф этувчи асарлар Навоий ижодида асосий ўринни эгалламайди. Аммо шуниси борки, ибораларнинг тимсолийлиги, рамзий-самволийк маънолар "дунёвий ғазаллар"да ҳам сақланган. Ойбек айтганидай, бу ерда конкрет бирор шахс муҳаббати назарда тутилмайди, балки умуман яхши инсонни севиш маълум этилади. Ишқ Навоий наздида покбозликдир, яъни:

"пoк кyзнн пoк нaзaр билaн пoк юзгa cолмoқдур вa пoк кyнгyл ул пoк юз oшyбидaн кyзғoлмoқ вa бy пoк мaзҳaр вoснғaси билa oшнғи пoкбoз мaҳбyби ҳaқиқий жaмoлидин бaҳрa oлмoқ" ("Mаҳбyб ул-кyлyб", 42-бeт). Шyниннғ yчyн, мaсaлaн, дейлик, "Кeлмaди" рaдифли ғaзaлнн мyнoжoт кyйи oғyнидa берилиб тингларкaнмиз, "Эй Нaвoий, бoдa бирлa хyррaм эт кyнгyл yйин, нe yчyнким бoдa киргaн yйгa кaйғy кeлмaди" дeгaн мaқтaьни эшитгaндa, шoирниннғ лирик кaҳрaмoни ёринн кyтaвeриб кийнaлгaнидaн, yйнгa кириб aлaмдaн рoсa ичиб oлибди-дa, дeб yйлaсaк, yтa кaлтaфaҳмлик қилгaн бyлардик. Бyндaй ғaзaллaрдa хaм бoдa, шaрoб, мaй сyзлaри yшa мaжoзий мaънoдa – мyҳaббaт шaвқинн билдириб кeлишинн эсдaн чиқaрмaслик кeрaк. Бyндaн тaшқaри, Нaвoий бoдaни "кyнгyл yйинн хyррaм oлyвчи" нaрсa дeгaндa, ёринн кyнгyлидa сaқлaш, yнинн ёди билaн яшaннн тaъкидлaгaн. Нeгaки, нaқшбaндиyя сyлyкидa ёд, хoтирa, эсгa oлиш тyшyнчaлaри мyҳим yрин oғaллaйдн. Aбдyлхaким Taбибийниннғ ёзинишчa, нaқшбaндиyядa тyз йyлгa киргaн oдaм кaлбидa "эътиқoд нyри, тaвхид нyри, мaърифaт нyри, хидoят нyри, хoтирa, aждoдлaр ёди нyрининнғ бoдaси" жyшиб тyриши лoзим. (Aбдyлхaким Taбибий. Aфғoнистoндa тaсaввyф ривoжи, 10-бeт). Бyндa эсгa oлиш, хoфизa кyввaти ҳaқидa хaм гaп бoрaдики, бy вaтaн, эл-yлyс гaми кaби кeнг мaънoли тyшyнчaлaр билaн бoғлaниб кeтaди.

Шyндaй қилиб, тaсaввyф инсоннн yлyғлaш, хaётниннғ кaдригa eтиш, yмринн oқилoнa yткaзиш ғoялaринн тaрғиб қилишгa нaзaрий зaмин ҳoзирлaб, инсонпaрвaр шoирлaрниннғ илҳoмигa илҳoм қyшгaн. Бy тaълимoтниннғ нeгизн сaвки тaбиий, рyхий кyзғaлиш, вaҳидлик хaм шoирoнa тaфaккyр кaйфиятигa мoс тyшaрди. Bа, yмyмaн, биз шaйхлaр, oрифлaр тaсaввyфидaн ижoдкoрлaр тaсaввyфинн фaрқ қилишимиз кeрaк. Сyфийлaр yчyн тaриқaт зикру сaмoъ, вaждy хoл, кaсбy кaрoмaт эди. Aттор, Рyмий, Жoмий, Нaвoий сингaри

буюк шоирлар учун эса у шуурий мушоҳада усули, инсон зотини маънавий баркамол ҳолда қуриш орзуси, сирли-хаёлий оламини тасаввурда яратиб, Идеал бир гузаллик ишқида ёниш бўлган. Оламнинг асрлар давомида абадий ҳаёт, рухнинг улмаслиги ҳақида уйлаб келган армонлари, ривоят-асотирлар бу беҳудуд романтик олам уфқини кенгайтирган. Шу боис, тариқат хонақоҳида утирмаган, яъни расман суфий бўлмаган Алишер Навоий мазкур таълимотни маслак, мафкуравий эътиқод сифатида қабул қилиб, ўзининг инсоншунослик, ҳақпарастлик ва адолатпарастлик ғояларига бўйсундирган эди. Шох ва шахзодаларни инсофга чақириб, риёкор шайхлар, бетавфик суфийларни фож қилишда ундан фойдаланди. Шоирнинг ижоди ана шундай мураккаб ва кўп қиррали, ибора-образлари кўп маъноли, теран. Унинг ҳар бир асари устида тўхталганда, бу хусусиятни албатта эътиборга олиш лозим.



Бир донишманддан: дунёда энг кучли лаззат нима? — деб сўраганларида, у: сўз лаззатли, сўз санъатидан хузурланиш, деб жавоб берган экан. Чинданам шундай. Инсоннинг маънавий камолоти, ақл ва тафаккур кудратини намойиш этувчи, ижод ва истеъдод меваси бўлмиш бадий сўз кишига олам-олам завқ бағишлайди, ҳайрат ва хаяжонимизга сабаб бўлади. Аммо мўъжизалар мўъжизаси — бадий сўз лаззатини туйиб, рухий халоват олиш учун уни чуқур идрок этмоқ, асар маъноларининг бутун нозик жихатларини қат-қатигача тушуниб етмоқ лозим. Айниқса, сўз санъатини ғоят баланд қадрлаган ва тил, услуб томонидан биздан анча узоклашиб қолган классик шоирларимизнинг мажоз ва истиоралар, ўзига хос йўсинда пардаланган маъноларга бой асарларини тушуниш, ўқиб-ўқиш хийла қийинчиликлар туғдираётгани сир эмас. Жумладан, улуғ Навоий асарлари хам. Олимларнинг тадқиқотлари, «Хамса» дostonларининг насрий баёнлари, алоҳида нашрлар учун тузилган изоҳлар, «Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати» мушкулумизни бир қадар осонлаштирган бўлса-да, лекин буюк шоирнинг «маънолар хазинаси»ни кашф этиш, унинг бемисл санъати сирларини очиб, шеърият ихлосмандларини ундан баҳраманд қилиш эҳтиёжи батамом қондирилган эмас. Назаримда, бу ишни янада давом эттириб, Судий Баснавий каби қадимги шарҳчиларнинг иш усулидан фойдаланиш анча самарали кўринади. Модомики Саъдий, Хофиз, Жомий, Навоий замондошлари учун ғазални байтма-байт, мисрама-мисра, ҳаттоки сўзма-сўз «майдалаб» тушунтириш лозим бўлган экан, бизга бу яна хам муҳимроқ ва зарурроқдир.

Шуларни ўйлаб, тажриба тариқасида Алишер Навоийнинг айрим ғазалларини классик шарҳ усулида тафсир қилишни лозим топдик.

Бу ғазал қуйидагича бошланади:

*Қаро кўзум, келу мардумлиқ энди фан қилгил,
Кўзум қаросига мардум киби ватан қилгил.*

Аммо Тўйчи ҳофиз Тошмухаммедов XX аср бошида ушбу ғазални «ушшоқ» куйига солиб куйлагандан кейин у «Қаро кўзим» номи билан машҳур бўлиб кетади. Айтишларича, ҳофизнинг ёш бир фарзанди бевақф оламдан ўтгандан кейин ушбу ғазални қўшиқ қилиб куйлаган, ўзининг дарду ҳасратини куйга солиб, нола қилган экан. Ҳа, қўшиқ ҳофизнинг илоҳий овози билан ғоят таъсирчан жарағлайди, Навоий сўзлари юрак қатларига сингади.

Аммо Навоийнинг сўфиёна маъноларини англаган одамга Тўйчи ҳофиз ушшоғи яна ҳам кучлироқ таъсир этади. Зеро, «ушшоқ» ошиқлар дегани, яъни ошиқларнинг ишқ дарди, айрилиқ ва садоқат изҳоридан ҳосил бўлган туйғулари ноласи, фалакка урлаган фиғон бу. «Ушшоқ» — «Шашмақом» куйларидан. «Шашмақом» сўфийлар мақомотининг мусикавий ифодаси. Демак, ушшоқ Илоҳга интилган руҳнинг нолаларидан бири.

Дарҳақиқат, ушбу ғазалда ошиқнинг етуклик ва камолот тимсоли — Комил инсонга муҳаббати ифодаланади. Тасаввуф луғатларида кўз — Комил инсон тимсоли деб шарҳланади, чунки у фақат ўзгаларни кўради, ўзини эса кўрмайди. Агар юз илоҳий зухурот рамзи бўлса, кўз шу зухуротни жамлаган манба — мазҳари комилликнинг рамзи. Кўзни севиш орқали илоҳий жамолни севиш ифодаланади. Навоий қаҳрамони ана шу Инсонни ўз кўзининг гавҳарига айлантирмоқчи — қалб чироғи этмоқчи бўлади. Шоир ишлатган сўз ўйинлари ҳам шунга йўналтирилган: «мардум» — кўз қорачиги ва инсонийлик маъносига келади, «фан» — одат, урганиш ва тадбир.

Шундай қилиб, байтнинг мазмуни: «Қора кўзлугим (гўзал ёрим), кел энди, одамийлик мурувватини расм қилгин (урганиб ол); кўзимнинг қорачигига (гавҳарини-

га) гавҳар (қорачиғ) каби урнашгин (маскан гут)». Алҳосил: «қора кўзлигим, келгинда, лутф-шафқат, вафо расмини туз (вафоли бўл), мен учун сен кўз қорачиғидай азизсан, жойинг кўзим ичида».

Демак, Комил инсон, Пирӣ комил Навоӣи учун энг азиз, энг маҳбуб, энг қадри ва уни кўз қорачиғидай асрашга интилади, унга талпинади, бутун вужуди билан шу вужудга сингиб кетмоқчи бўлади.

Бундай байтлар классик танқидчиликда шоирлик маҳоратининг баланд намунаси — хусни матлаъ (шоҳ байт) деб баҳоланган.

Ҳазалнинг иккинчи байти:

*Юзунг гулига кунгул равзасин яса гушан,
Қадинг ниҳолига жон гушанин чаман қилғил.*

Бу байтда сўз уйини, мажоз йўқ, аммо бир-бирига вобаста бўлган тўртта истиорали бирикмадан фойдаланиб, узига хос бир илтижо оҳангини кучайтирувчи зарофатли тасвир ҳосил қилинган. Булар: юзинг гули, кунгил равзаси (кунгил боғи), жон гушани иборалари. Гул, боғ, ниҳол, гушан, чаман узаро алоқадор тушунча-образлар. Шунинг учун ҳам мазкур байтни тушуниш унча қийинчилик туғдирмайди, воқеан кўрилган образлар ҳозирги шеърингта кенг ишлатилмоқда. Бироқ, шунга қарамай, Навоӣининг бу сатрлари ҳам ички рамзий маънодан холи эмас. Қуллиниланган иборалар фақат бир маънони ифодалайди, десак хато қилмаймиз. Чунончи, «Қадинг ниҳолига жон гушанин чаман қилғил», деганда Навоӣи кўриниб турган зоҳирӣи маъно билан бирга, араб ёзувининг хусусиятидан фойдаланиб («жон» сўзи арабча ёзилганда алиф ҳарфи уртада келади), қадинг алифдай жон ичида бўлсин, деган маънони ҳам қиетириб кетган. Шу сингари, «кунгил боғини гушан қилиш» деганда, хурсандчилик (кунгилнинг ёр юзини кўриб гулдай очилиши) ва бунинг тескариси дард-махзунлик (ишқ изтиробида кунгил яраларининг яллиғланиши) маънолари мужассам.

Алҳосил: «Эй ёр, кўнглимнинг боғини юзингнинг гули учун гулшан қил, жонимнинг гулшанини эса қадинг ниҳоли учун чаман қилгин». Ёки: «Менинг кўнглим, қалбим сенинг гул юзинг яшнаб турадиган гулшан бўлсин, қадинг ниҳоли жоним ўртасида алифдай турсин». Ёхуд: «Сенинг гулдай юзингнинг жойи менинг кўнглим, у кўнглил яраларига даво, у қалбим гулларини яшнатади. Гузал суратинг, баланд, зебо коматинг жоним ичида, бу ерни ўзингга макон қил».

Бу байтнинг суфиёна маъноси эса қуйидагича: боя биринчи байтда кўз Комил инсон тимсоли дедик. Қад эса (шу каби алиф ҳам) Комил инсон хайкалидир. Юз, айтганимиздай, илохий гузаллик мазҳари. Энди «юзнинг гули» — мазҳарининг порлаши, яшнаши, кўнгул равзаси (боғи) — ошиқнинг Ёрга интизор қалби. Шундай экан, шоир Комил инсоннинг порлаган нури қалбимга кирсин, яъни Ёр юзининг гулини кўнглил боғига ўтказиб, гулшанга айлантирай, дейди. «Гулшан» эса бу ерда Пир ёки Комил инсон сузи, дийдоридан қалбнинг яшнаб кетишини аңлатади.

Иккинчи мисрада биринчи мисрадаги маъно кучайтирилган: комил инсон хайкали ҳам жон ичида бўлсин — маъшуқа образи қалбда нақшлансин.

Учинчи:

Таковарингга бағир қонидин ҳино боғла,

Итингга галзада эсон риштасин расан қилғил.

Таковар — тез юрадиган, йўрға от. Маъшук уни миниб сайрга чиққанда ошиқ дарди бадтар ортади, безовталанади. От ва унинг суворийси сарканг, бебок, бенарво. Бу анъанавий тасвир ҳар хил кўринишда классик шеърятда тез-тез учраб туради. Бироқ ана шу анъанавий образларни Навоий халқ ичида кенг тарқалган ҳино қўйиб ясаганич олати билан боғлаб, чиройли, завқли поэтик маънони юзага чиқара олган. Ҳино қўйини Шарқ халқлари, жумладан, ўзбек халқи орасида қадимий ўдум. Айниқса, қиз-жувонлар, келинлар шодиёна

кунлари кўл-оёқлари, юзларига ҳино кўйиб ясанганлар, бу шодлик ва хурсандчилик қилиш белгиси ҳисобланган. Ҳино маҳсул ўсимлик баргидан олинади. Барг қуритилиб, яхшилаб сувга аралаштирилади ва байрам арафасида кечқурун кўл-оёқларга (кафтга, бармоқларга), сочга боғланади. Эрталаб турганда, ҳинонинг тўқ қизил ранги баданга кўчади ва узоқ сақланиб туради. Навоийнинг лирик қаҳрамони эса ўз маъшуқига мурожаат қилиб, ўзига эмас, балки отига ошиқнинг бағир, яъни жигар қонидан ҳино боғлашни илтижо қилиб сўрайди. Чунки у ёрғини шу даражада севадики, унинг ҳар қандай жафосига чидашга тайёр, йўқ-йўқ, бугина эмас, у ёрға ёлвориб, хоксор ошиқни азоблаш, қийноқлар гирдобига олишни тилайди. Ахир ёр қийноқлари ошиқ учун ҳузур-халоват-да! (Ҳино гул, гулшан сўзларига ҳамранг бўлиб, сўфиёна тасвир ҳам узаро боғланган). Иккинчи мисра иборалари ҳам шунга туташиб кетади: ишқ дарди изтиробидан ингичкалашиб қолган жон ипидан (риштасидан) арқон ясаб (расан-арқон) маъшук ити бўйнига боғлашни хоҳлайди. Ошиқ садоқати шундай бўлиши керак. У ёр ити билан суҳбат қуришдан оро қилмаслиги, унга ҳам дил рози — ишқини сўйлаши, уни қучоқлаб ўпиши (Мажнун Лайли итини оғушига олгандай) ва, ҳатто, унга жон фидо қилиши мумкин. Навоий ана шундай садоқат тимсолидан илҳомланиб, ёрига муҳаббатини муболаға авжида изҳор этади. Хуллас, байтнинг умумий маъноси бундай: «Эй ёр, саркаш, йўрға отингнинг оёқларига менинг жигаримнинг қонидан ҳино боғлаб, ғамингда қийналиб, озурда бўлиб қолган жон ипини итингнинг бўйнига арқон қилиб боғла». Тўртинчи байт:

*Фироқ тоғида топилса туфроғим, эй чарх,
Ҳамир этиб ани яна ул тоғда кўҳкан қилгил.*

Кўриб ўтилган олдинги уч байтда лирик қаҳрамон ўз садоқатини билдириб, илтижо-ёлбориш оҳангида ёрға мурожаат қилган бўлса, тўртинчи байтга келиб у

фалакка (чарх-фалак, осмон) қараб нола-фиғон билан мухаббат қудратидан жўшиб гапиради. Лекин шуниси борки, мазкур байт мазмунан аввалги байтлардан бутунлай узилган эмас. Зеро, бунда ҳам ишқ ва ошиқлик сулуки, фидойи қалбнинг талпинишлари куйланган. «Ўқ сўзлар» бу ерда фироқ тоғи ва кўхкан бўлиб, булар Фарходнинг фожиали тақдирига ишорадир. Фироқ тоғи — энг оғир айрилиқ, улкан дард; айрилиқда Ширин ёдида жон берган Фарходнинг маскани. Фарход эса илохий ишқда садоқат кўрсатиш, ўртаниш, андух ва ҳажр тажассуми. Эсингизда бўлса, Алишер Навоий «Фарход ва Ширин» дostonида Фарход исмига рамзий таъриф берар экан, уни Фироқ, Ранж, Хажр, Оҳ ва Дард сўзларининг биринчи ҳарфларидан таркиб топган дейди.

Кўхкан ҳам Фарходнинг лақаби. Бу сўзнинг луғавий маъноси — тоғ кесувчи, тоғ қазувчи демак. Лекин адабиётда Фарход лақаби сифатида ёки Фарход исми ўрнида истиора-символ бўлиб тарқалган. Чунки тоғ кесиш, не-не машаққатлар билан ариқ казиб, сув чиқариб (Низомий сут окизади), Ширин орзуларини ушатган, аммо муродига етмаган ошиқ Фарходдир. Хосили калом, шоир одамнинг лойдан яралганлиги ҳақидаги афсонага суяниб, дейди (байтнинг мазмуни): «Эй фалак, айрилиқ тоғида (яъни Фарход жон берган жойда) менинг жасадимнинг тупроғини агар топсанг (чунки мен ҳам Фарход каби ишқ йўлида тупрокман), уни қайта қориб, яна ўша кўхкан — Фарход, яъни фидойи ошиқ, одамни яратгин». Ёки: «Менинг ишқдаги дардим Фарход дарди билан баробар, балки ундан ортик ҳам. Агар мен маъшук ишқи йўлида жон берсам, тупроғимни янгидан қориб одам яратсалар, тагин Фарход каби ошиқ киёми вужудга келади».

Бу ерда Ҳаққа бўлган ишқнинг азалий ва абадийлиги, Одам Атодан қолганлигига ишора бор.

Бешинчи байт:

*Юзунг висолига етсун десанг кунгуллари
Сочингни бошдин-аёқ чин ила шикан қил ил.*

Шоир яна ёрга мурожаат қилишга қайтади. Аммо аввалгидай ёлбориш-муножот оҳангида эмас, балки унинг ошиқлар кунглини овловчи жамолини (соч — хусни жамол нишонаси ва тажаллий олами) васф этиш орқали муносабат билдиради, ёрга булган меҳр бошқача йўсинда изоҳланади. Байтнинг мазмуни чин ва шикан сузларини изоҳлаш воситасида очилиши мумкин. Чин ва шикан маънодош (синоним) сузлар, яъни: чин — 1) рост, тўғри (узбекча маъноси); 2) ўрам, букум, халқа-халқа шаклида бўлиш (форсий маънолари). Навоий бу ўринда иккинчи маънони назарда тутган. Шикан — печу топ, қат-қат бўлиш, ўрам-ўрам, занжирсимон шакл олиш; 3) исканжа, азоб. Мисрада шиканнинг ҳар икки маъноси ҳам акс этган. Чунки ёрнинг халқа-халқа бурамали зулфи ошиқ кунглини илинтирадиган тузоқ, тузоққа тушган қуш азоблангани каби, кунгил ҳам шундай изтироб-уқубатни бошдан кечиради (сочни тузоққа, кунгилни қушга ухшатини байтда зимдан англашилиб турибди). Аммо ошиқ бунга мингдан-минг рози. Ахир ёр зулфининг домига гирифтор бўлмай туриб, унинг висолига муяссар бўлиш мумкин эмас-да! Агар ақл зулфнинг бандида бўлиш бу қадар роҳат эканлигини билсайди, оқиллар занжиримиз изидан девона булардилар, дейди Хофиз. Бедил бўлса «Зулфининг занжиридан минглаб дил кўзғолади», деб ёзган.

Нега шундай, нега кунгул ёр зулфи халқаларига илинмай висолга етиши мумкин эмас? Бу саволга, юқорида айтилганлардан ташқари, яна тасаввуф тимсоллари маъносига суяниб қўйидагича жавоб бериш мумкин: тасаввуф бўйича, соч — мавжуд дунё рамзи, юз эса илоҳий манба рамзидир. Яъни: Мутлақ рух дунёни яратар экан, унга ўз нурини таратиб (тажалли

этиб) ҳаракатга келтирган. Хусну жамол бағишлаган. Дунё — касрат, яъни қушлиқни аниқлагани, бунда Илоҳнинг сифатлари мужассам. Дунё беноён ва Илоҳ манбасига инебатан қоронғироқ — зулматли. Сочнинг узунлиги ва қоралиги ҳам дунёнинг беноёнлиги ва зулматига ишора. Сочнинг ҳалқалари — солиқ руҳи овора, банд бўладиган дунё ташвишлари. Сочнинг учи — инсоннинг узи. Бошқача айтсак, инсон тажаллиётнинг охиридир, у асл манбага қайтишга интилади, чунки у Мутлақиятдан ажралган, ҳижронда. Лекин дунё ташвиши, зулматини — ҳалқаларини енгмасдан туриб, Мутлақ рух жамолига мушарраф бўлолмайди. Висолга эришолмайди. Навоний байти ана шунга ишора.

Ва умуман, Шарқ поэтикасида маъшук юзини гул, гулшан, ғунча, қуёш, ой; қошнини камон, ярим ой; кинригини камон ўки; лабини лаъл, ғунча, ақиқ; тишларини гавҳар, марварид, садаф; қалдини ниҳол, сарв дарахти, алиф ҳарфи, шамшод; сочини занжир, тузоқ, тун, шом; қузини жодуга, оҳу қузига ухшатиш расм бўлган. Хар бир шоир шу анъанавий ташбех — образлар таносубиятидан янги маъно, янги тасвирлар яратиб, ўз маҳоратини намоён этган. Шарҳлаётганимиз байтда соч шунчаки тузоққа ухшатилмаган, балки у бир жозиба манбаи, жамолнинг зухур этиш нуктаси сифатида қўрсатишган. Маҳбубнинг ошиқ олдида узига оро беришига даъват бор. Шу тариқа, байтнинг умумий мазмуни: «Агар юзнинг висолига қўнғилларнинг етишишини истасанг, сочинг (зулфинг, кокилинг)нинг ҳаммасини ҳалқа-ҳалқа, бурам-бурам қилиб юр». Ёки: «Қўнғилларни асир этиб, васлингга мушарраф қилмоқчи бўсанг, сочингни занжирга айлантириб, уларни боғла ёхуд тузоқ ҳалқаларидай бурам-бурам қилиб илинтириб ол».

Ва яна: «Илоҳ жамолига, Комил инсон ҳузурига етмоқ учун жами изтироб ва азобларга розиман, эй ишиқ занжиринг-ла боғла».

Олтинчи байт:

*Хазон сипоҳига, эй боғбон, эмас монё
Бу боғ томига гар игнадин тикан қилғил.*

Бу — «Каро кўзим» ғазалининг мураккаб маъноли тагдор байтларидан бири. Шоир ишқу ошиқлик, севги ва садоқат ҳақида ёзиб келиб, орада бирданига дунё ва унинг ишлари, умр, ҳаётнинг ўткинчилиги тўғрисида фалсафий мушоҳадага берилади, бир армон-орзиқини, афсус-ҳасрат аралаш маҳзунлик кайфияти юзага балқийди. Ёр жамоли васфи, садоқат изҳорининг хушҳолликларидан кейин буни қандай тушуниш мумкин?

«Хазон сипоҳи» — куз лашқари, хазонрезги пайт демак. Тикан, игна билан лашқарнинг найзалари ҳам қиёсга олинган: сон-сапоқсиз қўшин қўлидаги учли найзалар узокдан осмонга қаратиб терилган игналардай кўринади. Бироқ гап фақат шу ташбеҳда эмас. Бунинг ўзи билан мазкур байтни шарҳлаб бўлмайди. Бу ўринда Алишер Навоий ўз даврида кенг тарқалган яна бир одат — боғ ва ҳовлиларнинг девори устини тиканакли буталар билан ўраб чиқишни назарда тутиб фикр юритган. Боғ ичидаги меваларни зараркунанда ҳайвонлар ва ўғрилардан қўриқлаш учун шундай қилинарди. Шоир шунга ишора қилиб, дейдики, эй боғбон, сен боғининг деворларининггина эмас, унинг томи устини ҳам бугундай ҳатто игнадан тиканлар ясаб, беркитиб чиқсанг-да, уни хазондан сақлаб қололмайсан, барибир куз келади ва дарахтлар барги хазон бўлади, яъни байтнинг мазмуни: «Эй боғбон, бу боғ томини игнадан тиканаклар қилиб ёпиб чиқсанг ҳам, куз қўшинининг ҳужумига монёлик қилолмайсан». Чунки инсон фалак айланиши, замонларнинг ўтиши, табиат қонуниятларига қаршилик қилишга ожиз. Шундай бўлгач, ёр висолига интил, ғанимат дамларини беҳуда ўтказмай умр шодликларидан баҳраманд бўл. Бунда яна ўткинчи дунёга меҳр қуйиш, олам-олам қўшин йиғиб жаҳонгирлик қилиш, молу мулк йиғишга қарши фикр ҳам

мужассам. Зеро, канча меҳр кўйма, дунё бақосиз, фақат илоҳиёт абадий, ушанинг ёдида яша. Вафоли ёр ҳам шу — Аллоҳнинг узи. Маълум буладики, байт оҳангида хазинлик сезилса-да, лекин ботиний маъно хулосаси ҳаётсеварликка ҳидоят этади ва шу асосда олдинги байтларга билвосита боғланади. Навоий ошқ садокати, ишқ қудратини куйлаб, ёрдан вафо тилаб («кўзим гавхарига жойлашиб олгин»), умрнинг ўткинчилиги муқаррарлигини далил келтирган.

Еттинчи байт:

*Юзида терни кўриб ўлсам, эй рафиқ, мени
Гулоб била юву гул баргидин кафан қилдил.*

Олтинчи байтдаги кайҳоний фалсафий ҳикмат бу ерда йўқ, шоир яна ишқ мавзунга қайтади. Аммо, шунга карамай, бу байт ҳам олтинчи байтнинг бевосита давоми ва мазмун-маъноларнинг миқёсийлиги, теранлиги билан ундан мураккаброк. Нега шундай деяпмиз? Зоҳиран караганда, ҳамма нарса аниқ-равшан: тер, гул, гулоб нима эканини кўпчилик билади. Махбуб юзидаги тер гул баргидаги шабнам сингари жозибали ёхуд гулдан олинандиган хушбўй доривор ичимлик — гулобдай ёқимли. «Гулоб — гул суви, атиргул япроқларидан олинандиган хушбўй ичимлик» («Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати», 1-жилд, 417-бет). Гулобни амбиқ деган махсус асбоб воситасида олганлар, у молихулиё, хафакон касалликларига даво бўлган; таомга, ичимликка қўшиб истеъмол қилинган. Беҳуш одамнинг юзига гулоб сеппиб хушига келтирганлар. Шоирлар махбуб юзига томган кўз ёшини ҳам мажозан гулоб дея тасвирлайдилар. Аммо мазкур байтда бу маъно кўзда тутилмаган. Тер форечада — «хай», арабчада — «арақ». Арақнинг иккинчи маъноси ичимлик эканини маълум, шу ҳам аниқки, у гулобга ухшаган йўл билан ҳосил қилинган: «Арақ» — ...дориворларни пиширишда буғдан ҳосил қилинандиган сув» («Ғиёс ул-луғат», 342-бет). Шундай қилиб, арақ ва тер сўзлари

маънодош, яъни бугдан пайдо буладиган тер томчилари шигъилиб, арақ вужудга келади. Шоир тасвиринга қура, ёр юзи бамисоли гул ва ундаги тер томчилари гулдан олинган гулоб. Ажиб дилрабо сурат. Боз устига, ташбеҳланувчи сўзлар яширин равишда, истиора тариқасида келтирилиб, завқли санъат яратилган.

Булар ҳаммаси маъқул, бироқ шарҳимиз кишини қаноатлантирмайди, чунки байтнинг маъноси хали равшанлашган эмас. Масалан, нима учун ошиқ ёр юзида терни кўрганда улиши керак? Терда яна қандай ҳикмат бўлиши мумкин? Балки унда биз илғамаган бошқа мажозий маънолар бордир?

«Тоҷик тилининг изохли луғати»да арақ сўзининг хижолат тортиш, ҳаё, уят (ҳаёдан терга ботиш, уят терларини оқизиш) каби кўчма маънолари борлиги айтилади (1-жилд, 80-бет). Бу бизни бирмунча мақсадга яқинлаштиради. Дарҳақиқат, тер инсоннинг руҳий ҳолатларидан бири — уялиш, ҳаё нишонаси, ҳаё эса энг шариф ҳислатлардан, кишини гузал ва севимли, муноси, муътабар қиладиган ҳислат. Носир Хусрав ёзади:

*Ҳаё асл аст дар зоти инсон,
Ки дорад одамиро одамисон.*

(Ҳаё инсон зотининг асл белгиларидандир, у одамни одамий кифасида тутиб туради). Алишер Навоӣ эса «Маҳбуб ул-қулуб» асарида ҳаёни вафо билан ёнмаён қўйиб, бундай ҳикмат дурларини тизади: «Хар кунгулниким вафо маскан қилур, ҳаё ҳам қилур ва хар маскандаким ул тошилур, бу ҳам тошилур. Вафосизда ҳаё йўк, ҳаёсизда вафо йўк. Хар кимда бу икки йўк — имони йўк ва хар кимда имон йўк — андин одамийлик келмак имкони йўк». Ҳаё сўзи шу тариқа ўзида, яна номус, виждон, қарам ва саховат каби ахлоқий фазилат тушунчаларини жамлаган.

Навоӣнинг лирик қаҳрамони севган одам ана шундай «аҳли ҳаё — комил инсонлар»дандир. Шундай маъ-

шукнинг жамолига етишганда у жонини фидо қилин-
га тайёр. Воқеан, ҳаё висол лаҳзасида, ушшоқ аҳли бир-
бири билан яқинлашганда яна ҳам кучаяди. Ёр жамол-
лининг тажаллиси, салобат ва ҳаяжон шиддати шун-
дай ҳолга сабаб бўлади. «Ҳаё — бир-бирига яқин одам-
ларнинг аҳволи жумласидандир ва яқинлик қанча ошса,
ҳаё ҳам ортади. Ва қимлаки ҳануз ҳаё ҳолати юзида акс
этмаса, бу аломат унинг яқинлик (муҳаббат) мартаба-
сига эришмаганини кўрсатади», дейди эронлик адаби-
ётшунос Сайид Жаъфар Сажжодий ўзининг «Ориф-
лар истилоҳлари луғати» китобида.

Демак, ҳаё — муҳаббат нишонаси, ёр жамолни му-
шоҳада этиш, руҳий-маънавий соғинч ва ташналикни
қондириш сари интилишда қалб қўзғалишидан чеҳра-
дан ёғилган нур ва сафодирким, шоирлар буни тер
образида тараннум этганлар. (Шу уринда узбекча «Меъ-
рожнома»дан бир мисол келтирмоқчимиз. «Меърож-
нома»да тасвирланишича, Муҳаммад Мустафо Буроки
бодпойга миниб, нур нарвонидан аршга кутарилар экан,
ёр — Худо дийдорига мушарраф бўлин иштиёқи, му-
ҳаббат зўридан терга фарқ бўлади:

*Ҳар арақким, мисли маржону гўҳар,
Айлади пайдо тани хайрулбашар,
Андин оқ гулни дарахти бош чекиб,
Яшнади бир соат ўтмай очилиб.*

Балки ҳазрат Навоий айнан ана шу терни, ана шу
гулни назарда тутгандир? Оқ гул ва дорулбақо кийими
— кафан ранги бир хил-ку).

Гузал, навқирон маҳбуб юзидаги тер уни яна ҳам
дилрабо, дилкаш қилади. Мирзо Бедил: «Аз сафои ора-
ят жон мечакад, гоҳе арақ» (Юзинг сафосидан гоҳ жон
гомади, гоҳ тер). Тер — сув. Раҳмаг суви — обихаёт:

*Юзунгда хай эмас, оби ҳаёт қатрасидин
Куйи жамолига сунъ илги тақди зеварлар.*

(Навоий)

(Юзингда тер эмас, балки Тангри кули оби хаёт — тириклик суви қатраларидан куёш жамолига таққан марваридлардир).

Улуғ шоир наздида тер покизалик, файз ва жило, тароват, ёр жамолининг порлашидир. «Хар ён юзда тер оқиздингму?» мисраси билан бошланадиган ғазалида у терни яна сафо-ёғду, ой атрофидаги юлдузлар, хижрон ёшларига қиёслаган бўлса, бошқа бир ғазалида «Юзида тер фитнасидан улсам ажаб эрмас», деб ёзади ва терни рухни ғалаёнга солувчи куч сифатида таърифлайди.

Сув — тер софлик рамзи экан, бу Пири Комил Калбининг мусаффолиги ҳам.

Хулласи калом, еттинчи байт мазмунини бундай баён этиш мумкин. «Ёр юзида терни, яъни вафо аломати — инсонга розилик нишонаси ҳамда покиза қалб сафосини куриб, шу қувонч хаяжони ичра жон берсам, эй дўст, мени ёрнинг гул юзидаги тер томчиларидан хосил бўлган муборак сув — гулоб билан ювгин-да, ушал гузал юзни эслатувчи гул баргларига ўраб кўмгин». Бу ошиқнинг айни вақтда армони ва «Қаро кўзим» ғазалида куйланган садоқат гоёсининг чўққиси! Чунки ошиқ ҳар бир байтда ёрга бўлган муҳаббатининг чексизлигини билдириб келди, уни кўз гавҳари ўрнида куриб, бағир қонидан ҳино қилишни таклиф этди, юракни, жонни, кўнгилни бир-бир унинг йўлига бағишлади. Шунча илтижолардан кейин агар мабодо ёр дутф этса-ю муродимга етсам, хаётимни бус-бутун унга қурбон қилардим, дейди садоқатли ошиқ еттинчи байтда. Мазкур байт мазмунидан Навоийнинг хаётсеварлиги, хаёт ошиғи эканини ҳам англаш қийин эмас: гул ва гулоб тириклик рамзи, гулоб билан гулга ўраш эса шу маънода кишига абадий хаёт бағишлаш демек.

Саккизинчи байт:

*Навоий, анжумани шавқ жон аро тузсанг,
Ашинг бошоқлик уқин шамъи анжуман қилғил.*

Анжумани шавқ — шоир ошиқ қалбидаги иштиёқ-истакнинг авж олиши, ёрга етишиш орзуси таралдудини шу ибора билан ифодалаган (иборанинг луғавий маъноси — орзумандлик, кучли рағбат мажлиси, маъракаси). Бундан рухий хаяжон, қўзғолиш, сурур буронининг бошланиши ҳам англашилади. Жон ичида шундай анжуман тузиш кўнгилнинг нурли орзуларга лиммо-лим бўлишидир. Бошоқлиғ ўқ — ўткир учли, ўткир тигли камон ўқи. Ўқ учининг бошоққа ўхшашлиги ҳам эътиборга олинган. Шундай кўринишда у чиройли киприк ва ёниб турган шамга шаклан монанддир. Воқеан, «бошоқлиғ ўқ» деанда, Навоий ёр кипригини айтмоқчи. Чунки, киприк — мухаббат ўқи, қайсиқим, тўғри юракка бориб қадалади. Байтнинг мазмуни: «Эй Навоий, агар жон ичида шавқ-хаяжонли рағбат мажлисини тузмоқчи бўлсанг, ёр киприги — ўқини шу мажлиснинг шамъи қил». Бу ерда иккинчи байтдаги китобат санъати янги деталлар воситасида қайтарилган, яъни киприк алиф ҳарфига ҳам ўхшайди, унинг жон орасидаги мажлис шамъи бўлиши — жон ўртасида алифдай жойланиши демак. Шу зайлда, улуғ шоир бир йўла бешта ашёни бир-бирига ташбеҳлаб, хайратомуз маҳорат курсата олган.

Бунда куйидаги тасаввуфий маъно ҳам бор: киприк-ўқ солиқнинг ҳол мақомидаги айни шавққа тўлишган пайтида чақин каби порлаб унинг кўнглини ёритадиган илоҳий жазба-илҳом, ваҳийлик тимсоли ҳам. «Анжумани шавқ» бу уринда ҳол мақомига кўтарилишни англашиб келади.

Алҳосил, охирги байтнинг хулосавий маъноси шуки, ошиқнинг ёр висолига интилиши чексиз бир орзу, қўл етмас идеалига талпиниш. Зотан, ахлоқий покланиш ва бу покликка мухаббат мутғасил давом этадиган, чин инсон қалбини ёндириб турадиган туйғу. Ёр дийдори орзуси юрагингни банд этиб, зўрайса, тўлиб тошсанг, унинг кипригини шу орзу авжининг чироғига айлантир, кўнгилни унинг мухаббати шамъи билан ёритиб

тур, дейди шоир. Чунки ёр ўқи дардига гирифтор юрак
хамма вақт ёник, машъаладор бўлади.

Мана шу якун билан ғазалнинг умумий мазмуни ях-
литлик топади, байтлар узаро боғланган. Асар бошида
кўринган ёрга илтижо, вафога даъват этувчи муножот
ва ошиқ садоқатининг изҳори бора-бора табиат, фалак
ишлари ҳақидаги уй-фикрларга уланиб кетиб, ҳаёт бо-
қийлиги, унинг ишқ тимсолидаги эзгу ва сафоли на-
шидаси, Ёр жамолига чанқоқ Кунгилнинг дардли тал-
пинишлари кўйланади.

Навоийнинг байтлари катида яшириниб ётган маъ-
нолар шу қадар теран, шу қадар куламлики, у дурлар
тула денгизга ухшайди. Бу денгизга шунғиган одам,
албатта, янги маъно дурларини кулга киритиб, бах-
рамандлик бахтини туйиши мукаррар.



Алишер Навоийнинг лирик асарлари жамланган «Хазойин ул-маоний» девонида икки мингдан ортиқ ғазал бор. Мумтоз адабиётимизда бирор шоирга бунчалик кўп ғазал ёзиш насиб бўлмаган. Аммо гап фақат сонда эмас. Навоий қалбидан куйилиб чиққан ғазалларнинг ҳар бири—даҳо ижодкорнинг беназир санъати ва теран тафаккуридан гувоҳлик берадиган бир бадиий дурдона, муъжизадир. Бу лирик миниатюраларнинг яратилганига беш ярим асрдан ошди, лекин кеча ёзилгандай ҳамон руҳимиз, шууримизни ғалаёнга солиб, дилларга ҳаловат бағишлайди, ўкиган сари яна ўкигингиз, байтлар қатига жойланган сеҳрли ва сирли маъноларни теранроқ, тўлароқ англаб олгингиз келади. Буюк ўзбек шоири салафлари ижодхонасида камолотга кўтарилган кўҳна жанрнинг имкониятларини истифода этиб, бемисл маҳорат кўрсатиш, хазон билмас шеърий гулшанлар яратиш баробарида ўзи мустақил равишда янги усул-услуглар ихтиро қилди, ижодий тажрибалар, жасоратли изланишлар йўлидан бориб, ғазал инкишофини баланд чўккиларга олиб чиқди.

Яхлит маъноли, воқеабанд ғазаллар яратиш улуғ Навоийнинг шундай услубий ихтироларидандир. Максуд Шайхзода биринчи бўлиб бунга эътиборимизни қаратган эди. Аввалги шоирларда аҳён-аҳён учраб турадиган бу хусусият Навоий ижодида изчиллик тусини олади, муайян равия, поэтик ифода тарзига айланади. Турфа инсоний хислатлар, воқеа-ҳодисалар тасвирига бағишланган туркум-туркум ғазаллар шундан далолат беради.

Яхлит маъноли ғазал радиф сўзга урғу бериб, шоирона илҳом қудратини намоён этиш, ё бирор-бир ходисадан таъсирланиб, ҳис-ҳаяжонни тукиб солиш, шу воқеа моҳиятини очиш, ёхуд муайян анъанавий тушунча-тамсиллар, образ-ифодалар атрофида сухансозлик қилиш, лутф кўрсатиш ниятининг мевасидир. Чунончи, улуғ шоир *жон ва жонон* мавзуида бир туркум ажиб дилбар ғазаллар яратганким, шулардан бирини қуйида тўла келтирамиз:

*Ҳар лабинг улгани тиргузмакда жоно, жоно эрур,
Бу жиҳатдин бир-бириси бирла жоножон эрур.*

*Жоним андоқ тўлди жонондинки, бўлмас фаҳим,
Жон эрур, жонон эмас, ё жоно эмас, жонон эрур.*

*Бўлса жонон бордурур жоно ҳам, чу жонон қилди азм
Жон кетиб жонон била, жонондин менга ҳижрон эрур.*

*Жон менга жонон учундур, йўқ жонон жоно учун,
Умр жононсиз қотиқ, жононсиз вале осон эрур.*

*Борса жоно жонон йитар, гар борса жонон жоно кетар,
Кимсага жонону жононсиз умр не имкон эрур.*

*Ҳушдурур жону жаҳон жонон била, жонон агар
Бўлмаса, жоно уйлаким улмас — жаҳон зиндон эрур.*

*Жоним ол, эй, ҳажру жононсиз манга ранж айлама,
Чунки жононсиз Навоий жонидин ранжон эрур.*

«Жон» сўзи ўн тўққиз, «жонон» сўзи ўн олти марта такрорланиб келган. Бироқ бу қайтариклар бизга ноҳуш туюлмайдн, аксинча, кучли завқ уйғотади, шоирнинг заковати, топқирлигига қойил қоламиз. Каршимизда ўзига хос бутун бир ғазал-тажнис, яъни бир ўзакли, талаффузи, шакли ухшаш, аммо маънолари хилма-хил сўзлар воситасида барпо бўлган хайратомуз санъат намунаси. Аёнки, тажнис классик шеърятимизда кенг тарқалган усул, лекин етти байтли ғазалда икки жинсдош сўзнинг бошдан охир ҳар гал янги маънода, янги жило, янги товланиш билан бундай занжирланиб келиши фавқулодда ҳодиса. Гуё уста заргар бир булак жавохирдан турфа тароватли дурдоналарни суфталаб, инак ипга тизиб чиққандай. Ва лекин шу нарса ҳам эсда турсинким, улуғ шоир сўз соҳибқирони эканини кўз-кўз килиш учунгина бу санъатга қўл урган эмас. Бу санъат замирида Навоий қалбида ҳаминша яшнаб, кукариб турган эзгу-ардоқли фикрлар: *ишқ, вафо, садоқат*

хақидаги мунаввар, муборак ғоялар порлаб диққатимизни тортади. Сўз — тафаккур хизматида санъат — фикр ва ғоянинг кўрки, тарғиботчиси.

Бутун ғазал бўйлаб сўз додини бериб тажниси узлуксиз давом эттириш бир санъат бўлса, буни муҳим ижтимоий-ахлоқий ғоя билан боғлаб ривожлантириш орқали ғазал бир тасвирни вужудга келтириш яна бир санъат — юксак шоирлик маҳоратининг, уйғок, уйғун тахайюл, табиатдай қудратли ва саҳий истеъдоднинг нашъу намоси, сеҳркорлиги. Шоирнинг усталигини қарангки, байтлар бир-бири ила мантиқан пайвандланиб, етакчи, сарбон ғояни теранлаштира бориш асосида лирик қаҳрамоннинг туйғулари ҳам байтдан байтга кучайиб, унинг юрагидаги дарди, эҳтирос-ҳаяжонлари жўшиб бораверади, *жон ва жонон* можароси зўраяди, висол шодлиги-ю хижрон азоблари, ошиқ изтироби ва ёр истиғноси орасидаги драматик зиддият тараңглашади. Ғазални шарҳлаганимизда бу хусусият янада равшанроқ кўзга ташлана боради. Аммо бу ишни бошлашдан олдин ҳамма гапларимиз келиб такаладиган «жон» ва «жонон» сўзларига изоҳ бермоқчимиз.

Жонон сўзининг *жондан* келиб чиққани аниқ. Лекин қандай қилиб? Балки бу «жон каби», «жонга ўхшаш» (жондан ширин) деган маъноларни англатар? Яъни: жонмонанд — жонмон — жонон тарзида бирикманинг ихчамлашиб бориши оқибатида содир бўлгандир. Форс тилида сўзни мана шундай ихчамлаб, талаффузни енгиллаштириш ҳодисаси бор. Аммо Судий Баснавийнинг фикрича, *жонон жон* сўзининг куплигидир. Маҳбубни улуғлаш, унга чексиз ҳурмат-эҳтиром билдириш мақсадида шундай қилинган бўлса ажаб эмас, чунки бу яхши одатимиз ҳозир ҳам амал қилиб келмоқда. Бундан ташқари, *жонон* — *жонларнинг жони* (жони жонҳо, жони жонон), туганмас, ўлмас жон маъносида ишлатилиб, бора-бора тилда мустаҳкамланиб қолган бўлиши ҳам мумкин. Ҳар ҳолда, барча маъноларда ҳам *жонон* (муаннас шакли *жонона*) инсон учун

Энг қимматли, энг азиз ҳисобланган жон билан баробар қўйишани, ҳаттоки, ундан ортиқроқ билиб, эъзозланаётгани аён бўлмоқда. Жонон, маҳбуб, маъшук, дилбар, дилором, санам — буларнинг барчаси Ёрнинг сифат — синонимлари. Улардан ҳар бири шеърятда ўз мавриди, ўз мақом — нисбатида қўлланиб келинган. Чунончи, *жонон* сузи тияга олинганда, албатта, жон сузи ҳам қўшиб зикр этилган. Воқеан, бир-бирига вобаста бу тушунчаларни яна ҳам туниқроқ тасаввур этмоқчи бўлсак, жон сузининг келиб чиқиш моҳиятини ҳам билишимиз даркор. Зеро, қадимги аждодларимиз бунни ҳозир биз тушунгандай тушунмаганлар. Ҳозир биз жонни танадан ажратиб тасаввур қилолмаймиз. Жон, яъни тириклик материянинг олий даражада уюшган шакли бўлмиш биологик ҳаётнинг (демак, инсон вужудининг ҳам) хусусияти деб қараймиз. Қадимгилар эса, жон бошқа, тана-жисм бошқа, деб тушунганлар. Боз устига, уларнинг тасаввурича, *жон*, *руҳ* — олий неъмат, бирламчи борлик бўлиб, жисм қўйи ҳаюло — тўрт унсурдан таркиб топган бир қилип. Агар жон бўлмаса, вужуд ўзича яшай олмайди, дунё тимсоли бўлган бу «вайрон»ни жон обод қилиши мумкин. «Ошиқ дили дўстга мунтазир ва беқарор талпинганидай, жисм руҳга муштоқ ва мухтождир», дейди «Қашф ул-махжуб» китобининг муаллифи Хужвирий. Алишер Навоий асарларида учрайдиган «жисми вайроним», «тан уйи», «вужуд хокистари» сингари ибораларни шу маънода англашимиз керак. Унингча, жонсиз жисм — қаро туфроқ: «Жисмдан жонсиз на ҳосил эй мусулмонларки, ул бир қаро туфроқдурурким, гулу райҳони йўк». Жоннинг шоирлар қўп қўллайдиган иккинчи рамзий номи «равон» (юриб турувчи) эканини эътиборга олсак, жон жисмга қарама-қарши ўлароқ доимо ҳаракатдаги нарса, яъни ҳаёт рамзи деб қаралгани маълум бўлади. Шунинг учун у жисм билан курашадн, ўз асли — мутлак Рухга бориб қўшилишга интилади, дея талқин қилинган. «Жоним оғзимга келди», «жон риштаси»,

«жони кирди» кабилидаги халк иборалари ҳам шу тасаввурлар таъсирида туғилган. Мазкур тасаввурлар, шу билан бирга, абадий ҳаёт ҳақидаги, Масих (Исо), Хизр тўғрисидаги армонли ривоятларнинг яратилишига ҳам сабаб бўлган. Гуё Масих ўз нафаси билан ўлган одамни тирилтирар, Хизр бўлса оби ҳаёт — тириклик суви-ни топиб ичгани учун мангу яшаб, одамларни эзгулик манбаига етаклар эмиш...

Алишер Навоий тасвирлаган ошиқнинг севган ёри худди шундай нафасли киши, унинг лаблари ўликка ҳам жон бағишлай олади, бу лаблардан ўпган ошиқ абадий ҳаёт топади. Фақат бу эмас. Жонон лабларининг ҳар бири алоҳида-алоҳида сеҳр кўрсатиш қудратига эга ва соҳирлик ишида улар ғоят иноқ-иттифокдирлар.

Кисқаси, ғазалнинг ушбу ривоятга асосланган биринчи байтининг мазмуни бундай: «Жонгинам, лабларининг ҳар бири ўлган одамни тирилтиришда жон ўрнидадир, улар иккови бу ишда жуда иноқдирлар». Байтдаги «жонон» сўзининг иноқ, иттифокдан ташқари, яна бир— жонга жон, жон бериб жон олиш деган қадимий маъноси ҳам бор. Масалан, урушда фидойилик кўрсатган кишиларга нисбатан шундай дейилган. Навоий ғазалга бу маънони ҳам сингдира олган: жононнинг икки лаби ошиққа жон бағишлашда бир-бири билан тортишиб, баҳслашади — бири жон олса, иккинчиси жон ато этади. Ҳа, бу Ёр дийдорига мушток, кўнгли муҳаббат боласила лиммо-лим одам учун табиий ҳолдир. Ошиқ жонон ёдида шунчалик азият чекадики, узининг бор-йўқлигини унутиб кўяди, бироқ жонон ҳузур, висол уни қайта ўзига келтиради. Висол лаҳзасидаги бу рухий ҳолат, қониқиш, Ёр лабларидан олинган бўсаннинг лаззати жонга бекиёс ҳузур бағишлайди. Жон Жонон — Аллоҳ билан қовушиб, йўқ-йўқ, бирлашиб кетади. Улар орасида ҳеч қандай фарқ қолмайди: жон — жононга, жонон эса — жонга айланади. «Яъни: «Жоним жонондан шу даражада тўйиб

қониқдики, улар шундай бирлашиб кетдиларки, қайсиси жон, қайси бири жонон эканини билмай қолдим — жон бўлса, жонон қани, жонон бўлса жон қани?» Биринчи байтнинг бевосита давоми бўлмиш иккинчи байтнинг мазмуни шундан иборат.

Муҳаббат қиёмида ошиқнинг «буду нобуди тенг бўлиб» қолиши, жонон жилвасида эриб кетиши Навоний ижодида қуп маротаба учрайдиган хуш тасвирлардан. Чунончи, шоир бошқа бир ғазалида бундай дейди: «Ёр буди (Аллоҳ вужуди) ичра нобуд улғаименким, уртада узғалиқдан, демаким, узликдан осор қолмағай? Ишқ тариқати шуки, агар бу йулга кирган одам хақиқий ошиқ бўлса, у ўзини маъшуканинг бир бўлагига айлантириши, орада «у» — «мен» деган фарқланишга ўрин қолдирмаслиги керак. Ахир, висол чоғида юз берадиган муҳаббат қиёми «ўзни унутиш ва маҳбубдан айри тасаввур қилмасликдир» (*Хужвирий*. Кашф ул-махжуб, 19-бет). Бу ошиқи беқарор орзиқиб кутган дам, унинг учун олий мукофот. Чунки ошиқнинг кунгли ва жонининг равишда жононга қараб интилади, жононсиз яшашни дузах азоби деб билади. Зотан, жононсиз жоннинг унга кераги йўқ. Жононсиз жон танни ҳам қийноқ ва укубатлар гирдобига солади.

Жоннинг доимий суратда жононга талпиниши, висолга ташналигини инсоннинг уз Идеалига, бутун файзу фазилати, пок ахлоқи, ички маънавий дунёсининг кўркеми, нурафшонлиги билан жозибали бўлган Дўст сари интилиши, деб билмоқ керак. Дўст— кишининг севган ёри ҳам, эътиқод-имон тимсоли, мукаммал инсон ҳам, одамзод ҳеч қачон тўймайдиган ҳаёт ҳам, эзгулик, адолат ва ҳақиқат ёки Худо ҳамдир. Яхши инсонни севиш — ҳаётни севиш, ҳаётни севиш — ҳақиқатни, Ҳақни севиш демак. Буюк Навоий ҳаёлотида етилган Жонон образида бу тушунчаларнинг бари мужассам. Шу маънода жононга бўлган муҳаббат реал турмуш, муҳитдан қониқмаган, зулм ва зурлик пажмурда этган, дунёнинг нотекис ва нотўқислигидан озурда

кунгилнинг кидирган оромгохи, сиғинадиган ва суянадиган ягона паноҳхонаси бўлганини унутмайди. «Хазойини ул-маоний» дебوحасида шоир ўз ғазалларининг ёзилишига сабаб бўлган ҳаётий турткиларни бундай қайд этади: «Олдимга онча душворликлар юзланди ва теграмда онча саъб гирифторликлар айланди ва бошимга сипехр онча бало тошини отди ва ишқ сипоҳининг лагадкуби (тепкилари) заиф пайкарим била сўнгаларимни онча оёқ остида ушотдиким, не ўзимдан хабарим, не ўзлугим била ўзимдин асар қолди». Бу аҳволимни шарҳ этсам тушунадиган бир мушфиқ инсон тополмадим, шу боис дардларимни шеър қилиб ёздим, дейди Навоий.

Ёрга бўлган ишқнинг шиддат ва шарофатини шу тахлит камоли эътиқод билан таърифлаб келиб, улуғ шоир учинчи байтда фикрларини янада равшанроқ баён этади: «Агар жононинг бўлса — жонинг ҳам бор, агар жонон кетишга чорланса, билгилки, жон ҳам жонон билан бирга кетади. Демак, жондан ажраласан ва хижрон азобида қоласан». Жон билан жононнинг ажралмаслиги ҳақидаги бу ғоя кейинги байтларда янгича қиёсланиш ёрдамида давом этади. Масалан, туртинчи байтнинг мазмуни бундай: «Жон менга жонон учун керак, аксинча, жонон жон учун эмас. Чунки жононсиз яшаш беҳад оғир, аммо жонсиз умр куриш осон».

Жигарсўхта, шайдоий ошиқ кунгил муножотини мана шу маромда ўртаниб-ўртаниб изхор этган. Висолдан сархуш, бироқ ёрдан жудо бўлиш муқаррарлигини олдиндан сезгандай жони талвасада. Хижрон азобларига қайта гирифтор бўлмаслик учун жондан кечишга ҳам рози. Туртинчи байтдаги «жонсиз умр осон эрур» жумласи бизга ғалатироқ туюлиши мумкин. Дарҳақиқат, қандай қилиб одам жонсиз яшай олади? Чамаси, бу ўринда шоир жон ва жонон баҳсининг мажозий-ботиний маъносини чуқурлаштира бориб, инсон учун маънавий ҳаётнинг афзаллигини таъкидламоқчи бўлган. Унинг назарида ҳақиқий ҳаёт маънавий ҳаётдир, зеро-

ким жонон, кўриб ўтганимиздай, ана шу маънавий фазилатларнинг йиғма тимсоли. Навоий сўз ўйини — тажнисдан мантиқ силсиласига ўтади: модомики жон билан жонон бир экан, бири иккинчисисиз тасаввур этилмас экан, жонони йўқ (ишксиз) одамлар жонсиз кишилардир. Улар тирик юрадилар-у лекин руҳан, қалбан ўлганлар. Шунинг учун умрлари осон кечади. Аммо энг кизиғи шундаки, шоир ўзининг бу фикридан қайтади — ахир ишқ барча махлуқотда бўлиши шарт, ишксиз, жононсиз, умуман ҳаёт йўқ. Бу хулоса бешинчи байтда ўз ифодасини топган: «Жон кетса, жонон йўқолади, агар жонон кетса, жон кетади». Шундай бўлгач, жононсиз ва жонсиз қандай яшаш мумкин?

Бу фикр олтинчи байтга келиб мазмунан яна кенга-яди, жонон фақат ошиқнинг жони билан баробар нарса бўлиб қолмай, балки «жону жаҳон»га тенг, бутун мавжудотни ўз ичига оладиган тушунчага айланади. Энди ошиқ ўз жони, ўз шахсияти ҳақида қайғурини билан чегараланмайди. Унинг учун дунёнинг барча ширинлиги, лаззати, хатто азоб, хўрсинишлари ҳам Жонон билан хуш, Жонон билан маъноли ва зебо: «Жону жаҳон жонон билан хушдир, агар жонон бўлмаса, жон бўлмайди деганинг кам, бу кенг жаҳон зиндонга айланади». Навоий такрорий бўлса-да, хижрон оғирлигини бот-бот таъкидлаб, охиргги еттинчи байтда илтижо ва тавалло оҳангини кучайтиради ва ғазални шу пафос билан якунлайди. Зору нотавон ошиқ жондан кечиш звазига бўлса ҳам жонон васлидан маҳрум этмасликларини ёлвориб сўрайди: «Эй, хижрон, майли жонимни олгин, аммо жононсиз яшаш азобини менга раво кўрма. Чунки жононсиз Навоий жонидан безордир».

Маълум бўладики, таҳлил этганимиз ғазалда ошиқнинг икки ҳолати—висол лаҳзасидаги ҳаловат, жоннинг яйраши ва Ёрдан ажралганда юз берадиган рухий кийноқлар қиёсланиб тасвир этилган. Бонқача айтганда, жон ва жонон баҳси васл ва хижрон қиёси неги-

зига қурилган. Висолга мушарраф булган ошиқ бу бахтининг абадий барқарорлигини истаб, агар жонон ташлаб кетса нималар бўлиши мумкинлигини зорланиб гапиради. Бу — Алишер Навоийнинг айни шу ғазалда қўллаган бадий усули. Жон ва жонон можаросига бағишланган бошқа ғазалларида шоир яна узгача санъат, узгача усулларни синаб кўрган. Масалан, «Қасди жоним қилди хажр, эй қотили хунхор, кел» сатри билан бошланадиган ғазалда жонондан ажралган, фироқдаги ошиқнинг изтироблари тасвирланади.

У Ёрига ғойибона мурожаат қилиб: «Жон нақдини овучда ушлаб турибман, агар келсанг, йўлингга сочаман», дейди. Рух ҳам, жон ҳам жонон йўлига мунтазир, ошиқнинг нияти бўлса жонини жононга топшириш: «Жон етибдур оғзима, дерман лабингга топширай, лутф этиб қилгил мени жон бирла миннатдор, кел». Ажойиб, шоирона тасвир, мўъжизакор таъбнинг тенгсиз неъматини! Хаётбахш нафасли маҳбуб висолига муштоқ ошиқнинг интизорликдан жони оғзига келган. Шу бетоқат жонимни келиб олгин, мени азобдан қутқар, сендан миннатдор бўламан, дейди у. Аммо бу айни ҳолатда ошиқ учун янгидан жон топиш ҳам. Чунки Навоий васф этган маҳбуб лаби жон бағишлаш қудратига эга-да!

«Севингил, эй кўнгил, охирки, жисминг ичра жон келди», деб бошланадиган ғазал эса бунинг акси уларок жонон келгандан кейинги шодлик, руҳий кутаринкилик кайфиятини тараннум этади. Ёр бемор бўлиб ётганда ошиқнинг жони ачишиб, бадтар қийналади. Ёки ёрдан келган мактуб, ёрга юборилган нома, ёхуд ёр муждасини келтирган хабарчи кабутарлар тасвири ҳам Навоийда ошиқ қалби хаяжонлари билан қўшилиб кетади. Жонондан келган жон исини (ҳам хабар, ҳам хушбўй маъносиди) келтирса, жавоб номасини ёзганда ошиқ уни жон риштаси билан чирмаб, ҳар бир сўзи, ҳарфи ёрдамида гўё қийналган жони нишонларини жунатади. Бу каби ғазалларда муайян образнинг чизгилари намоён, тасвир характерли деталлар асосида

давом этган ва шу ҳаётини ашё — сурат таъсирида лирик туйғулар қулф уриб, қайнаб чиқади. Хуллас, Навоийнинг воқеабанд, яхлит маъноли асарлари унинг лирик меросидаги ўзига хос поэтик ҳодиса, туркумлар ичидаги ҳар бир ғазалнинг махсус усулда битилгани эса бутунлик, гармонияга интилган нуқтадор шоирона тафаккурнинг рангин оламида алоҳида-алоҳида кўринишлардир. Шу сабабли улуғ шоир ижодининг тадқиқотчилари учунгина эмас, балки унинг асарларини ўқиб, баҳра олишни ният қилган китобхонлар учун ҳам бу хусусиятларни билиш зарур.



Тўққиз байтди бу ғазал рамали мусаммани маҳзуф баҳрида ёзилган (фоилотун, фоилотун, фоилотун, фоилун). Мазмунига кўра ошиқона, яъни ошиқнинг хижрондаги изтиробларини, кечинма-хисларини ифодалайди. Шу жиҳатдан уни шарҳи ҳол усулида ёзилган ғазаллар сирасига киритиш мумкин. Аммо зоҳирий маънолари билан ошиқона бўлиб кўринган ушбу ғазалда орифона (тасаввуфий) маънолар ҳам ифода этилади. Умуман Алишер Навоийнинг аксар ғазалларида зоҳирий ва ботиний маъно, «дунёвий» ишқ билан «илохий ишқ», бошқача айтганда, «мажозий» маънолар билан «ҳақиқий» маъно бирга қўшилиб, бири иккинчисини тақозо этиб келади. Икки маънолилик, икки планли тасвир мазкур ғазалга ҳам хос, шунинг учун унинг шарҳи ҳам ана шу икки жиҳатни очиб беришга хизмат қилиши керак. Ғазалда бошдан охиригача иккита образ — *тонг ва тун* (ёки *шом*) тимсоли қарама-қарши қўйилиб, қиёслаб борилади, ташбех ва истиоралар шу икки тимсол — образ атрофига уюштирилган. Ошиқнинг хижрони, айрилиқдаги ҳолати — тун, висол дамлари — тонг, ёруғлик. Ошиқ инсон хижрон, айрилиқ тунидан кутулишга ва ёр дийдорига мушарраф бўлиб, фараҳ топишга талпинади, хижрондаги азобларидан зорланади, охирида эса тонг отиб, васл умиди нуъласи кўринади. Демак, ғазал ягона мавзуга бағишланган, тасвир мантиқи байтлар аро вобаста бўлиб, бир силсилани ташкил этади. Энди байтлар шарҳига утамиз.

Ахтарин ишқ эттию совуг нафасни оҳ субҳ,

Бўлди гўё шоми ҳажрим ҳолидин огоҳ субҳ.

Аввало нотаниш сўзларга изох берамиз: *ахтар* — юлдуз, *ашк* — кўз ёши, *субҳ* — тонг. Матлаъда ҳазрат Навоий ажойиб шоирона тасвир яратган: тонг (субҳ) жонлантирилиб, унга одам хусусияти берилган. Тонг ғира-ширасида юлдузлар кўз ёшидай омонат милтил-

лайди, тонгнинг салқин шамоли эса дардманд ошиқнинг охидай совуқ. Яъни тонг ошиқ аҳволига ачинади, ғамгин бўлади ва кўз ёши тўкиб, совуқ оҳ тортади. Лирик қаҳрамон ўз ҳолати билан отаётган тонгни қиёслаб, тонг менинг айрилиқ шомидаги азобларимдан хабардор бўлган, шу сабабли юлдузларни кўз ёшидай тўкли, салқин шабада уфуриб, оҳ чекди, дейди. Эрта-лабки салқин шабада дард зўридан оҳу нола қилган одамнинг нафасига ўхшатишган, совуқ оҳ эса бу уринда афсус ва ачиниш, ожизлик нишонаси. Байтнинг нарий мазмуни: «Тонг гўё менинг ҳижрон тунидаги аҳволимдан хабар топгандай, юлдузларни кўз ёши қилиб, совуқ шамоли билан оҳ уриб етиб келди». Бу — байтнинг «дунёвий», ошиқона шарҳи. Байтнинг ботиний, орифона маъносини англамоқ учун эса баъзи сўзларнинг мажозий, тамсилий маъносини тушуниб олишимиз керак. Чунончи, тонг (субҳ) — «вахдат нурининг таралиши» («Шарҳи Гулшани роз», 583-бет), илоҳиёт тажаллиси; у олами ғайбдан нузул этиб, таайюнот (аён нарсалар, дунё ғоялари) зулумотини ошиқ кўнгли саҳифаларидан сидириб ташлайди. Оҳ — ишқ ғулғуласининг тил билан ифодалаб бўлмайдиган авж лаҳзаси. Шом — ваҳдатга карама-қарши қасрат (қуплик) мартабалари, таайюнот, пардаси. Нафас — кўнгилнинг маънавият гулзоридан эсган лутфидан тозаланиши» (*Сайид Жаъфар Сажжодий*. Мусталаҳоти урафо, 405-бет), ғайб латофатига, маҳбуб талабига интилиш. Нафас, шунингдек, вақтни, лаҳзалик ҳолни, олий ўзгариш ва ёришишларни ҳам билдиради. Ҳижрон — Ҳақдан, Илоҳдан бошқага юз ўгириш, кўнгилнинг вақтинча ўзга фикр — ташвишлар билан банд бўлиши, нарда орқасида қолиши.

Ана шу маъноларига кўра, матлаънинг орифона мазмуни бундай бўлади: «Менинг дунё ишлари — қасрат билан машғуллимни, Ҳақдан бошқа нарсаларга эътибор қилиб, ундан узокда қийналганимни кўриб, илоҳий ваҳдат нури дилим саҳифасини тозалаш, ўз ҳолимга

кайтариш учун етиб келди». Воқеан, орзудаги неъмат — гузалликка мунтазир одамнинг қалби тонгда ёришиб, фараҳ топиши табиий. Кўнгил мусаффо бўлади, яйраб нафас оласан киши. Тонг орифона шеъриятда кўп қўлланилади. У — илоҳий файзият тимсоли, нуруний одам даракчиси. Илоҳий ёр дийдорига толиб одам бу нурга етишиш учун кўпдан-кўп рухий кийноқлар, хижрон азобларини бошидан ўтказиши керак. Шарҳланаётган ғазалда солиқ (йўловчи)нинг ана шу аҳволи руҳияси тасвирланади, ташвишли талпинишлари кўрсатилади.

Иккинчи байт:

*Ғам туни муҳлик ғамим англаб яқо чок айлади,
Тонг елидин ҳар нафас ҳолимга тортиб оҳ субҳ.*

Мазкур байтда матлаъда ифода этилган мазмун давом эттирилган. Тонг матлаъдагидай бечора ошиқ ҳолига ачиниб, кўз ёши тукиш, оҳ уриш баробарида, ғам тунидаги ҳалокатли (муҳлик — ҳалокатли демак) аҳволни кўриб, “ёқасини йиртади”. «Ёқа йиртиш» — тонгнинг отишини англатувчи истиорадир, чунки ёқа йиртилганда одамнинг кўкраги кўринганидай, тун пардаси йиртилганда тонг намоён бўлади, яъни илоҳиёт жамоли курина бошлайди. Навоийнинг Самарқандда ғалодан сотиб олган байтининг биринчи мисраси: «Кўкрагимдур субҳнинг пироханидан чокрок», яъни: «Кўкрагим тонгнинг қўйлагидан чокрок». Бу ерда субҳнинг пирохани— тонг пардаси, ҳарир бир нимқоронғилик хаёл саҳфасида яралган, ҳам тонгнинг отиши ёқанинг йиртилиши эмас, балки кўкракнинг чок-чок бўлишига ташбеҳ қилинган. Аммо ҳар икки байт тасвирининг чиройида муштарак жозиба бор. Иккинчи байтдаги «тонг ели», «оҳ», «нафас» сўзлари такрор бўлса-да, аммо ҳолатни конкретлаштириш, таъкидлашга хизмат қилган. Тун — асл маъносидан ташқари, олами имкон — борлиқ, ғайб сир асрорини, мазкур байтда жабарут олами (Илоҳ ва фаришталар орасидаги олам)ни ҳам англатади. Бироқ биринчи маъно ҳам

назарда тутилган. Шунингдек, тонг елини илоҳий неъмат файзи, илоҳиёт ёди маъноларида ҳам тушунсак, байтнинг орифона мазмуни бундай бўлади: «Ғайб асрорини англашдаги ҳалокатли интилишларим, қурқинчли аҳволимни кўриб, тонг ёқасини чок этди, яъни отди. Иштиёқ-у изтиробим эвазига илоҳий нурдан нишона курдим».

Учинчи байт:

*Тийра ҳижрондин чу йўқтур фарқ субҳу шомима,
Хоҳ шом уйсун қоронғу рўзгорим, хоҳ субҳ.*

Бу байтда яна бир фавқулодда тоза истиора қўлланилган: тийра ҳижрон. Коп-қора айрилиқ — бу ошиқнинг қил сизмаган қалби, мотамзада ҳолати. Ҳижрон тунги, ҳажр шоми иборалари ёнида мазкур истиора тасвирнинг латифлигини оширади, рангни қуюклаштиради, лирик қаҳрамон кечинималарининг шиддатини бurtтириб қурсатишга хизмат этади. Қолган сўз ва иборалар тушунарли, шу учун байтнинг зоҳирий мазмунини бундай шарҳлаш мумкин: «Айрилиқ ғамидан ҳаётим, руҳиятим шундай қоронғики, тонг билан шомим, кеча ва кундузим орасида фарқ йўқ. Хоҳ тонг бўлсин, хоҳ шом — сезмасман, бари коп-қора тунга айланган». Байтнинг ботиний, маърифий маъноси: «Илоҳий ёр ёдини фаромуш этиб, нафсоний дунёга берилиб қолганим учун тонг билан шомнинг фарқи билинмай қолди, шом бўлса ҳам, тонг отса ҳам кўнглимга ҳеч нарса сизмайди, чунки «қоронғу рўзгор» — дунё ташвишидан қутулиш ғоят мушкул, у мани ўз домида занжирбанд этган». Солиқ ўз иродасини батамом пир қўлига топшириб, тариқат мақомидан зина-ба зина кутарилса, нафс қутқуси ва дунё истакларидан бутунлай қутулсагина кўнглини узил-кесил тажаллиёт зиёсига рубару эта олади, «тийра ҳижрон»дан қутулади.

Тўртинчи байт:

*Дуди оҳимдин қарорғай, ҳажр шомидин батар,
Бўлса ҳижрон қатъида бир кун манга ҳамроҳ субҳ.*

«Дуди оҳ» ҳам ёр ишқида ёнаётган безовта, бетокат ошиқ ахволининг ночорлигини англатувчи муболағали истиоралардан: ошиқ ёр ишқида шундай уртаниб ёнаёптики, гуё унинг ичидан олов гуриллаб чиқаяпти, бу олов унинг оҳу нолаасидирким, тутунидан олам қоронғилашади, ҳатто зиё таратадиган тонг юзи ҳам бу тутундан қора тусга киради. Бу эса хажр шомидан ҳам бадтар. Шоир сўзу гудоз, ёниш-ўртанишнинг, ишқ тортишлари, қийноқлари, рухий-маънавий талпиниш ва курашларни шундай дардли сатрларда таъриф этади. Хуллас: «Агар тонг хижрон пайтида (авжида) мен билан бир кун бирга бўлса, оҳим тутуни-ю хажрим шидатидан ўзи ҳам қора рангга бўялади». Дунё ишлари, моддий олам талабларига қараб юраверсанг — тонгни ҳам сезмайсан, илохий нур ҳам қоронғиликни ёриб ўтолмайди.

Бешинчи байт:

*Тийра шомим дафъи қилди меҳр зоҳир айлабон,
Яхши борди меҳрибонликларда шайбуллоҳ субҳ.*

«Меҳр» билан «меҳрибонлик» сўзлари ўзаро тажнис — сўз ўйинини ташкил этган: меҳрнинг бир маъноси қуёш, яна бир маъноси эса мухаббат, меҳр. «Шайбуллоҳ» — Аллоҳнинг каромати, неъмати демак. Байтнинг мазмуни: «Худонинг неъмати бўлган тонг меҳрибонлик кўрсатиб, яхши нағижа олиб келди, қоронғи шомимни дафъ этиб, қуёшни бошлаб келди». Ва яна: «Ваҳдат нури зиёси — тонг баракотидан касрат — дунё шуғли кўнглимдан кетди, кўнглим тозаланди, илохий нур чашмаси — қуёшга етишиш имкони топилди».

Олтинчи байт:

*Хуштурур жоми сабуҳ, эй шайх, сен ҳам ичкасен,
Тутса май соқий булуб бир меҳр юзлик моҳ субҳ.*

Бу байтдаги «меҳр» сўзи бошқа маънода, яъни маъшуқа сифати бўлиб келган. Шоир умумлашма тасвирлардан бир қадар аниқликка — конкретроқ тасвирга

кўчади, юзи куёшдай порлаган сохибжамол соқий ҳақида ёзади. Лекин бу билан Навоий ғазалнинг орифона, ботиний маъноларини давом эттиришдан воз кечди, дея олмаймиз. Аксинча, анъанавий тамсиллар — соқий, жом, май сўзлари шоир айнан илоҳий мухаббат ҳақида гапирётганини билдириб туради. Бу байтда яна бир анъанавий образ бор — бу *шайх* образи. Шайхни шоир бу ўринда такводор шахс, зоҳид маъносида қўллаган, аслида эса шайх комил инсон, пири муршид маъносида ҳам келади. Машҳур суфийларнинг кўпи шайх деб эътироф этилган. Навоий ўзларини билимдон ҳисоблаб, орифларнинг ботиний оламидан беҳабар, завқу шавқдан махрум дунёпараст шайхларни назарда тутган. Шундай қилиб, байтнинг маъноси: «Эй такводор шайх, тонг пайти комил инсон маънавиятда сўз бошласа ёки Қуръон тиловат қилса, илоҳий кашф зухуроти, мушоҳада сархушлигида мухаббатга лиммо-лим юрагидан роз айтса, сен ҳам қулоқ сол ва сархуш бўл, чунки тонгги суҳбатнинг сурури узгача, лаззати бениҳоя ва ёқимли».

Нега бундай маъно келиб чиқди? Чунки тасаввуф талқинида *жом* — «илоҳий тажаллиёт мавжи ва бепоян нурнинг порлаши» («Миръот ул-ушшоқ»), *соқий* — «файз манбаиким, вужуд зарротини борликнинг бодасидан сархуш қилгандир» («Миръот ул-ушшоқ»), *май* — «ғалаботи ишк» (*Сажжодий*, 400), «илоҳий тажаллиёт» («Миръот ул-ушшоқ»). Яъни: меҳрюзлик соқий — ориф инсон илоҳиёт тажаллисининг файзидан тонгда бода тутса, эй шайх, сен ҳам ичишинг муқаррар.

Еттинчи байт:

*Ғам туни кўҳи балосидин магар бўлмиш халос,
Ким менингдек кўргузур рухсораи чун коҳ субҳ.*

Кўҳи бало — бало тоғи, *рухсора* — юз, *коҳ* — сомон. Ошиқ изтироб чекишдан, бало тоғининг юкини тортишдан ранглари сомондай сарғайган. Бу ахвол тонгнинг бузариб оқариши орқасидан куёш нурларининг

олтин (сарик) рангда кўрина бошлаши билан қиёсланган. Афтидан, тонг ҳам мен каби айрилиқ ғамининг балосидан халос булибди, чунки сомондай сарғайган юзини кўрсатмоқда, дейди ошиқ. Тоғ балосидан халос булиш кўёшнинг тоғ ортидан чиқиб келишига ишора ҳамда кўёш тунда уфқ ортида, тоғлар қўйнида банди бўлади, эрталаб яна қутулиб йўлга чиқади, деган қадимий тасаввурга вобаста тасвир бу. Навоий субҳ (тонг)-ни бир шахс сифатида жонлантириб, уни лирик қаҳрамон ҳолати билан қиёслашни давом эттирган.

«Бало» — Илоҳнинг имтиҳонлари, солиқ йўлида учрайдиган қийинчиликлар, «бало тоғи» шунга мувофиқ — тариқат йўлида учрайдиган имтиҳонларнинг энг оғири демак. Мазкур байтда қўх ва қоҳ (тоғ ва сомон) сўзларини зид қўйиш (тазод санъати) ҳам бор. Ошиқ ўзининг дарддан юзи сарғайганини айтиш билан бирга илоҳий қудрат, зоти азалий ва унинг имтиҳон — балоларининг беҳадлиги олдида зарра мисол кичик ва ҳақир эканини ҳам таъкидлайди. Шу тариқа, солиқнинг мақомот сари интилишларидаги иккиланишлар, мушкулотлар, имтиҳонлар қийинчилиги ва уларни енгиб ўтиш учун иродани чиниктириш иштиёқи акс этади бу байтда.

Саккизинчи байт:

*Субҳидам бедору гирён бўл, агар файз истасанг,
Ким сенинг уйқунгга хандон ўлмасун ногоҳ субҳ.*

Ғазалнинг орифона мазмуни бу байтда яна ҳам очиқроқ ифодаланган, субҳ илоҳий файз тимсоли эканини шоир ўз тили билан баён этган. Бундай файзга тунларни бедор ўтириб, тоат-ибодат билан шуғулланган, Илоҳниқида куйган, уртанган дардли одамларгина эришадилар. Навоий даврида илоҳталаб дарвешлар, ориф соликлар дунё роҳатидан воз кечиб, маънавият сиррини кашф этиш учун кечалари ухламай, зикр айтиб чиқар, бутун вужудлари, қалб-шуурларини шу мақсадга қаратиб, сидқидилдан Мутлақ руҳ сари интилардилар. Натижала уларнинг кўнгиллари равшанлашиб, завқу су-

рур топар, зехнларида маърифат тонги ёришарди. Маънавият олами ошиқлари Навоий васф этган ҳақиқий ошиқлардир, улар шоирнинг идеал образлари, эзгулик фаришталари эди. Шунинг учун у орифлар ғоясини жону дилдан тарғиб этади, дейдики: агар илохий файз истасанг, эрта сахарда уйқуни тарк эт, Худо йўлида бедор ва гирён бўлгин (байтда гирён ва хандон — йиғлаш ва кулиш сўзлари зид қўйилган), ғафлатда ётма, бўлмаса, файздан бенасиб қоласан — тонг сенинг ахволнингга кулади. Камолот истаган одам тонгдай уйғок, тонгдай пок бўлиши лозим.

Ва, ниҳоят, тўққизинчи байт:

*Эй Навоий, ул қуёшнинг муждаи васлини бериб,
Қилса неткай шоми ҳажрим меҳнатин кўтоҳ субҳ.*

Ғазалнинг бошидан бошлаб давом этиб келган шом — тонг қиёсий параллеллик мактаъга келиб яқунланапти. Субҳдан кейин қуёш чиқиши ва туннинг чекиниши муқаррар. Лекин Алишер Навоий назарда тугган тонг илохий тажалли сафоси бўлганлиги сабабли қуёш ҳам пири муршид қалби ёки мутлак Рухнинг манбаи тимсолидир. Тонг эса шу манба — нур чашмасининг даракчиси. Ошиқ йўловчи ҳижрон туни, яъни дунёвий талаблар, илоҳиётдан узоклаштирувчи ишлар — зулмлар зулумоти қийноғидан кейин, ниҳоят, васл шодмонлиги имконини топади, кўнгил даричаси ёр жамолига қараб очила бошлайди. Мактаънинг зоҳирий маъноси: «Эй Навоий, ул қуёш, яъни ёр васлининг даргани етказиб, ҳижрон шоми азобини (меҳнат — азоб дегани) қисқартирса кошқийди».

Байтнинг орифона ботиний маъноси эса бундай: «Эй Навоий, ваҳдат нури жилоси — тонг Зоти мутлак (ёки комил инсон қалби) манбаига етишиш хушxabарини етказиб, Илоҳ ёдидан бегоналашув қийноғи, қасрат зулумоти ичра чекаётган руҳий изтиробу азобларимни қисқартирса нима булар экан». Ана шу тарика мазкур ғазалда Навоий илохий кечинмаларни реал инсоний

кечинмалар тарзида тасвирлайди. Зотан, орифларнинг тариқат даражаларини эгаллаш йулидаги интилиш -- ёнишлари нега реал булмасин? Ахир бу оддий одамларнинг эмас, узларини рухан тайёрлаган, жуда катта вазифани буйинга олиб, фақат маънавий маърифат сари утли шавқ билан интилган одамларнинг ҳар қандай дунёвий тушунчадан холи покиза ишқи эмасми?! Шунинг учун ҳам уларнинг қалб кечинмалари юксак ва олижанобдир. Шу шавқ ва интилишни тор маънода тушунмаслигимиз керак. Бу Навоий каби буюк инсонларнинг дунё ва Илоҳ орасида, дунёни севиш ва дунё кишиларидан задалик, дунё ишларидан кунгил узолмаслик ва дунёда булмаган идеалга боғланиш, уни севиш ҳислари орасидаги талпиниш-изланишлари, рухий саргардонлик ва қийноқларнинг рамзий шеърий изҳори эди.



«Хазойин ул-маоний»нинг биринчи девони — «Фаройиб ус-сиғар»га киритилган ва Алишер Навоийда кам учрайдиган тахаллуссиз ғазаллардан бири («Фаройиб ус-сиғар»да жами ўнта тахаллуссиз ғазал бор). Ушбу ғазал «Бадоеъ ул-бидоя» девонида ҳам мавжуд. Демак, у шоирнинг ёшлик йилларида ёзилган. Ғазал етти байтдан иборат, лекин тахаллусли мақтаъ бўлмагани сабабли яқунловчи хулоса етишмаётгани сезилади. Асар мавзуи — ишки илоҳийни куйлаш, бу гоё гоҳ мажозий ташбеҳ — истиоралар, анъанавий образлар (парвона, булбул), гоҳ тўғридан-тўғри тасаввуфий истилоҳ — тамсиллар воситасида баён этилади. Кайд этиш жоизки, ишки илоҳийни тараннум этган ирфоний-маърифий мазмундаги ғазаллар Навоий девонларининг асосий қисмини ташкил этади, уларни эса бир неча гуруҳга бўлиш мумкин: 1) муножот ғазаллар; 2) Худо ва Пайғамбар мадҳига бағишланган (наът-хамд) ғазаллар; 3) ошиқнинг аҳволини тасвирловчи «шарҳи хол» ғазаллар; 4) фалсафий фикрларни ифодаловчи ғазаллар.

Тилга олинган ғазалда ошиқона кечинмалар шарҳи, ёр васфи ҳам, фалсафий мушоҳида-мукошифа ҳам бор. Демак, асар бирон-бир хис, бирон-бир муайян ҳолатни эмас, шоирнинг катта мавзу атрофидаги умумий тасаввур-тушунчалари, шунга мувофиқ ишқнинг инсон қалбига ўтказадиган таъсири ҳақида зикр этади, ишқ ва фано, тариқат йўлининг жозибаси ва таҳликаси шоирона талқин этилади. Шу боис ғазал байтларини бевосита ўзаро занжирий боғланиш эмас, балки қофия, радиф, мавзу ва оҳанг муштараклиги бирлаштириб туради, мадх, васф, шарҳиҳол ва тасаввуфий маънолар бир ўзандаги оқимга тушиб олган. Чунончи, матлаъда ошиқнинг ишқ дарди янгиланганидан хушнудлиги, иккинчи байтда маъшуқа фироқида қийналиш, кинояли

хотирот, учинчи ва тўртинчи байтларда ишқнинг қудрати ва мўъжизакорлиги ҳақида мулоҳаза — муқояса, бешинчи байтда шох ва дарвешнинг ишққа муносабати, олтинчи ва еттинчи байтларда бўлса илоҳиёт фаззини топган солиқнинг лаҳзалик масрур туйғулари, ёр жамолига маҳлиёлиги тасвир этилади. Хуллас, ишқнинг турли жиҳати, ошиқ инсоннинг ҳолатлари ва шоирнинг ўз мавзуга муносабати, қарашлари акс этган. Умуман, Навоийда илоҳий ишқ ҳар хил ҳолатларга боғланиб, ҳар бир ғазалда ўзгача бир тароват, янги-янги ибора-ифода, услубий тарзу равия билан қуйланади. Шу учун унинг ғазаллари бир-бирининг айнан такрори эмас, балки ҳар бири янги асар сифатида ўқувчига алоҳида завқ бағишлайди. Тасаввуфнинг ҳар бир мақоми ва манзилларидаги руҳий ҳолат, бу манзилларни кашф этиш қийинчиликлари, Буюк Илоҳнинг ҳузурига талпиниш, соғинч ва қўмсаш, маънавият неъматидан сархушлик, қалби маърифатга фарқ; Дуст дийдорига ташналик, ундан маҳрумлик дамларидаги изтироб ҳар бир ғазалда турфа рангу оҳанг, суврату санъатлар орқали такрор-такрор тараннум этилади. Бу ғазалчиликда, айниқса, орифона шеърятда қабул қилинган анъана бўлиб, шоирнинг ўзига хос маҳорати, навбунёдкорлиги шу анъана бағрида камол топиб, кўзга аёнлашарди. Бунини меъморлик санъати билан қиёсласа бўлади: Самарқанду Бухоро, Ироқу Нишопур, Балху Хирот меъморчилик ёдгорликларига қаранг, уларнинг нақшу нигори, кошнлари, тарху тароватида ўхшашлик бор. Аммо ҳар бири яна ўзига хос салобат, ҳусну жозибага эга, ҳар бир меъморнинг «дастхати»ни аниқ ҳис этасиз. Шеърят ҳам шу; қатъий анъаналар андозаси ичра беназир устакорлик, улуғ салафлар даражасига кутарилиш ва шу майдонда ихтиролар қилиш, янги нул, янги оҳанглар топиб, элни қойил қолдириш. Анъанавий усул-равияда маҳорат кўрсатиш — бир мўъжиза, асрлар анъанасини енгиб шоирона ихтиролар қилиш — иккинчи, янада олийроқ мўъжиза. Навоийнинг ҳар

бир ғазалида «Эски мавзуни» янги рух, янги туйғу ва фикр билан янгидан янгратиш, ғазалнинг қадимий шаклидан фойдаланиб, шоирона муъжизалар кўрсатиш маҳорати намоён. Воқеан, таҳлилга олган ғазалимиз ҳам «Эрур кўнгилда сафо ишқ тоза доғи била» деб бошланади: ишқнинг кўнгилда ҳар бир янгиланиши, тоза доғлар қолдириши янги илҳом ва завқ олиб келади, янги шеърни бунёд этади. Ушбу ғазални байтма-байт шарҳлаб чиқсак, айтилган фикрлар тўлароқ ва аниқроқ англашилади.

Биринчи байт (матлаъ):

*Эрур кўнгулда сафо ишқ тоза доғи била,
Нечукки кўзда ёруғлик эрур қароғи била.*

Ишқнинг доғи — дарду алами, асорати, тамға-яраси тозаришидан кўнгилда шодлик, сурур ва равшанлик пайдо бўлди. Зотан, бунга ажабланмаслик керак, чунки кўзнинг равшанлиги унинг қорачуғидан. Байтнинг мазмуни шу. Ажойиб ташбеҳ: кўз гавҳари қора, аммо кўришнинг қуввати, ёруғлик ушандан, демак ишқ кўнгилга дарду доғ солса-да, лекин кўнгил кўзини равшанлантиради, оламни мусаффо нигоҳ билан идрок этишга чароғи ҳидоят бўлади. Навоий шу ташбеҳ орқали тазод санъатининг фавқуллодда янги вариантини кашф этган ва инсон руҳидаги драматизм, қарама-қарши ҳолатларни тушунтира олган: ишқ-муҳаббатдан фориг одам тинч, хотиржам яшаши керак. Бироқ ҳаётда бунинг акси бўлади, муҳаббат дардига гирифторлик хурсандчилик, фароғатга сабаб бўлади. Кўнгил бу дарддан яйрайди! Шоир оқлик ва қораликни (байтда «сафо» ва «тоза» сўзлари ҳам ўзаро мутаносибликка киришиб, завқли бир туйғу бағишлайди), қуллик ва озодликни, ишқий безовталиқ лаззати ва ишқсизлик бадбахтлигини қиёслайди. суфийнинг тан азоблари эвазига туялган руҳий-маънавий ҳузурини олқишлайди. Доғ — тамға, нишон; доғ — андух, гам; доғ — жароҳат, яра; доғ — юракдаги қора нукта, сувайдо; доғ — лоланинг қора

ранги; доғ — қуллиқ белгиси. Сафо эса «риёзат чекишдан кўнгилнинг покланиши» («Миръот ул-ушшоқ»), «тоқлик, таъбнинг нописанд, ёмон хислатлардан тозаланиши... кўнгилнинг ағёр, яъни ғайри ёрдан, ғаддор дунёдан юз ўгириши» дур («Мусталаҳоти урафо», 262-бет). Шундай қилиб, ишқ доғи ағёр доми, дунё кудрати қуллигидан кўнгилни озод этади. Илоҳни севиш, Унга қул бўлиш қулликдан озод бўлишнинг чин йўли, демак, бундай қулликдан хурсанд бўлиш керак. Шунинг учун ҳам ошиқ маҳбубасининг тамғасини кўнгилда асраб, унга қул бўлишдан боши осмонда. Ишқнинг фарах ва фароғат, сафо ва рушнолик келтириш хосиятини шундай ажойиб, оригинал тоза тасвир билан ифодалаган шоир иккинчи байтда мўъжизакор тахайюлининг яна бир киррасини кўз-кўз этади:

*Фироқ шоми янгиламас ўқунг кўнгул йўлини,
Ки борур ул сари пайконидин чароғи била.*

Биринчи байтдаги қоронғу — ёруғ тазоди давом этирилган, аммо маъно бошқа. Биринчи байтдаги ташбеҳ асослари *доғ* ва *кўз қорачуғи* ижобий маънодаги ранг эди, аниқроқ қилиб айтсак, бу қораликлар оклик, равшанлик келтиралиган эди, *фироқ шоми* эса ошиқ учун ёруғлик эмас, азоб-изтироб олиб келади. Ошиқнинг хижрондаги кунлари *тун* билан баробар, хижронда ошиқ учун ёруғлик йўқ, унинг тонги зим-зиё, куёшни махв этилган. *Фироқ шоми* тариқат аҳли наздида солиқни Илоҳдан ажратиб турувчи парда, касрат пардаси, яъни дунё ишлари билан оворагарчилик. *Фироқ шомида*, дейди шоир, маъшукка қараб, ўқинг (кипригинг) кўнгилим йўлини адашмасдан топади, чунки у кўнгилга томон чироғи билан келаяпти. Нимаға ишора бор бу ерда? Гап шундаки, «пайкон» сўзи ҳам ўқни билдиради, лекин бу ўринда камон ўқи назарда тутилмаяпти. Камон ўқининг ўткир учи эса металлдан ясаларди ва у нишонга қараб учиб бораётганда металл қисми ярақлаб турар, баъзан эса олов сочаётгандай.

шуълаланиб кўзга ташланади. Укнинг ана шу ҳолатини Алишер Навоий чироқ кўтариб бораётган одамга ухшатиб, жонли ва чиройли сурат чизган: «Фироқ шомида, яъни сенинг ёдинг вақтинча кўнгилдан кўтарилиб, дунё иш-ташвиши парда бўлиб мени сендан ажратганда, ўқинг адашмасдан кўнгил йўлини топади, зеро у ўз нишонига пайконини чироқ қилиб бораяпти». Бундай ташбехни бошқа бирорта шоирда учратмаймиз: ёрнинг киприги — зулматни ёриб бораётган машъала, гўё зим-зиё тунда чақилган чакмоқдай. Албатта, маъшуқа кипригини чакмоққа ташбех берганда Навоий кўзни ҳам назарда тутган, чунки аслида киприк бировга қараб отилмайди, балки назар, қараш йўналади, яъни кўзнинг нури, энергияси таъсир этади, жозиба, куч бағишлайди. Шунинг учун киприк — чакмоқ самовий миқёсда илохий нурнинг ярқ этиб, кўнгилни ёритиши ёки заминий миқёсда соҳибқаромат пирнинг назар қилиши, бир нигоҳ билан қалбларга ғулғула солиши тарзида талқин этилиши мумкин. Оддий ҳаётда ҳам қалб китоби бўлмиш кўзларнинг кўнгилларни боғлаши, севгига замин ҳозирлаши кўп учрайдиган ҳодиса.

Учинчи байт:

Эрур сукуту фано ишқ лозими, булбул

Не воқиф онча фиғону улуғ димоғи била.

Навоий асарлари куллиётининг 1988 йилги янги нашрида (3-жилд, 428-бет) мазкур байтнинг биринчи мисрасида «фано» ва «булбул» сўзларидан кейин вергул қўйилгани учун маъно бузилган. Агар шу нашрга суянадиган бўлсак, «Сукут ва фанодир, ишққа лозим бўладигани булбул, бунча фиғони ва улуғ димоғи билан нимадан хабардор?» деган ғалати мазмунли гап келиб чиқади. Бундай «таҳрир» ўқувчини чалғитиши, Навоий асарларини тушунишни қийинлаштириши аниқ (Буни таъкидлашга мажбурмиз, чунки ҳозирги ёзувга кўчирилган классик шеърларда тиниш бел-

гиларининг аҳамияти катта, вергул нотўғри қўйилгани учун маъноси мавҳумлашган байтлар анча). Хуш, Навоий бу байтда нима маънони ифодалаган? Бу маъно қуйидагича: «Сукут сақлаш ва фано — жисму нафс эҳтиёжларидан батамом қутулиш ишқнинг заруратидир, шунча нола фиғони, сархушу ошуфталиги билан булбул буни қайдан билсин».

Ха, шоир бу ерда ошиқлик рамзи, нафосат ошуфтаси, ишқни ёниб қуйловчи булбул билан баҳсга киришган. Бу кизиқ, чунки Навоийнинг бир қанча ғазалларида булбул хониши мадҳ этилади, лекин бу байтда у булбул ишқнинг моҳиятига тушуниб етмайди, деган фикрни баён этади. Балки бошқа маъно бордир бу гапнинг тагида, балки шоир бирор бир мазҳаб ақидасини, тариқатнинг бирор силсиласи пешвосининг курсатмаларини тасдиқлаётгандир? Дарҳақиқат, матлубга етишиш йўли фақат оху нола эмас. Фиғон чекмай, зоҳиран сукутда бўлиб, дардни элга ошкор қилмай, ботинан кўнгилни маърифатдан сероб этиб, фано мартабасини эгаллаш ҳам мумкин. Масалан, Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг ақидаси шундай. (Баҳоуддин Нақшбанддан: сиз самоъга қандай қарайсиз, деб сўраганларида, у киши: «Мо инкор накунему ин кор накунем» — «Биз инкор қилмаймиз, аммо бу ишни қилмаймиз», деб жавоб берганлар). Самоъ ва зикрга берилмай, муайян касб билан шуғулланиб, одамларни Ҳақни танишга даъват этган дарвешларнинг йўли шуни тақозо этарди. Улуғ мутафаккир рамзий йўсинда тариқат ахлининг икки тоифаси сулуқини таққослаган: тинч-хотиржам зикр билан, ички оламни тараққий эттириб Ҳаққа яқинлашувчилар ва самоъ, рақс, кўшиқ-қуй орқали мухаббатларини очиқ изҳор этувчи бетоқат, безовта одамлар. Шундай, ошиқлик ҳар доим ҳам фиғону нола эмас экан, «анжуманда хилват» кўрувчиларнинг ботиний маърифати, қошифлик йўлида узгача ёниш, узгача фидойи қатъият бор. Тўртинчи байт мазмуни учинчи байт юзасидан айтган фикримизни тасдиқлайди. Байтни келтирамиз:

*Ул утки уртади парвонани, ҳамул ўтдин
Кўрингки қовруладур шамъ доғи ёғи била.*

Маълум бўладики, гап парвона ишки устида бора-япти, яъни шоир булбулнинг нолали муҳаббати билан парвонанинг жим, аммо вужудини ёндирувчи «индамас» муҳаббатини қиёсламоқда. Тасаввур қилинг: шамъ, унинг атрофида эса алангага қараб талпинаётган митти парвона. У ўтга шундай ихлос, шиддат билан интиладики, оловга қўшилиб ёниб кетгунча тинчимайди. Бироқ парвона шунчалик ошиқлиги, дардининг зўрлигига қарамай, оху нола чекмайди, балки жим-жит ўтга томон талпинаверади. «Ул ўт», яъни илоҳий ишқ алангаси фақат парвонани эмас, шамнинг узини-да муми ва ёғи билан қўшиб қовуради, эритиб қуйдиради. Улуғ шоир тамсиллар воситасида Ишқнинг беинтиҳо кучи — зарроту жонзотлар, ошиқу маъшук барини қамраб олувчи қудратини бизга тушунтирмоқчи бўлган. Шамнинг шуъласи — илоҳий ишқ, муми ва ёғи — дунё, инсон вужуди, парвона — ошиқ инсон тимсолларидир. Парвона — фано тимсоли, яъни ёмон сифатлардан қутулиш ва махмуда (яхши) сифатларга эга бўлиш. хирсу хавасни тарк этиш йўли. Бу фақир дарвешларнинг, аҳлуллоҳнинг тариқати. Хўш, шоҳлар-чи, улар ҳам бу бахтга мушарраф бўла оладиларми?

*Шаҳу улус ғамию жоми Жам, хушо улким
Синук сафол ила дурд ичкай уз фароғи била.*

Йўқ, шоҳлар фано мартабасига етишолмайдилар, чунки улар дунё ғамию улус ташвиши, шон-шухрат, айшу ишрат билан банд — шоирнинг ғояси шуну. Афсонага кўра, Ажам шоҳларидан Жамшид шундай жом ихтиро қилибдики, унинг ичидаги шароб асло тугамас ва у оламни ўзида акс эттириб турар экан. Шундай қилиб, «жоми Жам» — туганмас бойлик ва ишрат, шукху салтанат рамзи. Унинг сўфиёна талқини ҳам бор: «маърифат бодаси билан лиммо-лим ориф кўнгли»

(«Миръот ул-ушшоқ»). Лекин Навоий мазкур байтда буни назарда тугмаган, бўлмаса шоҳу дарвеш аҳволини чоғиштирмаган бўларди. Шоир анъанавий тасаввуфий эътиқодга амал қилиб, ориф дарвешнинг фақирона ҳаёти-ни подшонинг хашаматли ҳаётидан устун қўяди, аммо буни қуруқ таъкид йўли билан эмас, балки «назарий» тушунтиришга интилади: шоҳ фуқаро ташвиши ва узининг шону шуҳрати, туганмас давлати, ишрати билан овора, у бу ғамдан фориғ бўлолмайди. Демак, у шунчалик дабдаба шукуҳи билан озод, бахтиёр эмас. Хатто жаҳонни курсатувчи олтин жом ҳам уни ғамдан озод қилолмайди. Шоҳнинг акси ўлароқ синиқ сафолда (жоми Жам — салтанат ва ҳашам рамзи бўлса, синиқ сафол — камбағаллик, камтарлик белгиси) май куйқумини ичаётган, яъни маҳбубнинг васли деб азоб чекаётган дарвеш бахтиёр. «Дурд» — май куйқуми, қаноат ҳамда айни вақтда номуродлик, маҳбубнинг бетоқат қилувчи ёдини ҳам англатади. Хуллас, Навоий илоҳий ишқ хосиятлари ҳақида гапириб келиб, парвонасифат дарвешнинг мамлакат подшосидан устун турувчи озод-эркин турмушини шарафлайди.

Олтинчи байт:

*Хумор аро тиладим соқию қадах, юз шукр,
Ки улки мен тиладим келди ўз аёғи била.*

Шоир узининг синиқ сафолда «дурд» ичиб, маҳбуб ёдида сармаст қаҳрамони — ишқ парвонаси ҳолатидан рухланиб кетиб, узини у билан шерик, ҳаммаслак қилиб курсатади. Аммо лирик қаҳрамон— дарвеш ёр олдида сархуш бўлса, шоир ҳали хумор, у энди соқи-ю қадах талаб қиляпти. «Хумор» ҳам мастликнинг асорати, аммо у вақтинчалик совуш, соликнинг иккиланиши, беқарор ҳолатини ҳамда «маҳбубнинг иззат пардаси ичига яшириниши, дунё пардаси ваҳдат юзини берки-тишини» англатади. Ана шундай ҳолатда шоир тарқалган, совуган кайфиятни ростлаш учун соқий (пири муршид) қўлидан қадах (маърифат) тилайди ва Аллох унга тилаганини етказганидан — пир ҳузурига етга-

нидан шукроналар айтади. Байтдаги «аёқ» сўзи икки маъноли: 1) одамнинг аъзоси ва 2) қадаҳ. Демак, сўз ўйини — тажнис ясалган: «келди ўз аёғи била — келди ўз қадаҳи била». Теран маъно тоза ифода ва тим-соллар билан очилган. Еттинчи байт:

*Кучарға сарв ниҳоли бири қадингдек эрмас,
Агар кетурса ани боғбон кучоғи била.*

Бу байтнинг зоҳирий маъноси кўриниб турибди. Шоир маҳбуб қоматини энг чиройли дарахтга ўхшатмоқда, йуқ, маҳбуба қомати сарвдан ҳам чиройли, ахир сарвни кучганда ёр кучгандайин халоват топиш мумкинми? Боғбон сарвларни кучоқлаб келса ҳам, лекин бу ёр қоматини кучганчалик эмас. Аммо байтнинг тасаввуфий — ботиний маъноси ҳам бор. Қад деганда сўфийлар пирнинг хайбати, илоҳийлик аломати бор одамни назарда тутганлар. Шундай булгач, байтнинг мана бунақа маъноси ҳам келиб чиқади: «Гарчи боғбон боғдаги чиройли сарв дарахтларини намойишкорона кучиб келса-да, лекин уларнинг бирортаси қомил инсон — пирнинг гўзал, илоҳий хайкалидай эмас, уларни кучиш пирга сиғинишдай лаззат беролмайди».

Алишер Навоийнинг улуғворлиги шундаки, унда зоҳирий ва ботиний маънолар, яъни ишқи ҳақиқий ва ишқи мажозий тасвирлар бир-бирига халақит бермайди, балки бир-бирини тўлдириб, қувватлаб туради. Бошқача айтганда, ишқи ҳақиқий тасвирдан ишқи мажозий тасвирга ёки аксинча ҳолатга осон ўтилади, китобхон гоҳ бу маънодан, гоҳ у маънодан, гоҳ ҳар иккисидан завқлана олади. Ушбу ғазалда ҳам шунини кўзатиш қийин эмас, унда тариқат ақоиди, мақом босқичларидаги солиқ ҳолатлари, ишқ изтироби ва ошиқ азоби, дарди, уртанишлар тасвирланади ҳам шу билан баробар реал инсоний кечинмалардан воқиф бўласиз. Воқеан, ишқ парвонаси солиқ дарвеш ҳам реал инсон, унинг кечинмалари ҳақиқий инсоний кечинмалар, фақат унда ният пок, дард беинтиҳо, идеал ғоят узок...

Алишер Навоийнинг ҳар бир ғазали ўзига хос ёндашиш, ўзига хос таҳлил ва тафсир усулини тақозо этади, чунки ҳар бир ғазал алоҳида руҳий ҳолат, алоҳида поэтик фикр ва ҳис-туйғулар ривожини ифодалаб келади, тасвир тарзи, санъатлар мунтазамлиги ва мутаносиблиги ҳам шунга мувофиқ. Мазкур ғазалда эса Ишқ водийсида мушкулотларга дуч келган ошиқнинг бир лаҳзалик ҳолати, иккиланиши, ғайрнинг сўзига қулоқ солиб, гўё вақтинча «араз», «истиғно» билан ёридан юз ўгиришга беҳуда уриниши тасвирланади. Одатда истиғно (ўзини озод ҳисоблаш, ноз қилиш, араз) маъшуқ ҳислати бўлиши керак, ошиқ эса ниёзманд, ҳамма вақт ёрга содиқ одамдир. У шу ҳислати билан машхур. Бу ерда анъанага хилоф равишда иш тугилмадимикин? Йўқ, ундай эмас. Навоий лирик қаҳрамонининг озурдалигини маъшуқ ноzi сингари тушунмаслигимиз керак. Бу «истиғно» — ишқдан тавба-тазарру «аҳди» замирида ошиқ кўнглининг ҳар қандай азобларга бардош бериш, дарду балоларга тайёр туриши маъноси ётади. Ошиқ ишқ кийноқларидан қутулишга чора излайди, аммо қўллаган талбирлари беҳуда бўлиб чиқади. Чунки у бу домга абадул-абад гирифтор, ишқни тилга олмайман, дейди, лекин у тилига келаверади, сиррини элга билдиргиси келмайди, аммо дарди ошқор бўлаверади. Зеро, ошиқнинг инонихтиёри ўзида эмас.

Одамда шундай ҳолатлар бўладики, оҳанрабодай тортиб турган нарсадан безор бўлсанг ҳам, жоннинг кийноғисиз яшаш мумкин эмаслигини, қутулишга интилиб, қутулолмаслигини англаб бадтар изтироб чекасан. Навоий айна шу руҳий ҳолатни қаламга олган, яъни тилда тавба қилиб, инкор этиб, аслида кўнгил қаърида бунинг аксини тасдиқлаш. Ўзига хос шеърини санъат бу. Бир неча байтда кўринадиган, баъзан бутун ғазал бўйлаб ёйиладиган ушбу усулнинг классик шеършуносликда номи йўқ. Воқеан, Навоий каби улуғ шо-

ирларнинг турфа санъатлари, услубий ихтироларига ном топиш, уларни тадқиқ этиш осон юмуш эмас. Навоий худди сон-саноксиз комбинацияларни ёд биладиган, ҳар гал янги, ҳайратланарли юришларни ўйлаб топиб, ғалабага эришадиган шохмоччи мисол иш тутадди. Сузнинг битмас-туганмас имкониятлари, мутаассир этувчи ифодавий қудратини намоён этиди. Суздан муъжиза яратиш, классикларнинг ўз тили билан айтганда, сузнинг додини бериш —улуғ санъаткорларга насиб бўлган бахт.

Рамали мусаммани маҳзуф баҳрида ёзилган ушбу ғазалнинг аввалги беш байти ана шу тавба-тазарруу мазмунида, яъни «инкор — тасдиқ» усулида ёзилган, шу жиҳати билан бу байтлар узаро боғланади. Колган уч байт ғазалнинг умумий мазмуни билан бевосита эмас, балки бавосита боғланади. Шу сабабли ғазални пароканда дея оямаймиз. Туғриси айтганда, мен «пароканда» истилоҳини шеърга нисбатан қўллашга қаршиман. Чунки парокандалик бадий асарга ҳос хусусият эмас, у бутунлай боғланмаган байтлар йиғиндисини билдиради. Улуғ шоирларда, жумладан, Навоийда бундай шеър йўқ. Байтлар, юзаки қараганда, мазмунан боғланмаган, турли мавзуда бўлиб туюлса-да, ботинан улар узаро алоқадор. Шунинг учун бундай ғазаллар таҳлилида бевосита боғланиш (мусалсал) ва бавосита боғланиш деган тушунчалардан фойдаланишни маъқул деб биламан. Шундай қилиб, мазкур ғазал ҳасби ҳол, яъни ошиқ кечинмаларини ифодалайдиган асар бўлиб, байтлари қуйидагича шарҳланиши мумкин.

Биринчи байт:

*Аҳд қилдим ишқ лафзин тилга мазкур этмайин,
Тил неким, хомам тилидин доғи мастур этмайин.*

«Мазкур» — зикр этиш, тилга олиш, «хома» — қалам, «мастур» — ёзиш, рақам этиш. Колган сўзлар тушунарли. Аммо бу байтнинг, қолаверса, бутун ғазалнинг ўзак — калит сўзи *ишқ*дир. Ишқ нима? Одамлар орасидаги

алоҳида майл, севги, муҳаббат, деб жавоб берамиз дафъатан ва аксар аёл билан эркакнинг узаро муносабатлари, бир-бирига интилишини кўз олдимизга келтирамиз. Албатта, аёл ва эркак орасидаги муҳаббат, оила ишқ асосига қурилса ёмон бўлмайди, бу ҳаёт қонунига мувофиқ, чунки ҳаётнинг ўзи ҳам муҳаббатдан яралган. Лекин ишқни кенгроқ маънода, кайҳоний андозага олиб қарасак-чи? Суфий орифлар тушунадиган маъноларга диққат қилсак-чи? Ахир, Навоий ишқнинг ана шу маъноларига купроқ эътибор берган-ку. Суфийлар талқинига кўра, ишқ—дўстлик туйғусининг олий даражага кўтарилиши: дўст орқали маърифатни, Илоҳни севиш. Воқеан, дўст тушунчасининг ўзи ҳам куп маъноли, «дўст» деганда улар юксак заковат, қалбида эзгулик нури порлаб турган инсон ва Мутлақ илоҳни англаганлар. Ана шундай дўст, яъни Ёр ишқига гирифтор бўлган одамлар бир-бирларисиз туролмайдилар, агарчи бу боғланиш юз қулфат ва алам келтирса-да. Шунинг учун ишқ сўзи *ранж*, *дард* сўзлари билан маънодош бўлиб қолган. Бу сўзнинг асл этимологик маъноси ҳам шунга ишора этади: у арабча «ашақа» (зарпечак) сўздан келиб чиққан. Зарпечак, биламизки, ўт-ўланлар, дарахтларга ўраниб олиб, уларнинг ширасини сўриб қуритадиган гиёҳ. «Ишқ ҳам авжга кўтарилганда бамисоли зарпечакдай одамни бедармон қилади, сезиш қобилиятини сусайтириб, еб-ичишдан маҳрум этади, ишққа чалинган кишига ўзгаларнинг гап-сўзи малол келади, у дўстдан бошқага қарамайди», деб ёзади «Истилоҳоти урафо» луғатининг муаллифи Саййид Жаъфар Сажжодий (289-бет). У яна давом эттиради: «Дейдиларки, ишқ шундай бир ўтки. ошиқнигина эмас, маъшукни ҳам ёндиради, ишқ бало дарёсидир ва илоҳий жунундир ва дилнинг маъшук сари қиём этишидир».

Ишқ олдида денгизлар — томчи, тоғлар — зарра. У денгизни жўшу хурушга келтириб, тоғни талқон қила олади. «Эй ишқ, балойи жон эрурсан, ҳам жонима дармон эрурсан», дейди Алишер Навоий «Лайли ва Мажнун» романида.

нун»да. Бу ҳақда олдинги шарҳларда тухталдик, так-
рорлашга ҳожат бўлмаса керак. Фақат бу уринда шуни
эслатиб утамизки, ишқ азобига чидамаган ошиқ
ҳақиқий ошиқ эмас, бўлмаса, у Навоийнинг лирик
каҳрамони каби: «Энди ишқ сўзини тилга олмасликка,
тилга олиштига эмас, уни ҳатто қоғоз саҳифасига ёзмас-
ликка аҳд қилдим», - дейиши ҳеч гап эмас. Гирифтор-
лик гирдоби ичидаги ҳасрат бу, аммо у ёлғон «аҳд».
Аслида ошиқ бу баҳри азимга балтар шунғимоқчи, зеро
ошиқнинг занжири ҳам, қаноти ҳам ишқ, уни буд эта-
диган ҳам, нобуд қиладиган ҳам қутулиб бўлмас шу
Буюк жозиба. Шоир иккинчи ва учинчи байтларда
«аҳди»ни давом эттиради; чунончи, иккинчи байт:

*Барча элга фитна бўлгон кўзга мафтун бўлмайин,
Ҳар киши наззора айлар юзни манзур этмайин.*

Яъни: «Барчани фитна — фириб билан алдаган кўзга
мафтун бўлмасликка (алданмасликка), барча қарайди-
ган юзга қарамасликка аҳд қилдим». Барчани фитна
билан узига мафтун этадиган кўз дунё бўлиши ҳам,
дунё нафосати билан боққан Мутлақ руҳ чашмаси бўли-
ши ҳам, юз-кўздан нур ёғилиб турган комил инсон
бўлиши ҳам мумкин. Ҳар ҳолда маъшук кўзи фитна-
кор, алдамчи эканлиги аниқ. У барчани ошуфта этади.
Ишқ аслида ана шу мафтункор юзу кўзга қарашдан
бошланган, уша кўзларки, бечора ошиқни бир лаҳза
тинч қўймайди. Хўш, агар юз ва кўз илоҳий сифат —
тажаллиёт белгиси бўлса, нега у мафтункор, алдамчи?
Гап шундаки, сўфийлар наздида маъшук кўзи — басы-
рат даражаси, яъни қалб кўзининг ўткирлиги, айни
вақтда у ошиқни имтиҳон этувчи, синовдан ўтказувчи
куч. Илоҳий жамол турли кўринишда жилोलаниб,
қалбга йўл излайди. Жило, мавж, товланиш — сеҳру
жоду, мафтункорлик эмасми? Кўз, шу билан бирга,
ғайбнинг манбаи, сиру асрор чашмаси. Юз эса — ило-
ҳиёт жамоли тимсоли ва комил инсон чеҳраси. Наво-

ни даври кишиларнинг ва буюк шоир тушунчаси ана шундай. Ҳам олам нафосати, ҳам инсон қалби гузаллиги ва ҳам барча гузалларнинг гузали, барча равшанликлар манбаи деб ҳисобланган Илоҳни бир ибора, бир ташбеҳ билан ифодалаш, Уни лирик кечинма орқали ёниб куйлаш. Буларнинг ҳаммаси Яхшилик ва Эзгуликка ошиқликни таърифлаш ва охир-оқибат инсон маънавиятини юксалтиришга хизмат этиш истагидан туғилган. Оқил ва одил инсоннинг юраги Илоҳ фазилати билан тўлиқ ва бу унинг аъмоли, фитратида намоён бўлади, бошқалар шу қалбнинг файзини идрок этиб, ундан баҳра олиб, Илоҳга яқинлашадилар. Шунинг учун бундай файзли одамлар эътиборни тортади, ҳамма уларга қараб интилади, уларнинг хоки пойини кўзига суртади. Шу учун бу илоҳий юз ва «фитнакор» кўзлардан бекинмиш — Илоҳдан юз ўгириш билан баробар! — Яхшиси Ишқ оловида ёниш насиб этсин, жоду кўзлардан жудо қилмасин.

Учинчи байт:

*Ишқ куфри бирла тақво хонақосин бузмайин,
Бут ҳаёлидин кўнгила дайрини маъмур этмайин.*

Ишқ — куфр, ошиқ бўлиш — кофирлик. Бу кимнинг фикри? Албатта, бу мутаассиб диндорлар, ишқу ошиқликнинг ҳақиқий маъносини тушуниб етмаган кишиларнинг фикри, улар ҳаётни, илоҳий муҳаббатни куйлаган шоирларни шундай тамғалар билан айбламоқчи бўлганлар. Лекин кизиғи шу ердаки, тасаввуфнинг ваҳдат ул-вужуд фалсафасини чуқур идрок этган шайх — орифлар, айниқса. Ағтор, Румий, Хофиз, Жомий, Навоий, Манраб каби шоирлар буни ўзлари ҳам тан олганлар. Чунки, суратпараст, масаланинг моҳиятига етмаган жохил руҳоний талқинидаги кофирлик билан сўфий шоир назарда тутган кофирлик бошқа-бошқа нарсалар. Руҳонийлар бугга сиғинган одамларни кофир десалар, сўфийлар «қасрат оламининг зулми, дунё талаби, ваҳдатдан жудоликни» куфр деб уқтир-

ганлар («Миръот ул- ушшоқ»). Ишқнинг кофири бўлиш — суфий наздида ҳақиқий имонга эга бўлиш, нечунким, фарқлар, кўпликлар олами орқали, ёпиклик пардасини кутариш, дунёни тарк этиш орқали ваҳдатга етилади. Диндор руҳоний Илоҳни севишни эмас, Унга сажда қилиш, тоат-ибодат билан жаннатий бўлишни тарғиб этади. Суфий бўлса, Илоҳдан бошқасини тан олмайди, расм-русумлар, одат-маросимларни инкор этади, Илоҳ жамоли ақс этган барча мавжудотни, бутни ҳам, насроний кизни ҳам севиш мумкин, деб таълим беради. Шайх Санъонни эсланг (Навоийнинг «Лисон ут-тайр» асари қаҳрамони). У румлик кизга ошиқ бўлиб, исломдан воз кечиб, насроний динига киради, ишқ йўлида нимаики юз берса — барига чидайди ва оқибатда илоҳий муҳаббатга эришади. Шайх Санъон саргузаштига диққат қилинса, ваҳдат майидан сархуш суфийлар эмас, балки такводор зоҳид ва сохта шайхлар кофир бўлиб чиқади. Чунки «кофир — сифот, асмоъ ва афъол даражасидан утмаган одам» («Миръот ул- ушшоқ»). Навоий «ишқ кофири» иборасини «бут» ва «дайр» сўзлари билан ёнма-ён қўллаган. Сабаби шуки, «бут» асосий мағлаб, мақсад, яъни маъшуқ тимсоли, дайр эса — бутхона, оташпарастиллар ибодатгоҳи бўлиб, тасаввуф истилоҳида орифлар мажлиси ва зоти аҳадият хузуридир. Кўнгил дайрини бут хаёли билан безаш — пир суҳбатини кўмсаш демак. Шундай қилиб, байтнинг мазмуни бундай: «Ишқнинг беҳудликлари, парҳезсизлиги, сармастлиги билан тақво — тийилиш, яъни зоҳид хонақоҳини бузмаслик, маъшуқага сифиниш, унинг ёдида ёниш фикри билан кўнгил уйини обод этмасликка аҳд қилдим», яъни пир суҳбатидан дилимни узишга сўз бердим.

Тўртинчи байт:

*Хар кеча бир лаб майи васлидин этмай жонни маст,
Хар кун онинг ҳажрида кўнглимни махмур этмайин.*

Кеча ва *кундуз*, *васл* ва *ҳижрон*, *май* ва *махмурлик* сўзлари ҳам тазод ва ҳам таносуб санъатларини ҳосил этиб, аввалги байтларда ифодаланган ошиқлик шарт-

ларини инкор этиш давом эттирилган. Суфиёна талқинга риоя этадиган бўлсак, лаб — маънавият оламиндан малаклар воситасида анбиё ва орифларга нозил бўлиб завқ ва илҳом пайтида улар кўнглидан тилига кўчадиган калом («Миръот ул-ушшоқ»), май — илоҳий тажаллиёт, махмур — шу ваҳдат майидан беҳудлик. Байтнинг мазмуни: ҳар кеча бир ширин лаб, яъни ориф кўнглида пайдо бўлган илоҳий каломни эшитиш лаззатидан жонимни маст қилмайин ва ҳар кун шу каломдан ажралиб, кўнглимни хуморли (бу сўз кўмсаш, соғиниш маъносига ишлатилган) қилмайин. деб қарор эттим. Ёки мана бундай шарҳлаш ҳам мумкин: «Ҳар кеча пири орифнинг маънавият оламиндан илҳом бўлиб тушган каломи лаззатидан жонни хушнуд этиш ва ҳар кун уша маърифат каломини кўмсаб, хумор бўлишдан тийинайин дедим». Навоий бу байтда кеча-кундузни қиёслаганда ёруғлик ва зулумотни эмас, балки, аксинча, кечаси бўладиган пиру мурид орасидаги хилват суҳбатларни, кундузи эса уларнинг узаро ажралиб кетишларини назарда тутган. Демак, ошиқ учун бундай кундузлардан кўра, пир васлин мунаввар этган тун афзал.

Шу тариқа, тўртта байтда ошиқнинг “ўз маслагидан қайтишга аҳдлари” баён этилиб, шеърнинг оҳанги, матн кабатыдаги маънолар эса барча «аҳд»лар ёлғон эканини, инкорларнинг замирида тасдиқ яширинганини билдириб туради. Ошиқнинг ана шу кинояли ҳолатини англайтиш учун шоир бешинчи байтда оҳиста “мантиқий ўтиш” усулини қўллайди, ғазал мазмунига ўзгариш киритилади. Мана уша байт:

*Ғар чидай олмай кўнгул берсам бировга ногаҳон,
Бори эл ичра чидай олгунча машҳур этмайин.*

Ошиқликнинг талабларидан воз кечишга «аҳд» қилган лирик қаҳрамон энди ўзининг бунга чидай олмаслигини англайди, энди у бир ғузалга, муқаррам дўсти азизга кўнгул бериши муқаррар. Лекин энди у ишқини пинҳон туттишга «аҳд қилади», дейди. Аммо бу иш им-

кондан хориж, чунки ошиқлик ошкора булмаи иложи йук — дардни яширсанг, иситмаси билдириб қўяди.

Шундай экан, ишқ ва майни (вахдоният нуруни) тарк этиб булмади.

*Ишқу май анжоми чун ҳажр улди, қўй, эй шайхким,
Ўзни иқболдин куч бирла маҳжур этмайин.*

Анжом — тугалланиш, оқибат демак. *Маҳжур* — айрилиқда қолган одам. Байтнинг насрий мазмуни эса бундай: «Ишқ ва май, яъни илоҳий неъматга интилишни йиғиштириб қўйиш, тарк этишнинг оқибати ҳажр — айрилиқдир. Қўй, эй шайхким, ўзимни бу саодат — ошиқлик ва бодапарастлик саодатидан куч билан ажратмайин».

Мана энди ҳаммаси равшан бўлди: Алишер Навоий такводор шайх гапига кириб, ошиқликни тарк этмоқчи бўлган одамнинг ахволини кўрсатмоқчи экан. Шайх ишқни куфр деб, беҳуда, маъносиз нарса деб тушунтирган, уни тилга олмасликка, фитначи кузларга қарамасликка чақирган. Аммо ошиқ охири билдики, Ишқдан — илоҳий файздан ажралиш азоби ишқ азобидан кўра ҳам зўрроқ, йук-йук, бугина эмас, ошиқлик азоби хузур-ҳаловатга элтувчи, рухий камолот сари етакловчи тозаланиш, халос бўлиш азоби экан. Шунинг учун бу азоб — саодат.

Хуллас, лирик қаҳрамон ғазалнинг олтинчи байтига келиб, ўз баённомаси («аҳди»)дан бутунлай кайтади, унинг олдин айтган гаплари ўз-ўзини синаш, ёхуд аллақандай кинояли усулда ишқ оловининг шуҳратини муболағали қилиб ифодалашдай таассурот қолдиради. Инкор замиридаги тасдиқ зоҳирий тасдиққа айланиб, ошиқнинг ўз имкону эътиқодида собит эканлиги маълум бўлади. Мана шундан кейин Навоий қўйидаги умумий контекстга «ёпишмайдиган» еттинчи байтни келтиради:

Зулм ила эл жонига ут ёқма, эйким шоҳсен,

Гар десанг дузах утига жонни махрур этмайин.

Ошиқона ва орифона ғазалларда, купрок мактаъдан олдинги байтда бирор угит-насихат қилиш ғазалчиликда кам учрайдиган ҳодиса эмас. Бундай ҳолни Хофизу Саъдий, Жомий ва Навоийда тез-тез учратамиз. «Дузах оловига жоним куймасин десанг, эй шоҳ, зулм билан халқ жонига ут ёқма». Бунинг олдинги байтларга алоқадорлик жойи борми? Бевосита эмас, аммо бавосита бор. Ишқсизлик, Илоҳдан беҳабарликнинг ўзи зулм демак, бундай одам подшо бўлса — эл холига вой, чунки ишқи йўқ одам бераҳм, бешафқат булади. Илоҳ ишқи, умуман кўнгилнинг муҳаббатга мойиллиги одамни адолат ва инсофга ошно этади. Навоийнинг бу кистирма насихат байти шундан далолат берадики, у лирик кечинмалар тасвири асносида ҳам шоҳни адолатга чақиринч, золимларни жазолаш, халқни улардан халос этиш ғоясини утқазинини дозим топган ва буни зарур деб ҳисоблаган. Ишқ, илоҳ, адолат тушунчалари Навоий учун узаро яна алоқадор. Унинг катта-кичик барча асарларига бу ғоя сингдирилган. Ғазалнинг мактаъи ҳам еттинчи байт каби умумий мазмунга туғридан-туғри боғланмайди, аммо у еттинчи байтнинг ўзига ҳам унчалик яқин эмас:

Гарчи маъмур улди маъмур, эй Навоий ўзни мен

Дўст маъмур айлаган хизматда маъмур этмайин.

Маъмур сўзининг бир маъноси амр — фармон, иккинчи маъноси обод, фаровонлик. **Маъмур** — узрли, кечирилган. Бу икки сўз байтда тажниси санъатини яратинига хизмат қилган. Яъни «Гарчи маъмур — маъмур (подшо амри вожиб бўлганидай дўст хоҳини ҳам вожиб) деган мақолга асосан, эй Навоий, мен ўзимни дўст амр айлаган хизматдан четга тортмайин». Ёки: «Узрларим қўнайиб кетди, эй Навоий, дўст амр айла-

ган хизматдан узимни маъзур тутмайин» ва яна: «Гарчи узрхоҳлик кўпайиб кетган бўлса ҳам, эй Навоий, мен дўст обод айлаган мажлис хизматида буйин товламайин».

Бу уч изохимизда ҳам Навоий байтининг маъноларидан қайсидир томони акс этди, бироқ, назаримда, иккинчи вариант ҳақиқатга хийла яқин, чунки у ғазалнинг умумий мазмунини яқунлай олади. Мақтаъдан бошлаб давом этган «аҳд»ларини шоир узрхоҳлик деб айтади, яъни узрим жуда узайиб кетди, кел, гапни қисқа қилиб, Дўст амр этган хизматни узр айтмасдан бажарайин, дейди у. Ошиқ учун дўстнинг хизматида ша-рафли иш йўқ, у доим бунга тайёр туриши керак. Улуғ шоирнинг маслағи шу эди.



Афтидан, бу Алишер Навоийнинг ўз ҳаёти билан боғлиқ воқеаларни акс эттирувчи ғазаллардан бири. Чунки унда яқин кишисидан ажралиб, шодлиги ғамга мубаддал бўлган, қаттиқ қайғу чеккан одамнинг ҳасрат-ўкинчлари, бевафо ва бебақо дунё, унинг нотанти ишларидан норози қалбнинг нидоси ифодаланган. Классик шоирлар ўз андуҳлари, шахсий кечинмаларини ҳам анъанавий образларда, умумий тарзда баён қилишни маъқул кўрганлар, лекин, шундай бўлишига қарамай, ушбу шеърда анъанавий ифода-истиоралар замирида инсоний дард, мотамзада юракнинг фиғон-ҳасрати, нохуш қайфиятини ҳис этамиз. Бироқ ғазал гарчи андуҳли оҳангда бошланиб, унда навоиёна ўртаниш — ёнишлар гулғуласи кўкка ўрлаган бўлса-да, асар мақтаъга келиб умумий умидворлик, илоҳий ишққа дахлдорлик туйғуси қалбга сингади.

Шоир ғазални жудолик дардидан бетоқат дилнинг галаёнини тасвирлаш билан бошлайди:

*Соқийё, талх ўлди айшим ҳажр бедоди била,
Тут ачиғ майким, ичай Мирзо Чучук ёди била.*

Агар «Мирзо Чучук ёди» деган маълумот бўлмаганида, байтни одатдаги ошиқона мазмунли шеърлар қаторида таҳлил қилган бўлардик, яъни ошиқнинг ҳижрондаги изтироблари сифатида талқин этардик. Албатта, бу ерда ҳам айрилиқ ҳақида гап боради, аммо бу бошқа хилдаги айрилиқ. Шоир сўфиёна ишқи илоҳий ёхуд севгилисидан ажралган одам кечинмасини эмас, балки меҳр қўйган, азиз тутган одамини йўқотган кишининг ҳолатини қаламга олади. Хўш, Мирзо Чучук деб Навоий кимни назарда тутган? Мирзо Чучук — Темурий шаҳзодалардан бўлиб, ниҳоятда чучук тилли, шеър ёзиш истеъдоди бор йигитлардан бўлган экан. Навоий уни “Мажолис ун-нафоис” тазкирасида тилга

олган. Йигит дардга чалиниб, вафот этган. Навоий-нинг мазкур ғазали ёш умри хазон бўлган шу йигит хотирасига бағишланган. Шоир айрилик дардини изҳор этиб, анъанавий образлар орқали буни тасвир этади. Матлабдаги «талх» (аччиқ) ва «чучук» сўзларининг бири-бирига зид қўйилиши ҳам шунга ишора: Мирзонинг ширин ёди билан аччиқ май ичай, дейди шоир. Энди байтнинг мазмунини келтирамиз: «Эй соқий, айрилик-нинг зулмидан ҳаётим майи, яъни турмушим аччиқ бўлди, сен ҳам менга аччиқ май тут, токи Мирзо Чучукнинг ширин ёди билан ичайин». Май бу ерда одатдаги шароб ҳам, рухий сархушлик тимсоли, илоҳий маърифат нури ҳам эмас. Бу инсоний кайфиятнинг, рухий изтиробларнинг йиғма ифодаси — ғаму хасрат рамзи. Шундай қилиб, май факат шодлик ва сурур, дилхушлик ифодасигина эмас, мотамзадалик, андуҳнинг ҳам ифодасидир. Фарқ шундаки, «айшнинг талх» ўлишини ифодаловчи май «аччиқ май»дир.

Иккинчи байт:

*Синқориб жоми синехр, ақдоҳин айлай рез-рез
Неча чеккайман забунуғ чарх бедоди била.*

«Синехр» — осмон, фалак: «ақдоҳ» — қадахлар. Шоир бу сўзлар воситасида ажойиб петтиорали тасвир яратган: осмон жомида май ичиб, унинг қадахларини майда-майда қилиб танглайман, дейди у. Қадимгиларнинг тасаввурда осмон етти қаватдан иборат, Навоий ана шу қабатларнинг ҳар бирини бир қадах деб олади ва шуришу ошубим шунчалик зўрки, осмон жомини синқориб, қабатлари — қадахларини чил-чил қилиб синдириб танглайман, дейди у. Чунки чархи фалак — осмоннинг зулми ҳаддидан ошган, қачонгача ундан алам, хорлик чекин мумкин? «Хажр бедоди»ни шоир «чарх бедоди» билан боғлайди, зеро дуётни дуётдан жудо этган, бир дам шодликни раво қурмайдиган ғаддор душман шу забун (наст) ва ситамгар чарх-да! Бу

уринда шундай савол туғиладики, Навоийнинг фалакка қарши бош кўтариши, исён унинг тасаввуфий эътиқодига зид эмасми? Ахир осмону фалакни ҳам Аллох яратган-ку? Буни англаш учун «тақдир» истилоҳининг маъносини билишимиз лозим. Тақдир ёки тақдири азалий — бу киши ҳаёти, фаолиятининг Худо томонидан олдиндан белгиланиши демак. Бу тушунча тасаввуфда кенгрок маънода талқин қилинади: Мутлақ рух томонидан ажралган моддий дунё ўзи мустақил ҳаракат қила бошлайди, одам фарзанди ана шу моддий дунёдан жабр кўради, Мутлақиятнинг ўзидан эмас. Демак, Навоий осмонга қарши ғазабкор норозилик изҳор этганда, Тангрига қарши эмас, балки ҳамма вақт инсонни азоб-қирқобларида тутадиган, ўз муроди бўйича яшашга имкон бермайдиган чархи фалакка қарши чиққан бўлади.

*Зухд кўнгулм кўзгусин қилмиш муқаддар, эй ҳариф,
Синдиурмен тавба пири ишқ иршоди била.*

«Зухд» — парҳез, тийиниш, узлат. «Хариф» — суҳбатдош, дўст. «Иршод» — тўғри йўл кўрсатиш, хидоят. «Муқаддар» — ғуборли, қора, ғамгин. Байтнинг маъноси бу турур: «Зухд, яъни зоҳидона тавба-тазарру кўнгулимнинг кўзгусини ғуборли қилибди, эй дўст, бундай тавбани ишқ пирининг раҳнамолигида синдириб ташлайман».

Тавба тасаввуфда ҳам бор, аммо унда бу тушунча тариқат йўлига киришнинг биринчи босқичи, ҳаром-ҳалолдан тийинишни англатади. Зоҳид тавбаси, шундай қилиб, тараққий топмаган, намойишқорона тавбадир. Осмон қадахларини «синдириш» билан зухд тавбасини «синдириш» орасида алоқа борми? Агар зоҳидлик билан осмон, яъни дунё ва дунёпарастликни алоқадор деб ҳисобласак, унда осмон қадахини синдириш билан зухд тавбасини синдириш ҳам алоқадор бўлиб чиқади.

*Бевафоллик гар будурким қилди ул шўх, эй кўнгул,
Сирфа қилмас оштолғ одам авлоди била.*

Бу байтнинг маъноси «сирфа» сўзининг («Ғаройиб ус-сифар» девонининг 1959 йилги ва «Бадоеъ ул-бидо-я»нинг 1988 йилги нашрида мазкур сўз шу кўринишда чоп этилган) маъносини англаш орқали билиб олинади. Алишер Навоий асарларининг изоҳли луғатида «сирфа» жабр, зулм, жафо деб тушунтирилган ва ушбу байт мисол килиб келтирилган. «Фарҳанги забони тожик» луғатида мазкур сўз йўқ, балки «сирф» сўзи борким, унинг маъноси холис, соф, факат, ҳечдир. «Ғиёс ул-луғот»да ҳам сирф (сирфа сўзи йўқ) сўзи шу хилда изоҳланган. Зулм, жабр маъносини кўйиб кўрайликчи: «Эй кўнгил, бевафолик агар ул шўх қилган даражада бўлса, зулм (жабр) қилмас ошнолик одам авлоди била». Кўри-ниб турибдики, маъно чиқмади: зулмнинг ошнолик қилиши ёки қилмаслиги мантиқсизлик. Энди «холис», «соф», «ҳеч» сўзларини қўллаймиз: «Бевафолик агар ул шўх қилганчалик бўлса, холис (соф) қилмас ошно-лик одам авлоди била» ёки: «Бевафолик агар уша шўх қилганчалик бўлса, ҳеч қилмас ошнолик одам авлоди билан». Бу жумлаларда ҳам аниқ маъно йўқ, байт китобхон учун жумбоқ бўлиб тураверади.

«Ғиёс ул-луғот»да мазкур сўзнинг сарф ва сарфи шакллари ҳам келтириб, изоҳланган. Сарф — олтин ва кумушни саралаш, харажат қилиш, сарфлаш, шунинг-дек, бута, хийла ва ҳодиса, замоннинг айланиши ва бiron нарсанинг тунтарилиши. Сарфа — ёруғ юлдуз, у Ой манзилларидан ўн иккинчисининг номидир, бахиллик, хасисликни билдиради: хийла ва макр, зикна-лик рамзи. Бу маъноларнинг қайси бири Навоий бай-тига мос келади? Агар феъл сўзини оладиган бўлсак, сарфлаш, харажат қилиш, агар равишни оладиган бўлсак, сира, ҳеч, агар от сўз керак бўлса, юлдуз, фа-лак маъносида олишимиз мумкин. Сарфлаш маъноси-да: «Ул шўхнинг бевафолиги — жабру ситами шунақа бўлса, у одам авлоди билан ошнолик қилмайди, яъни одам авлодига ошнолигини сарфламайди». Бунда «ул шўх» — пари, рух, умуман реал бўлмаган хилқат сифа-

тида англашилади. Сира маъносида: «Агар ул шўхнинг бевафолиги шунақа бўлса, у одам авлоди билан сира ҳам ошнолик қилмайди». Юлдуз маъносида: «Бевафолик агар ул шўх қилганчалик бўлса, Сарфа, яъни юлдуз одам авлоди билан ошнолик қилмайди». «Сарфа» сўзининг яна тежаш, фойда маънолари ҳам бор: «Агар бевафолик ул шўх қилганчалик бўлса, одам авлоди билан ошнолик фойда қилмайди». Кейинги талқинда маъно борга ўхшайди, дарҳақиқат, махбубанинг бевафолигини кўрган лирик қаҳрамон «Одам боласи билан ошнолик қилишнинг фойдаси йўқ экан», деган хулосага келиб, ҳафсаласи пир бўлиши мумкин. Шунинг учун, «Фаройиб ус-сиғар»нинг янги нашрида «сирфа» сўзининг «сарфа» деб тузатилганини маъқуллаш лозим.

Навоий ўлимни айрилик, деб, ошиққа зулм деб олар экан, уни бевафолик ҳам деб атайди. Ошиқни доғда қолдириб, ташлаб кетиш. Чархнинг, замонанинг бевафолиги, ситамидан бир нишона бу. Шу нуқтада «сарфа» сўзининг замон айланиши, юлдуз (чархи фалак тимсоли), хийла, макр, хасислик маънолари ҳам туташади. Фалак одам авлоди билан ошнолик қилмайди, пари одам авлоди билан ошнолик қилмайди ва ҳоказо.

*Баски синди нахли уммедим, хушо ул боғбон,
Ким эрур хушҳол бир навроста шамшоди била.*

Маъноси: «Умидим ниҳоли синди эвоҳ, нобуд бўлди. Кўкарган шамшоди билан хушҳолу хурсанд юрган боғбонга ҳавасим келади, қандай яхши!» Аламли ўкинч ва дард бор бу мисраларда — нахли уммедини йўқотган одамнинг ичидан отилиб чиққан ўкирик ва бошқаларга нигоҳ ташлаб таскин топиши. Унинг ниҳоли синган, умидлари чилпарчин, аммо бошқа боғбонларнинг ниҳоли кўкарган, улар шод. Бу ҳасад эмас, бу умидли нигоҳ, ҳаётга, абадиятга боғланиш, ҳаёт абадиятини хис этиш. Байтдаги «синди» сўзи олдин ўқиганимиз

«рەз-рەз», «синдирурман» сўзларини эсга солади. Синиш — улим, синиш — исён, синиш — тоқатсизлик, рухий зилзила. Фалак зулми, ажал шамоли унинг умид ниҳолини синдирди, у бўлса бир ғазабга келиб, осмон каватларини синдиришга чоғланади, бир аччиқ-аччиқ, хасрат майини сипқоради, бир «навраста шамшоди»дан хушхол боғбонларга қараб таскин топади. Шу-да, инсоннинг аҳволи, унинг қулидан бошқа нима ҳам келарди? Шоир аламзада одамнинг рухий аҳволидаги ўзгаришлар, тулқинларни бир неча шеърий байтда ана шундай теранлик билан чизади. Кейинги байтларда таскин оҳанги, ноиложлик, ночорлик давом эттирилган. Масалан, олтинчи байт:

*Чун ҳудий Лайли қулоқин ёлқитур, Мажнун, не суд
Тоғни гар келтурур афғонга фарёди била.*

Яъни: «Эй Мажнун, фарёдинг билан тоғни фанга келтирганингдан нима фойда. Лайлининг қулоғи туякашнинг қўшиғи билан тўлган». Шоир ўзининг оху ноласидан пушаймон, чунки бўзлаб дод солишлар, фалакнинг гирибонидан олиш ҳеч бир нафъ келтирмайди, ҳеч ким уни эшитмайди. Ҳатто Лайли ҳам Мажнуннинг фарёдларидан туйган. Ўкириқлар беҳуда, ундан кўра, муаззам, беҳудуд Ишқ саҳросига қадам қўй, ўзингни шу билан овут — нажот шунда, деб уқтиради у:

*Эй Навоий, ишқ саҳросида худ қўйдинг қадам,
То печук, лошқайсан ул поёни йуқ, водий била.*

Ишқ водийси — илоҳий даргоҳ хузури бир-биридан ажралган дўстларнинг васлга эришадиган, дийдор кўришадиган жойи. Инсон руҳи уз маҳрамини излаб топади. Навоий ва унинг замондошларининг ишонч-имони шундай эди. Шу сабабли шоир ишқ водийсига кир-

дингми, имиллама, олдинга интил, деб жаҳд этгани. Яъни, «Эй Навоий ишқ саҳросига қадам қўйганиндан кейин, энди нега бушашасан» («лошкайсан» — қадимги туркий сўз бўлиб, бушашмоқ, имилламоқ маъноларини билдиради) поёни йўқ бу водийда. Ғазал Навоийга хос ана шундай мантикий яқун — шоирона руҳбахш оҳанг билан ниҳоясига етган.



Шарқ шоирлари асарларини мутолаа қилар экан-миз, *дарвеш*, *гадо*, *фақир* *соҳибдил*, *солиҳ*, *ориф* каби сўзларга тез-тез дуч келамиз. Ва, аксар бу сўзлар *шоҳ*, *шаҳзода*, *султон*, *салтанат* сўзлари билан ёнма-ён келади, «шоҳ-гадо» контраст-зиддиятли ибора орқали эса турли хилдаги фикр-мулоҳазалар, ижтимоий-ахлоқий қарашлар баён этилади. Шундай экан, уйлаймизки, бугунги ўқувчилар ҳам мазкур сўзларнинг маъносини англаб олиши ва бу сўзлар ишлатилган асарлар замирида яширинган муҳим ғоялар, мутафаккир адибларнинг ҳамон долзарб бўлиб келаётган қарашларини би-лиши зарур. Хўш, дарвеш ким? Шоҳ-чи?

Форсча *дарвеш* сўзининг луғавий маъноси гадо, камбағал демакдир, яъни дарвешлик — бенаволик, қашшоқлик. Камтар, хоксор бўлиш, ўзини ҳақиру забун ҳисоблаш дарвешнинг асосий фазилати деб қаралган. Шу билан бирга, қаландарларни, узлатга чекинган гўшанишин кишиларни ва яна кўп ҳолларда ориф сўфийларни ҳам дарвеш деб атаганлар. Дарвеш кейинги маънода, айниқса, шеърятда кенг қўлланилган. Дарҳақиқат, тиланчи гадо билан дарвеш ёхуд сўфийнинг ижтимоий аҳволи, юриш-туришида ўхшашлик бор: сўфий ҳам гадо — дунё мол-мулкидан мосуво бўлган, жанда тунидан бошқа нарсаси йўқ қашшоқ одам. Аммо сўфийнинг дарвешлиги онгли-ихтиёрий саъю кўшиш натижасидир, унда тама йўқ, дарвешлик — унинг эътиқоди, у тариқат маслагини қабул қилиб, шу йўлда жонини, борлигини фидо этади. Шайх Абу Саид Абул Хайрдан сўфийлик нима, деб сўраганларида, у: “Кўлида бор нарсасини ўзгаларга бағишлаш, бошдаги бор номақбул фикр-хаёлларни ташлаш ва бошга нима (қийинчилик) тушса — чидаш», деб жавоб берган («Он чи, ки дар даст дорй — бидихий, он чи, ки дар сар дорй — бинихий ва он чи, ки ба сар ояд — начахий»). Сўфий дарвеш қорин тўйғизиш илинжида юрган пастхиммат,

беор тиланчилардан шу жихати билан фарқ қилган (воқеан, Алишер Навоий «Махбуб ул-қулуб»да угриларга шерик очофат тиланчи гадоларни нафрат билан маъзаммат этади). Суфий дарвеш ҳам тиланчи, лекин унинг тиланчилиги билан гадонинг тиланчилиги орасида еру осмонча тафовут мавжуд. Узини Ҳақ йулига бағишлаб, дунёдан юз угирган; бойлик, олтин-жавохирга бепи-санд қараб, инсоний шаъну шараф, ҳикмат ва маънавий ганжинани ҳар қандай зару зевар, сарвату маснаддан афзал деб билган; қаноатли-диёнатли дарвешнинг тиламчилиги (толиблик) Илоҳ жамолига етишиш, ғайбнинг сиру асрорини кашф этиш учун тинмай изланиш, рухни имтиёзлантириб, яйратиб боришдир. Дарвешлар зоҳиран афтодахол, жанда кийимда (хирқа) кўринсалар-да, лекин ботинан илм-маърифатли, закий, ҳозиржавоб ва мард-ҳамиятли кишилар бўлганлар. Яъни гуманист шоирлар наздида жамки яхши хулқ-атвор, карам-саховат, инсоний фазилат дарвеш одамда акс этиши керак. Шайх Саъдий «Гулистон» асарида ёзади: «Дарвешларнинг зоҳири жанда кийим ва киртишланган соч, ҳақиқати эса — тирик кўнгил, бедор дил ва ўлган нафсдир». Навоийнинг замондоши Мирхонд фикрига кўра: «Дарвешлик — афзалият касб этиш учун кураш демак». Шу хусусияти билан дарвеш ўз нафсининг ҳокимига айланади, саркаш нафсни жиловлаб, қаноат тахтини эгаллайди; маънавият мулкининг шоҳи бўлиб олади. Бундай мартабани эгаллаган дарвешларни «шоҳ дарвеш», «шайх», «хожа» (Баҳоуддин Нақшбандни муридлари «бизнинг хоҷамиз» деб тилга оладилар), «соҳибдил», «солиҳ» унвонлари билан эъвозлаганлар. Соҳибдил — ўз қалбининг эгаси, кўнгил амри билан юрадиган, хамиша огоҳ; ҳолнинг дардли кечинмаларини позик ҳис этувчи дийдаси уйғоқ одам демак. Солиҳ деганда эса соҳибдил фазилати билан бирга раҳм-шафқатли, карамли бўлиш ҳам назарда тутилади. Яхшилик қилишга қобил, некбин, ички дунёси бут, имон-эътиқодли кишиларга нисбатан солиҳ

сузи ишлатилган. Шайх Саъдийнинг «Гулистон» ва «Бустон» асарларида, Огаҳий таржима этган «Мифтох ут-толибин», «Далои ул-хайрот», Толибхўжа таржимасидаги «Хикоят ус-солиҳин» номли китобларда соҳибдил дарвешларнинг ажойиб-фаройиб хислатлари кизик-кизик хикоятлар тасвири орқали кўрсатилади. Солиҳ дарвешлар халқ молига кўз олайтирмасдан, ўз меҳнатлари билан кун кўрадилар, бировнинг ҳақини ейишдан ҳазар қиладилар. Улар нафсни жиловлаганлари учун бировга боғлиқ эмаслар, амал-мансабга интилмайдилар ва шунинг учун ҳам эркин-озод яшайдилар. На шохнинг қули, на хўжанинг бандаси, на фукаро шохи, на банданинг хўжасидирлар.

Хажга пиёда кетаётган дарвешнинг қўшиғидан:

*На ба астаре саворам, на чу хар ба зери борам,
На худованди раиат, на ғуломи шаҳриёрам.*

(Саъдий Шерозий, «Гулистон»)

(От минган эмасман, аммо эшак каби юк остида ҳам эмасман, раиятга подшоҳ ҳам, подшоҳга қул ҳам эмасман.)

Ха, дарвеш ҳамма дунёвий қайдилардан озод, унинг хаёли-хотираси ва қалбида биргина Илоҳ бор, холос. Зеро, озод, мустақил одамгина олий ҳақиқат учун мурасасиз жангга кира олади, мол-мансаб, унвон-мартаба таманда юрган одам албатта, ҳокимиятга, шохга, мансабдорга қарам бўлади, ўз продаси билан иш қилолмайди. Аммо шох-чи? У — қул, дунё қули! Чунки у мол-дунёга хирс қўйган одамларнинг энг «нешқ-адами», энг зури, унинг фикру ёди дунё эгаллаш билан банд. Шундай қилиб, шох дунёдан тўймаслик, зулму зўравонлик рамзи бўлса, дарвеш ўз хусусияти билан шохнинг бутунлай тескариси — салтанат, тахту тожни инкор этиш, унга нафрат тимеolidир. Абдурахмон Жомий буюрадилар:

*Тораки дарवेशи торик фориг аз тожи зар аст,
Камтарин тарк аз кулохи торакаи тарки сар аст.
Кай мукамма, гардад аз тарки ду олам он кулах,
3-он ки тарки дидани он тарк тарки дигар аст.
Сахраи нафси баҳимонро на зебад тожи фақр,
Сар ки ҳаст афсorro дархур на эҷоии афсар аст.*

(Тарк этувчи дарवेशнинг боши олтин тождан холидир, яъни тожни тарк этган, уни бошидан улоқтирган дарवेशнинг боши озод, олтину зар ҳаёлидан холи. Унинг уз бошининг тенгаси — тарки энг камтарин кулохдир. Бу кулох, яъни бош кийим икки олам — дунё ва охиратни тарк этишдан мукаммал буларминкин, чунки икки оламни тарк этган бошни куриш бошқачадир. Хайвоний нафснинг харсанг тошига дарवेशлик тожи ярашмайди, нухтага лойиқ бош — раҳбар булишга лойиқ эмас).

Демак, олтин тож кетидан югурган, дунёни эгаллашга ружуъ этган одам халқда раҳбар булишга қодир эмас, чунки у фақат узини уйлайди, ҳолбуки, уз манфаатини уйламайдиган одамгина узгалар манфаатини уйлаши мумкин. Бугина эмас, Жомийнинг фикри чуқурроқ: агар мақсад кишиларни нафс аждаҳосидан қутқариш, маънавият оламига етаклаш бўлса, уз нафси домига гирифтор шоҳ мамлакатни, халқни туғри йулга бошлай оладими? Йук, шоҳ уз ижтимоий аҳволи, мақсад-ниятни билан моҳиятан халққа раҳбар булиши мумкин эмас. Халққа раҳбар булиш учун бошни тож билан эмас, балки илоҳиёт нури билан, маърифат зиёси билан безани керак. Маърифат эса тожни тарк этган бошга муяссар бўлади.

Шу бонс шоҳу дарवेश жамиятнинг икки қарама-қарши қутби, икки хил моҳият, икки хил ижтимоий мақсаъ, бир-бирини тамоман рад этувчи икки хил интилиш, ақида — дунёқарани сифатида Шарк гуманист адибларининг диққат-эътиборини қаратиб келган. Бундан ташқари, мазкур муаммо мантиқини равишда ин-

сон хилқати, эрки, жамиятнинг тузилиши-тартиботлари дунёдорлик, жамиятни бошқариш, адолатли ҳукмдор, якка ҳокимлик ва фуқаро, жаҳонгирлик ва мазлум халқлар тақдири каби қадимдан давом этиб келган ва ҳамиша кун тартибида турган масалалар билан боғланиб кетарди. Бир томондан, шоҳлар, султонлар ниҳоят улуғланар, расмий дин эса шоҳлар пайғамбарнинг ноиби, Худонинг ердаги сояси деб уқдирар, аслзода синфлар вакили хону амирлар атрофига уюшиб, уларнинг химоясида жамият сарватларидан истаганча тасарруф этиш пайида булардилар. Феодал иерархия — мулкӣ нотенглик, тоифа-табақаларга бўлиниш шоҳга сўзсиз итоат этишни тақозо этар, унинг обрӯ-этиборига доғ туширмасликка интилишарди. Бутун мамлакат тақдири, миллионлаб одамларнинг тақдири якка ҳокимлик қилувчи шоҳлар қўлида эди. Шунинг учун подшонинг шахсияти, ахлоқи, одил ёки золимлиги Жомий ва Навоний сингари улуғ шоирларнинг доимий мавзуга айланиб, улар қарийб ҳар бир асарида бу хусусда тўхталганларини кўрамиз. Ва, муҳими шундаки, мутафаккир адиблар шоҳларни адолатга даъват этиш билан чегараланиб қолмай, одиллик ва золимликнинг сабаблари, қаердан келиб чиқиши ҳақида ҳам бош қотирганлар ҳамда буни тасаввуфнинг дарвешлик тариқати билан изоҳлашга интилганлар. Шоҳ ва дарвешни қиёслаш ана шу интилишдан келиб чиққан. Демак, бир томондан, шоҳни улуғлаш, уни жамиятнинг энг юқори мансабни эгаллаган ҳукмфармо одами деб ҳисоблаш, иккинчи томондан, уни оддий дарвеш билан қиёслаш, ҳатто ундан паст қўйиш. Воқеан, халқ ва Ҳақ наздида кимнинг обрӯ-этибори баланд — жаҳонни титратувчи «зилли Илоҳ» султонларми ёки гадо қиёфасидаги покдил донишмандми? Кимнинг химмати улуғ — ҳеч вақоси йўқ, лекин биров миннатини кўтармайдиган, узининг ҳалол меҳнати билан кун кўрувчи камбағалми ёхуд қилич зарби билан юрт очиб хазина тўплайдиган ва ўз маддоҳлари бошидан зар сочадиган шав-

катли подшоми? Агар ҳамма дарвешга айланса, мамлакат аҳволи нима кечади, ўшанда подшога ҳожат қоладими? Шоҳ дарвешга айланиши ёки тахтга дарвеш ўтириши мумкинми? Шоҳу дарвеш бир-бирига меҳр қўйиб, ўзаро яқинлаша оладими ё бўлмаса улар орасидаги зиддият абадул абадми? Қуришиб турибдики, шоҳу дарвеш муносабати фақат мавқеига кўра жамиятнинг икки қарама-қарши қутбида турувчи одамлар орасидаги муносабат эмас, балки ҳокимият ва билим, маърифат ва давлат, мулк ва сиёсат масалалари, улар орасидаги муносабатни ҳам қамраб олади. Буларнинг ҳаммаси эса умуман инсон ва ҳокимият масаласига келиб тақалади. Ҳокимият, тахту тож инсонга қандай таъсир этади, инсон табиатидаги қандай фазилатлар ёки нуқсон — оживликларни рўёбга чиқаради — бу жуда муҳим, чунки жуда доно, закий одамлар ҳам давлат тизгинини қўлга киритгандан кейин жабр ва зўрлик қилишдан тийилмаганлар! Не учунки, давлатнинг ўзи зўрлик қуроли, муайян кишилар манфаатини ҳимоя қилиш воситаси. Шоҳ ҳам истайдими-истамайдими, ўзи мансуб синфнинг манфаатини ҳимоя қилади, кимларгадир зўрлик қилади, кимларнидир жазолайди. Худди шу нарсанинг ўзи, яъни ҳокимлик, мансаб инсонни бузади, унинг ахлоқига, қалбига путур етказди. Аммо шоҳ кимни жазолаши, кимни ҳимоя қилиши керак? Жомий ва Навоий (улардан олдин ўтган мутафаккирлар ҳам) назарида подшо яхшиларни ҳимоя қилиб, ёмонларни жилолаши лозим. Ёмонлар деганда улуғ шоирлар халққа ноҳақ, зулм ўтказувчи ҳокимлар, қонун ва шариатдан ташқари чиққан руҳоний, кози-ю уламолар, қорилар, фирибгарлар, ортикча солиқ ундирувчи амалдорларни назарда тутадилар. Одил подшоҳ талбиркор чўпондай ўз фуқаросини ана шундай золимлардан ҳимоя қилиши, маърифат аҳлини ардоқлаб, улар маслаҳати билан сиёсат юргизиши керак. Маърифат аҳлининг пешвоси эса дарвешлардир. Бироқ инсондаги ҳокимиятга хирс, дунёпарастлик, бир-бири устидан ҳукм юритишга ин-

тилиш маърифатни, дарвешлик эътиқодини борган сари кўпроқ рад этар. унинг ғояларини саройдан четлаштирарди. Натижада шоҳу дарвеш орасидаги жарлик нафақат моддий нуқтаи назардан, балки мафкуравий-маънавий нуқтаи назардан ҳам кенгайиб борар, улар орасидаги зиддиятни чуқурлаштирар эди. Шунинг учун шоирлар шоҳу дарвеш масаласини ҳар бири ўз ижодий концепцияси, ижтимоий қарашларига амал қилган ҳолда турли йўсинда талқин этган бўлсалар-да, бироқ ана шу келиштириб бўлмас тафовутни акс эттиришни маъқул кўрганлар.

Ўрта асрлар Шарқида бу масаланинг муҳимлиги яна шу билан ҳам кучаярдикки, сўфий дарвешларнинг кўпи ҳаётнинг ўзида шоҳларга ва ҳокимиятга нисбатан қарма-қарши турганлар, айниқса, золим ҳукмдорларни жиловлаш, мазлум оммани зулмдан ҳимоя қилишни дарвешлар ўз бурчлари деб билганлар. Зеро, тасаввуфнинг ўзи таълимот сифатида ҳокимиятга, зулм ва зўрликка қарши эди, шу заминда пайдо бўлиб, шу ҳалқчил позицияда ривожланарди. Бунинг акси бадий адабиётда кўринди. Шайх Саъдий асарларида солиҳ дарвешлар эл орасидаги обрўларидан фойдаланиб, золим амирларни қаттиқ танқид қиладилар, хаттоки, улардан бири «Гулистон»да жабр-зулм ўтказишда машҳур Хажжож ибн Юсуфга «Одамларга озор бергандан кўра ўлганинг яхши, тезроқ ажалинг етиб, сен ўлсанг ҳам эл қутулади, ҳам сенинг ўзинг», дейишгача борди. Саъдий Шерозий дарвешлар рафтори, сийратини зўр муҳаббат билан тасвирлаган. Низомий Ганжавий, Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Балхий, Ҳофиз Шерозий ижодида ҳам бу ҳақда битилган оташин сатрлар анча. Аммо бу ижодкорларнинг ҳаммасида битта ғоя этакчилик қилади, яъни: дарвеш шоҳдан устун, дарвешлар шоҳларга эмас, балки шоҳлар дарвешларга хизмат қилиши керак, дарвешларнинг насиҳат-маслаҳатларига қулоқ солиб, адолат ва инсоф йўлидан бориш-

лари лозим. Чунки дарвеш олий зот, Худога яқин. Ҳақни кашф этган одам. Шунинг учун шох уни истаб бориши, дуосини олиши, унга итоат этиши шарт, шунда иши ривож топади.

Шох дарвешга муҳтож. Бунинг маъноси шуки, шох нафақат маслаҳат-насихатга, балки Илоҳга, Илоҳни танитишнинг энг тўғри йўли бўлмиш тасаввуфга муҳтож. «Хусравлар жаҳон ҳожатмандларининг қибласи бўлсалар-да, аммо бунинг сабаби уларнинг дарвешларга бандалигидир», деб ёзади Хожа Хофиз. Бошқача айтганда: подшолар дарвешларга банда бўлганлари учун ҳожатманд кишилар уларга қараб интиладилар, яъни шохнинг сарват-салтанати, шуҳрат-эътибори дарвеш туфайли пойдор.

Юқоридаги мисол Хофиз Шерозийнинг ун уч байтли ғазалидан олинди. Шунини қайд этиш керакки, ушбу ғазалда дарвешликнинг бутун бир қоида-низомиyasi баён этилган. Шоир дарвешларни инсоният жамиятининг энг муътабар, энг муқаддас ва азиз кишилари деб таърифлайди. Унингча, барча яхшиликлар дарвешлар туфайлидир, улар ҳаётнинг, борлиқнинг ўзак-тирғаги, уларнинг ҳиммати ва ҳашамати олдида жаннату ризвон ҳам кичкина, арзимас нарсага айланиб қолади:

*Қасри фирдавс, ки Ризвон-и ба дарбоний рафт,
Манзара аз чамани нузҳати дарवेशон аст.*

(Ризвон номли фаришта эшигини қуриқлайдиган жаннат қасри дарвешлар покизалиги чаманидан бир манзара, холос).

Дарвешларнинг суҳбати шундай кимёким, пишмаган ҳаёлларни пиширади, қалбни қора доғлардан тоза-лаб, сайқал бера олади. Офтоб «такаббур тожи»ни улар қошида ерга олиб қўяди, фалаку сайёра шунча улуғворлиги билан дарвеш теграсида айланади. Дарвешларнинг узлати, хилватхонаси — тилсимлар тула ганждир, бу ганжни қўлга киритиш ҳам «дарвешлар раҳма-

тининг назари» билан бўлади. Шунинг учун дарвешларнинг давлати — туганмас, завол билмас давлат:

*Давлатеро, ки набошад ғам аз осеби завол,
Бетакалуф бишунав, давлати дарвешон аст.*

(Емирилиш офати ғамидан эмин бўлган давлат — ҳеч шубҳасиз, дарвешлар давлатидир). Шоир шохларнигина эмас, барча бойлар, манман кишиларни огоҳлантириб, хирсу ҳавога берилмасдан, хасислик қилмасдан муҳтожларга қарашиб туришни, дарвешнинг дуойи бадига учрамасликни таъкидлайди, бўлмаса, Корун каби уларни ер ютиши ҳеч гапмас:

*Ганчи Корун, ки фуру мевад аз қаҳр ҳануз,
Хонда бошй, ки ҳам аз ғайрати дарвешон аст.*

(Агар ўқиган бўлсанг, ҳали-ҳанузгача ер қаърига кириб кетаётган Корун ганжи ҳам дарвешларнинг ғайратидандир).

Куръони каримда келтирилишича, Корун жуда катта бой бўлган экан. Хисобсиз олтин-жавоҳир йиққан, аммо ниҳоятда хасислигидан бировга бир мири бермас экан, Аллоҳнинг қаҳри келиб, унга ғазаб қилади ва у бутун бойлиги билан ер қаърига кириб кетади. Хожа Хофизнинг фикрича, ана шу илоҳий ғазаб дарвешлар дуоси туфайлидир. Хофиз ғазалидаги қуйидаги байт ҳам диққатни тортади:

*Аз карон то ба карон лашкари зулм аст, вале
Аз азал то ба абад фурсати дарвешон аст.*

(Кирғоқлардан қирғоқларга қадар зулм лашкари ёйилган, яъни ҳамма ёқни зулм босиб кетган, аммо азалдан абадгача дарвешларнинг вақтидир).

Нима демокчи шоир бу билан? «Зулм лашкари» Хофиз байтида икки маънога эга: 1) инсонларнинг бири-бирига зулми, жабру жафонинг ҳаддан зиёд куплиги;

2) дунёнинг, фалакнинг одамларга зулми чексиз-чегарасизлиги. Бу икки зулм бир-бири билан қушилиб кетган, дунёпарастлик, нафс кетидан югуриш, ўз-ўзига зулм қилиш, яъни нафс зулми остида эзилиш чархи фалак зулмининг бир кўринишидир. Фалак ҳам, инсоннинг жисмоний эҳтиёжларидан пайдо буладиган ўзаро низо-лар, олишув-талашувлар ҳаммаси зулмдир, аммо ана шу зулм лашкари дарвеш хислати билан бартараф этилиши мумкин. Дарвешнинг таъсири, дарвешнинг эътиқоди Улуғ Тангри мисол азат ва абад мавжуддир, унинг вақтининг худуди йўқ, дарвешлар ҳамма ерда, ҳамма вақт инсонларни қутқаришга ҳозир нозир. Шунинг учун:

*Хофиз, ар оби ҳаёти абадий меҳоҳи
Манбааш хоки дари хилвати дарвешон аст.*

(Эй Хофиз, агар абадий ҳаёт бағишловчи оби ҳаёт истасанг, билгилки, унинг манбаи дарвешлар хилват-хонаси эшигининг тупроғидир).

Хожа Хофизнинг мазкур ғазалида ифодаланган ғоялар Жомий ва Навоийга ҳам таъсир этган кўринадди, чунки ҳар икки замондош адиб шу мавзуда бир неча ғазаллар яратганлар. Навоийнинг «Девони Фоний»сига кирган ғазали вазн, қофия ва радифи билан (“дарвешон аст”) Хофиз ғазалига ҳамоҳанг. Аммо Алишер Навоий татаббуъ анъанасига риоя қилгани ҳолда шаклий белгиларни сақлаб, баъзи ибора-ифодаларни қайтарган бўлса-да, лекин ғояни ривожлантириш, янги тасвирий образлар қўллаб поэтик мазмунни чуқурлаштиришга муваффақ бўлган. Шуниси ҳам борки, Навоий ғазали «татаббуи Маҳдум», яъни Жомийга татаббу сарлавҳаси остида келтирилган. Афтидан, улуғ ўзбек шоири бу орқали ғазални ёзишда ҳам Хофиз, ҳам Жомий асарларидан илҳомланганини билдирган. Аммо унда Хофиз руҳи ёрқинроқ намоён бўлган. Чунончи, Хофиз матлаби:

*Равзаи худди барин хилвати дарвешон аст
Мояи мухташамӣ хидмати дарвешон аст.*

(Беҳишти жовидоннинг боғи — дарвешлар хилватидир, улуғворлик, ҳашаматнинг асоси дарвешлар хизматидир).

Навоий — Фоний матлаби:

*Матлаи субҳи азал талғати дарвешон аст,
Махзани нақди абад хилвати дарвешон аст.*

(Азал тонгининг отиши дарвешлар юзидир, абадийлик сармоясининг хазинаси дарвешлар хизматидир).

Мухими шундаки, Навоий уз ғазалида ифодалаган ғоялар Хофиз ва Жомий ғоялари билан ҳамоҳанг. Навоий ҳам дарвешнинг мартабасини арши аълога кўтариб мактайд, уларни эзгу ишлар ижодкори, яхши раҳмат ва хайру баракот манбаи деб ҳисоблайди. Яхшиси, ғазалдан бир неча байт келтириб курайлик:

*Шамъи хуршед, ки гулзори жаҳон равшан аз уст,
Гуле аз базмғаҳи нузҳати дарвешон аст.
Жоми Жамшед, к-аз у кори жаҳон аст аён,
Як сафоли кўҳан аз суҳбати дарвешон аст.
Арши аъзам, ки бувад боли малак жорубаи,
Қуббаи борғаҳи ҳашмати дарвешон аст.
Тоири қуде, ки бар ари нишеман дорад,
Пайки пайғомдиҳи ҳазрати дарвешон аст.*

(Жаҳон гулзорини равшан этувчи офтоб шамъи дарвешлар поклик базмининг бир гулидир. Жаҳон ишларини кўрсатиб турувчи Жамшид жомии дарвешлар суҳбатидаги битта эски синиқ сафолга тенгдир. Малонка қаноти супургиси бўлган Буюк ари дарвешлар ханамати қасрининг қуббасидир. Аршига қунадиган муқаллас куш — фаришта дарвешлар ҳузурига пайғом — хабар келтирадиган элчидир). Шунга ўхшаш дарвешларнинг қудрати беҳадду худуд экани турли ташбеҳлар

орқали баён этилади. Чунончи, юлдузлар билан безанган фалак — дарвешнинг исмат харамидан бир парда, хайли бало дилга хавотир солганда, дарвеш уни енги билан силтаб дафъ эта олади, ҳатто инсонга караб отилган қазо ўқини қайтаришга ҳам дарвешнинг қурби етади ва ҳоказо. Шунга асосан, шоир хулосалайди:

Фониё, равшаниш вақт зи дарवेशон жуъ,
К-ин қушод аз назари раҳмати дарवेशон аст.

(Эй Фоний, замона-вақт равшанлигини дарвешлардан изла, чунки бу қушойиш дарвешлар назарининг раҳматидандир). Хуллас, қомил инсон фазилатларини ўзида ақс эттирган, аҳлуллоҳ, яъни илоҳий ҳақиқат изловчилар ер юзида ўзгалар учун раҳнамо бўлиши, эзгу-хайр ишларни амалга ошириши, илоҳий неъматларни ёйиши мумкин. Бошқача айтганда, дарвеш — йиғма образ, эзгуликнинг тимсоли. Кароматли улуг шайхлар ҳам, қалби соф қаландарлар ҳам, мискин муъминлар ҳам, ижодкор адиблар ҳам бунда ўзларини қуришлари мумкин. Лекин ақсар авлиёлик даражасига кўтарилган соҳибкаромат дарвешлар кўпроқ назарда тутилгани равшан кўришиб турибди, албатта. Масалан, Фаридуддин Атторнинг «Тазкират ул-авлиё», Абдурахмон Жомийнинг «Нафаҳот ул-унс» ва Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асарларида келтирилган шайхларни айнан шундай дарвешлар зумрасига киритса бўлади. Ёки, масалан, аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, Жомий «Футухот уш-шабоб» девонига кирган «Дар маъниш фақр аст ва дуон хожа» (Фақр маъносидадир ва Хожа Убайдуллоҳ дуосида) номли қасидасида Хожа Аҳрор Валийни фақр аҳлининг пешвоси деб таъриф этади. Тарихий ҳужжатлар ва халқ орасида тарқалиб етиб келган ривоятларга қараганда, Хожа Аҳрорнинг молу мулки жуда кўп бўлган. Унда Жомий таърифини қандай тушуниш мумкин, «фақр» сўзини Хожа Аҳрорга нисбатан ишлатса бўладими?

Афтидан, Абдурахмон Жомий Хожа Аҳрор Валийни фақру фано аҳли қаторига қушганда у кишининг шахсий фазилати, хулқи ва турмуш тарзини, суфиёна ҳаётию маърифатли қалбини назарда тутган. Чунки Хожа Аҳрор гарчи ҳисобсиз бойликка эга бўлса ҳам, ўзи фақирона ҳаёт кечирган, унинг бойликлари эса қашшоқларни боқиш, муҳтожларга қарашиш учун сарфланган. Жомий ҳам «фақр» деганда кунгилнинг Илоҳдан бошқа нарсага қаратилмаганини англайди ва бу сифат Хожа Аҳрорда мужассам деб ҳисоблайди. Кези келганда айтиш керакки, Жомийнинг узини Алишер Навоий олиймақом дарвеш — илоҳиёт қошифи деб улуғлаган. Навоий ўз пири Абдурахмон Жомий сиймосида комил инсоннинг фазилатларини кўради; «Тухфат ул-афкор» касидасида у ёзади:

*Ҳомиш шаръи наби Жоми, ки жоми шаръро
Дошта бар каф лаболаб аз шароби кавсар аст.
Он ки аз илми фузун аз ҳад набиरो ворис аст,
Балки аз қавли наби пайғамбаронро ҳамбар аст.
Равзаи раъйи мунираш гулшане дон, к-аш зи лутф
Қатраи рухсорай ҳар барг меҳри анвар аст...*

(Пайгамбар шариатининг ҳомийси Жомийким, кафтида тутган шариат жоми кавсар шаробидан лиммолимдир. Ҳаддан зиёд илми билан пайгамбарга ворис бўлган бу одам, пайгамбарнинг ўз қавлига кўра, пайгамбарларга баробардир). (Муҳаммад пайгамбарнинг «Олимлар — пайгамбарларга ворис» деган ҳадиси назарда тутилган.) Нур таратувчи фикри боғини шундай гулшан деб тасаввур қилки, унда ҳар бир барг юзидаги қатра лутфининг порлоқ қуёшидир...)

Алишер Навоийнинг туркий ва форсий девонларида шунга ўхшаш дарвешлар сийратини мадҳ этувчи шеърлар кўп. «Хазойин ул-маоний» девонларининг ҳар бири аввал Илоҳ ва Муҳаммад пайгамбарга ҳамду наът билан очилиб, кейин дарвеш орифлар хислатини, улугворлигини таъриф этувчи ғазаллар келади. Бундан таш-

қари, девонлар алифбо тартибда тузилгани учун, ҳар бир янги ҳарф билан ёзилган ғазаллар мажмуини Навоий одатда дарвешлар ҳақидаги ғазал билан бошлайди. Биргина «Ғаройиб ус-сиғар» девонининг ўзида дарвеш мавзуга бағишланган қирққа яқин ғазал, мухаммас ва қитъаларни учратдик. Навоий дарвешларни Худо ва пайғамбардан кейин тилга олиб, уларни инсоният билан Илоҳ орасидаги воситачи, руҳий-маънавий олам посбонлари сифатида эъзозлайди. Аммо улуг ўзбек шоирини шоҳу дарвеш муносабати ва бундан келиб чиқадиган масалалар кўпроқ қизиқтирган, буни шундан билса бўладики, адибнинг қарийб ҳамма насрий ва назмий асарларида бу ҳақда бевосита ёки билвосита фикру мулоҳазалари бор. Бу ҳол Навоий ёшлик айёмидан бошлаб мазкур масала устида бош котиргани ва дарвешчилик, тасаввуф ғояларини комил эътиқод билан ушлаштириб, барқарор дунёқарашга айлантирганини ҳам исботлайди. Ва, энг муҳими, у шоҳу дарвеш масаласини ҳал қилишда янги, ўзига хос мустақил йўл тутиб, ўз замонаси учун ғоят аҳамиятли қарашлар силсиласини олға сурган. Чунончи, «Ғаройиб ус-сиғар» достонидаги мана бу ғазалга диққат қилинг:

*Ҳар гадоким бўриёи фақр эрур қисват анга,
Салтанат зарбафтидан ҳоҷат эмас хилъат анга.
Ким фано туфроғига ётиб қўяр тош узра бош,
Тахт уза эрмас музаҳҳаб муттако ҳоҷат анга.
Шаҳ юруб олам очар, дарвеш оламдан қочар,
Ҳам ўзинг исоф бергилким, бу не нисбат анга.
Ҳар не шоҳ мақсудидур — дарвешнинг мардудидур,
Қур: не ҳиммат мунга, не навъ эрур ҳолат анга.
Фақр куйи туфроғин шаҳ мулкига бермас фақир,
Мулк кўрким тенг эмас, туфроқ ила қиймат анга.
Шаҳ сипоҳ чекса, фақир аҳволига етмас футур,
Бу вале чекса, нафас барбод улур ҳашмат анга.
Шоҳ эмастур бир нафас осуда дўзах ваҳмидин,
Эй хушо дарвешким, мардуд эрур жаннат анга.*

*Шоҳга сидқ аҳли дамидин машъали давлат эрур.
Меҳрдекким субҳ анфоси очар талъат анга.
Шоҳга шоҳлик мусалламдур, агар булгай мудом
Шоҳлиқ таркин қилиб, дарвеш улуг ният анга.
Мумкин эрмас шоҳлар ичра буйла ниятлиғ, магар
Шоҳи Ғозийким, муяссар булди бу давлат анга.
Шоҳлар дарвешии-ю дарвешлар шоҳи, ки бор
Шоҳлик сурат анга, дарвешлик сийрат анга.
То шаҳу дарвеш булгай, айлагил ё Раб, аён
Шоҳдин хизмат мунга, дарвешдин ҳиммат анга.
Гар Навоий сўз узатти фақрдин, эрмас деманг
Булмагунча ҳукм шаҳдин қайда бу жуурғат анга.*

Мухтарам китобхонларга тушунарли бўлсин учун мавзу мазмунига мувофиқ тазод-зидлаш усулида ёзилган ушбу ғазалнинг насрий баёнини келтирамиз: «Фақирлик бўриёсини узига тушак қилиб олган гадо учун салтанатнинг зардан тикилган шоҳона либосига эҳтиёж йўқ; фано (йўқлик) тупроғи узра ётиб, тошни ёстик қилиб олган одамга олтин суви юргизилган тахт устига суяниб ўтириш керак эмас. Шоҳ қўшини билан юриш қилиб, оламни эгалласа, дарвеш оламдан қочади, яъни дунё мolidан безор бўлиб, узлатга чекинади. Энди ўзинг инсоф юзасидан айт: уларни бир-бирига қиёслаш мумкинми?! Ниманки шоҳнинг мақсади булса, у дарвешнинг нафратини келтиради; дарвешнинг химматини кўргину шоҳнинг аҳволига бок! Фақир одам дарвешлик кўчасининг тупроғини шоҳ хазинасига олиштирмайди; ахир кўряпсанку уларнинг мулки тенг эмас—шоҳнинг бутун бойлиги дарвеш назарида тупроқ билан баробар. Агар шоҳ лашкар тортса, галонинг аҳволига путур етмайди, лекин гадо оҳ урса шоҳнинг тахту тожи, ҳашаматли саройи барбод бўлади. Шоҳ дузах азоби ваҳимасидан бир нафас осойишта яшолмайди; аммо дарвешга офарин, чунки у жаннату дузах ғамидан фориғ! Шоҳлар давлатининг чироғи ростгўй дарвешлар нафасидан ёнади, бу нафас гўё тонг юзини оч-

ган қуёш кабидир. Агар шохда ҳар вақт шохликдан воз кечиб, дарвеш бўлиш нияти бўлса, шохлик унга муносиб ва барқарордир. Бундай ният шохларда мавжуд эмас, фақат шоҳи Ғозий — Хусайн Бойқаро бу олин давлатга мушарраф бўлган. У шохларнинг дарвению дарвениларнинг шохидир, чунки ташқи куриниши шох бўлгани билан, ички оламига кура дарвенидир. Эй Таг-грим, токи шоху дарвеш бор экан, шохдан дарвешга хизмат ва дарвешдан шохга ҳимматни аён айлагин. Агар Навоий фақр ҳақида сузни чузган бўлса, бу шохнинг (Хусайн Бойқаронинг) ҳукмидандир, булмаса унда бундай журъат қаерда эди».

Бу ғазал шох ва дарвени муносабаги ҳақидаги яхлит бир баённома — дастур! Навоийнинг фикрлари салафлари — Саъдий, Ҳофиз, Жомийга нисбатан ва, ҳатто, узининг форсий ғазалида ифодалаган (бу ғазални юқорида қуриб ўтдик) ғояларига қараганда кескинроқ, қиёслари далил ва журъатли. Ўзбек шоирининг дарवेशга рағбат-майли, бугина эмас, эътиқод-сиғиниши шундайгина қурииб турибди. Бунга ажабланмаслик керак, чунки Навоий учун дарвеш идеал, махбуб ва маъшукдир. Шу бонс шоир шох ва дарвени орасидаги тубсиз жарликдай қуриган тафовутни бир-бирини рад этувчи далил-мисоллар билан ажойиб тарзда, ҳаяжон, шавқ билан қиёслаб қурсатар экан, тасаввуфнинг жасоратбахш ғояларидан бири — дарвеш шохдан афзал ва улуғ, шунинг учун дарвени шохга эмас, шох дарवेशга мухтож, демак шохлар дарвениларга хизмат қилиши керак, деган фикрни эҳтиросини яширмай, қизғин маъқуллайди. Бу конценция Навоийдан олдинги шоирлар ижодида ҳам асосий йуналишлардан бири эканини қурииб ўтдик. Навоий мазкур анъанани давом эттирган. Аммо ғазалнинг биринчи қисми бўйича фикр юритганимизда шундай хулосага келиш мумкин, ғазалнинг туккизинчи байтидан кейинги иккинчи қисмига ўтганда эса, шоирнинг позицияси узгаради — у салафлар фикрига зид уларок шоху дарвени хусусияти б

шаҳсда мужассамлашиши мумкин, деган ғояни олға суреди ва Хусайн Бойқаро сиймосида бунинг конкрет ҳаётий мисолини ҳам кўрсатиб беради.

Нима бу — ўз султониға билдирилган ҳурмат-мадҳиями ёки ҳақиқатдан ҳам шоирнинг кузатишлари, ишонч-эътиқодидан келиб чиқадиган хулосами? Афтидан, бу уринда ҳар икки мақсад ҳам кўзда тутилган. Негаки, гарчи дарвешларни улуғлаш аввалдан давом этиб келаётган анъана бўлса-да, бироқ саройда хизмат қилаётган Навоий учун бундай изҳорот, унинг ўзи таъкидлаганидай, жуда қалтис журъат эди. Бу гап сарой аъёнлари, калтафаҳм авом кишилар наздида султон обрўини пасайтириб, мавқеини тушириши мумкин эди. Бироқ, зукко шоир, Хусайн Бойқаро табиатида ҳеч бир шохда кўринмаган дарвешлик хислати мавжуд, дейиш билан, аксинча, султоннинг обрў-эътиборини янада баландроқ кўтариб юборади ва, айна вақтда, шох ва дарвеш ҳақидаги ўзининг янги қарашини изҳор этади. Бу қараш Шарқ халқлари ижтимоий-сиёсий тафаккури тарихида янги босқич, адабиётда эса *янги ижодий концепциянинг* кун тартибига қўйилиши эди (Навоийдан олдинги шоирларда ахён-ахён донишманд дарвешнинг тахтга ўтиргани ёхуд ҳукмдорнинг дарвештабиат бўлиши ҳақида орзу-истаклар мавжуд. Аммо бу Навоийда бўлганидай мунтазамлик касб этиб, конкрет тарихий шахс мисолида кўринган эмас. Масалан, Ҳофиз Шерозий вазирга нисбатан дарвешлик рутбасини раво кўради, шунда ҳам бу фикр орзу тариқасида баён этилган: «Мен шундай доно вазирнинг қулидирманки, унинг сурати хожа бўлса ҳам, лекин сийрати дарвешона бўлсин»). Алишер Навоий ўзининг бу қарашини турли асарларида ҳар хил образ ва воқеалар талқини орқали қайта-қайта таъкидлаб, Хусайн Бойқарога хос бу фазилатнинг янги-янги қирраларини очишга эришади. Баъзан ўз фикрига шубҳа билан қарайди, баъзан эса уни астойдил химоя қилади, лекин ҳар гал шу масала қўзғалганда, ё бўлмаса адолатли шох ҳақида гап

кетганда, албатта, Хусайн Бойқарони тилга олиб, унинг «шоҳлар дарवेशи-ю, дарवेशлар шоҳи» эканини таъкидлашни лозим деб билади.

Масалан, «Бадоеъ ул-бидоя» дебوحасида ёзилишича, Хусайн Бойқаро ёшлигиданок (маълумки, Навоий билан Хусайн Бойқаро ёшликда бирга тахсил кўришган, дуст-уртоқ бўлиб, бир неча йиллар бирга юришган) хуштабъ, дарवेशсифат одам бўлган экан, тахтга ўтиргандан кейин эса:

*Султонлик анга гарчи мусаллам бўлди,
Бу турфаки, дарवेशсифат ҳам бўлди.*

1469 йилда Хусайн Бойқаронинг тахтга ўтириши муносабати билан ёзилган «Хилолия» қасидасидан:

*Шоҳликда ояте дарवेशликдин кўрмайин
Бўриёйи фақрча заркаш сарири рифъатин.
Шоҳлар дарवेशи-ю, дарवेशлар шоҳи, ки Ҳақ
Шоҳ қилди суратин, дарवेश қилди сийратин.*

Бу байтларда ифодаланган фикрни олдин «Бўриёйи фақр...» деб бошланувчи ғазалда учратган эдик. Лекин бу ерда «шоҳ юксак тахтини фақр бўриёйсича кўрмайди, у шоҳликда дарवेशликдан нишона тополмади», деган фикр ҳам мавжуд. Холбуки, бу — табрик сўзи, Навоий дўстини шоҳлик билан муборақбод этмоқчи. Аммо шундай пайтда ҳам шоир шоҳ учун дарवेशлик зарурлигини айтишдан ўзини тиёлмаган.

Дарवेशликнинг белгиларидан бири ҳақни таниш, — илмга ташиалик ҳамда хоксорлик, ўзни фақиру ҳақир ҳисоблашдир. «Ҳазойин ул-маоний» дебوحасида Хусайн Бойқаронинг шу сифатлари таърифланади:

*Ҳақ кўнглин анинг биликка махзан айлаб,
Ҳар фан ариғ зотини якфан айлаб,
Жоҳи-ю тахтин чархи мусамман айлаб,
Туфрокдек ул ўзин фурутан айлаб.*

Яъни: Худо унинг кўнглини билим конига айлан-тирган, ҳар бир фаннинг нозик жиҳатларини тезда узлаштириб олади, тахту бахти чархи фалак билан тенг. Аммо шундай бўлишига қарамай, ўзини камтарин, афтодалар каби тугади.

Дарвешликнинг яна бир муҳим белгиси — ошиқлик, Илоҳ ёдида дардманд; огоҳдил бўлиш. Турфа буқим. бу хислатлар ҳам султонда бор экан:

*Ҳам қиблаи иқбол ҳарими жоҳи,
Ҳам каъбаи омон бийик даргоҳи,
Шоҳларнинг дардманди-ю огоҳи,
Бу турфаки дардмандларнинг шоҳи.*

Яъни: унинг тахтининг атрофи — иқбол қибласи, унинг буюк даргоҳи — орзу-армонлар каъбаси, ўзи шоҳларнинг огоҳдил дарвеш, ажибки, шоҳларнинг дардмандигина эмас, дардмандларнинг шоҳи ҳам.

Ва, ниҳоят, «Лайли ва Мажнун» достонининг бағишловидан:

*Шоҳлар аро ўрни токи афлок,
Дарвешлар оламида овуч хок.
Дарвеш десам улус уза шоҳ,
Шоҳ-дарвеш, боракаллоҳ...*

«Лайли ва Мажнун»даги ушбу бағишловда Навоий Хусайн Бойқаронинг тахтда утириб, тариқат русуми билан ошно бўлгани, ўзини пир (Жомий) ихтиёрига топширгани, вақти-вақти билан қадамжолар, хонақоҳларни зиёрат этгани, Хиротдаги дарвеш-орифлар, шайхлар аҳволдан хабар олиб туриши, ваҳдат ул-вужуд таълимотини узлаштиришга интилгани ва, ҳатто, суфийларни йиғиб, бу мавзуда суҳбатлар кургани, баъзан ғолиб келгани, шоҳ бўлса-да, тахту тождан нафратланиб юришини, қалбан дарвешлигини махсус қайд этиб ўтади. Хуллас, Алишер Навоий фикрича, тахтга

утириб, тахтдан нафратланиш, тож кийинб салтанатга махлиё бўлмаслик, шохлик рутбасида дарвенидай ҳаюл ва ҳалим, ҳаким ва карим булиш, дарвени маслагини қабул қилиб, адолат ҳукми билан юртни бошқариш мумкин. Бу ҳукмдан дунё обод бўлади-ю, аммо ҳукмдорнинг дунё билан иши йуқ. Мазкур хислатлар султон Хусайн Бойқарода қанчалик мужассамлангани бизга қоронғи. Албатта, у уз даврининг феодал шохларидан бўлган, «феодал тартиботлар талаби ва ўша даврнинг адолатли идора усули» асосида подшолик қилган. Унинг ҳамма талбирлари ҳам Навоий ва Жомийга маъқул бўлмагани, Навоий ҳар бир қулай фурсатдан фойдаланиб, султонни адолатли ҳукмлар чиқаришга чорлагани тарихдан маълум. Бироқ шуниси ҳам аниқки, Хусайн Бойқаронинг шахсий хусусияти, риндона табиатидаги ўзиға хос кайфиятлар, илм-маърифатга мўйиллик Навоий идеалидаги шох дарвениликнинг бир қанча сифатларини зоҳир эттириб, некбин шоирнинг умид ғунчаларини яшнатинга сабаб бўлар, унинг озғу ғоялари амалга ошгандай эди.

Шу уринда диққатингизни яна бир фактга қаратмоқчимиз. Хусайн Бойқаро бир ғазалида «салтанатдан унча фахрланмайман, мени ёр куйининг гадолари хайлидан ҳисобласалар дуруст буларди», деган фикрни баён этади. Навоий бўлса, султоннинг шу ғазалига мусаллаас боғлаб, маслакдонлик изҳор этган:

*Чун Навоий жонини май орзуси куйдурур,
Йуқ гадоликқа ажаб майхоналарда кубдурур («куб»-ҳум),
Журъае дайр аҳли бергунча замоне телмурур,
Шох агар мундоқ гадони салтанатқа сткурур,
Эй Хусайний, салтанатдин онча фаҳрим йуктурур,
Ким дегайлар куйининг хайли гадосидин мени.*

Аслини олганда, Навоийда шоху дарвенини бирлаштириш ғоясининг пайдо бўлишига боис фақат султоннинг «дарвени» табиати эмас. Хусайн Бойқаро бу ерда бир восита, мисол, ҳолос. Шоирнинг бундай ҳулосага

келишига, бизнингча, иккита асосий сабаб бор. Биринчиси — Навоийнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок этиб, олиб борган амалий курашлари бўлса, иккинчиси — нақшбандия таълимотининг назарий принципларидир. Биз яхши биламизки, Алишер Навоий ҳам давлат арбоби ва ҳам қалби ёник ижодкор шахс сифатида жамият ишларида фаол иштирок этиб турган (диққат қилинг: Атоуллоҳ Хусайний Навоийни «Худованди корий», яъни иш, фаолият эгаси, яратувчи деб таърифлайди), шу билан бирга, у Шарқ фалсафасини, айниқса, тасаввуфни чуқур ўзлаштирган, даврининг энг зўр донишманди ва орифи қошифи Абдурахмон Жомий хузурида тариқат сулукининг одоб ва ахлоқидан дарс тинглаган. Бошқача айтганда, Навоий шахсининг ўзида ижодкорлик, олимлик, давлат арбоби (сиёсатдонлик) ва дарвешлик хусусиятлари уйғунлашиб кўзга ташланар, шунинг учун ҳам у тасаввуф таълимотидан амалий мақсадларда фойдаланишга, бу таълимотнинг талаб ва тамойилларини яхши инсоний ахлоқни тарбиялаш, эзгу-хайр ишларни амалга оширишга хизмат қилдирмоқчи бўлганди. Шоир шу боис тайинли касбу кори бўлмаган одамларни ёқтирмаган. Жумладан, у куча-қўйда санғиб юрувчи қаландарлар, сохта шайх-сўфийларни, бадмаст риндларни «Хайрат ул-аброр» ва «Маҳбуб ул-қулуб» асарларида қаттиқ танқид қилгани ҳолда, «Мажолис ун-нафоис» асарида дарвештабиат олим-шоирлар, ҳунармандларни яхши ахлоқли кишилар сифатида алоҳида ажратиб кўрсатади. Чунончи: «Амир Давлатшоҳ (Давлатшоҳ Самарқандий) хуштабъ ва дарвешваш ва кўп салоҳиятлик йигитдур. Гушае ихтиёр қилиб, фақр ва даҳқанат (деҳқончилик) била қаноат қилди ва фозил ва камолот иктисоби (касби) била умр ўтказди». Ёки Амир Маҳмуд Барлос ҳақида Навоий бундай дейди: «...дарвешваш ва фоний-машраб (фано бўлишга мойил) ва бетакалуф кишидур, таъби солим (бутун) ва хулқи карими бор». Бу сифат, шоирнинг ёзишича, Хожа Маҳмуд, Мавлоно

Масъуд, Мавлоно Хожи, Мир Хусайн Али Жалойир; шахзодалардан Султон Аҳмад Мирзо, Султон Муҳаммадларнинг табиатида мавжуд экан. Султон Муҳаммадни Навоий «табъи дарвешу ўзи шоҳнишон..., қаноат кўнимининг хокнишини, илму зако аҳлининг ягонаси, фақру фано хайлининг бенишонаси», дея таъриф этади. Демак, дарвешлик инсоннинг яхши хулқатворини белгилайдиган, камтарин, шафқатли-меҳрибон бўлиш, мўмин-мусулмонлик фазилати сифатида улуғланган.

Навоий, Жомий каби XV аср мутафаккирларининг ахлоқий қарашлари шундай эди. Алишер Навоий ўзининг таниш-билиши, дўстлари, шоғирдларидан ҳам шу фазилатларга эга бўлишни талаб қилган. Масалан, «Мажолис ун-нафоис»да у атоқли адабиётшунос олим, ўзининг устозларидан бири Мир Атоуллоҳ Хусайний хусусида бундай дейди: «Фақир густохлик юзидин (беодоблик килиб) Мирга дерменким, фазоил ва камолотингизга кўра дарвешлигингиз ҳам бўлса эрди — хуб эрди». Илм эгаллаб, олиму оқил бўлиш яхши, аммо хоксор, қаноатли, хушахлоқ киши бўлиш учун дарвешлар сулуқини сайр этиш керак. Инсон маънавий камолотининг тўғри йўли ана шу, деб тушунарди Навоий. Билим, заковат кишини ақлий жихатдан юксалтиради, бироқ ният, эътиқод тўғри бўлмаса, ақл фаолиятдан эзгулик йўлида фойдаланиш қийин. Ақлу дониш дарвешона қалб билан қўшилса, одамийлик моҳияти солимлашиб, ахлоқан муқаррам бўлиш мумкин. Чунки дарвешлик дардмандларга ҳамроз, малҳам бўлиш, эзилган, жабр кўрганларни химоя қилмоқ демак. Шу маънода дарвешлик зоҳидлик тариқатини ҳам инкор этади, чунки зоҳидлар ижтимоий ҳаётга аралашини батамом рад этар эдилар. Зоҳидлар бирор касб билан шуғулланиш, меҳнат қилишни ҳаром деб ҳисоблардилар. Навоий тарғиб этган дарвешлик эса, кўриб ўтганимиздек, касбу корни инкор этмайди. «Насойим ул-муҳаббат» асарининг муқаддимасида улуғ адиб буни

алоҳида таъкидлайди: «Хар онна «ал-қосибу ҳабибуллоҳ» («қасб эғаси Аллоҳнинг суйган бандасидур») мазмуни билан қибор машойих баъзи санъатларга (хунарларга) иштиғол қилибтурлар (шуғулланибдирлар). Шайх ул-машойих Абу Саид Харроз эрдиким... алар утук тикарга мансубдурлар. Ва шайх Муҳаммад Саккокким уз замони машойихининг яғонаси эрмиш, пичокчиликка мансубдурлар. Ва шайх Абу Хафс Халлод темурчилик қилибдур. Ва шайх Абу Бакр Хаббоз ўтмакчиликка (новвойликка) мансубдир. Ва шайх Абул Аббос Омудийким, уз замонининг кутби ва ғавси эрмиш ва султони тариқат шайх Абу Саид Абул Хайрнинг хирка пири эрмиш, қасоблик қилибдур». Бу ҳақда юқорида тўхтаб ўтдик, шу қифоя.

Демак, меҳнат қилиш — ҳалол яшашнинг гарови, ҳалол еб, ҳалол яшамаган одам эса дарвеш бўлолмайди. Нанки оддий дарвеш суфийлар, балки улуғ шайхлар ҳам фойдали хунар билан шуғулланганлар, бировнинг қўлига қарам бўлишдан сақланганларким, бу ғоят ибратли аъмол эди (бу аъмол ҳозир бизга ҳам ибрат бўлишга арзирли) ва буюк Навоийнинг ҳусни рағбатига сазовор бўлганди. Дарвоқе, нақшбандия сулуқининг асосий ширларидан бири ҳам «Дил ба Ёру даст ба қор», яъни «Қўнғил Ёрда-ю қул ишда» эканини биламиз. Баҳоуддин Муҳаммад Нақшбанд кашта тикишдан (у кишининг лақаблари шундан келиб чиққан) ташқари, тижорат билан ҳам шуғулланганлар. Навоий буни «Хайрат ул-аброр»да таъкидлаб утади. Бовужуд, алар зоҳиран фаний машраб — ички дунёси Илоҳ ёди ида фарқ, огоҳида шахс булган. Алар узларини жамиятдан хориж этмаганлар («Ўзини қилман яшурун, ошқор»), жамоа ичра юриб, қалб хилватини ташкил этароқ. Мутлақ руҳ висолига эришниш иулини таълим берганлар. Алар зоҳирий раем-русум, ҳудинамоллик, такаббурликни қатъиян қоралаганлар. Алар шайх Юсуф Хусайнийнинг: «Ал-Хайру қулдуху фи байтин ва мифтоху ат-тавозуъ ва аш-шарру қулдуху фи байтин ва миф-

тоҳу ат-такабуур» («Яхшиликнинг жами бир уйдадирки, унинг калити тавозедир ва ёмонликнинг жами бир уйдадирки, калити такаббурликдир»). Маълумки, бир тоифа шайхлар амир-амалдорлар, шоҳу султонларни ўз даргоҳларига йўлатмаганлар, мол-мулк эгаларининг дарवेशликка алоқаси йўқ, деб айтганлар. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд эса тасаввуфни «демократлаштириб», уни ҳаммага баробар таълимот, деб эълон қилди. Натижада темурий шаҳзодалар, ҳоким синф вакиллари орасидан чиққан айрим кишилар ўзларини фақру фанога дахлдор ҳисоблаб, дарवेशлар сулукига кирганлар. Айрим тадқиқотчилар буни тасаввуфнинг халқчилликдан чекиниши, ҳоким синфлар манфаатини ҳимоя қилишга ўтиб олиши деб баҳолайдилар. Бизнингча, бу бир томонлама қарашдир. Туғри, тасаввуф ҳокимиятга ва ҳоким синфларга муҳолифатда пайдо бўлиб, ҳунар аҳли, бенаволар манфаати ва қарашларини ифодалаб келган эди. Аммо Хожа Баҳоуддин тариқатда шоҳу гадо тенг, дейиш билан камбағаллар манфаатидан юз ўтирган эмас, аксинча, шоҳ-амирларни дарवेशликка тортиб, уларни ҳам тарбиялаш, шоҳларни дарवेशлар даражасига кутариш ақидасини илгари сурган. Бу ўзига хос синфий келишув, мураса бўлиб туюлиши мумкин (Хилолийнинг «Шоҳу гадо» достонида гадо ва шоҳ бир-бирига ошиқ бўлгани, бир-бирининг висолига интилганини эсланг), лекин аслида моҳиятан олиб қараганда, тасаввуф кучини кўрсатиш, шоҳларнинг дарवेशларга итоатини амалий йўсинда қонунлаштириш эди. Шунинг учун бу таълимот Жомий ва Навоий каби гуманист мутафаккирларга маъқул бўлди, айниқса, Навоийнинг шоҳу гадо уйғунлигини таъминлаш ҳақидаги орзусига мувофиқ эди. Хуллас. Алишер Навоий эътиқолига кўра, дарवेशлик фавқуллоҳда қобилиятли танланган шахслар, махсус рухий-психологик синовлардан ўтган (чилла ўтириш, зикр, важд ва ҳоказо) одамларнинггина насибаси эмас. Хар бир пок тийнат, пок ниятли инсон яхши хулқи билан

дарवेश рутбасига мушарраф була олади. Жумладан, шоҳлар ҳам. Энди шу нуктаи назардан «Фаройиб ус-сиғар» девонидан олиб таҳлил қилганимиз ғазалга яна мурожаат қиламиз. Унинг мана бу байти:

*Шоҳга шоҳлик мусалламдур, агар бўлғай мудом
Шоҳлик таркин қилиб, дарवेश ўлур ният анга.*

Биз *ният* сўзини алоҳида олиб, таъкидлаб тушунтирмақчимиз. Чунки агар шу сўз бўлмаганда, мазкур байт мазмунидан Иброҳим Адҳам каби шоҳликни тарк этиб, дарवेश бўлган шоҳ — ҳақиқий шоҳ, яъни у дарवेशлар шоҳи (дарवेशлар ўз ораларидан пенво-шоҳ сайлаганлар ва унга шоҳ дарवेश, шоҳ машраб деган унвонлар берганлар), ўз нафсининг ҳокими була олади, деган анъанавий ғоя келиб чиққан буларди. *Ният* сўзининг киритилиши билан байтнинг мазмуни бутунлай ўзгарган: агар шоҳда ҳар доим шоҳликни тарк этиб, дарवेश бўлиш нияти бўлса, шоҳлик унга ярашади, муносибдир, дейди Навоий. Бошқача изоҳласак, шоҳга дарवेश бўлиш учун тожу тахтни тарк этиш шарт эмас, балки кўнглида ана шу *ният* бўлса етарли. Бу ният тахту тожнинг бебақолиги, бани одамнинг Хақ олдида тенг-баробарлиги, шоҳ ҳоким, эзувчи эмас, раҳбар, посбон эканини ҳамиша ёдига солиб туради. Боз устига ана шундай ният билан тахтга ўтирган шоҳнинг иши ривожда, салтанати барқарор. Зеро, дарवेश ҳислатлик шоҳ одил ва инсонпарвар бўлиши, улус ғамини ёйиши аниқ. Мазкур ғоя Навоий-Фонийнинг машҳур форсий қасидаси «Тухфат ул-афкор»да янада ёрқинроқ ифодаланган:

*Шоҳ, ки ёд аз марг н-орад, з-уст вайрониш мулк,
Хусрави беоқибат хусри билоду кишвар аст.*

(Шоҳ агар улимни эсга олмаса, у мамлакатнинг вайрончилигига сабаб бўлади, чунки оқибатни — охиратини уйламаган подшо юртнинг зиёнидир).

Бу байтда қизиқ сўз уйини ҳам бор: араб ёзувида «хусрав» сўзининг охирги ҳарфи тушириб қолдирилса, «хуср» — қасофат қолади. Яна шу қасидадан:

*Подшоҳе, к-аш гадои фақр гаштан орзуст,
Чун гадое бошад он, к-аш подшоҳи дар бар аст.*

(Фақир дарвеш бўлишни орзу қилган подшо подшоликни эгаллаган гадо кабидир). Кўриниб турибдики, бу ерда ҳам орзу-ниятнинг аҳамияти алоҳида таъкидланган. «Тухфат ул-афкор» қасидасида шоҳ ва гадо кадриятини қиёслаш кенг суратда давом этади; шоир шоҳни банддаги шер (нафс домига илинган олам), шоҳликнинг ўзини эса қуруқ бош оғриқдан бошқа нарса эмас, деб айтади. Зотан, қасиданинг матлабиданок, шоҳ ва дарвеш масаласи тоза ташбеҳлар қўлланилган ҳолда кескин қилиб қўйилган:

*Оташин лаъле, ки тожи хусравонро зевар аст,
Аҳгаре баҳри хаёли хом пухтан дар сар аст.*

(Подшоҳлар тожини безаган оловдай ёниб турувчи лаъл, яъни бошдаги хом хаёлларни пишириш учун чўғдир). Бу байтни илмий адабиётларда кўп марта учратгансиз. Олимларимиз ҳазрат Навоийнинг шоҳларга муносабатини аниқлаш учун келтирадилар ва аксар у Навоий умуман шоҳу султонларга салбий муносабатда бўлган, шунинг учун уларни мана шундай танқид қилган, деган фикрни тасдиқлашга хизмат қилади. Аслида эса, Алишер Навоий шоҳга эмас, балки шоҳликнинг ўзига салбий муносабат билдиради бу ерда. Байтдаги «хом хаёл» иборасига эътибор беринг. Нима бу «хом хаёл»? Бу — нафс, дунёга, унинг бойликларига ҳиредир. Навоий тожни ҳам шу арзимас «хом хаёл» ичига қўшади. Шоҳ бўлиб керилиш, салтанат завқи — хом хаёл. Уни эса дарвешлик чўғи билан пишириш керак, ушанда шоҳлик ҳақиқий шоҳлик бўлиши мумкин. Навоийнинг бу шоҳ байти ана шундай чуқур маънога эга.

Улуғ шоир форс тилида яна бешта форсий қасида ёзган. Бу қасидаларнинг номланишидаёқ улар ҳам дарвеш сулуки таърифига бағишланганидан дарак беради. Чунончи: «Насим ул-хулд» («Жаннат шамоли»), «Рух

ул-қудс» («Муқаддас руҳ»), «Айн ул-ҳаёт» («Ҳаёт чашмаси»), «Минҳож ун-нажот» («Нажот йўлбошчиси»), «Кут ул-қулуб» («Қалбларнинг озиғи»). Масалан, «Кут ул-қулуб» қасидасининг матлаби:

*Жаҳон, ки марҳалаи танги шоҳроҳи фаност,
Дар у масоз иқомат, ки раҳи шоҳу гадоист.*

(Жаҳон фано шоҳроҳига олиб борадиган тор манзилдир, шунинг учун унда кўп тўхтама, бу йўл шоҳу гадога бир).

Навоийнинг «Фаройиб ус-сиғар» девонига киритган мухаммасларидан (Хусайн Бойқаро ғазалига тахмис) олинган мана бу банд ҳам мавзuumиз нуқтаи назаридан жуда муҳим:

*Шаҳлик этгандин не ҳосил фақр сиррин билмайин,
Ҳеч ким мулки бақо султони бўлганму экин,
Фонийи маҳз ўлмайин Султон Абулғози бикин,
Эй Навоий, давлати боқий тиларсен васлидин,
Они касб этмак фано бўлмай не имкон оқибат.*

Сатрлар ўзбекча бўлса-да, лекин соддалаб тушунтиришга эҳтиёж сезилмоқда. Яъни: фақр — дарвешликнинг моҳияти, сирини билмасдан шоҳлик қилиш бефойда. Султон Хусайн Бойқародай батамом фоний бўлмасдан ҳеч ким бақо мулкининг султони бўлганми экан? Эй Навоий, Илоҳ висолига етиб, давлати боқий тиласанг, фано бўлмасдан бунга муяссар бўлиш мумкин эмас, ахир. Ҳа, боқий давлат — бу Илоҳ дийдори, қолгани ўткинчи, бебақо нарсалар. Бунда Навоий ва Хусайний — Хусайн Бойқаро ҳамфикр бўлиб майдонга чиққанини кўрамиз.

Шундай қилиб, шоҳ учун баҳодирлик, лашкарбошилик қобилияти, ақлу заковат, доно вазирлар маслаҳати қанчалик зарур бўлса, дарвешлик хислати ҳам шунчалик керак. Чунки бу барча фаолиятга тўғри йўл кўрса-

тувчи машъал. Шоҳ дарвеш бўлмасдан туриб, адолат-парвар бўлиши қийин — Алишер Навоийнинг тушунчаси шу. У умрининг охирида яратган «Маҳбуб ул-қулуб» асаридида одил шоҳга «Хакдин халойикка раҳматдир ва мамоликка мужиби амният», дея хулосавий хикмат билан таъриф берар экан, мисол қилиб яна Хусайн Бойқаронинг номини тилга олади:

*Улус подшоҳи-ю дарвешваш,
Анга шоҳликдин келиб фақр хуш.*

Навоий умрининг охирларида ёзган асарларидан яна бири «Тарихи мулуки Ажам»дир. Унда Эрон подшоларининг тарихи, ишлари хикоя қилинади ва китоб Султон Хусайнга бағишланган маснавий билан якунланадиким, унда яна ўқиймиз:

*Демай айни инсонки, инсони айн —
Ҳам инсону ҳам айн Султон Хусайн.
Шоҳо, келди шахлиқ мусаллам санга,
На шахлиқки дарवेशлиқ ҳам санга,
Булуб салтанат тахтида фарқ жуй,
Шаҳ улса, вале булса дарवेशхуй...*

Демак, шоир султонга бўлган ишончидан қайтмаган, ундаги дарवेशлик собит хусусият эканига иқроп бўлиб, бу хислат унинг характерини белгилашдан ташқари, мамлакат аҳволига таъсир этиб, анчагина хайрли яхши ишларнинг амалга ошишига кўмак берганини кўрган. Жомий ва Навоий ўғитларига қулоқ солиб, золим амирларни жазолаши, заиф ва бечора кишиларнинг арз-додини эшитиши (гарчи мунтазам бўлмаса-да), ободончилик йўлидаги ишлари, балки, шунинг натижасидир.

Алқисса, Алишер Навоий тасаввуф таълимотини ҳаётга татбиқ этиш, уни яхши, намунали ахлоқ низомиясига айлантириб, инсон тарбиясида қўллаш тарафдори ва ташаббускори бўлиб майдонга чиққани аён-

лашди. Бу мавзу улуғ адибнинг «Хамса»сида, хусусан қомусий мазмунли муаззам достони «Садди Искандарий»да янада кенг ўрин олган, хилма-хил ривоятлар орқали бадиий-фалсафий йўсинда талқин этилган. Шох ва дарвеш муносабати бу асарда драматик тўқнашувлар, рухий кечинмаларнинг можароли изтироблари, фожиалар замирида очилади.



Эътиборга лойик бўлган бадийи етук асарларга жавобия айтиш ёки татаббуъ қилиш мумтоз адабиёти-мизда анъанага айланган ҳодиса эди. Бу ўзига хос ижодий мусобақа бўлиб, бир қанча тенг қимматли рангбаранг асарларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Алишер Навоий ва Жомий орасида ҳам ана шундай ижодий ҳамкорлик, бир-бирининг асарларидан илҳомланиш бўлганини биламиз. Аммо тадқиқотчиларимиз аксар ҳолларда Навоийнинг устози Жомий ижодидан таъсирланганлиги ҳақида фикр юритадилар. Ваҳоланки, Абдурахмон Жомий ҳазратлари ҳам улуғ Навоий асарларидан таъсирланиб, татаббуълар ёзганлар.

Жумладан, Алишер Навоийнинг форс тилида яратган “Тухфат ул-афкор” қасидаси Хирот адиблари орасида кенг шуҳрат қозонади. Аслида бу қасида Хусрав Дехлавийнинг “Дарёйи аброр” қасидасига жавобия тарзида ёзилган бўлиб, Жомийга бағишланган эди. Навоий ушбу қасидани Марвда яқунлаб, Хиротга Жомийга юборади. Жомий асарни ўқиб, таҳсин ва тухфалар билан Навоийга мактуб йўллайди. Бундан ташқари, “Бахористон” асарида “Тухфат ул-афкор” қасидасини форсий шеърнинг мумтоз намунаси сифатида алоҳида қайд қилиб, унинг матлабини келтиради.

*Оташин лаъле, ки тожи хусравонро зевар аст,
Ахгаре баҳри хаёли хом пухтан дар сар аст.*

(Подшолар тожини безаган оловдай қизил лаъл бошдаги хом хаёлларни пиширадиган чўғдир).

“Тухфат ул-афкор” қасидасининг “йигирмадан ортуқроқ байти муаммо тариқи ва истилоҳи била” (Навоий) ёзилган эди. Бу Жомийни янада тўлқинлантиради ва у бошдан охиригача муаммо тариқида бир қасида яратадиким, унинг матлаби қуйидагича:

*Жоҳ дорӣ жоҳилосо дар сар, эй комил мудом,
Жоҳилат хонам, на комил, чун туро жоҳ аст ком.*

(Эй узини комил ҳисоблаган одам, жоҳиллар каби бошингда мансаб (жоҳ) ғами бор. Сени комил эмас, жоҳил дейман, чунки мақсадинг мансабдир).

Алишер Навоӣ Жомийга бағишланган “Ҳамсаат ул-мутаҳаййирин” асарида буни фахр билан қайд этади (Алишер Навоӣ. Муқаммал асарлар тўплами, 15-жилд – Тошкент: “Фан”, 70-71-бетлар).

“Ҳамсаат ул-мутаҳаййирин” асарида шунга ухшаш яна бир маълумот келтирилган. Навоӣ ёзади: “Бир қатла бу фақирнинг туркча бу матлаъиким:

*Очмағай эрдинг жамоли оламо ро қошки,
Солмағай эрдинг бори оламға ғавғо қошки.*

Эл орасида шуҳрат тугуб эрди ва подшоҳ ҳазратларининг (Ҳусайн Бойқаронинг – Н.К.) суҳбатларида доғи ўқилур эрди, шуюё (овоза) ва шуҳрати ул ерга етдиким, Ҳазрати Маҳдумға (Жомийга – Н.К.) дағи масмуъ бўлуб (эшитилиб), аларға ҳам дағдаға улким, бу баҳру қофия ва радифда шеър дегайлар. Бу доия (ният) пайдо бўлуб, чун туркча алфоз била назмға илтифот қилмас эрдилар, бир форсий ғазал айтдиларким, матлаъи будурур:

*Лидаме дидори он дилдори раъно қошки,
Лида равшан қардаме з-он руйи зебо қошки.*

(Алишер Навоӣ. МАТ, 15-жилд, 71-б.)

Демак, Абдураҳмон Жомий туркий тилни яхши билган. бу тилга яратилган асарларни ўқиб завқланган. Шунинг учун у Навоӣнинг нафақат дostonлари, балки лирик асарларини ҳам мутолаа қилиб, юксак баҳолаган, Навоӣни улуг ижодий ишларга руҳлантириб турган. Навоӣнинг сўзларидан шу нарса маълум бўлдики, Жомий улуг ўзбек шоирининг форсий шеърларига ҳам, туркий асарларига ҳам жавобия айтган, бироқ туркий шеърга туркий тилда эмас, балки форсий тилда татаббуъ битган. Бу ўзига хос нодир адабий ҳодиса, турку тожик ҳамкорлиги, руҳий яқинлигининг ифодаси эди.

Бирок муҳими яна шундаки, Жомийнинг татаббуъ тариқида ёзган ғазали ҳам эл орасида шухрат топиб, Хусайн Бойкаро эътиборини қозонади ва подшоҳ Навоийга ушбу форсий ғазалга мусаддас боғлаш (ҳар бир байтни олти мисралик бандга айлантириш)ни амр этади. Ҳазрат Навоий бу амрни бажарадилар — яна янги бир ажойиб асар вужудга келади. Мусаддас бундай бошланади:

*Кардаме дар хоки куйи дуст маъво кошки,
Судаме рухсори худ бар хоки он по кошки.
Омадӣ берун зи куй он сарви боло кошки,
Бурқаъ афкандӣ зи руйи оламоро кошки,
Дидаме дидори он дилдори раъно кошки,
Дида равшан кардаме з-он руйи зебо кошки.*

(Дуст кучаси тупроғида макон-маъво тутсайдим, ул оёқлар тупроғича юзимни суртсам қани эди, у сарв коматли ёр кучасидан чиксайди кошки, оламини ёритувчи юзидан ниқобини олсайди, у раъно дилдорнинг лийдорини кўрсайдик, кўзимни ўша зебо юздан равшан қилсайдим кошки).

Алишер Навоий ушбу мусаддасни форсий шеърлар тўплами — “Девони Фоний”га киритган.

Бу ўринда шуни қайд этиш керакки, Алишер Навоий “кошки” радифи билан учта ғазал ва бир мухаммас ёзган.

Чунончи, “Балосъ ул-дибоя” девонида (20 жилдликнинг I-жилди) иккита “кошки” радифли ғазал бор. Биринчи ғазал матлаъи:

*Сихҳатим озурда жононимда бўлғай кошки,
Дарди онинг тинмағур жонимда бўлғай кошки.*

Иккинчи ғазал матлаъи:

*Булғой эрди юз туман, минг ранжу меҳнат кошки,
Бўлмағай эрди балову дарди фурқат кошки.*

¹ Охирги мисра “Ҳамсаат ул-мутаҳаййирин”да “Дида равшан кардаме аз хоки он по кошки” тарзда келган.

Учинчи ғазал матлабни юкорида келтирдик¹. Шунн хам қайд этамизки, Навоий ўзининг “эл орасида шуҳрат тутган” бу ғазалига ўзи мухаммас боғлаган ва “Наводируш-шабоб” девонига киритган. Яъни бу крда шоир ўзига ўзи татаббуъ қилган дейиш мумкин. Бундай “Тахмис”-лар (ғазални мухаммасга айлантериш) Навоийда анча.

Энди, Жомий билан Навоийнинг зикр этилган “кошки” радифли ғазалларининг қиёсий таҳлилига утамиз. Бунинг учун хар икки ғазални қуйида келтирамиз.

Навоий ғазали:

*Очмағай эрдинг жамоли олаоро кошки,
Солмағай эрдинг бори оламға ғавғо кошки.
Чун жамолинг жилваси оламға солди рустахез,
Қилмағай эрди кузум оии тамошо кошки.
Булмағай эрди кузум утлуқ юзунг кўрган замон,
Ишқинг ўти шуъласи кўнглумда пайдо кошки.
Айлагач ишқинг балоси зор кўнглумни ҳазин,
Қилмағай эрдинг мени маҳзунға нарво кошки,
Тушмағай эрди фирибомуз лутфунг, билмайиш,
Нотавон кўнглумға васлингдин таманно кошки.
Лутф ила кўнглумни васлингдин тамаъгар айлабон,
Қилмағай эрдинг яна зулм ошкоро кошки.
Бевафолиқ англағоч, ишқингни кўнглум тарк этуб,
Қилмағай эрди ўзин оламда расво кошки
Эмдиким девонояу расвойи олам булмишам,
Васл чун мумкин йуқ, ултургай бу савдо кошки.
Эй Навоий, бевафодур ёр, бас не фойда,
Нечаким десанг агар, ёхуд, магар ё кошки.*

¹ Аммо шунн айтиш керакки, ушбу матлаб турли нашрларда турлича. Масалан, “Хазойин ул-маоний”нинг 1959 йилги нашрида (Х. Сулаймон нашри) “Жамолинг олам аро кошки” (II жилд, 629-б.), 20-жилдликнинг 2-жилдида “Жамол олам аро кошки”, 4-жиллда “Жамоли олам аро конки” тарзида келади. Бизнингча охири вариант туғрига ўхшайди. Чунки у вазнга ҳам умумий маънога ҳам мувофиқ келади. “Хамсат ул-мутаҳаййирин”да ҳам шу кўринишда келтирилган.

Жомий ғазали:

*Дидаме дидори он дилдори раъно кошки,
Дида равшан кардаме з-он руйи зебо кошки.
Хотир андар сояи туби наёсояд маро,
Соя кардӣ бар сарам он сарви боло кошки.
Гарчи имрӯз аз жамоли ӯ нагаштам баҳраманд,
Ваъдаи ин давлат афтодӣ ба фардо кошки.
Ошиқонро рухсати гул чидану дидан чӣ суд,
Будӣ он гулчехраро изни тамошо кошки.
Кошки гӯям маро гаштӣ висоли ту насиб,
Бенасибонро насобе нест илло кошки.
Бо вужуди ақлу дин сомон нагирад кори ишқ,
Дар ҳужуми ин шудӣ он ҳар ду яғмо кошки.
Назми Жомиро, ки шуд дар васфи лутфи ӯ чу дур,
Жо набудӣ ғайри гӯши шоҳи воло кошки.
Шоҳ Абулғозӣ, ки мегӯяд шаҳи анҷум зи дур,
Будиям дар силки наздикони ӯ жо кошки.
Ҳар чӣ хоҳад, бод ҳосил дар ҳарими базми ӯ
В-аз ҳарими базми ӯ сад сола раҳ то кошки.*

Мазмуни:

Кошки ушал раъно қадди дилдорнинг дийдорини кўрсайдим, (ушанда) кўзларимни у зебо юз нуридан равшан қилардим. Менинг хотирим жаннатдаги туби дарахти соясида тинчланмайди, кошки ул баланд сарв бошимга соя солсайди. Агар бугун унинг жамолидан баҳраманд бўлмасам-да, бу давлатга эришиш ваъдаси тонгла кунга қолдирилсайди. Ошиқларга гул териш ва кўришга рухсатдан нима фойда, ул чехрани тамошо қилишга изн берилса эди кошки. Кошки сенинг висолинг менга насиб этди деб айтсам эди, бенасибларга “илло” (йўқ)дан бошқа насиб бўлсайди кошки. Ишқнинг иши ақл ва дин билан ривожланмайди, ишқ ҳужуми туфайли бу иккиси барбод бўлсайди кошки. Шоҳ васфига дур каби тизилган Жомий назми улуғ подшоҳ қулоғидан бошқа ерда жой олмас эди кошки.

Шоҳ Абулғозики, юлдузлар (осмон) шоҳи узоқдан: “унинг яқинлари қаторида бўлсайдим қошки” дейди. Унинг базми харими (маҳрами) да неки бўлса ҳосил бўлсин, аммо шуниси борки унинг базми маҳрамлигидан “қошки”га қатар юз йиллик йул бор).

Хар икки ғазал ҳам тўққиз байтдан иборат. Жомий, Навоий айтганидай, “бахр ва қофия ва радиф”ини сақлаган. Аммо диққат қилиб қиёслаганда, икки ғазал орасида маъно ва мазмун нуқтаи назаридан сезиларли фарқ борлигини кўраемиз. Бу фарқ нималарда кўринади?

Биринчидан, Навоий ғазалида афсус, пушаймонлик, содир бўлган воқеадан задалик, озурдалик ҳисси акс этган. Яъни шоир тасвирига кўра, Ёр жамолининг жилваланиб зоҳир бўлиши (бу Аллоҳ тажаллиси ҳам, ердаги маҳбуб ҳуснининг кўриниши ҳам бўлиши мумкин) ошиқ дилни изтироб ва кийноқларга солади, ошиқ “қани эди сени кўрмасам, бу балолар ҳам бошимга тушмас эди, ишқ домига тушмаган бўлардим” қабилида нола чекади. Шу боис Навоий ғазалида инкор маъносидаги сўзлар кўп. Чунончи: “очмағай эрдинг”, “солмағай эрдинг”, “килмағай эрдинг”, “бўлмағай эрди”, “тушмағай эрди” ва ҳоказо. Бироқ шуниси борки, мана шу инкор ва афсуслар замирида тасдиқ ва таслим ғояси ётади. Бошқача айтганда, ишқ — бу тақдири азал, бу ошиқ учун марҳамат, Хусн пайдо бўлдим, ишқ ҳам пайдо бўлади — кўнгил ақлга бўйсунмайди.

Жомий ғазалида эса, бунинг акси ўлароқ, афсуснадомат эмас, балки талаб ва қўмсаиш маъноси ифодаланган. Шоирнинг лирик қаҳрамони Ёр юзини кўришга мушток: қани эди у раъно юзни кўрсам, дийдоридан тўйиб, кўзумни равшан қилсам, дейди.

Умуман, “қошки” сўзи қани эди, агар, агарда, шундай бўлсайди ёки шундай бўлмасайди каби маъноларни англатиб келади. Абдурахмон Жомий Ёрга интизорлик, садоқат изҳорини ифодаласа, Навоий ишққа гирифтор кўнгилнинг изтиробларини тасвирлаган.

Иккинчидан, Навоий ғазалининг ички қурилиши билан Жомий ғазали тузилиши орасида ҳам фарқ бор. Навоийда: биринчи байтда Ёр жамолининг оламда очилиши, иккинчи байтда кўзнинг шу Жамолга тушиши, учинчи байтда Ишқ шуъласининг кўнгилда пайдо бўлиши, тўртинчи, бешинчи ва олтинчи байтларда Ҳусннинг кўнгилни лутф билан сийлаши, авраши, кейинги байтларда Ёр лутфининг алдамчилиги, бевафолиги тасвирланади, яъни: Жамолни кўз кўради, кўздан кўнгилга ўт тушади, бу ўт аввал роҳат бағишлайди, сўнгра зулм қилиб, фироққа солади, қийнайди. Охири бечора ошиқ бунга кўникади.

Демак, лирик қахрамон бошидан ўтган воқеа бир тизим шаклида тасвир этилган. Абдурахмон Жомий ғазалида бундай воқеабандлик тизими йўқ. Унда соғинган кўнгилнинг орзулари, ишқ тавсифи, ёр ваъдасига умид боғлаш ғоялари ўзаро боғлаб тасвирланади.

Учинчидан шуки, Жомий ғазали султон Ҳусайн Бойқарога бағишланган, шоир шохнинг “яқинлари – маҳрамлари қаторида бўлсайдим кошки” деган сўзлар билан асарни яқунлайди. Навоий ғазали ҳеч кимга бағишланган эмас.

Тўртинчидан, Навоий анъанага амал қилиб, ўз таҳаллусини ғазалнинг охириги байтида келтиради, Жомий эса ўз таҳаллусини еттинчи байтда келтирган. Жомийнинг бундан мақсади шохга бўлган ҳурматини ифодалаш бўлган, албатта.

Аммо Алишер Навоий Жомий ғазалига мусаддас боғлаганда, таҳаллусини келтирмаган. Бу ҳам анъанага зид. Чунки биров ғазалига мухаммас ёки мусаддас боғлаганлар ўз таҳаллусларини қўшиб қўйганлар. Афтидан, бунда Навоий ҳам Жомий ва султон Ҳусайн Бойқарога эҳтиром юзасидан шундай йўл тутган. Аммо Навоий мусаддаси султонга ҳам, Жомийга ҳам маъқул тушади ва янги асар сифатида бадий сўз ихлосмандлари оғзига тушади.

Алишер Навоий мусаддас ёзиш талабларига тулик риоя этган, яъни илова қилинган байтлар ғазал байт-

лари маъносини ривожлантирган, тўлдирган. Мавжуд мавзу ва мазмундан четга чиқиш кўзга ташланмайди.

Шу тариқа, ушбу адабий ходиса бир томондан, Навоий ижодий салоҳиятининг бемисл қудрати, унинг асарлари кадру қимматини, Навоий билан Жомий орасидаги зехну заковат, адабий маслак ва қалб яқинлигини ифодаласа, иккинчи тарафдан бу икки буюк адибнинг давр подшоси, “шоҳу дарвешлик”ни ўзида муҷассам этган нозик таъъ шоир Хусайн Бойқарога муносабатини ҳам белгилаб турибди ёки бошқача айтсак, Хусайн Бойқаронинг адабий ҳаётга фаол иштироки, Навоий ва Жомийга бўлган чуқур ҳурмати, улар истеъдоди меваларини кўпайтириш сари қилган ҳаракатлари намунасини кўрамиз. Бу уч буюк зот XV аср Ҳирот адабий муҳитининг марказида турганлар ва улар сиймосида адабиёт ва халқ, маънавият ва давлат бирлашган эди.

Уларнинг бир-бирини қўллаши, илҳомлантириб туриши улуғвор бир маданиятни сўз санъати намуналари бўлган ўлмас обидаларнинг яратилишига сабаб бўлди.



Алишер Навоий — буюк шоир ва мутафаккир зот.
Бу хақиқат куёшдай барчага аён. Куёшнинг таърифиди
ни такрорлайвериш эса, шарт эмас. Аммо ана шу буюклик
кудратининг ҳар бир асрда намоён булишини англари
ва ундан хузурланиш, албатта фойдалидир. Чунончи,
шоирнинг мана бу ғазалини олайлик:

*Паризодеки мушкин зулфи жоним мустаманд этмиш,
Малойик қушларин ул ҳалқа мулар бирла банд этмиш.*

*Самандинким ёлдиндек тез эрур, юз шукрим, гардун
Анга бизни самандарваш, мунга гарди саманд этмиш.*

*Чекарга ишқ оташгоҳига девона кунглимни
Казо ҳар бир шарар торини бир утлуғ каманд этмиш.*

*Вафоға телбалиқдин нописанд улсам, они кўрким,
Жафоға кимни менга ул парипайкар писанд этмиш.*

*Майи равшан тут, эй соқийки, кунглум тийра қилмиш шайх
Даму афсун била баским анга изҳори панд этмиш.*

*Лабингда нушу захри ҳажр оғзимда, тонг эрмас гар
Манга ҳар захрханд улғонда дил бир нушханд этмиш.*

*Лаби лаълин малоҳат холи бирла бахравар қилғон
Менинг жонимни доғи ишқ бирла бахраманд этмиш.*

*Бировким сарвдек озодваш булди бу боғ ичра,
Казо деҳқони ҳам сарсабз они, ҳам сарбаланд этмиш.*

*Навоий, кеч висол уммидидинким, ҳақ сени беҳад
Залилу зору, ёрингни азизу аржманд этмиш.*

Ушбу ғазал ажойиб дилрабо оҳанги, романтик-армоний тасвирлари, ниҳоятда нозик ирфоний маъно-

лари ва шунга муносиб тимсол ва ташбехлари билан қалбни ром этади. Ҳар бир байт — бир лавҳа: унда Ёр жамоли васфи ёки унинг қарашма-истиғнолари ва бунинг Ошиқ дилига таъсири ифодаланган. Шунга биноан, ҳар бир байт ичида тазодий маъно бор, яъни маънуқа ўз ҳусну жамоли, жазбаси билан мағрур, бепарво ошиқ эса бу тенгсиз ҳуснга етишиш иштиёқида парвонадек талпинади.

Навоий тасвирида дунёвий ва илоҳий маънолар бирга, бири иккинчисини изоҳлаб, тўлдириб келади. Бошқача айтганда, образлар мажозий (дунёвий), маънолар эса илоҳий.

Яхшиси, ҳар бир байт устида тўхтаб, буни кўздан кечирамиз. Биринчи байтнинг зоҳирий маъноси манга бундай: "Қора зулфи жонимни гирифтор этган паризод малакларни ўз зулфи ҳалқалари тузоғига илинтирибди". Аммо ушбу байтнинг ботиний маъноси хийла кенгроқ. Пари — ҳаёлий маҳбуба, у одам қиёфасига кириб, кўзга кўриниши ҳам мумкин. Паризод — парининг фарзанди, демак, яъни ҳаёлий гузаллик ва ҳусни жамол тимсоли. Мушк — оҳу киндигида қаттиқ югуришдан қон доғлари йиғилиб ҳосил бўладиган хушбўй нарса. Зулф (соч) мушкка ўхшатилар экан, демак, анинг қоралиғи ва хушбўйлигига ишора қилинмоқда. Муста-манд — гирифтор этини, ожиз қилиб қўйиш. Малоийк қушлари — қанотли фаришталар. Ҳалқа мўлар — соч бурамлари. Бироқ зулфнинг сўфиёна маъноси ҳам бор. "Зулф" — қасрат олами мартабалари, қасрат оламига хос жузь ва кулл муносабатига ишора. Зулфнинг ҳалқалари — илоҳий сирларнинг пинҳонлиги", дейилади луғатларда. Байтга шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, унда — паризод — илоҳиёт оламининг мазҳари бўлган нузли бир хилқат тимсоли бўлиб, унинг зулфи (сочи) эса тажаллиёт олами, яъни моддий дунё (қасрат олами ҳам дейилади) бўлади. Демак, Навоий тасвирламоқчи бўлган ошиқнинг жони Илоҳиётга етишиш йулида бу дунёнинг маънавий мартабаларини эгаллашга

бел боғлаган солиқ экан. Унинг изтироблари ҳам ана шу сирларни дилда саклаб, мартаба зиналаридан кутарилишдир. Илохий мазҳар бўлганлиги учун ҳам Паризод инсонлар билан бирга, малакларни ҳам банду асир этган.

Бу Паризоднинг минган оти ҳам гўё нурдандур: чунки саман — сарғиш рангли (қуёшдай) арғумок. У яшиндай тез югуради ва алангадай кўк сари интилади. Ошиқ шу алангага мафтун — у ўзини аланга ичидаги самандар (ут ичида туғилиб яшайдиган афсонавий қуш)га ва шу отнинг туёғи остидаги ғуборга ўхшатади, бундан шодланиб, Тангрига шукрона айтади. Иккинчи байтдаги тасвир, кўриниб турибдики, биринчи байтнинг мантикий давоми. Паризод зулфига гирифтор бўлган ошиқ ўзини унинг оти оёғи остидаги ғуборга ва оловда яшайдиган самандар қушга ўхшатади. Ошиқлик — бу ўзини оловга ташлаш билан баробар. Чунки ишқ, олов, ошиқ — самандар, маъшуқа — нур манбаи. Навоий тасвирида бу тушунчалар ўзаро алоқадор бўлганлиги сабабли, ғазалнинг учинчи байтида мазкур ғоя яна аниқроқ ифодаланган: ошиқнинг девона кўнглини ишқ оташхонасида тоблаш учун қазо (тақдир) учкунлар ристасидан "ўтлуғ каманд" — олов арқони ясабдир. Ажойиб тасвир! Дикқат қилинг: оловли арқонлар билан боғланган ошиқ Кўнгли олов кўрасида турибди. Муболағами? Туғри, муболаға, лекин илохий ишқ кучини кўрсатишга муносиб тасвир.

Шундан кейин шоир тўртинчи байтда Ёрдан шикоят қилиб дейди: вафо йулида телбалардай талпинганидан беэътибор (нописанд) бўлдим, бу алам қилмайди. Бироқ "ул пари пайкар"нинг менга жафо бериш учун қазони раво кўргани баттар эзади. Ха, Парвардигор бандаларини фалак айланиши, қазои қадар зулми билан синов-имтиҳонлардан утказди-да! Мана шу ҳолатда солиққа хонақоҳ шайхи насихат қилиб, овутомқчи бўлади. Ошиқни насихат билан овутиб бўладими? Кўнгилни ишқдан қайтариб бўладими? Йўқ, бу

мумкин эмас. Ошиқлар маслаги бунга зид. Шу боис, Навоийнинг лирик қаҳрамони шайхнинг панду насиҳатини "даму афсун" (сеҳргарлик) дея, хонақоҳни тарк этиб, майхонага — Комил инсон (соқий) хузурига боради ва ундан Кўнгилни равшан қиладиган май — илоҳий файз сўрайди. Бешинчи байтда шу ҳолат тасвирлангандан кейин, олтинчи байтда яна ошиқнинг маъшуқага мурожаати давом эттирилади.

Бу байтда: "лаб" — раҳмоний нафасни, "нўш" — илоҳий сўз — лаззат, пир сўзини англариб келади. Пири Комилнинг ёки нурли сиймо — Паризоднинг нафасини кўмсаган ошиқ (солик) дилини хижрон қийнайди, хижрон гўё заҳар. Аммо маъшуканинг заҳарханда (аччик кулгуси, кесатиклари) ошиқ учун нўшханд — роҳат-фароғат ва хузурбахш лаззатдир. Лаб ҳақидаги фикр еттинчи байтда давом эттирилган. Бунда энди лаби лаъл, малоҳат, хол сўзлари кўлланиладики, буларнинг ҳар бири бир орифона-фалсафий маънога эга.

"Лаби лаъл" — вужудни қамраб олгандиган чуқур маъноли сўз, илоҳий калом. "Хол" — ваҳдат нуқтаси, касратнинг охири, Мутлақ зотнинг ваҳдатига ишора. "Малоҳат" эса илоҳий камолнинг бениҳоятлиги, адо бўлмайдиган файзу футухдир.

Лекин бу сифатлар маъшуқага нисбат берилган сифатлардир. Агар буни жамласак, Комил инсон васфи келиб чиқади. Чунки фақат Комил инсонгина илоҳий камолнинг бепоёнлигини идрок этиб, илоҳий файз ва раҳмоний нафасни мужассамлаштира олади ҳамда буни ўзгаларга етказди. Аллоҳ таоло Комил инсонларни ўз нурининг мазҳарига айлантирган, бошқалар уларга қараб Аллоҳ буюклиги, жамол ва жалолини ҳис этадилар. Шундай зотларни яратган Аллоҳ уларга юз минглаб жонларни ошиқ қилиб қўйибди, токи камолот бир занжирдай давомли бўлсин ва ҳеч вақт узилмасин, деб. Аммо байтнинг зоҳирий маъноси ҳам назардан четда эмас: соҳибжамол бир дилбарнинг сурати кўз олдингизда намоён бўлдики, унга дил боғлаган соф кўнгил

инсонлар ҳам маънавий баҳра оладилар. Саккизинчи байт нурли сиймо Ёрга мадхиядир. Сарв – Комил инсон хайкали, казо деҳқони – Парвардигори олам. Камолотга интилган, дунёда озод бўлиб, илоҳий маърифатга тўлишган одамни Худо ҳам қўллайди ва уни Ўз раҳмат суйи билан парвариш этади. Асосий ғоя мана шу.

Яқунловчи тўққизинчи байтда Навоий маъшуқа ва ошиқ – Комил зот ва унга интилган солиқ қиёсини охирига етказиб, идеал тимсолга етишишнинг мушқиллигини баён этган. Чунки Ҳақ таоло ошиқни зору ожиз, маъшукани эса азизу аржманд этган. Бу – тақдир, ошиқ тақдири. Ошиқ шу учун ҳам ҳар доим ўзини хоксор, камтар ва талабгор ҳис этади. Ошиқ нуқсондин камолга қараб борувчи, маъшуқа бўлса – камол тажассуми.

Ушбу ғазал "Насруллоҳи" куйи билан қиёмига етказиб ижро этилганда киши ўзини осмону фалакда ҳис этади. Гуё паризодалар нурли зулфларин ёзиб, илоҳий тажаллий тимсоли ўлароқ, поклик ва мутлақ гўзалликка ташна дилларни ўйнаётгандай, оламнинг беҳудуд сиру асрорини тушунтираётгандай бўладилар. Бундан ҳузурланган диллар сўз сеҳркори Алишер Навоийдай зотнинг руҳини алқаб, дуолар қиладилар.



«АҲЛИ КАМОЛ КОРХОНАСИНИНГ
КОМИЛИ»

Низомиддин Мир Алишер Навоий ҳаётӣлик давридаёқ ҳам одил давлат арбоби ва ҳам улуғ шоир сифатида шуҳрат қозонган эди. Шоирнинг кўплаб ижодкор замондошлари буни фахрланиб тилга олганлар ва унга асарлар бағишлаб, нажиб инсоний хислатлари, саховату ҳиммати, фавқулодда нодир қобилиятини таъриф-тавсиф этганлар. Бу бағишловлар замирида улуғ шоирга бўлган меҳр-муҳаббат билан бирга, юрт ободончилиги, халқнинг маданий-маънавий юксалиши ва қониқиш туйғуси ҳам ифодаланган. Зеро, Навоий асрлар давомида йиғилиб келаётган орзу-армонлар, гуманистик ғояларнинг рўёбга чиқиши тимсоли, халқ идеали эди. Тарих гўё зарурат ва намуна сифатида муқаррам бир шахс сиймосида эзгулик ғояларини мужассам этиб, саҳнага олиб чиққан эди, у маърифат қуёши каби порлаб дилларни яйратар, ижод аҳлининг қалбини илҳомга тўлдирарди, сўз санъати эса улуғвор бир илоҳий қудрати билан шуурларни банд этган эди.

Чунончи, Аҳлий Шерозийнинг ҳазрат Навоийга бағишланган форсий қасидасини ўқиганда ана шундай фикрлар кўнгилдан кечади. Аҳлий Шерозий — Навоийнинг кичик замондоши. “Мажолис ун-нафоис”да Навоийнинг ўзи таъкидлаганидек, у хали “толиби илм” бўлсада, бироқ “ҳар синф (жанр) шеърда маҳоратлиғ кишидур”. Хусусан, унинг қасидалари эл орасида шуҳрат топади. Навоий яна ёзади: “Неча котла Шероздин рангин қасидалар айтиб юбориб эрди. Бу яқинда Хожа Салмон Соважийнинг маснў қасидасиға жавоб айтиб, бир ғариб

(ажойиб) рубоий доғи изофат қилиб юборибдур. Холо онча чоғлиқ қувватлиғ киши демасларки бўлгой” (Алишер Навоий. Асарлар. 12-том, 1965. 165-166-бетлар).

Маълум бўладики, Аҳлий Шерозий ўз асарларини Хиротга юбориб, Алишер Навоий назаридан ўтказиб турган, яъни улуғ ўзбек шоирини ўзининг устози деб билган. Салмон Соважий услубида ёзган қасидасини бўлса, бевосита Навоийга бағишланган. Ушбу асар “Қасидаи маснуъ дар мадҳи Мир Алишер Навоий” (Амир Алишер Навоий мадҳида ёзилган маснуъ қасида) деб номланади. Изоҳ бериб айтиш жоизки, махсус нозик санъатлар қўлланиб яратилган қасидалар “маснуъ қасида” дейилган. Бунда шоир нафақат байтлардаги сўзлар оҳангдошлиғи, тасвирийлик жиҳатидан алоҳида мураккаб бадий санъатларни намойиш этади, балки шу билан бирга аруз вазни баҳрлари, қофия, радиф ишлатишда ҳам турли услублар қўллайди. Яъни бир маромда давом этадиган қасиданинг ҳар бир байтида ўзгача бир санъат, ўзгача бир баҳр ишлатилади. Бундан ташқари, баъзан бир, баъзан икки ёки уч байтнинг мазмуни ва калит сўзларидан фойдаланиб, янги вазн ва қофияда бошқа бир байт шеър илова қилинади. Зеро, қасиданинг ўзини ташкил этувчи байтлар усул (асллар) деб аталса, улардан ҳосил қилинган қўшимча байтлар фуруъ (шоҳлар) деб номланган.

Чунончи, Аҳлий Шерозийнинг мазкур маснуъ қасидаси қуйидаги байтлар билан бошланади:

*Насими кокули мушкин кирост чун ту нигор?
Шамими сунбули пурчин кужост мушки татор?
Шамим хезад аз оху, вале на з-ин хуштар,
Насими гул вазад, аммо чунин на анбарбор.*

(Сен каби мушк ҳиди таратадиган нигор кокули яна кимда бор. Ҳалқа-ҳалқа сочидан татор мушки ҳиди келадиган яна қаерда бор? Охудай хушбўй мушк ҳиди

келади, аммо бундай ёқимли эмас, гулнинг насими — хушбӯй хиди келади, аммо бундай ифорили эмас).

Энди шоир икки байтдаги умумий маънодан фойдаланиб ва насим, кокул, мушкин, киро, хезад, хуштар, шамим, пурчин, чунин, анбар сўзларини қўллаб, қуйидаги қўшимча байтни ҳосил қилган:

*Насими кокули мушкин киро хезад аз ин хуштар,
Шамими сунбули пурчин куҷо резад чушин анбар.*

(Мушкин кокилнинг хушбӯй хиди бундан яхшироқ таралмас, ҳалқа-ҳалқа сочларнинг бундай анбар хиди бошқа жойда бўлмас).

Қасида бошидан охиригача шу усулда давом эттирилган. Боз устига, бутун асар мувашшаҳ санъати асосига қурилган бўлиб, ҳар бир мисра аввалидаги ҳарфлар йиғиндисидан мадҳ этилаётган шахснинг сифатлари ҳосил қилинади ва бу китъа шаклида охирида илова этилади.

Хуллас, маснуъ қасидада мумтоз адабиётнинг бадиий санъатлари гуё бир жойга йиғилиб, ажойиб сўз сеҳрхонасини ташкил этгандай бўлади. Аҳлий Шерозийнинг маҳорати шундаки, 216 байт (129 “асл”, 70 та “фурӯ” байтлар ва 17 байт қитъалар)дан ташкил топган асарда нотабиийлик ва маънисиз сўзбозликка йўл қўймасдан, Ҳазрат Мир Алишер Навоийнинг поэтик образини ярата олган. Қасиданинг ҳар бир байти ўқувчига алоҳида завқ бағишлайди, ҳайратга солади, айни вақтда Навоийнинг буюк тарихий хизматлари, эзгулик йўлидаги ишлари, ижодий мўъжизалари муносиб равишда таърифу таҳсин этилади, ёрқинлаштириб ўқувчи қалбига сингдирилади.

Аҳлий Шерозий қасида муқаддимасида Навоийни “давлат, дунё ва диннинг низомини сақловчи Ҳақ таолонинг вакили” дея таърифлаб, қуйидаги шеърни келтиради:

*Он ки нашьбу намойи гулшани дахр,
Хама аз офтоби ҳиммати ўст.
Сурхруйиши аҳли фазл имруз,
Чун ақиқ аз Суҳайли давлати ўст.*

(Дунё гулшанининг яшнаши унинг ҳиммати қуёшидан дир; бугун фазл аҳли юзининг қизиллиги унинг давлатининг лаъли конидандир).

Мана шу ғоя, яъни мамлакат маънавий камолотининг сардори ва мададкори эканлиги касидада ғоят таъсирчан, чиройли тасвирлар воситасида изчил олиб берилади.

Асарни шартли равишда икки қисмга бўлиш мумкин: 1) муаллифнинг ўзи мадҳ этаётган зотга меҳру муҳаббати изҳори, ундан узоқлиги, дийдори, суҳбатларини соғинганини ифодаловчи байтлар ва 2) Навоийнинг инсон сифатида мукаррам хислатлари, саховати, ижод соҳасида амалга оширган улуғ ишларининг таъриф-тавсифи ва баҳоси.

Албатта қасида — бу васф жанри. Унда мадҳ, мактов оханги етакчилик қилади, шунга мувофиқ сўз-ибора-лар, санъатлар танланади. Аммо шуни айтиш керакки, Аҳлий Шерозий қасидасидаги таърифларда ҳеч бир муболаға йўқ эди. Унинг таърифлари Навоий сифатларининг айни ўзи эди. Шерозлик шоир бирор бир тамаъ юзасидан эмас, балки улуғ ўзбек шоирининг амалга ошираётган жаҳоншумул ишларини муносиб баҳоламоқда эди. Чунки, Аҳлий Шерозий баҳолари билан Жомий, Хондамир, Бобур баҳолари ўзаро ҳамоҳангдир. Аҳлий назарида Навоий шоир сифатида сўз жисмига янги жон ато этган, давлат арбоби сифатида эса адолат байроғини кўтариб, зулм уйини вайрон этган жасур инсондир.

Чунончи у ёзади:

*Яқин, ки ҳам алами адл барфарозудий,
Яқин, ки ҳам жигари зулмо гудозад зор.*

(Аниқки, ҳам адолат байроғини баланд кўгарттирдиг, аниқки ҳам зулмнинг жигарини ёндирдиг).

Навоийнинг тадбирлари туфайли мамлакатдан жабру ситам қувилди, чунки унинг фармонининг тиғи ситамкорлар қўлини кесди. “қаламингни ҳаракатидан вилоятлар обод бўлмоқда, сен туфайли ҳамма жойда Ҳақнинг барака ёмғири ёғмоқда” деб ёзади Аҳлий Шерозий. Навоий бенаволар, ҳақоратланган кишилар ҳимоячиси ва ҳомийси сифатида тасвирланади. Шу боис “Жаҳон мулки унга (Навоийга) банд” бўлгиси келади, Навоий замони — саодат замонидир деб ёзади муаллиф.

Навоий ҳам туркий ва ҳам форсийда бебаҳо асарлар ижод қилиб, сўз додини берган даҳо шоир: “У сўзга янги жон бағишлаган шундай соҳиб қалам санъаткори, буни ақлу тасаввурга сиғдириш қийин”, у “ақллари лол қолдирди”. Ёки қасиданинг мана бу байтларига диққат қилайлик:

*Ягона он суҳанатро чу пайки бод орад,
Диле, ки мурда бувад зинда кард он гуфтор.
Расондай ту бад-он пояи суҳан, ки имруз,
Жаҳон гирифта қиёмат зи сийти истишхор.*

(Агар шамол даракчиси ул нодир сўзингни етказса, бу сўз хабари ўлик дилларни тирилтиради. Сўзнинг пойдеворини бугун шундай жойга етказибсанки, унинг шуҳратидан жаҳонда қиёмат қўзғолди).

“Навоий сўзини кўкда малаклар, ерда инсонлар эшитиб роҳатланади, завқ олади, у ҳам назм ва ҳам насрда дурлар сочди. Бундай ҳар ерда, ҳар замонда ҳурларга сўз гавҳарини нисор этган яна ким бор?” дея тўлқинланиб ёзади Аҳлий Шерозий.

Сўз гавҳарини сочиш — улуғ саховат. Аммо Навоий илму фан аҳлининг ҳожатбарори, ўнлаб маърифат масканлари, мадраса хонақолар қурдириб, толиби илмларнинг моддий таъминотини таъминлаган беназир саҳий инсон сифатида ҳам ном қозонган эди. Аҳлий

Шерозий бўни ҳам назардан қочирмаган. У Навоийнинг сахий қўлини Нил дарёсига ўхшатади. Зероки, Нилнинг суви юзлаб анҳорларга бўлиниб, бутун бир мамлакатни обод этади, юз минглаб кишилар бу дарё туфайли фаровон ҳаёт кечирадилар.

Латойифи карамаш коми халқ шаҳде дод,

Кафи инояти ў шуд чу баҳре аз эсор.

(Карамининг лутфу марҳамати халқ муродини ҳосил қилиб, шахду шакарга етказди. Унинг иноят кафти сахийлик вақтида денгиз мисол қўпириб, дур сочади).

Навоийнинг қалби пок ниятли одамлар интилади-ган Каъбага, ўзи эса солиқлар (тариқат аҳли)нинг раҳнамоси Хизрга ўхшатилади. Навоий фавқуллода, но-биға бир шахс сифатида гавдалантирилган. Аҳлий Шерозий тасвирига кўра, Навоий руҳияти Аршга боғланган, дили эса Ҳақ субҳонаҳу таолонинг файзи билан йўғрилгандир. Навоий гарчи тариқат йўлини босиб ўтмаган бўлсада, аммо Абу Бакр Шиблий ва Жунайд Бағдодий каби шайхлар мартабасини қозонган одамдир, чунки улуғ шоирнинг камолоти, нажиб хулки, амаллари шунга ҳидоят этади:

Ту Хизри роҳравонӣ ба донишу таҳқиқ,

Ту Шиблюю, ту Жунайд аз далоили автор.

Шаку яқин набарад роҳ дар камолотат,

Ки дар мақоми иноят намуд истиқрор.

(Сен илму дониш ва таҳқиқда йўловчилар Хизри-сан, тариқат далилу исботи бўйича Шиблий ва Жунайдга тенгсан. Камолотинг ҳақида шак-шубҳага ҳожат йўқ, чунки иноят мақомида барқарорсан).

Навоий каби ҳиммати баланд, мард ва покиза одамни жаҳон кўрмаган, унинг замонида ҳунар ва ижод гуллаб яшнади, ёшу қари унинг дуосини қилади, душманларнинг кўзи кўр, қўлини қалта бўлишини Худодан сўрайди, деб хулосалайди шоир. Аҳлий Шерозий ўз фикрларини қасида охирида келтирилган қитъаларда яна ҳам равон ва гўзал ташбеҳ-истиоралар билан умумлаштириб баён этади. Алишер Навоий комиллик

гимсоли, улуғ мададкор ва ижодкор шахс сиймоси бўлиб гавдаланади. Чунончи:

*Сарвари мулки карам, ҳокими даҳр,
Комили корғаҳи аҳли камол.
Ҳукми ӯ доди маҳомид дода,
Адли ӯ карда адам гарди малол.
Марҳами дарди дили мардуми даҳр,
Муслиҳи ҳоли ҳама дар ҳама ҳол.*

(Саховат мулкининг султони, замон ҳокими, камол аҳли корхонасининг комили. Унинг ҳукми эзгулик оламини яшнатди, адолати ранжу малол гардини йўқ этди. У замона кишиларининг кўнгил дарди-га марҳамдир, ҳам ўзи ҳамманинг аҳволини ҳар дамда тузатишга тайёр эрандир).

Аҳлий Шерозийнинг мазкур қасидаси улуғ бобокалон шоиримиз ҳазрат Мир Алишер Навоий номини шарафлаб, авлодларга мужда бўлиб келган нодир асарлардандир. “Навоий номи абадий, унинг фазлу қарми асрлар оша пойдор бўлғуси” деб яқунлайди қасидани муаллиф. Дарҳақиқат ҳам шундай: асрлар ўтган сари Навоий ғояларининг қудрати янада ёрқинлашиб намоён бўлмоқда, амалга оширган эзгу ишларининг аҳамияти, салобати аниқроқ кўзга ташланмоқда.



АЖРИМ ҚИЛУВЧИ КЎЗГУ

Барча буюк ижодкорларда бўлгани каби Алишер Навоий асарларида ҳам ҳаёт бутун мураккаблиги билан каламга олиниб, таъриф ва танқид, нафрат ва муҳаббат, шукуҳ ва тушкунлик, рухий парвоз ва маҳзунлик туйғулар бир-бирини алмаштириб келади. Аммо шоир ушбу зиддиятларни қиёслаб тасвирлар экан, ҳамма вақт эзгу ғоялар тантанасини кўзлаб фикр юритади ва комил инсон ахлоқини намуна қилиб кўрсатиб, жамият воқеалари, одамларнинг аъмолу ишларига шу мавқадан туриб баҳо беради. Шунга биноан, Навоий жамики сохтакорлик, ёлғон ва ясама муомала-муносабатлар, зулму ситам, қаллоблигу тилёғламаликни кучли бир нафрат билан қоралайди. Ва бунга муқобил равишда самимият, ростлик, сидку сафо, адлу инсофни улуғлаб мадҳ этади. Ушбу тушунчалар қиёси “Хайрат ул-аброр” достонида бошидан охиригача давом этади. Чунончи, ҳақни ноҳақ қилиб кўрсатувчи золим подшо ҳам, “хийла уйига сутун” бўлган риёи шайхлар ҳам, “дунё зийнати касбида хийласозлик” қилувчи худнамо муханнасвашлар (хунасалар) ҳам, “кўнглида минг ғарази бор” нопок амалдорлар ҳам, ўзини доно қилиб кўрсатувчи жоҳил уламолар ҳам аслида туз йўлдан юрмайдиган, манфаат учун, нафс учун оқни қора, қорани оқ деб буқаламунлик қиладиган сохтакор ёлғончи кишилардирлар. Шоир бу тоифаларнинг ҳар бирини алоҳида олиб, турли масхараловчи ва нафрат кўзғатувчи ташбеҳ – истиоралар ёрдамида фош этади, сохтакорликнинг туб ижтимоий моҳиятини очиб беради. Аммо бу билан ҳам қаноатланмай, “Ростлик таърифидаким...”. деб бошланувчи мақолатида мазкур мавзу устида яна батафсилроқ тўхталиб ўтади.

Навоий ростликни “вужуд уйи”, яъни борликни мувозанат ва мутаносибликда тутиб турувчи устун, инсоният жамиятини ичдан ёритувчи мунаввар шамъ деб таърифлайди. Зеро, Аллоҳнинг бир исми Ҳақ, яъни

ростлик (чин, ҳақиқат)дир. Бутун олам ана шу Ҳақ ҳикматининг қонунияти асосида қурилган, адолат ҳам аслида ростликнинг тантанаси бўлмоғи керак. Одил одам шунинг учун одилки, у ўртада туриб ростни ёлғондан, ҳақни ноҳақдан ажратади, ҳақиқатни барқарор этади. Ростлик инсонни шарафловчи ахлоқий фазилат, имон-эътиқод асоси. Ростгўй одам жасур, маънавий соғлом (солим), осойишта ва хотиржам бўлади. Навоий бу хислатни одамнинг ички олами, тарбиясига боғлаб тушунтиради. Чунки асл моҳияти, нияти тўғри бўлган одам ҳар ерда, ҳар қандай шароитда тўғрилиқ тарафидан туриб, уни химоя қилади. “Ростдур улким назари тўғридир”. Яъни, дунёга, одамларга, ҳаётга тўғри назар билан қарайдиган, муносабати-муомаласи ҳам тўғри одамни рост йўлдан юрадиган одам дейиш мумкин. Шоир ростликнинг аҳамияти ва фойдасини турли ташбеҳлар орқали ёрқин тасвирлаб, ростгўй нодшолар, ҳақ йўлида жон фидо қилган набилар, ориф инсонларни мисол қилиб келтиради. Сулаймон пайғамбарнинг узугига “ростию расти” (“тўғри бўлсанг – тараққий этасан” ёки, “тўғрилиқ – нажот йўли”) деб ёзилган экан. Навоий ёзади:

*Қилмаса бу муҳр хати ёрлик,
Шоҳға йўқ ғайри гирифторлик,
Тузлук улуб охир анга дастгир,
Тузлук ила халқ анга фармонпазир.*

Яъни: агар бу муҳр (ёзув) ёрдам бермаса, шоҳ ноҳақликлар, ёлғонлар гирдобига гирифтор бўлади. Худонинг ва халқнинг ғазабидан қутулмайди. Лекин Сулаймон ҳар доим ростликка амал қилгани боис салтанати мустаҳкамланади, одамларгина эмас, жинлару ҳайвонлар ҳатто хашаротлар ҳам унга итоат этди. Юртга қут-барақа ёғилди. Навоий бу мисол орқали муҳим сийёсий-ижтимоий масалани кўтаради: ростлик ва адолат – давлат ва жамият барқарорлиги, пойдорлигининг

бош омили. Бунинг акси улароқ елдончилик авж оёса, ахлоққа путур етади, давлат ҳам, жамият ҳам емирида бошлайди. Шу боне улуг мутафаккир ростликнинг кадри, аҳамиятини кўрсатиш учун ёлфоннинг фалокат келтирувчи оқибатларини бир-бир тасвирлаб ўтади.

Биринчидан, агар жамиятда ростлик ахлоқи қонда-қонун даражасида амал қилмаса, ростгўй одамнинг иши юринмай, алдов, фирибгарлик яшаш тарзига айланса, унда ростликнинг кадри тушиб кетади, одамлар бора-бора чин сўзга ишонмай кўядилар. Иш шу даражага борадики, кишилар рост гапдан балодан кўрқкандай кўрқадилар, ростгўй одамга эса душманга қарагандай қарайдилар:

*Турфа замон аҳлига бир мубтало,
Ким йўқ алар олинда чиндек боло.*

Хато сўз, ёлфонга қаттиқ ишонган одамнинг қарашлари, ўй-тушунчалари шу асосда шаклланади ва унга кейин ҳар қанча рост гапни гапирсангиз ҳам қабул қилмайдиган бўлиб қолади. Бугун замон, давр шундай аҳволга тушса, бу катта фожиа:

*Давр чу кажеликка қилур иқтизо,
Сен тиласанг рост, эмастур ризо.*

Ҳа, замон эгриликни химоя этса, тўғрилиқ синади, бундай пайтда ростгўй одамни назар-писанд қилмайдилар, таъқиб этадилар ва ночорликда яшашга мажбур қиладилар. Навоий ҳазратлари ўз замонида ростгўйликдан азият чекканларни кўп кўрган. Жумладан, ўзи ҳам шундай кишилардан бири бўлгани сабабли бошига қанчадан-қанча кулфатлар ёғилган. Шу боне у алам билан ёзади:

*Кимки бу давронда қилур ростлиқ,
Йўқтур иши гайри каму костлиқ.*

Яъни, тўғри яшайман деган одамнинг иши азобу уқубатдан бошқа нарса эмас. Ростлик тушунчаси садо-

кат, вафо, муҳаббат, поклик тушунчалари билан маънодош. Ростгўй одамгина қаллоблик, макру хийлани фонни қиладлади, бу нуқсонларга қарши курашади, ўзини ҳам тозалаб юксатиб боради. Шу маънода ростлик маънавий камолотни белгиловчи асосий сифатдир. Ростликка муҳаббат илмга, олимларга, яхши инсонларга меҳру муҳаббатни келтириб чиқаради ва охир-оқибат эзгу ишларга етаклайди, кишини Аллоҳга яқинлаштиради. Ёлғончилик эса, аксинча, макр, хийла, кузбуямачилик, лаганбардорлик каби қатор нуқсонларнинг дояси. Бу нуқсонлар фақат ўзининг соҳибигагина эмас, балки бошқаларга ҳам зарар келтиради, аксар жамият эътидоли (гармонияси)ни издан чиқаради.

Хўш, нега одамлар илоҳий сифат бўлган ростликни қуйиб, шайтоний сифат ҳисобланмиш ёлғонни қурол қилиб оладилар? Навоий ҳазратлари бу саволга ҳам жавоб қидирган. Унинг назарида бунинг сабаблари қуйидагилар: 1) шахсий манфаатни кўзлаб ёлғон гапириш ёки қаллоблик қилиш; 2) мансабга эришиш йўлида ўзини илмли, тadbиркор, ҳалол қилиб кўрсатиш, турли фитна турини туқини; 3) заифлик ва қўрқув таъсирида ёлғон гапириш. Манфаат йўлида ёлғон ишлатиб, одамларни алдаш кенг тарқалган хавfli ҳодиса бўлиб, Навоий бунинг бир неча мисолларини келтиради. Чунинчиси, эл орасида “борча ёмондин ёмон” бўлган риёкор шайхларни мазаммат этиб, дейди:

*Рузи учун мунча фусунсозлик,
Мансаб учун мунча дағобозлик.*

Бундай найрангбоз шайхнинг мақсади ўзини авлиёи замон қилиб кўрсатиб, ҳадя, назру ниёз олиш сарой аҳли, ҳокимларга яқинлашишдир, деб ёзади шоир. Бундайлар манфур нафс домига тушган жирканч кишилар. Холбуки, тариқатнинг биринчи шarti нафс қутқусини енгини, дунёга берилмасликдир. Бундай одамлар фақат сўфийлар орасида эмас, олимлар, қозилар, аъламу муфтилар, қотиблар, имомлар орасида ҳам бор.

Ёки сарой котиблари, амалдорларнинг пора олиб, бир-ни минг қилиб ёзишлари, садокату диёнат қалбига тиг уриб, қозоз юзин “уз юзлари каби қора” қилишлари ҳам шунга мисолдир. Шундай “омили девон”лар борки, деб ёзди Навоий, уларнинг ёлғон ва хийлаларига дев ҳам хайрон қолади. Улар тил бириктириб, сохта хужжатлар тайёрлайдилар, чиройли муҳрлар босадилар, мақсаллари эса шу орқали эл молини узлаштириш ва қўшимча солиқлар орқали аҳоли бошига бало ёғдириш. Подшо эса бундан аксар беҳабар қолади, алданади:

*Гофил ул ишдин шаҳи давлатпаноҳ,
Давлати арқони буллуб ришвахоҳ.*

“Сабъан сайёр” достонида эса Алишер Навоий ёлғончи, қаллобларнинг типик тимсолларини тасвирлаб берган. Иккинчи иқлимдан келган мусофир Баҳром Гурга Зайди Захҳоб (захҳоб — заргар уста) ҳақида хикоя қилади. Зайд подшони ишончини қозонган моҳир уста бўлади. Аммо унинг нияти бузук, мақсади давлат молини умариб кетиш. Шоир унга бундай тариф беради.

*Чун амонатда бедидёнат эди,
Иши шоҳ молига хиёнат эди.*

Бир кун у шоҳга ҳашаматли олтин тахтда ўтириш сизга ярашади, деб маслаҳат беради ва шундай тахтни ўзи ясаб беришини айтади. Дабдабаю шукухни яхши кўрадиган шоҳ бунга қунади ва хазинадан бир неча юз ботмон олтинни ажратиб, заргар ихтиёрига беришни буюради. Заргар эса олтинларни қўлга киритгандан кейин, унинг асосий қисmini узлаштириб, тахтни кумушдан ясаб, устини олтин суви билан қошлаб чиқади. Бундан хабарсиз шоҳ Зайдни олқишлаб, яна мукофот ҳам беради.

Олтинчи иқлим мусофирни хикояти қаҳрамонларининг исми Муқбил ва Мудбир. Муқбил — бахтли, иқболли, Мудбир — бахтсиз демак. Улар бирга сафарга

чиққанлар. Муқбил чидамли, каноатли, Худога чин дилдан тоат-ибодат қилади, Мудбир эса — ношукр, бадфеъл. Улар бир булоқ бошига етиб келганларида, булоқ бошида тошдаги битикка кўзлари тушиб қолади. Битикда: кимки ростгўй бўлса, бу булоқдан сув ичиб, ювинса, роҳатланади, аммо кимки ёлғончи, фирибгар бўлса, куйиб ўлади, деб ёзилган эди. Шунда Мудбир тавба килиб, Муқбил олдида бошқа ёмон йўлдан юрмаслик, ёлғон гапирмасликка қасам ичади.

Улар денгизда сузаётганда бўрон кўтарилади, кўп кемалар ҳалок бўлади. Муқбилнинг дуоси туфайли улар қутулиб қоладилар. Лекин бу воқеадан ибрат олмаган Мудбир эгалари ўлиб ётган кема ва унинг ичидаги мол-мулкни эгаллаб олади. Қирғоққа чиққандан кейин одамларга ўзини катта савдогар, Муқбилни эса қулим деб таништиради. Мудбир булоқ бошидаги қасамини бузгани ва яна ёлғон гапиргани учун шу заҳотиёқ қорни шишиб ёрилиб ўлади. (Воқеан, ҳикоятдаги Зайд ҳам қаллоблиги фош бўлиб зиндонга тушади). Навоийнинг хулосаси шуки, одамни бузадиган, бебурд қиладиган ва охир-оқибат ҳалокатга элтувчи нарса балои нафс, бойлик ҳирсидир.

Бу ҳирсга берилган одам виждонини ҳам, Худони ҳам унутади, унинг тоату ибодати ҳам ёлғон. “Маҳбуб ул-қулуб” асарида Навоий ростгўй, садоқатли ва ёлғончиларни қиёслаб ёзади: “Тенгри дўстлари сидку сафо маъданидур, ёлғончини дебдурларки, Тенгри душманидур”. Тангри душманини мусулмон деб бўлмас:

*Улки шиор айлади ёлғон демак,
Бўлмас ани эру мусулмон демак.*

Худонинг Расули Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам шунинг учун ҳам “Ёлғончилар менинг умматимдан эмас” (“Қаззабуна ла уммати”) дея хитоб қилганлар, дейди Навоий.

Улуғ инсонпарвар Навоий номуносиб хислатларни одамлар ахлоқидан сиқиб чиқиш, бадном қилувчи, тубанлаштирувчи жами нуқсонларга барҳам бериш учун

курашиб келган. Шу учун ҳам ёлгончилик касофатини нафрат билан тасвирлаб огоҳлантиради, гоҳида ғазаб билан ёниб гапирса, гоҳида насихат ва танбеҳ орқали таъсир этмоқчи бўлади. Албатта, ёлгон бир кун келиб фош бўлади. Ёлгончи шарманда бўлиши муқаррар, деб хулосалайдиган шоир, аммо бу орада у кундан-кун кишиларни хонавайрон қилиб, жамиятга катта зарар келтиришга улгуради. Афсуски, инсонлар ўз ниятларини яширадилар, уларнинг қайси сўзи рост, қайси бири ёлгон эканини дафъатан ажратиб олиш қийин. Ёлгон минг хил чиройли “далилу исботлар”, ёқимли сўзлар орқали безаб-бежаб айтилади. Алишер Навоий ана шу яширин иллатларни ошкор қилиш орзуси сифатида рост ва ёлгонни ажрим қилувчи кўзгу хақида ёзди. “Сабъан сайёр” достонидаги туртинчи иклим мусофири подшога бир кўзгу тухфа этади:

*Тухфа келтирмиш эди бир кўзгу,
Ким уни тутса ҳар киши утру:
Чин деса, аксида сафо эрди,
Деса ёлгон — юзи қаро эрди.*

Подшо тухфани олгандан кейин мусофирга кўп муқофотлар бериб, “қани айтчи дунёда энг саховатли одам ким?” деб ундан сўрайди. Мусофир йиғит шохдан саҳийроқ одамни биларди, аммо шох хафа бўлмасин деб, “энг саҳий одам сизсиз” дейди. Шунда подшо кўзгуни мусофирнинг юзига тутди. Кўзгуда унинг юзи акси қоп-қора бўлиб кўринади, яъни ёлгон гапиргани аниқ бўлади.

Албатта, бундай одамларнинг ботиний дунёсини “аниқловчи” кўзгу, булоқ, дарахт, қушлар турли халқларнинг эртақларида бор. Бу — халқ орзуси, яъни ёлгон, фитналардан қутулишга восита қидириш эди. Навоий наздида эса кўзгу бу ерда — виждон, одамийлик ахлоқининг мезонидир. Одам ҳамма вақт виждон тарафида туриши ва кўнгил ойнасини пок сақлаши лозим. Шунда рости ёлгон бир-биридан ажралади, яхши-ёмон аниқланади.

Улуғ боболар ўғити қанчалик ҳаётий ва ҳамisha замонавий.

ОДИЛ ПОДШОҲ ҲАҚИДА БЕШ ТАШБЕҲ

Адолат Алишер Навоий ижодининг етакчи ғоясидир. Муаззам “Хамса” дostonлари, “Тарихи мулуки Ажам”, “Тарихи анбиё ва ҳукамо”, “Ҳолоти Саййид Хасан Ардашер”, “Махбуб ул-қулуб” номли насрий асарларида мазкур ғоя турли томондан олиб қаралади, хилма-хил образ ва тимсоллар, ҳикоя ва ривоятлар тасвири орқали адолатпарварликнинг жамият таракқиёти, юрт тинчлиги ва ободончилиги учун нақадар зарур ва аҳамиятли эканлиги исботлаб берилади. Бундан ташқари, Навоий Хусайн Бойқаро ва унинг ўғилларига юборган мактубларида адолатли давлат бошқарувининг усуллари, чора-тадбирлар нозик жихатлари билан конкрет ҳаётий мисоллар орқали тушунтириб берилган. Подшоҳ ва раият, подшоҳ ва лашкар ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштириш, узаро ишонч ва садоқатни юзага келтиришда адолат муҳим омил эканлиги бот-бот таъкидланади. Зулм ва зўравонлик аҳолини норози қилиб, узаро адолатни келтириб чиқарса, ҳалокат ва парокандаликка сабаб бўлса, одиллик, адолатли сиёсат бунинг акси ўлароқ, халқнинг давлатга ишончини мустаҳкамлайди, руҳини кўтаради, бунёдкорлик ишларига сафарбар этади.

Навоий ўзи амирлик лавозимида кўп йиллар фаолият кўрсатиб, жон-жаҳди билан адолат учун курашгани, бир қанча золим амалдорларни жазолаш, лавозимдан четлаштиришга эришгани тарихий манбаларда қайд этилган. Улуғ шоир, бир томондан, темурийлар салтанатининг давомийлиги, мустаҳкамлиги учун курашса, узаро низоларни бартараф этишга уринса, иккинчи томондан, турли касб эгалари, оддий одамлар, ожиз ва ночор кишилар химояси учун жонбозлик қилар, қулидан келганча “Навосиз улуснинг навобахши бўлишга” интиларди. Шу маънода у адолатни ҳаммадан бирдай талаб қиларди, одилликни инсоний фа-

зилат, ислоний ахлоқ қондаси деб таърифларди. Навоий назарида подшодан тортиб, вазиру амирлар, қозно муфти, хуллас, давлатнинг ҳар бир ходими, ҳар бир амалдор адолат талаби доирасида иш юритиши лозим.

Аммо ҳамма гап шундаки, деб таъкидлайди ҳазрат Навоий, подшоҳнинг узи одил бўлмаса, атрофига ростуи, софдил ва одил ходимларни туплай олмайди. Зеро, золим подшоҳ зулму ситам аҳлига таянса, одил подшоҳ адолат-парвар, халқпарвар кишиларга суяниб сиёсат юргизади.

Шу боис ҳам Алишер Навоий Искандар, Нуширавон каби одил подшоҳларни ўз асарларининг идеал қахрамонлари қилиб тасвирлаб, улардан ибрат олишга чакиради. Худди шу маънода насихат ва танбеҳлардан тузилган “Маҳбуб ул-қулуб” (Қалбларнинг севгани) асари ҳам “Одил салотин зикрида” деган боб билан бошланади ва унда қуйидагича таърифлар келтирилади: “Одил подшоҳ Ҳақдин халойиққа раҳматдур ва мамолликка мужиби амният у рафоҳат”.

Яъни: “Одил подшоҳ Аллоҳнинг халққа юборган раҳмати ва мамлакат учун омонлик ва юксалиш сабабчиси-дир”. Асарда айни ана шу икки жиҳат — юрт омонлигига асосланган сиёсат, аввало, яхшиликни, яхши инсонларни, меҳнат, ҳунар аҳлини ҳимоя қилиш ва қаззоб, ўғри, нобакор, қароқчио талончиларни сарою хонадонни, боғу бустони одил подшоҳ даврида “маъмур ва обод”, кампирларнинг йигирув чархи иш билан банд, қизлар “момуқ саваб”, иш йигириб, ўз осойишта меҳнатларидан завқланиб ашула айтадилар, шаҳарларнинг дуконларида савдо туну кун ривожа, масжиду мадрасаларда ибодат ва илм таҳсили беҳавфу хатар давом этади. Бундай подшонинг ҳимоясида “мактабларда атфол (ёш болалар) ғавғоси” авжида, ҳаммомлару қарвонсаройлар, меҳмонхона ва қироатхоналар саришта ва осойишта фаолият курсатади. Одил подшо “сиёсати ҳайбатидан савдо йуллари қароқчилардан холи”, фуқаро унинг олқиши ва дуосига ҳозир. Мамлакат адолат қуёши нури билан обод бўлгач, бошқа юртларнинг одамлари ҳам

бундай доруламон юртни кўришга хавасманд бўладилар ва келиб кўриб, ибрат оладилар, дейди Навоий. Халқ подшодан рози бўлса, Хак ҳам ундан рози бўлади ва эзгу ниятларининг амалга ошишига мададкор бўлади.

“Маҳбуб ул-қулуб” асарининг учинчи қисмида Навоий “Подшолар зикрида” деган янги бир боб очиб, бу мавзу устида яна тўхтайтиди. Бунда энди одил подшонинг беш сифати бешта ташбеҳ – ухшатиши билан тавсифлаб берилади. Ушбу сифатларда қадимги донишмандларнинг қарашлари, халқнинг асрий орзу-идеаллари заминда ҳосил бўлган фикр-таърифлар қисқа бир тарзда ўз ифодасини топган. Чунончи, одил подшоҳ кўприк, ўрмон, қуёш, баҳор булути ва бўз кигизга ўхшатилади. Кўприкка ўхшатилиши шу маънодаки, дейди Навоий “кўпрук махлуқотнинг ҳасиси ва шариф юкин кўтарур, аларни сув заҳматидин ва балчиғ машаққату ғилзатидин ўтқарур” (яъни: одамларнинг ҳар қандай юқини кўтаради ва уларни сув азобию балчиқ машаққати исканжасидан ҳалос этади). Ўрмонга ўхшатилишининг сабаби шуки, ўрмон барча жонзотлар, жумладан, одамлар, ҳатто даррандаю ваҳший жониворларга ҳам жой беради, паноҳига олади ва ўз “емак-ичмақларини етқаради”. Одил подшоҳнинг қуёшга ўхшатилиши эса унинг “нафъи ва саховату итқоми” оммага баббаравар этилиши боисидандир. Унинг адолат нури “шаҳар ва биёбонни равшан этар ва вайрону ободқа андин ёруғлиқ етар”.

Баҳор булути (саҳоб)дан ер юзи баҳраманд бўлгани, ҳаммаёқ яшил майса, гулу гулзорга бурканиб, кўклам нашидаси барқ ургани каби одил подшоҳ ҳиммати ва пок нияти туфайли “қаро туфрокдан дурлар сочилиб, нишлик тиконидан гуллар очилади”. Бешинчи ташбеҳни изоҳлаганда эса Навоий қуйидаги сўзларни ёзади: “ва баъзи турк ҳуқамоси (донишмандлари) ва бу эл оқилу доноси ўз таврлари билаки калом сурубтурлар, они (одил подшоҳни) бўз кийизга ўхшата масал урубтурлар”.

Навоий подшоҳга бундай нисбат берилишининг сабабини қуйидагича тушунтиради: биринчидан, кигиз

“сувдан ва тупроқдан юзига не келса, тахаммул қилур, (сабру андеша билан чидайди), яъни ўзига сингдирур”. санчикларга ҳам бардош беради. Аммо супурганда бу тупроқ ва сув бир зумда чиқиб кетади, санчиклар изи ҳам билннмайди, улар кигизнинг “юзига асар еткурмас”дан йўқолади. Кигиз бу ташқи таъсирни ўзига юқтирмайди. Иккинчидан, “агар икки мухолиф жамоат ҳар қайси бир тараф тортса, ҳар сори ул жамоат муносабати майл қилур, илик тортсалар, яна ўз ҳолига кўра йиғилур”. Яъни: бўз кигизнинг хусусияти шуки, уни икки томондан қарама-қарши турган одамлар ўзларига қарата тортсалар, ҳар қайси томонга бир оз чўзилиши, “ён бериши” мумкин, бироқ улар қўлларини кигиздан олган заҳоти кигиз яна ўз ҳолига қайтади...

Шундай қилиб, кўприк — ҳожатбарорлик, халқ юкини енгил қилиш, ишини осонлаштириш, қийинчиликлардан қутқариш рамзи бўлса, ўрмон — бағри кенглик, яхши-ёмонни сингдириш ва ўзаро келиштириш тими соли. Қуёш ва баҳор булути, ҳаётбахшлик, саховат, барчага баробар меҳру шафқат кўргуза олиш сифатини ифодалаб келган. Бу ташбеҳлар Шарқ адабиётида тез-тез учраб туришини ҳам қайд этмоқчимиз.

Бўз кигиз давлат бошқарувида бағоят керак бўладиган чидамлилиқ, сабру бардош билан узокни ўйлаб иш кўриш, жамиятнинг турли тоифа ва табақалари, гуруҳлар, қавмлар манфаатини ҳисобга олиб, устакорлик билан уларни мувофиқлаштиришга йўл топиш, бутун мамлакат, бутун жамият тақдири, дарди билан яшаш ва унлаб, юзлаб муаммоларни ақлу заковат қудрати, ўткир ва одил сиёсат тарозусига солиб, раҳбарлик қила олиш сифати, матонат ва босиклик фазилати рамзидир. Бежиз эмаски, туркий халқлар хон ва султонларни тахтга ўтказишдан олдин уларни оқ кигизга ўтқазиб, қасамёд эттириб, аҳду наймон қилганлар.

Бу ташбеҳлар шунга ишора этадики, адолатни ҳаётга жорий этиш, ҳар бир тadbир, қарор ва ҳукму фармонда буни ҳисобга олиш бағоят оғир ва масъулиятли

вазифа. Бунда давлат бошлиғида жуда кўп ижобий фазилат жамулжам бўлиши лозим. Бундан ташқари, Худо берган ақлу фаросат, фавқуллоҳда заковат билан бирга тажриба, кунчилиқка таъсир эта олин қуввати, раҳнамолик хислатлари ҳам мужассам бўлиши талаб қилинади. Албағга, одиллик конкрет шароитда, аниқ бир ниятни амалга ошириш учун қилинадиган ишлар жараёнида намоён бўлади. Хамма гап уша ниятнинг қандайлигида. Агар ният умум манфаатга қаратилган, кунчиликнинг ҳаётига ижобий таъсир этадиган бўлса, у адолатли ва хайрли, савоб ҳисобланади ва подшоҳни бу йўлда халқ куллаб-қувватлайди. Адолатнинг асосий мезони, маънавий пойдевори — бу ислом шарияти ва ундан келиб чиқадиган қоида-қонунларга амал қилиш деб қаралган. Чунки чинакам одиллик виждон, эътиқодимон билан ҳаммаънодир.

Алишер Навоий юқоридаги беш ташбехни келтириб, тушунтиргач, одил подшоҳлар ҳақида яна бошқа муносиб таъриф-таъенфлари борлигини айтиб, (чунончи, одил подшоҳ кую кузиларни бурилардан химоя қиладиган чупон каби ехуд мамлакат бир тана-вужуд бўлса, султон-жон каби), аммо, сўзни қисқа қилиш учун шу билан қифояланганлигини қайд этади.

Хуллас, Навоий назарида адолатли бошқарувнинг асосий белгилари қуйидагилар: 1) халқ осойишталигини таъминлаш учун угри, золим ва ноинсоф бадкорларни жазолаб, дунарманд, деҳқон, олиму орифларга уз ишлари билан шуғулланишга шарт-шароит яратиш; 2) мамлакат тинчлиги ва ободончилигини аераш; 3) савдо-сотик, тижоратга кенг йул очиш, карвон йулларини карокчилардан қуриқлаш; 4) турли мазҳаб, тоифа ва табақа, қавм ва миллатлар уртасида тотувлик, ҳамжиҳатликни юзага келтириб, барчани бунёдкорлик ишларига сафарбар этиш.

Кўриниб турибдики, ҳазрат Навоий ғоялари ҳамон долзарб, ҳамон инсонлар бахт-саодати учун курашадиган ҳар бир одам, айниқса, давлат ва мамлакат таракқиётига мугасадди шахеларга дастуриламалдир.

АДОЛАТ – ДАВЛАТ ПОЙДОРЛИГИНИНГ АСОСИ

Улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг асарларида миллий давлатчилигимиз маърифатининг бутун бир концепцияси ўз ифодасини топган. Ушбу концепция бир жиҳатдан, исломий манбаларда ифодаланган адолат ҳақидаги ғоялари, иккинчидан қадимги юнон файласуфлари ва ҳазрат Форобий қарашларини, учинчидан, тасаввуфдаги шоҳу дарвеш киёсига қурилган фикр-мулоҳазаларни уйғунлаштириб, камраб олгандир.

Аmmo шуниси борки, Навоий узок йиллар Хусайн Бойқаро салтанатида юксак лавозимларда ишлаб, ўзи ҳам сиёсат ва риёсатда, бошқарув ишларида обдон тажриба орттиради, куп ҳолларда зулм ва бедодликларнинг олдини олишга муяссар бўлади. Навоийнинг насихатлари, амалий тадбирлари туфайли Хусайн Бойқаро подшолигида барқарорлик ҳукм суриб, илм-фан, маданият ва адабиёт ривожланди, ободончилик юзага келди. Бу ҳаётий тажриба мутафаккир ва давлат арбоби бўлган бобомизнинг қарашларида акс этган.

Алишер Навоий она тилида улуғ адабий асарлар яратиб, халқнинг маънавий оламини юксалтириш баробарида темурийлар давлатининг барқарорлиги, давомийлиги ва мустаҳкамланиши учун ҳам курашиб, бу ишда ўзини масъул деб билди. Шу боис у наинки дўсти Хусайн Бойқарога насихат қилиш, уни огохлантириб туриш ва улуғ, эзгу ишларга йўллаш билан чекланди, балки Бойқаро фарзандлари – шахзодаларни тарбиялаш, уларга давлатчилик асосларини, Амир Темур уғитлари ва анъаналарини ўргатиш, танбеҳ ва насихатлар орқали таъсир этиб туришни ўз бурчи деб билган. Хусайн Бойқаро ўғиллари орасида тахт ва юрт талашини ҳали оталари тириклигидаёқ бошланган эди. Улар баъзан Бойқарога бўйсунмай, мустақил ҳаракат қилишга интилардилар. Бу ҳол Алишер Навоийни қаттиқ ташвишга солади. Шу учун у ҳар бир шахзодага алоҳида

мурожаат қилиш, ота измидан чиқмасликка даъват этади. Мамлакат яхлитлиги учун жон куйдиради. Айниқса, шоир катта ўғли Бадиуззамон Мирзога умид боғлаб, анчайин аччиқроқ гапларни айтади; “Ота рози — Худо рози”, деб уқтиради Навоий, “Отага қарши исён — Худого қарши исён билан баробар”. Менинг сўзларим оғир ботса ҳам айтаман, деб давом этади Навоий Бадиуззамонга ёзган бир мактубида, чунки насихатларим беғараз, ниятим эзгуликдир. “Ёшингиз узун бўлсун. Андоқ кам воқеъ бўлубдурким, бу қулнинг сўзин рад қилмиш бўлғайсиз. Эмди дағи бу қулнинг жони куйганда, узгаларнинг этаги куймас”¹.

Ушбу мактуб таъсирида Бадиуззамон отаси билан ярашиб, узр сўрайди ва бир урушнинг олди олинади. Бадиуззамонга юборилган бошқа бир мактубда эндигина Ироқ ва Курдистон ҳокимлигига тайинланган шахзода давлат бошқарувининг дастури бўладиган ўттиз икки банддан иборат фикрларини баён этади. Мактуб гарчи анъанага кўра насихат усулида ёзилган бўлса-да, бироқ унинг замирида талаб ва огоҳлантириш оҳанги ётади. Навоий баён этган фикрларни агар умумлаштирсак, куйидаги уч жиҳатга эътибор қилингани аён бўлади: 1) шохнинг ўзи шариат талабларига (яъни мавжуд қонунларга) амал қилиши ва бошқалардан ҳам шуни қатъий талаб қилиш; 2) раиятнинг ахволдан доимо хабардор бўлиб туриш, адолат истаб келганлар арзини мунтазам равишда эшитиб, зolimларни жазолаш; шох ва фуқаро орасида ўзаро ишонч ва муҳаббатни қарор топтириш; 3) девонда иш юритишни қатъий интизом асосида йўлга қуйиш, тамагирлик, порахўрлик, сусткашликка йўл қуймаслик.

Навоий яна шуни таъкидлайдики, мамлакатнинг ҳалол, виждонли кишилари, обрў-эътиборга эга уламолар, арбобларни кадрлаш ва уларга суяниш лозим.

Сийёсат адолат ва додхоҳлик асосига қурилангандаги давлат мустаҳкамланади. Мазлумлар ҳимоя қилинса, ёмонлар, талончи ва фирибгар-фитначилар жазоланса, бу бошқаларга ибрат бўлади. Улуғ шоир насихат

¹ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар туплами. 14-жилд. 186-бет.

хат килиб ёзади: “Алассабоҳ харамдан чиққач, девонда ўлтируб додхоҳ сўрулса, лағи додхоҳ сурарда ўзлук била машғуллук қилинса, агар бир мазлумга бировдин зулме ўтган бўлса, золимга андоқ сиёсат қилсақим, ўзга золимларга мужиби интибоҳ бўлса” (14-жилд, 187-бет). Яъни эрталаб нонуштадан кейин девонда ўтириб, арз билан келганларни қабул қилиши керак, яна шуки ҳар арзчининг арзи эшитилганда, диққат билан текширилиши, моҳиятига етиб бориб, агар ҳақиқатдан ҳам биров бир золимдан жабр курган бўлса, бу иш аниқлангандан кейин, золим шундай жазоланиши лозимки, бу бошқа золимларга танбеҳ бўлсин.

Шундан кейин подшо аркони давлат (амирлар, вазирлар)ни йиғиб, унда “мулк ва мол иши” муҳокама қилиниши керак. Навоий давлат ишида машварат, яъни кенгашиб иш қилишни қайта-қайта таъкидлайди. Кенгашларда нафақат “аркони давлат”, балки нуфузли шахслар, донишманд ҳақимлар ҳам қатнашиши мумкин. Аммо ҳар бирининг ўз ўрни, ўз мавриди бор. “Хайрат ул-аброр” достонининг йигирманчи мақолати шахзода Бадиуззамонга бағишланган. Бунда ҳам улуғ мутафаккир давлатни бошқариш масалаларига кенг тўхтаб ўтар экан, кенгаш, машварат билан иш юритиш зарурлигини таъкидлайди. Давлат бошлиғининг азму қарори, фикр-қарашлари шубҳасиз етакчилик қилиши лозим.

Аммо бошқалар билан кенгашиб, умумий хулосалар, қарорларга келиш жуда муҳим. Шунинг учун бир ишни шошма-шошарлик билан амалга оширишдан кўра, уни обдон уйлаб бошқалар фикри билан қисслаб пишириб, кейин татбиқ этмоқ фойдали. Чунончи шоир ёзади:

*Раёйингга ҳар амреки келди савоб,
Машваратсиз этма қиҳурга шитоб...
Айлама ўз раёйингга кун эътиқод.
Муътамад эл раёйидин иста кушод.
Шаҳқи раёйини этти кун писанд,
Раёй кўрар эл тилига солди банд.*

¹Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами, 7-жилд. 326-бет.

Бунн солдароқ қилиб тушунтирсак, шоир демокчики, эй шахзодам, сенда бирор бир фикр туғилса, уни дарров амру фармонга чиқариб ҳаётга татбиқ қилишдан олдин кенгашиб ол. Фақат ўзингнинг шахсий фикрингга суюнма, тўғри ниятли, ишончли одамлар фикрига ҳам қулоқ сол, ҳамма вақт ўз хоҳишини устун қўядиган подшоҳ яхши маслаҳат берадиган бошқа одамлар оғзига банд солади. Бу эса мутлақ бир фикр ва бир хоҳишнинг ҳукмрон бўлишини юзага келтирадигани, оқибатда шох яккаланиб, содиқ сафдошларидан ажралиб қолиши мумкин.

Демак, давлат миқёсидаги муҳим ишларни аъёнлар, аркони давлат билан, биринчи навбатда хайрихоҳ, покдил, ҳақгўй одамлар билан маслаҳатлашиб, кейин қарорлар қабул қилиш маъқул. Албатта, давлат ишида таъжил (тез бажарилиш керак бўлган) ишлар ҳам бор. Бунда шох ўзи қарор қабул қилиши шарт. Шунингдек, баъзи талбирларни таваккал қилиб амалга оширишга тўғри келади, деб давом эттиради Навоий, аммо шунда ҳам энг яқин одамлар билан маслаҳатланиш фойда беради.

Биз учун шоирнинг мана бу фикри ҳам муҳим:

*Бўлма малуа улса кенгашида талош,
Асру узун доғи керакмас кенгош.*

Яъни кенгаш пайтида баҳсу мунозара қизиқ кетса, сенга малол келмасин, одамлар фикрини эркин баён этишга изн бер, сабр-тоқат билан тингла. Бироқ кенгаш жуда чўзилса ҳам бўлмайди.

Бу Навоий ўз кузатишлари, амалий фаолиятидан чиқарган хулосаси, албатта.

Алишер Навоий девон юргизиш тартиби, ишни ўз вақтида пухта ва аниқ бажаришга қатъа аҳамият беради. Бунн у давлат бошқарувининг асосий омили деб ҳисоблаган. “Хайрат ул-аброр” достонида Бадруззамонга:

*Айлар ишинга чу бўлур дасрас,
Вақтидин уткарма ани бир нафас.*

(Бир ишга қул урдингми, уни бир дам кечиктирмай бажар) дея насиҳат қилса. “Мушшаот”даги 57-мақтубда бундай ёзади:

“Аркони давлатка хар ишким буџорудур, агар бутмаги бир кун муяссардур, агар икки ё уч кун. Андоқ муқаррар булсаким бот бутардек иш ҳамул кун арз қилиб жавоб олесалар. Кечрак бутур ишни тонгла (эртаси) ё индин ё мюдидин (муддатидан) утқармасалар...”

Яъни хар бир амру фармон белгиланган муддатда бажарилиши лозим. Бугунги ишни эртага қолдириш мумкин эмас.

Агар ғофилик ва сусканлик оқибатида иш орқага суриладиган бўлса, бунинг сабабкорлари аниқланиб қаттиқ жазоланиши керак. Айниқса, котиблар, нусха кўчирувчилар, муҳр босадиганлар ниҳоятда чаққон, пухтакор ва ҳалол бўлиши таъкидланади. Навоий дейдики, девон иши (яъни канцелярия) жуда ишжиқ, аммо ниҳоятда зарур соҳадир. Юборилаётган хатлар чиройли қилиб, дона-дона, аниқ иборалар билан ёзилсин, тавочи беклар (девон бошлиғи) ахлоқан пок бўлсин, парвоначи (хат ташувчи)лар чаққон ва мунтазам фаолият кўрсатсин.

Девон иши ҳақида туҳтар экан, Навоий икки жиҳатга эътибор беради: бири — шох амру фармонларни маҳаллий амирлар, ҳокимларга етказиш, иккинчиси — қўйдан келадиган хат-хабарларни подшоҳга етказиш. Хар икки томон ишида ҳам найсалга солини бўлмасин, дейди шоир. Бундан ташқари, баъзи амиру амалдорлар “мусулмонларнинг ишонин (ҳужжатиин) ортик тамаъ бирла кечга қўймасалар, шаръий ва қавлий ишонин (шартномани) бир чорсу муҳри билла ҳукм бўлгон кун-уқ бутқариб берсалар” (14-жилд, 189-бет).

Шу тариқа, улуғ шоир чегаралар ва шаҳарлар дарвозаларига ишончли кўрикчиларни қўйиб, “мустаҳкам ва мазбуг” (эгаллик қилиш) этини, меҳмонхоналар, қарвонсаройларни озода ва саранжом сақлаш, аскар ва зобитлар ахволдан доимо хабардор бўлиб туриш, “атрофдин келган бозургонлар (савдогарлар)нинг жонибин

риоят қилиш”, закот, солиқ ишларини тартибга солиб, вақф мулкларни қайта ҳисоб-китоб қилиб чиқиш, ортиқча жарима ва солиқларга тортмасликка чақиради. Навоий ёзади: “Жузвий жарима қилғонни қуллий сиёсат қилилса, бок йўқтур, то овоза олам мамоликига ёйилса, тужжорнинг ружуи кўпрак бўлса” (14-жилд, 191-бет).

Навоийнинг бу фикри ҳамма замонлар учун долзарблиги кўриниб турибди. Гап нима устида бораяпти? Маълумки, хориждан келган савдогарлардан бож-хирож, закот ундирилади. Бу ҳамма мамлакатларда мавжуд бўлган тартиб. Аммо айрим амалдорлар яна аҳолига кўшимча солиқлар соладилар. Натижада савдогарлар фойда кўрмаганлиги учун бундай жойларга мол олиб келмайдилар, оқибатда қимматчилик юз беради. Навоий бу ҳолни яхши кузатиб таҳлил қилган шекилли, шахзодага насихат қилиб дейдики, шох ана шундай кўшимча солиқ ундиришларни қатъий манъ қилиши лозим, токи бу гап бошқа мамлакатларга ёйилиб, тижорат аҳлининг қизиқиши ортсин, савдо-сотик ривожлансин.

Мактубда, бозорлардаги нарх-наволарни тартибга солиб туриш, харидорлар ҳақиқага хиёнат қилувчи товламачиларни жазолаш; йўллар, кўприкларни тузатиш, таълим-тарбияни йўлга қўйиш ҳақида ҳам тавсиялар баён этилган. Пойтахтда ва вилоят шаҳарлари, туман, кентларда масжидлар қошида мактаблар бўлиши зарур деб ҳисоблайди Навоий. Гап таълим-таҳсил хусусида борар экан, шуни қайд этмоқ жоизки, Алишер Навоий шахзодаларнинг ўзлари ҳам кенг маълумотли, билимли – маърифатдан баҳраманд одамлар бўлишини талаб қилган. Шуниси аниқки, шахзодаларга ҳарбий билимлар, давлат ишларини юргизиш қоидалари ёшликдан ўргатилган. Лекин бунинг ўзи старли эмас, деб ҳисоблайди Навоий. Шох — давлат бошлиғи, у юксак маънавиятли, доно ва оқил бўлмоғи даркор. Бунинг учун кўп ўқиш лозим.

Навоий “Хамса”да шахзодалар Бадиуззамон, Шохғариб Баҳодир, Султон Увайсга алоҳида боблар бағишлар экан, уларга диний ва дунёвий билимлар, айниқса

тарих, илми нужум (бунда у Улуғбекни ибрат қилиб кўрсатади), тиббиёт, адабиёт бўйича асарларни кўпроқ ўқиш, ўзидан аввал ўтган шоҳларнинг қилган ишларидан сабоқ олишни таъкидлайди.

Бадиуззамонга ёзган мактубида эса “Зафарнома”ни мутолаа қилиб, улуғ бобокалони Амир Темур фаолияти, давлатчилик тадбирлари устида мулоҳаза юритишга чақиради. Шоҳ ҳамма вақт огоҳ бўлиши керак.

Эурсан шоҳ — агар огоҳсен сен,

Агар огоҳсен — шоҳсен сен.

Огоҳлик деганда жуда кенг маъно назарда тутилади: Худодан огоҳлик, охиратни ўйлаб, савоб ишларга қўл уриш, нафсни тийиш, раият ва лашкар ахволидан хабардорлик ва ҳоказо. Умуман, Навоий ҳазратлари тушунчаси бўйича, подшо — Худонинг танлаган одами, бу ҳар кимга ҳам насиб бўлмайди. Одил подшо эса Худонинг бандаларига юборган неъматидир (золим подшо, бунинг акси ўлароқ, Худонинг қаҳри ва ғазаби нишонаси).

Айни шунинг учун ҳам подшо Худо олдида ва халқ олдида масъул. Подшолик тахтига ўтирган одам буни чуқур англаши ва шунга қараб сиёсат юргизиши лозим. Раият тинчлиги, юрт фаровонлиги кўп ҳолларда давлат бошлиғи бўлган подшонинг шахсига боғлиқ деб тушунтиради Навоий асрий шаклланган қарашларни давом эттириб. Подшо ахлоқи, подшонинг шахсий сифатларига шу боис катта аҳамият берилган. Зеро, подшо жамият сардори ва пешвоси лозим деб ҳисобланган, у нафақат сиёсий ҳаётнинг, балки иқтисодий-ижтимоий, маданий-маърифий ҳаётнинг ҳам марказида туради. Шоҳ ва раият ва лашкар бир-бири билан ўзаро ишонч ва содиқлик ришталари билан боғланган бўлиши лозим. Шоҳ раиятга зулм қилса, демак, аввало ўзига зулм қилади, дейди Навоий, чунки бундай пайтда раият шоҳдан юз ўгиради. Натижада шоҳ сиёсати инқирозга учраб, давлат емирилади. Демак, шоҳ ҳар қанча яқка ҳукмфар-

мо бўлмасин, аммо давлатнинг пойдевори халқдир. Шу боис “халқ рози — Ҳақ рози” деган шиор адолатпарвар подшоларнинг асосий принципи бўлган.

Бир-икки оғиз сўз Навоий талқинидаги адолат хусусида. Адолат ғояси Алишер Навоийнинг қарийб ҳамма асарларида турли йўсинда ифодаланган. “Подшо учун бир соатлик адолатли бўлиш олтмиш соатлик ибодатдан устун” деган пайғамбар ҳадиси тез-тез такрорланиб келади.

Яъни мамлакат бошлиғи учун адолатли бўлиш — энг катта фазилат, энг улуғ савоб.

Шунга ҳамоҳанг “Зулмкор мусулмон подшодан кўра, одил кофир подшо яхшидир” деган ҳадис ҳам шоир юрагидан жой олган. Бунинг мисоли Нуширавонни одилдиким, у исломда эмас эди, аммо адолатли ишлари тўғрисида жаннатий бўлди.

Аммо адолат аллақандай мавҳум тушунча эмас. Адолат қилиш — бу биринчи гада ўртада туриб, ҳақ ва ноҳақни ажратиш, гуноҳкор, зolimни жазолаш, мазлум одамни ҳимоя қилишдир. Шоҳ агар яхши-ёмонга бирдай муносабатда бўлса, бу одиллик эмас, балки зolimнинг тарафини олишдир.

Навоий “Ҳайрат ул-аброр” достонида шу муносабат билан ёзади:

Булса керак фикр ила шоҳи жаҳон,

Яхшига яхшию ёмонга-ёмон.

Иккисидин бир киби олса ҳисоб,

Мамлақати ичра тушар инқилоб.

Яъни шоҳ яхши, софдил одамлар тарафида туриб, ёмон, ёвузларга қарши курашиши керак, агар шундай қилмаса, раият норози бўлиб, мамлакатда инқилоб кутарилиши мумкин. Демак, адолат мамлакат осойишталиғи, ижтимоий-сиёсий барқарорлик, давлат пойдеворлигининг гарови, асос-негизидир.

Адолатли сиёсат деганда, Навоий кўп ҳолларда нафси бузуқ, халқ молига кўз тиккан амир-вазирлар ва бошқа мансабдор шахсларни назарда тутди. Чунки агар “аркони давлат” соғлом бўлмаса, давлат ишлари барорли бўлмайди. Золим амирлар порахўр қози ва садрларни шох жазолаб, мансабдан четлаштириши лозим. Шунда подшонинг обрў-эътибори ортади. Амру фармони зудлик билан бажарилади.

Навоий назарида подшонинг яширин айбқочилари, маҳрамлари, яқин маслаҳатчилари бўлиши зарур. Аммо улар ҳам ўз манфаатларини эмас, балки давлат ва шох манфаатини кўзлаб гапирсалар яхши. Лекин агар ўз манфаатини ўйлайдиган бўлсалар, унда фитна-фасодга берилиб, ёлғон хабарларни етказадилар, тухмат-бухтонни ишга соладилар. Энг ёмон ҳислат — бу ёлғончилик:

Ҳар кишинингким сўзи ёлғон эса,

Айлама бовар нечаким чин деса.

Ростгўй одам қасддан ёлғон гапирмайди, бироқ қазоб, ёлғончи одамнинг табиати шундайки, у ёлғон гапирмай туролмайди. Шу боис давлат хизматига энг ҳалол, ростгўй, садоқатли, муносиб одамлар тайинланиши лозим. Улар, шу билан бирга, ишчан, омилкор бўлсин, ижрочилик малакаси юқори бўлсин.

Навоий шу талаблардан келиб чиқиб бир нечта амалий тавсияларни баён этган. Чунончи: 1) ҳар кишининг қобилиятига қараб иш бериш; 2) бир вазифани икки кишига бермаслик, шунингдек, бир одамга икки вазифани юклаш ҳам ножоиз. Ҳар икки ҳолда ҳам масъулиятсизлик юзага келади ва иш бажарилмай қолади; 3) мансабдор шахсларнинг ишини назорат қилиб туриш, нопоклиги, хиёлати сезилган ходимнинг баҳридан ўтиш; 4) аммо агар ходим тухмат қурбони бўлган бўлса, ишини тафтиш қилиб аниқлаб, авф этиш ва керакли жойда ундан фойдаланиш; 5) итоат ҳалқасидан бош чиқармоқчи бўлган маҳаллий ҳокимлар, амирларни хиёнаткор сифатида қаттиқ жазолаш.

Умунан, Алишер Навоий гарчи тасаввуф ғоялари, мутлақ эзгулик, раҳм-шафқат ҳақидаги фикрларни куйлаган шоир бўлсада, аммо давлатчилик масалаларида у амалиётдан келиб чиқиб, Куръонда ифодаланган, Низомулмулк, Ғаззолий, Амир Темур томонидан ҳаётга татбиқ этилган “хавфу ражо” (қўрқиш ва умидворлик) тамойилини қўллаб-қувватлайди. Унинг адолат ҳақидаги фикрлари ҳам шу тамойилга мувофиқдир. Бунинг маъноси шуки, марказлашган давлат мустаҳкам ва хавфсиз бўлиши учун ҳар қандай айирмачилик, хиёнат ва зулм-ситамнинг олди олиниши шарт. Бунинг учун эса, барча шохнинг ғазабидан қўрқиши лозим. Аммо шох ёмонлик ва хиёнатни ўткир сиёсат билан бартараф этар экан, айна пайтда содиқ, вафодор хизматчилар, аёнларга марҳамат кўрсатиши, уларни сарафроз этиб туриши керак. Бу принцип лашкар тузиш ишида ҳам қўлланилади. Подшога содиқ лашкар душман устидан ғалаба қилиши мумкин, лекин лашкарбошилар норози бўлса, исён кўтарadi ва натижада душман ғалаба қилади. Навоий буни “Садди Искандарий” достонида Доро армиясининг мағлубияти мисолида кўрсатиб беради.

Алишер Навоийнинг одил шох тимсоли, адолат ҳақидаги ғоялари кўп тадқиқотларда қараб чиқилган. Аммо бу мавзу давлат қурилиши, давлат ва жамият муносабатлари, давлат бошқаруви тажрибаси нуқтаи назаридан ҳали батафсил ўрганилиши лозим. Бу миллий давлатчилигимиз тафаккурини ёритиш учунгина эмас, балки талай жиҳатлари билан ҳозир ҳам сабоқ бўлиши мумкинлиги тарафидан ҳам муҳим деб биламан.



УСТОД ВА ЁШ ИСТЕЪДОД

Мумтоз адабиётимиз бобокалони Алишер Навоийнинг сермазмун ҳаёти, шахсий фазилатлари, иқтидор ва камолоти замондошлари учун намуна бўлганидек, бу-гунги ёш ижодкорларимиз учун ҳам ибрат мактабидир. Маълумки, Навоий жуда кўп ёш ижодкорларга раҳна-молик қилган. Ўнлаб истеъдод соҳиблари – шоир ва муаррих, рассом ва хаттотлар бу қуёшсимон зотнинг химмати ва ҳамияти соясида вояга етганлар. Улуғ шоир истеъдод тарбияси борасида, таъбир жоиз бўлса истеъ-дод педагогикасини ишлаб чиққан. Истеъдодни таниш ва эътироф этиш йўллари, табиий қобилият, билим ва меҳнат, таҳсил ва абадий таъсир, рағбатлантириш ва талабчанлик, ахлоқий сифатлар ва унинг истеъдодга таъсири, гоёвий етуклик ва маҳоратни ўстириш каби масалалар Навоийнинг доим диққат марказида бўлган.

Аллома устознинг бу борадаги қарашлари унинг “Мажолис ун-нафоис”, “Хамсат ул-мутаҳаййирин”, “Махбуб ул-қулуб”, “Тарихи анбиё ва ҳукамо”, “На-сойим ул-муҳаббат” каби бир қатор асарларида шу-нингдек, замондошлари асарларида ўз ифодасини топ-ган. “Мажолис ун-нафоис”нинг учинчи ва тўртинчи мажлисларида ёш қаламкашлар ҳақида, ижод аҳлининг тарбияси хусусида сўз боради.

Навоий ижодкор шахс ҳақида гапира туриб, биринчи навбатда, унинг истеъдоди даражасини белгилайди. Чу-نونчи, “хуштабъ киши”, “яхши табълик йигит”, “табъи ҳам ҳофизаси ҳам яхши”, “табъғинаси бор”, “назмға май-ли бор” каби иборалар орқали шоирнинг ижодий иқти-дори, шеър айтиш маҳоратини фарқлайди. Шундан сўнг ёш ижодкорларни шеърятдаги қайси бир тур ёки жан-рига майли борлигини (ҳажвгўй, маснавийнавис, ғазал-саро, муаммочи) ҳамда унинг услубини (ошиқона шеър-га майл, орифона ижод, ҳазинлик, қувноқлик ва бошқа-лар) аниқлаб, шунга кўра тарбия, таҳсил талбирларини қўллайди. Хаддан зиёд ҳазин қуйловчи айрим ёшларни

кузатган шоир бунинг сабабини аниқлагач, эҳтиёткорлик билан уларнинг руҳини қутарган, фаол ва ишчан бўлишга чақирган.

Хусусан, ёшларнинг шахсий хислатлари, савияси, ахлоқ-одоби, таҳсил кўрган-кўрмаганлиги устозни кўп қизиқтирган. Камтарлик, мулойимлик, хушгавозе бўлиш, меҳнатсеварлик, бурролик, хозиржавобликни ижодкорнинг фазилатлари деб билган Навоий ялқовлик, паршонлик, жунунсифат юриш, кеккайиш, хавоийлик, шаробхурликка берилиш сингари ёмон одатларни қаттиқ қоралайди. Бу каби салбий хислатлар бир қанча ёш истеъдодларни нобуд этганлиги “Мажолис ун-нафоис” аса-рида қатор мисоллар билан кўрсатиб берилган: “Мавлоно Сафий... хушёрлиғ ва баса одамиваш ва ҳаё ва одоблиғ йиғитдур. Аммо сархушликда ўзга мохият бўлур, балки расвонамо бўлур эрди. Бу учурда тавбаға тавфиқ бўлди. Умид улким, истиқоматға ҳам мувофиқ бўлғай”.

Шероздан Хиротга ўқишга келган Саид Куроza исмли кимсасиз етим болани Навоий ўз тарбиясига олиб, унга алоҳида мураббийлар тайинлайди, “шафқат ва машаққатлар” кўргузади. Афсуски, кўп ўтмай болада ноҳўя қилиқлар зоҳир бўлади. Шоир уни тузатиш чораларини кўради. Аммо фойда бермайди. Оқибатда бу йиғит Хиротда туролмай, Самарқандга қайтади ва у ердаги хамрий — майхўрларга қўшилиб, бутунлай нобуд бўлади. Самарқандлик ёш шоир Саид Қутб Лакаданг эса бадахлоқлиги туфайли хибсага олиниб қатлга ҳукм этилади. Алишер Навоий орага тушиб қатлни бекор қилишга эришади. Лекин “ул нокастгина” бундан хулоса чиқармай, ўз юртига қочиб, ёмон ишларини давом эттиради. Бундай ҳоллар Навоийни беҳад ранжитган. Ўзини идора қилолмаган, яхшилиқни, ҳурматни билмаган кишилардан, гарчи уларда истеъдод нишонаси бўлса-да, чинакам ижодкор чиқмаслигини айтиб, уларнинг тақдирига ачинади.

Навоий танқидига учраган салбий хислатлардан яна бири — дангасалик, истеъдодни истифода қила билмасликдир: “Мавлоно Нодирий яхши таъби бор, аммо

кўп лаванддур. Муддате фақир била мусохибат эрди, узин лавандлигин забт қила олмади, яна уз ишини кейинга юборди”. Шоир Кабулийнинг “димогоида парешонлиғ ва таврида лавандлиғ” бўлганлиги учун таҳсилни охирига етказмаган ва муддаосига эриша олмаган. Хоразмлик Жоний деган шоирнинг эса “Хеле жунун зотида борким, салоҳият касбига монъедур, йўқ эрса гаробатлиғ табъғинаси бор”. Мавлоно Кавсарий “табъида назм айтур қобилияти бор, аммо машғуллук қилмас”.

Бундай ёшларнинг бир қисми Навоий ва Жомийнинг танбеҳларини кулоққа илиб, “туз йўлга” кирганлар, улуғ шоир бу ҳолни хурсандчилик билан қайд этиб, улар истиқболига умид билдирган.

Навоийнинг фикрича, ижодга дил боғлаган одамда албатта табиий истеъдод — табъ бўлиши лозим. Курук ҳавас билан шоирлик даъво қилиш ярашмайди. Энг ёмони шуки, деб куйинади шоир, курук назмни шеър атаб, “юз машаққат билан бир байт боғлайтурган, даъвосини эса етти фалакдан оширатурган”лар ҳам бор. Баъзан улардан биров яхши байт ҳам воқе бўлар, лекин бу ҳали шоирлик даъвосини қилишга ҳуқуқ бермайди. Ахир, шоир сўзида ҳақиқат ва маърифатдан баҳра берадиган маъно, шавқу завқ ва “шуълаафкан ҳарорат” бўлмоғи лозим.

Шоирона таркиблар дардли, ёниқ юракларда пайдо бўлади.

Ҳақиқий истеъдод нишонаси мавжуд одамда илм олишга иштиёқ ҳам, ҳофиза ҳам кучли бўлади. Навоий буни Румий, Саъдий, Ҳофиз, Жомий каби ёрқин сиймолар мисолида кўрсатади. Барча илмлардан хабардор бу донишманд зотларнинг эл орасида ҳаким-файласуф, шайх — йўл бошловчи каби табаррук унвонлар билан улуғланишларига боис шудир. Шоир стук файласуф, хирадманд одам бўлгандагина унинг сўзи халқ эътиборини қозонади. Бирок бу мартабага осонликча эришилмайди. Бунга катта заҳмат ва чидам, кунт, таълим ва таҳсил орқали муяссар бўлинади. Шунинг учун Навоий ҳофиза — хотира, зехн, фантазиянинг ролини

алоҳида таъкидлаб, такрорий мутолаа, машини хофиза — шеър ёдлашни тавсия этади. Машк қилиш, қайта-қайта ишлаш истеъдодни ўстиришга кўмаклашади: “Мавлоно Миракӣй ...кичик ёшлиқ хомтабъроқ йигитдур. Имкони бордурким, таъбиға кўп иш буюрса пухталик пайдо қилур”. Навоӣй даврида ёшларга таълим бериш поғонама-поғона кўтариллиш усулига асосланган эди. Яъни, савод чиқарилгач, аввал ўз устозидан таълим олар, кейинчалик, билим ва қобилияти тақозо этса каттароқ устозга қўл берар, сўнг яна улуғроғиға утар эди. Шу йўсин энг истеъдодли, сараланган ёшлар Жомӣй ва Навоӣйга шогирд тушардилар.

Қайси соҳага қўл урмасин, уни тез эгаллаб оладиган қобилиятли ёшлар Навоӣй замонида анчагина бўлган. Ҳам тарихчи, ҳам рассом, ҳам бастакор, бунинг устига яхши шоир ва ҳақимлик қўлидан келадиганлар катта ҳурматга сазовор эдилар. Бироқ Навоӣйни бир нарса ташвишга солади: кўп қиррали истеъдод соҳибларининг аксарияти шунча ҳунарни эгаллаган ҳолда амалда бирор соҳада ўзларини кўрсатолмайдилар. Улар гоҳ унга, гоҳ бунга уриниб, умрни беҳудага ўтказадилар. Кўп ўрганиш яхши, лекин муайян соҳада кишиларга фойда келтириш лозим. Одамларга нафи тегмаган истеъдод, амалга ошмаган ният қаби, кишига армондир.

Шу муносабат билан устод Навоӣй ёшларга бир соҳага ёки адабиётнинг маълум жанрига қўл уришдан олдин, қобилияти етиш-етмаслигини аниқлаб олиш лозимлигини ўқтиради. Иқтидорга қарамай беҳуда уриниш бор истеъдодни ҳам издан чиқариши мумкин. Маълумки, Хирот адабий муҳитида талайгина ҳамсанавислар майдонга чиққан. Улар орасида бир қадар муваффақиятга эришганлари ҳам бор. Бироқ кўнчилиги арзирли дoston битолмасдан, унутилган. Ваҳоланки, улар кичик жанрларда дурустгина ижод қилишлари мумкин эди. Навоӣй бундай ёшларнинг “катта” асарларидан кичик мисоллар келтириб, уларда етук санъаткорларга хос ҳаёл қила билиш қуввати, юксак маҳоратнинг етишмаслигини кўрсатади.

Улуғ шоир айрим ёшлардаги курук манманлик, са-лафларни назар писанд қилмай, ўзини ҳаммадан юкори кўйиш одатини ёмон кўрган. Куча-кўйда, мажлисларда кўкрагига уриб: “Мен Фирдавсий ишини бир ойда ба-жараман, Низомий қаршимда ип эшолмайди”, дегув-чилар устидан заҳарханда қилади; уларни камтарликка, сўз билан эмас, ип билан ўзларини кўрсатишга даъват этади. Жумладан, мавлоно Абдуллоҳ на “Шоҳнома”ни, на Низомий ва Деҳлавий “Ҳамса”ларини писанд қила-ди, Жомийни эътироф этадимиз-йўқми, маълум эмас, ваҳоланки “биз фақирлар ўзимизни ул жаноблар дас-турхонининг резачини деб биламиз”, дейди устоз.

Ёшлардаги ғурур, ғайрат ва шижоатни маъқуллаш лозим, бу — яхши сифат, бироқ уни хоксорлик, кам-тарлик билан омухта этмоқ даркор, деб билади Наво-ий. Бу борада Абдурахмон Жомийни ибрат қилиб кўрса-тади. Шунинг учун булса керак, сийистонлик қозизо-ланинг шеърингдаги қобишнати эътироф этса ҳам, ортиқча манманлигини ёқтирмайди. Уни Жомий ҳузу-рига юбориб уялтиради. Дустларнинг туғри, беғараз танқидини қабул қилиш кишига малол келтирса, жиз-закилик, танқидни тан олмаслик ижодкорга ярашмай-ди (Буни Навоий самарқандлик шоир Риёзий мисоли-да кўрсатган). “Мажолис ун-нафоис”да панд-насихат-ни қулоғига олмай, на истеъдодини, на илмини ишга соладиган “раъносифат ва худоройлик билан авқоти-ни (вақтини — Н.К) зое қилувчи” Осафий сингари та-касалтанг, хаёлнараст ёшлар, “йигитлик хою хаваси билан парешон” юрувчилар танқид этилади. Алишер Навоий ёш ижодкор тарбиясида меҳнат, унинг атро-фидаги кишилар, маслақдошлари катта урин тутади, деб таълим беради. У мавлоно Савсанний ҳақида ёзиб, дейди: “Озодаван кишидур, кўпроқ авқот Гавҳарнод-бегим мадрасаен теграсенда булур эрди, бефойда эл билла мусохибатлиг қилмас, невчунким, бежихат ма-шаққатларни узига раво курмас. Умид улким, бу дав-лат барчаға насиб булғай”. Ижодкорнинг қалби пок,

хаёти тоза, пияти эзгулик сари етакловчи экан, унинг дустлари, суҳбатдошлари ҳам шундай фозил, доно одамлар бўлмоғи лозим. Жоҳил, подонлардан узок юриш яхши, аммо гушанишилик макбул эмас, адабий маҳфилларга, мунозара-мусохабаларга катнашмоқ, хаётда фаоллик кўрсатмоқ пайҳомни тоблайти, ижодий имкониятларни юзага чиқаради.

Баъзи ёшлар салафларни мутолаа қилиш пайтларида бутунлай улар таъсирига берилиб қоладилар. Баъзан шундай ҳам бўладики, ўзлари билмаганлари ҳолда салафлар мисралари, ибораларини узлангчириб, ишлатиб юрадилар. Бундай “гасарруф”дан қутулолмаган киши мустақил ижод қилиш қобилиятини ҳам аста-секин йўқотди. Адабий таҳсил — маҳоратни эгаллаш воситаси, тақдир эса таъбининг йўқлигидан ниҳона эканлигини таъкидлайди Навоий. Табиий завқи, мустақил ижод этиш қобилияти бўлмай туриб, “ўзини шеърга мансуб” деб кўрсатувчи “эл қошида шеърхонлик” қилувчилар адабиётнинг офатлири, шеърятни улардан пок тутиш лозим.

“Мажолис ун-нафоис”да зикр этилган ёш шоирларнинг қонлари билан Навоий шахсан таниш бўлган, суҳбат қилиб, синаб кўрган, хулқини кузатган. Лекин шоир ўзи танимаган — “эмди пайдо бўлгон” ёшларнинг шеърлари ҳақида ҳам фикр юритиб, ҳолисона баҳолайди ва улар ижодига ривож — оқ йўл тилайти. Бу жиҳатдан ҳам улуғ устознинг тугган йўли ибратлидир. Чунки устоз оқ йўл тилаганда ёш ижодкорнинг ютуқлари билан бирга қусурларини ҳам кўрсатар, келгусида қусурлардан қутулиш чораларини тавсия этар эди.

Алишер Навоийнинг яна бир одати ғоят ибратлидир. У янги пайдо бўлган истеъдодли ёшларни ҳузурига чақириб суҳбатлашган, синовдан утказган. Бунга истеъдодли адиб Зайниддин Восифийнинг “Бадоеъ ул-вақоеъ” асарида келтирилган воқеа ғоят ибратлидир. Адиб ўзининг бошидан утган саргузаштни ҳикоя қилган. Восифий ёшлигидан мураккаб маъноли асарларни севиб ўқир экан, айниқса, киши исмлари яширини-

ган “муаммо” жанрига қизиқиб, кўплаб муаммоларни ечган, бир нечта устозлардан таълим олган. Унинг қариндони Соҳиб Доро Мир Алишер Навоийнинг мулозими бўлган. Соҳиб Доронинг қайд қилишича “Мир Алишер ҳар кун фақирни чақириб, бугун бир шаҳарда (яъни Хиротда) бўлиб ўтган ажойиб ва ғаройиб нима кўрдинг ёки эшитдинг, сузлаб бер”, деб сурар экан. Соҳиб Доро илму адаб дунёсида етишиб келаётган ва номи чиққан истеъдодлар, янги битилган китоблар ҳақида гапириб берган. Навбатдаги учранувлардан бирида Восифий маҳорати ҳақида гапирганда, Навоий эртагаёқ уни ҳузуримга келтир, деб таъкидлайди. Соҳиб Доро Восифий билан бирга яна уч ёш шоирни олиб боради. Восифий узининг хаяжонлари, ҳазрат Навоий сиймосини кўришга муяссар бўлганини тулқинланиб ёзган. Навоий ёш йиғитнинг билим қобилиятини янги айтилган бир муаммо орқали синамоқчи бўлади. Восифий бу муаммони ашлақачон ёллаб олганини, маъносини билишини айтганда, Навоий таҳсин айтиб, йиғитга оқ йул тилайди.

Ушбу воқеа ҳазрат Навоийнинг қизиқувчанлиги, Хирот адабий ҳаётининг гуллангани бевосита назорат қилиб тургани ёшларга ҳар жиҳатдан кўмаклашганини узининг бурчи деб қараганини кўрсатади.

Бежиз эмаски, Алишер Навоий ҳоҳ бошловчи, ҳоҳ тажрибали шоир ҳақида гапирмасин, энг аввало улар асарининг тили, бадий санъатларни ишлатишдаги новаторлиги, фикрнинг ифода усули ҳамда образлар билан қанчалик уйғун, мутаносиб эканлигига эътибор беради. Шеърнинг маъноси деганда улуғ шоир янги ифодалар орқали завқ бағишлайдиган таъсирчанликни назарда тутади. Шоирнинг ҳаёлотни кучли иборалари латиф бўлса — шеър шунча “қушга маҳуб”дир. Шеърний тил алоҳида қонуниятларга эга, у “эъжоз мақомида турин” лозим. Равонлик ва латофат сероханлик ва сермаънолик, хуллас, бадий мукаммаллик ҳамма учун бирдай талаб мезонидир. Бутун-бутун дostonларда бит-

та қофия ё бир ухшатиш ноурин бўлса, танқид қилиниб, тузатилиши талаб этилган. Бу шаклбозлик эмас, балки сўз санъати учун, бадиият учун кураш, гузалликни ҳимоя қилиш эди.

Алишер Навоийнинг маданият ва маънавият, адабиёт тараққиёти учун қилган ишлари, ёш истеъодлар тарбиясига ғамхўрлиги ҳозир ҳам аҳамиятли ва ибратлидир.



МУНДАРИЖА

Арузий талаффуз.....	3
1-газал. "Ашрақат..."	11
2-газал. "Зиҳи ҳуснунг зуҳурини тушуб..."	17
3-газал. "Эй, сафҳайи руҳсоринг..."	21
4-газал. "Ул париванқим..."	25
5-газал. Кўргали ҳуснунгни..."	30
6-газал. "Заврақ ичра ул қуён..."	33
7-газал. "Қунғлум уртансун..."	36
8-газал. "Даҳр элидин..."	39
9-газал. "На хун булғай..."	42
10-газал. "Ёраб, улус ниҳони эмастур..."	46
11-газал. "Ёрдин айру қунғул..."	49
12-газал. "Эй насими субҳ..."	52
13-газал. "Ҳусни ортар..."	55
14-газал. "Ноумиде мен киби..."	58
15-газал. "Ёридин ҳеч ким менингдек..."	62
16-газал. "Жунун водийси..."	65
17-газал. "Тийра кулбамга кириб..."	69
18-газал. "Долагун тун ичра, е Раб..."	72
19-газал. "Отанин гул барғидин..."	75
20-газал. "Жилваму айлар..."	78
21-газал. "Жонга чун дермен..."	82
22-газал. "Бир кун мени..."	85
23-газал. "Ул қуён Оқ уйдаву..."	88
24-газал. "Зиҳи ҳар лаҳни булбул..."	91
25-газал. "Эврулай бошинга..."	94
26-газал. "Бировки амр хилофидин..."	97
27-газал. "Ийди руҳсоринг қуруб..."	101
28-газал. "Манга не манзили маъво аён..."	104
29-газал. "Менмудўрменқим..."	108
30-газал. "Тун оқшом келди..."	113
31-газал. "Эй сабо..."	117
32-газал. "Зулфунг очилиб..."	121
33-газал. "Қон юғуб..."	125
34-газал. "Меҳр кун қурғуздим..."	129
35-газал. "Булмин андоқ мунқатиб..."	133
36-газал. "Бу кун аҳли жаҳондин ҳастахотирмен..."	137
37-газал. "Тун оқшом келдию келмас..."	141
38-газал. "Ғар жафо қил, ғар вафоқим..."	145
39-газал. "Бақо дашти..."	149
40-газал. "Фалақдин ғар сенга..."	153

41-газал. "Каманг учига еткурмас..."	157
42-газал. "Қаро кузум..."	174
43-газал. "Хар лабниг..."	189
44-газал. "Ахтарин инқ этти..."	199
45-газал. "Эрур кунгулда сафо..."	208
46-газал. "Аҳд қилдим, инқ лафзин..."	217
47-газал. "Соқиб, талх улди айвин..."	227
48-газал. "Ҳар гилоким..."	234
49-газал. "Очмагай эрдинг..."	263
50-газал. "Паризодеки, мушкин зулфи..."	271
Илова	
"Аҳди камол корхонасининг комили"	276
Ажрим қилувчи кўзгу	283
Одил подшоҳ ҳақида беш ташбеҳ	290
Адолат — давлат бойдорлигининг асоси	295
Устод ва ёш истеъдод	305

Илмий нашр

Нажмиддин Комилов

МАЪНОЛАР ОЛАМИГА САФАР

Муҳаррир: *Олимжон Давлатов*
Бадиний муҳаррир: *Иброҳим Жўра*
Мусахҳиҳ: *Иноят Убайдуллаева*
Компьютер ишлари: *Райхона Яхшибоева*
Техник муҳаррир: *Мухтарама Ниёзова*
Саҳифаловчи: *Уддубек Саидов*

83.3(5У)1

К64

Комилов, Нажмиддин.

Маънолар оламига сафар: Алишер Навоий ғазаллари-
га шарҳлар / Н. Комилов. –Т.: Tamaddun, 2012. – 316 б.

Лицензия: АЛ №136. 27.04.2009 й.
Босишга 20.04.2012-й. да рухсат этилди. Бичими 84x108 ^{1/32}.
Гарнитура TimesUZ. Оффсет усулида чоп этилди.
Шартли босма табоги 19,75. Адаши 2000 нуса.
Нархи шартнома асосида.
183 рақамли буюртма.

«Тамaddon» нашриети, 100129. Тошкент ш., Навоий кучаси, 30.
Тел.: (371) 244-42-65. Факс: (371) 244-42-54.

Бафур Фулом номидани нашриет-матбаа ижодий уюнда чоп этилди.
100128. Тошкент. Шайхонтохур кучаси, 86.



ISBN 978-9943-377-70-7



9 789943 377707

